

Э. ҒОЗИЕВ

ПСИХОЛОГИЯ

(Еш даврлари психологияси)

*Педагогика институтлари ва
университетларнинг талабалари учун
ўқув қўлланма*

ТОШКЕНТ «ЎҚИТУВЧИ» 1994

Ушбу қўланма икки қисмдан иборат бўлиб, биринчи қисмида ёш давлари психологиясининг вазифа ва методлари, ёш босқичлари муаммолари баён қилинган.

Қўланманинг иккинчи қисмида ёш давларнинг хусусиятлари ва жинсий тафовутлар муаммолари, чақалоқлик, гўдаклик, илк болалик, кичик мактаб ёши, ўсмирлик, ўспирнилик, етуклик, кексайиш, кексалик ва узоқ умр кўришнинг хусусият ва қонуниятлари ифодаланган. Ҳар бир ёш даври (босқичи)нинг ўзига хос хусусиятлари бой тажриба материаллари асосида ёритилган.

Қўланма университет ва педагогика институтларининг талабаларига мўлжалланган.

52

Ғозиев Э.

Психология: (Ёш давлари психологияси):
Пед. ин-тлари ва ун-тларнинг талабалари учун
ўқув қўлл.— Т.: Ўқитувчи, 1994.—224 б.

Ғозиев Э. Психология.

ББК 88я73

Ғ 0303010000—18 —94
353 (04)—94

© «Ўқитувчи» нашриёти, 1994

ISBN 5-645-02171-1

Ижтимоий ҳаётимиздаги инқилобий ўзгаришлар, мустақиллик, республикамизда демократиянинг тантанаси учун кураш, ҳуқуқий давлат тузишга интилиш инсонпарвар психологиянинг қонуниятлари ва илмий материалларини ўрганиш, улардан турмушда фойдаланишни талаб қилади. Мазкур психологиянинг ғоялари эрк шарофати, демократик ҳаракатлар ва ошкораликнинг кенг қулоч ёйиши туфайли ижтимоий турмушнинг барча жабҳаларига кириб бормоқда.

Кўп йиллар мобайнида инсоннинг ҳақ-ҳуқуқларини чеклашга асосланган ижтимоий тарбия — халққа робот сифатида муносабатда бўлишга, уни буйруқни сўзсиз бажариш ва итоаткорликка одатлантиришга қаратилганп учун ҳақиқий этнопсихологик, умумпсихологик ва психогеронтологик қонуниятларни фуқаролардан мутлақо сир тутган.

Озодлик бой маънавият ва руҳият илмидан оқилона, одилона ва омилкорлик билан фойдаланишни тақозо қилмоқда. Ҳозирга қадар ёш психологиясининг соҳалари — чақалоқлик, гўдақлик, илк болалик, мактабгача, кичик мактаб, ўсмирлик, ўспиринлик, ёшлик, етуклик, кексайиш, кексалик даврлари бўйича бебаҳо илмий-амалий маълумотлар тўпланган. Эндиги асосий вазифа ана шу маълумотларни ижтимоий ҳаётнинг барча жабҳаларида қўллашдан иборат. Одамга чақалоқлигидан кексалик давригача унинг ички имконияти, майли, иқтидори, қобилияти, ақл-заковати, қизиқиши, иродаси, ҳис-туйғуси, диққати ва билиш жараёнларининг хусусиятларига кўра индивидуал муносабатда бўлиш ёш психологиясининг инсонпарварлик ғояларидан биридир. Унинг муҳим хусусияти ҳар бир даврдаги ривожланишнинг ўзига ҳос қулай (сензитив) ҳолатидан унумли фойдаланишдир ва шундагина ўсишдан орқада қолишнинг олдини олиш мумкин.

Ҳар бир ёш даврining психологик хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда тарбиявий таъсир ўтказиш инсон-

да ўз вақтида ўзини англашни вужудга келтиради. Болада ўзини англаш туйғуси қанча эрта уйғонса, шахсий нуқтаи назар, ўз ҳуқуқини ҳис этиш, ўзининг ақлий ва жисмоний имкониятларини баҳолаш шунчалик тез пайдо бўлади. Худди шу аснода инжиқлик, ўжарлик ва қайсарлик каби иллатлар таркиб топишига руҳий тўсиқ вужудга келади. Шахслараро муносабатдаги қарама-қаршилик, инқироз ривожланиш қонунларига лоқайд қарашнинг оқибатидир. Инсон психикасидаги умидсизлик, ижтимоий адолат учун курашиш руҳининг ўзгариши — назария билан турмуш номуносивблигининг маҳсулидир. Одамларда эътиқод, дунёқараш, идеал, муомала, мулоқот, мустақил хулқ-атвори самарали шакллантириш кўпроқ юқоридаги омилларга боғлиқдир. Кишидаги ташаббускорлик ҳамда тўсиқларни енгишга интилишни аниқлаш ва уларга ёш психологияси хусусиятларидан келиб чиққан ҳолда руҳий туртки бериш мақсадга мувофиқдир.

Таълимнинг барча босқичларида унинг самарадорлигини ошириш ёш психологиясининг қонуниятларига суянмоғи зарур. Болалар жамоаси, оила муҳити, меҳнат жамоаларида шахслараро илиқ муносабатни шакллантириш ёш даври хусусиятларини инобатга олишнинг маҳсули саналади. Ҳатто, кишининг узоқ умр кўриши ва унда ишчанлик қобилиятининг сақланиши, истиқбол режаси ва мақсади билан яшаши ҳам ёш хусусиятларини ҳисобга олиб мулоқотда бўлишнинг мевасидир. Умуман ижтимоий ҳаётнинг барча жабҳаларида оила, тарбия муассасалари, ишлаб чиқариш корхонаси ва жамоат ташкилотларида ёш психологиясидан фойдаланиш таълим ва тарбиянинг шахслараро илҳомий муносабатлар ўрнатишнинг, ишлаб чиқариш самарадорлигини оширишнинг гаровидир.

Бўлажак ўқитувчилар учун мазкур курс бўйича олинадиган билимлар жуда муҳим аҳамиятга эга. Маълумки, ўқитувчи ижтимоий ҳаётда ўзига юкланган турли вазифа ва ролларни муваффақиятли амалга ошириш учун ёш психологияси маълумотларини қўллаши шарт.

Муаллиф ёш психологияси бўйича мураккаб дастурга асосланиб ўзбек тилида илк бор яратилган ушбу қўлланма ҳақидаги фикр ва мулоҳазаларни кутади.

Нашриёт манзилгоҳи: Тошкент, 700129, Навоий кўчаси, 30. «Ўқитувчи» нашриёти.

БИРИНЧИ БОБ

ЕШ ДАВРЛАРИ ПСИХОЛОГИЯСИ ФАНИНИНГ ВАЗИФАЛАРИ ВА ТАДҚИҚОТ МЕТОДЛАРИ

1. Еш даврлари психологияси фанининг вазифалари ва аҳамияти

Еш даврлари психологияси фанининг мавзу баҳси турли ёшдаги одамларнинг (болалар, ўқувчилар, катталар, эркаклар, аёлларнинг (онтогенезда) туғилганидан умрининг охиригача) психик ривожланиш жараёнини, шахснинг шаклланиши ҳамда ўзаро муносабат қонуниятларини ўрганишдан иборатдир. Еш даврлари психологияси инсонда турли психик жараёнлар (сезги, идрок, хотира, тафаккур, хаёл ва ҳоказолар) ривожланишининг ўзига хос хусусиятларини, унинг ҳар хил фаолиятини (ўйин, ўқиш, меҳнат каби), эр ва аёлнинг жинсий тафовутларини, шунингдек, инсон шахсининг таркиб топишини илмий жиҳатдан тадқиқ қилади.

Инсон руҳиятининг ривожланиш даврларини аниқлаш, шу соҳадаги маълумотларни тўплаш ҳам мазкур психологиянинг мавзу баҳсига киради. Боланинг туғилишидан вояга етгунича ҳар томонлама ривожланиши, жамиятнинг тенг ҳуқуқли аъзоси бўлгунича улғайиши ва шахснинг таркиб топиши муаммоларини, буларнинг психологик механизмларини аниқлаш ва шарҳлаш ёш даврлари психологияси соҳасининг муҳим жиҳатидир.

Бола жамиятнинг аъзоси, мукаммал шахс сифатида муайян ижтимоий муҳитда камол топар экан, унинг бутун билиш жараёнлари, ўзига хос хусусиятлари ва руҳий ҳолатлари, онги ҳам ривожланади. Ана шу ривожланиш натижасида унинг психикаси, онги гўдакнинг дастлабки оддий акс эттириш (инъякос) тарзидаги содда онгидан балоғатга етган инсонларга хос теварак-атрофни, борлиқни, одамларни аниқ, яққол, тўла ва англаб акс эттириш даражасигача ривожланади.

Инсон зотининг турли жиҳатларини ўрганиш билан болалар анатомияси ва физиологияси, олий нерв фаолияти физиологияси, гигиена, педагогика, этнография каби фанлар шуғуллангани каби боланинг камол топишидаги қонуниятларни, унинг психикасини, онгининг

ўсишини белгиловчи ижтимоий омиллар ҳамда психологик механизмларни, умуман, инсон зотининг туғилганидан вояга етгунича психик ривожланишини психология фанлари системасининг алоҳида соҳаси — болалар психологияси фани ўргатади ва тадқиқ қилади.

Боланинг психик ривожланишини кузатган психологлар (Л. С. Виготский, П. П. Блонский, А. Валлон, Ж. Пиаже ва бошқалар)нинг аниқлашича, мазкур ривожланишнинг ўзига хос хусусиятларга эга бўлган (сензитив — қулай) даврлари мавжуд бўлиб, улар боланинг ўзи яшаб турган муҳитда (боғча, оилада) тутган ўрни, билиш жараёнлари, ўзига хос хусусиятлари, ҳолатлари, шахси ва онгининг ривожланиши даражаси билан боғлиқ бўлади.

Тадқиқотчиларнинг уқтиришига кўра, табиат ва жамиятнинг қонунлари сингари камол топаётган бола шахси ривожланишининг ҳам ўз қонунлари бор. Бу қонунлар психология фанининг махсус тармоғи — болалар психологиясининг предметига киради. Ёш даврлари психологияси соҳаси инсон психикаси фақат миқдор жиҳатдан эмас, балки сифат жиҳатдан ҳам ривожланиши, такомиллашиб бориши ва ўзгариши ҳақидаги методологик қоидага амал қилади.

Ҳар бир фаннинг ўз предмети борлиги сингари болалар психологиясининг ҳам ўзи текширадиган соҳаси ҳамда тадқиқот методлари бор.

Умумий психология психика ва унинг зоҳир бўлиши, ривожланиш қонуниятлари ҳақидаги фан бўлса, ёш даври психологияси турли ёшдаги инсонларнинг (жинсларнинг) психик ривожланиши, психик хусусиятлари ва буларнинг ўзига хос омиллари, мезонлари ҳамда механизмлари ҳақидаги фандир. Шунингдек, у муайян ёшдаги инсонларнинг фақат ўзига хос хусусиятларини ҳам ўрганади. Шунинг учун ижтимоий ҳаётда, таълим ва тарбияда, гуруҳлар ҳамда жамоаларда, ишлаб чиқаришда, оилавий муносабатларда ёш даврлари психологияси алоҳида ўрин тутаетди. Инсон шахсининг таркиб топиши ва билиш жараёнларининг ривожланиши муаммосини инсон психикасининг ривожланиши қонунларини ҳисобга олмай оқилона ҳал қилиб бўлмайди. Шунинг учун ҳозир «инсон омили» масаласи долзарб мавзуга айланди.

Ёш даври психологияси — инсон психикасининг ривожланиш қонуниятлари ва хусусиятлари ҳамда шу ривожланишнинг босқичлари тўғрисидаги фандир.

Ёш даврлари психологиясининг асосий вазифаси шахсининг камол топиши қонуниятлари ва турли ёш давридаги одамларда вужудга келадиган психик фаолият, ҳолат ва шарт-шароитларнинг ўзаро таъсири хусусиятларини аниқлашдан иборатдир.

Ёш даврлари психологияси ана шу вазифани ҳал қилиш билан амалий мақсадларни рўёбга чиқаради: таълим-тарбия ишларини такомиллаштиришга ёрдам беради, моддий неъматлар ишлаб чиқаришнинг самарадорлигини оширишга, миллатлараро муносабатларни яхшилашга, шахслараро мулоқотни тўғри йўналтиришга, жамоада ижобий психологик иқлим яратишга, узоқ умр кўриш сирларини очишга, оилавий муносабатларни мустаҳкамлашга, ажралишларнинг олдини олишга хизмат қилади. Камолотнинг турли даврларидаги инсоннинг ёш ва жинсий хусусиятларини ҳисобга олмай туриб юқоридаги вазифаларни ҳал қилиб бўлмайди.

Мазкур психология фанининг соҳаси алоҳида предмет сифатида XIX асрнинг бошларида вужудга келган, лекин дастлабки илдизи қадимги юнон маданиятига бориб тақалади. Унинг предмети ва қонуниятлари тўғрисида жаҳон психологияси оламида турли қарашлар ва назариялар мавжуд. Уларнинг жуда кенг тарқалганлари биогенетик (В. Штерн), социогенетик (К. Левин), бихевиористик (Э. Торндайк), психоаналитик (З. Фрейд) назарияларидир. Шунингдек, илмий методларга асосланиб тадқиқотлар олиб борган олимлар ҳам жуда кўп. Улар тўғрисида кейинги саҳифаларда тўхталинган.

Илмий психологик адабиётлар, эмпирик маълумотлар ёш даври психологиясининг мустақил фан сифатида ажралиб чиқишига қатор омиллар ва ҳолатлар сабаб бўлган, деган хулосага келдик. Қуйида ана шуларни баён қиламиз.

1. Барча фанлар негизига кириб борган эволюция ғоясининг (Ч. Дарвин) инсон психикасининг ривожланиши жараёнида ўрганиш зарурлиги.

2. Умуминсоний, умумпсихик қонуниятлар турли ёшдаги одамлар хатти-ҳаракатини, психик хусусиятларини ва болаларнинг ўсишига бирор фаолиятнинг таъсирини аниқлаш учун етарли эмаслигини эътироф этиш.

3. Ёш даврлари психологияси инсоннинг (туғилганидан умрининг охиригача) камолоти учун методоло-

гик ва назарий аҳамиятга эга эканлиги тан олингани.

4. Турли ёшдаги одамлар (мактабгача ёшдаги болалар, мактаб ўқувчилари, ўрта ва олий ўқув юртларининг талабалари, ишчилар, ходимлар, қариялар ҳар хил психологик хусусиятларга эга эканлиги сабабли тарбия, ишлаб чиқариш, ижтимоий-таъминот муассасалари, етимхоналар, болалар уйлари, колониялар, махсус мактаблар, интернатлар, психо-неврологик диспансерлар, қариялар уйлари, шифохоналар ва бошқалар) нинг ходимларида эҳтиёжлар ортиб бораётгани.

5. Тиббиёт фани ва унинг тармоқлари ривожланиши, психиатрия, психо-неврология, психогигиена, сангигиена, болалар ва катталар патологияси, нейрохирургия, генетика, олий нерв фаолияти ва ҳоказолар бўйича комплекс тадқиқотларнинг вужудга келиши, психология, биология, медицина, социология фанларининг ҳамкорлигида илмий тадқиқот ишлари олиб борилиши.

6. Юридика (Ҳуқуқшунослик) психологияси ва унинг соҳалари ижтимоий ҳаётимизда сезиларли ўрин эгаллаётгани ҳамда ёшлар ўртасида қонунбузарликнинг ортиб бораётгани (суд иши психологияси, криминал психология, пенитенциар ёки ахлоқ тузатиш меҳнати психологияси; вояга етмаган қонунбузарлар муаммоси ва жиноятнинг олдини олиш масалалари).

7. Амалий психологиянинг ижтимоий-сиёсий тус олаётгани ва турмушнинг ҳар бир жабҳасига кириб бориши, шунингдек, ўз ўрнини топаётгани (психологик консультациялар, маслаҳатлар, ауто ва социал тренинглар, ишбилармонлик ўйинлари, профессиограмма, психодиагностика ва ҳоказоларга талаб ортиши).

8. Психология фани соҳаларининг инсон онтогенезидаги ўзгаришларга доир, билимларга эҳтиёжи ва талаби ортаётгани (ҳарбий, спорт, савдо, меҳнат, қосмик, инженерлик, ижод, авиация психологияларига аниқ материаллар зарурлиги).

9. Экология муаммолари, зоопсихология ва этология вазифалари, миллатлараро муносабатларни барқарорлаштириш, инсонпарварлик ғояларини турмуш тарзига олиб кириш масалаларининг долзарблиги (экология ва инсон, қиёсий психология, шахс психологияси, этник психология ва ҳоказолар).

10. Моддий ишлаб чиқаришни кўпайтириш, саноатда ва қишлоқ хўжалигида кишиларнинг ҳақиқий хўжайинлик туйғусини уйғотиш, ақлий ва жисмоний имкониятларни қидириш, ишлаб чиқариш самарадорлигини

ошириш, инсон — инсон, инсон — техника, ер — инсон, инсон — иқлим муносабатларини изчил ўрганиш зарурлиги.

11. Оилавий муносабатларни яхшилаш, ажралишларнинг олдини олиш, иноқ оила яратиш, ёшларни турмушга тайёрлаш, ўз жонига қасд қилиш ҳолларини бартараф этиш, оилада тенгҳуқуқлилиқни қарор топтириш ва болалар тарбиясини яхшилаш вазифалари.

12. Инсон узоқ умр кўришининг сирларини — герантопсихологик қонуниятларни очиш ва тарғиб қилиш, давлат муассасаларида психологик билимлардан ўз ўрнида фойдаланиш, узоқ умр кўришга замин тайёрлаш, қариялар пансионатларида уларнинг руҳиятига мос муносабатда, одилона мулоқотда бўлиш кераклиги ёш даври психологиясини ривожлантиришни тақозо этмоқда.

Турли ёш ва ҳар хил жинсдаги инсонлар психикасининг ривожланиши, ўзгариши, ватанимизда яшаётган барча миллат ва элатларнинг ахлоқий ва жисмоний камол топишига ижобий таъсир қиладиган омиллар ҳамда шарт-шароитларни билиш ва улардан унумли фойдаланиш ҳозир ниҳоятда зарур бўлиб қолди. Халқ таълими ходимлари, ишлаб чиқариш ва илмий-тадқиқот муассасаларининг, қишлоқ хўжалик жамоаларининг, фан, адабиёт ва маданий-оқартув ташкилотларининг раҳбарлари инсоннинг ҳар томонлама камол топган, маълумотли, маҳоратли, ақл-заковатли, ижодий изланишга мойил шахс етишиш жараёни қандай содир бўлишини, кексайишнинг хусусиятлари ва ўзига хос жиҳатларини билишга қизиқмоқдалар. Шундай экан, тарбия системасида ва ишлаб чиқаришда психология бўйича билимсизлик ва чаласаводлиқни йўқотиш учун болалар руҳиятидан қариялар маънавиятигача назарий ва амалий билимларни эгаллаш ҳозирги давримизнинг муҳим талабидир.

Эндиликда инсоннинг акс эттириш фаолияти ривожланишининг қонуниятларини, одамнинг бош миёя ярим шарлари пўстидан ҳақиқий жисм образ (тимсол) сифатида акс этишини, нима сабабдан мазкур образ ўзгаришини ва бу ўзгариш кишининг руҳиятига таъсир қилишини тушунтириш учун диалектик материализмнинг психика ташқи дунёни акс эттиради, деган таърифининг ўзи етарли эмас. Мазкур ҳодисанинг чуқурлигини — акс эттириш жараёнини генетик метод билан ўрганиш орқалигина асослаб бериш мумкин.

Маълумки, гўдаклик давридаги оддий сезишдан бошлаб, мантикий фикр юритишгача ўтадиган давр нисбатан узундир. Эндигина туғилган чақалоқ ҳам дастлабки соатлардан бошлаб сезги органлари ёрдамида атроф-муҳитни акс эттиришга киришади. Бироқ унинг тафаккури бир неча ойлар ва, ҳатто, йиллар давомида вужудга келади, нутқ билан тафаккурнинг бирлиги мазкур ривожланишни амалга оширади. Бундай ҳолат ўта мураккаб ҳиссий билишдан мантикий тафаккурга ўтиш жараёни босқичини тадқиқ этиш имконини беради.

Ҳозир психология фани индивидуал онг ўсишининг турли босқичларида амалиёт билан ҳиссий билиш ўртасидаги, амалиёт ва мавҳум тафаккур орасидаги жуда мураккаб, ўзгарувчан ички муносабатлар ҳамда механизмларни ифодалай олади. Инсон психикасининг вужудга келиши ва ривожланишини, унинг турли қирраларини ўрганиш инсоннинг психик ўсиши, унинг сабаблари, омиллари, шарт-шароитлари тўғрисида маълумотлар тўплаш имконини бера олади.

Мазкур муаммога илмий ёндашиш инсоннинг ҳаёт шароитлари шахсий хусусиятлари, қобилиятлари, сифатлари, қизиқиш кўлами, иродавий фазилатлари, муайян ҳис-туйғуларининг мазмуни, тўлалиги ва ҳоказоларни ёритиш демакдир. Илмий ишлар олиб бораётган тадқиқотчи катта ёшдаги одамлардан ҳаёт шароитининг тайёр маҳсулини ўрганади, лекин бу билан синалувчининг психикаси қандай вужудга келгани, кечиши, акс эттириш хусусиятларини тушунтира олмайди. Ана шу мураккаб жараёни билиш учун боланинг психикаси турмуш ҳодисалари ва шароитлари билан боғлиқлигини аниқлаб олинмаса, тажриба ўтказувчи ўзи ўрганаётган назарий масалаларни ишонарли даражада исбот қила олмайди.

Инсон психикасининг ривожланишидаги сабаб-натнжа муносабатларини билиш бола тарбиясида энг қулай шарт-шароитларни вужудга келтириш учун ниҳоятда зарур.

Шундай қилиб, ёш даври психологияси фанини ўрганиш ҳам назарий, ҳам амалий аҳамиятга эга. У ҳам бошқа фанлар қаторида ривожланиди, бунда экспериментал биология ва генетика, медицина, социология каби фанларнинг хизмати катта бўлди. Ёш даври ва дифференциал психология фани диалектиканинг принципларига, олий нерв фаолияти қонунларига, диффе-

ренциал психофизиология қонуниятларига, психологлар тўпланган материалларга таяниб, инсон психикасининг кечиши, ривожланиши, ўзгариши юзасидан баҳс юритади. Ижтимоий турмушнинг барча жабҳаларидаги амалий масалаларни ҳал қилишда фаол иштирок этади.

2. Ёш давлари психологияси фанининг принциплари ва илмий тадқиқот методлари

Мазкур фан соҳаси ўзининг предмети ҳамда вазифасини умумий психологиянинг асосий принциплари ва қоидаларига таянган ҳолда белгилайди. Ёш даври психологияси қуйидаги принципларга риоя қилади:

1. Диалектик материализм таълимотига биноан психика юксак даражада ташкил топган материянинг хусусияти ва ёки мианинг маҳсулидир. Одатда психика ташқи дунёнинг сезги органлари орқали инсоннинг миёнага бевосита таъсир этиши асосида вужудга келиб, сезги, идрок, тасаввур, хотира, тафаккур, нутқ, хаёл каби билиш жараёнларида, шунингдек, шахснинг хусусиятлари ва ҳолатларида, диққати, ҳис-туйғуси ва характер хислатларида, қизиқиши ва эҳтиёжларида ўзифодасини топади.

2. Психиканинг негизида мианинг рефлектор фаолияти ётади. Ташқи дунёдан кириб келадиган қўзғатувчиларга ички ёки ташқи биологик органлар жавоб реакциясини билдиради. Бош миёна катта ярим шарларида вужудга келадиган муваққат нерв боғланишлари психик ҳодисаларнинг физиологик асослари ҳисобланади ва улар ташқи таъсирнинг натижасида ҳосил бўлади. Бош миёна пўстлоғида вужудга келадиган муваққат нерв боғланишлари И. П. Павловнинг нерв жараёнларининг иррадиацияси, концентрацияси ҳамда ўзаро индукцияси қонунлари замирида рўй беради. Бу қонунлар турли йўсиндаги муваққат боғланишлар, ассоциациялар қандай юз бераётганини, қандай шартшароитда тормозланишини (қўзғалишини), муваққат боғланишларнинг йўқолаётгани ёки пайдо бўлаётганини тушунтириш имконини беради.

Психофизиологик қонуниятларга биноан мианинг функцияси муваққат нерв боғланишларининг бирлашиш механизми ҳамда анализаторлар фаолияти механизмлари таъсирида ҳосил бўлади. Юқоридаги таълимотга кўра ҳар иккала механизм ҳайвонларнинг ташқи оламга муносабатини акс эттиради. Шунинг учун

психик фаолият воқеликни акс эттиришдан, олий нерв фаолиятининг ташқи оламини тимсоллар сифатида ифодалашидан иборатдир.

3. Психикани тадқиқ этиш инсоннинг бутун (онтогенезидаги) онгли фаолиятини — унинг ҳам назарий, ҳам амалий ҳаёт фаолиятини ўрганишдир. Одам зотининг онглилиги унинг турли-туман фаолиятида (ўйин, меҳнат, ўқишда), хатти-ҳаракатларида намоён бўлади. Инсон шахси ҳар хил шакл ва мазмунга эга бўлган назарий ҳамда амалий фаолиятларда таркиб топа боради. Бунда муҳит, ирсий белгилар, тарбия асосий омиллар ҳисобланади.

Инсон ўзи яшаб турган даврни, моддий турмушни акс эттиради, ижтимоий-сиёсий муҳит таъсири остида билимларини ўзлаштириб боради, ижтимоийлашади, тарихан ўзгаради. Онтогенезда унинг ҳис-туйғулари, характери, қобилияти, иқтидори, тафаккури, эҳтиёжлари, эътиқодлари, уни фаолликка даъват қилувчи ҳаракат мотивлари, истаклари, тилаклари, хоҳишлари, позицияси ҳам аста-секин ўзгариб боради.

4. Инсоннинг билиш фаолияти (жараёнлари) ривожланиши унга ўзини қуршаб турган борлиқни янада чуқурроқ, тўғрироқ, тўлароқ ва аниқроқ акс эттириш имкониятини яратади ва у борлиқнинг асл моҳиятини, турли йўсиндаги ўзаро боғланишлари, мураккаб муносабатлар ва алоқаларни тобора аниқроқ ёритади. Шу билан бирга мазкур жараёнларда шаклланиб келаётган инсоннинг борлиққа, воқеликка, жисмларга, кишиларга ва ўзига муносабати вужудга келади.

5. Инсон онгининг ривожланиши унинг ташқи оламини фаол акс эттиришда намоён бўлади. Тарихий материализм таълимотича, инсоннинг моддий турмуши, у ҳаёт кечираётган тузумнинг моддий асосигина эмас, балки уни қуршаб олган одамларнинг турмуш тарзлари, умуминсоний қиёфалари, эътиқодлари, дунёқарашлари, ижтимоий воқеликка муносабатлари, интилишлари, фаолиятлари, ижод маҳсуллари ва хатти-ҳаракатларининг мажмуасидир.

6. Инсоннинг борлиқни (воқеликни) акс эттириши — фаол жараёндир. Маълумки, инсон зотининг ривожланиши объектив борлиққа (воқеликка) ва ўзига фаол таъсир кўрсатишида содир бўлади. Боланинг катта ёшдаги кишилар ташкил қиладиган амалий фаолияти, масалан, ўйини, кузатиши, меҳнати, ўқиши, адабий асарни мутолаа қилиши ҳамда қизиқишининг барқа-

порлашуви, иқтидорнинг такомиллашиши ва бошқалар унинг психик ривожланишини ифодалайди.

Боланинг нутқни эгаллаши унинг билиш жараёнларини (сезги, идрок, тасаввур, хотира, тафаккур ва ҳаёлини) ҳамда амалий фаолиятини (ўқиш, ўйин ва меҳнатини) кескин ўзгартиради. Бу ўзгаришлар айниқса илк болалик даврида яққол намоён бўлади. Нутқнинг вужудга келиши бола шахсининг ривожини тезлаштиради, шахслараро мулоқотни юқори даражага кўтаради.

Ривожланиш инсон шахсининг таркиб топиши жараёнидир. Ривожланиш ўзаро узвий боғлиқ қатор босқичларда амалга ошади. Бола ақл-заковатининг кўрсаткичи, сифати, характери унинг атрофдаги одамлар билан кундалик муносабатлари ва амалий фаолиятида вужудга келади, ўзаро таъсир (савол-жавоб) натижасида унда ақлнинг ижодий маҳсулдорлиги, теранлиги, тезлиги орта боради. Ҳозирги даврда инсоннинг ривожини янада жадаллаштирувчи воситалар мавжуд ва унинг ақлий ўсиш даражасини тест (синов)лар билан аниқлаш мумкин. Ёш даври психологияси предмети таълим ривожланишни ўз кетидан эргаштириб боради, деган қондага амал қилади.

Юқоридаги мулоҳазалардан келиб чиққан ва инсоннинг онтогенезида психик ривожланишини мукамал, тўла бўлмаса-да, очиб бериш имкониятига эга бўлган умумий назарий қондалар, яъни принциплар мавжуд. Ана шу принциплар асосида турли ёш ва жинсдаги одамларда олиб бориладиган илмий тадқиқот ишларида методологик ва методик хатоларга камроқ йўл қўйилади. Шундай ишларда инсон туғилганидан умрининг охиригача қандай ўзгариб бориши тўғрисида маълумот тўплаш мумкин.

Умуман психологияда инсон психикасини тадқиқ қилиш методларининг турли таснифи мавжуд. Шулар тўғрисида умумий психология курсида кенг маълумотлар берилган. Ёш даври ва дифференциал психология фани ҳам психологиянинг бошқа соҳалари сингари ўзига хос илмий-тадқиқот методларига эга. Қуйида атоқли психолог Б. Г. Ананьев тавсия қилган классификацияга асосланиб, мазкур методларнинг хусусиятларини ёритишга ҳаракат қилинган.

Б. Г. Ананьев психикани ўрганиш методларини тўрт гуруҳга ажратиб, уларни ташкилий, эмпирик (амалий), натижаларни қайта ишлаш ёки статистик, натижалар-

ни шарҳлаш методлари деб номлаган. Бу гуруҳлар ўзининг мақсад ва вазифаси бўйича яна бир нечта тоифа ҳамда турларга бўлинади. Қуйида мазкур методларнинг умумий ва ўзига хос хусусиятлари ҳамда қиёсий тавсифи берилди.

Тадқиқот методларининг биринчи — ташкилий гуруҳи ўз ичига қиёслаш, лонгитюд (узлуксиз), комплекс (кўпёқлама) деб аталган турларни олади. Қиёслаш методидан умумий психология, социал психология (катта ёки кичик гуруҳларни ҳамда уларнинг ҳар хил тоифаларини ўзаро таққослаш), медицина психологияси (соғлом ва бемор кишиларнинг психик хусусиятларини қиёслаш), спорт психологияси (спортчиларнинг ҳолати, уқувлилиги ва ишчанлигини ўзаро таққослаш) каби фанларда унумли фойдаланилади.

Ёш даври психологиясида эса қиёслаш методи турли ёшдаги одамларнинг билиш жараёнлари, шахс хусусиятлари, билимларни ўзлаштириши, ақлий қобилияти, салоҳияти, ривожланиш динамикаси, жинсларнинг тафовутлари ва ўзига хослиги кабиларни ўрганишда қўлланади. Психологлардан Л. С. Виготский, П. П. Блонский, А. А. Смирнов, Б. Г. Ананьев, Д. Б. Эльконин, П. Я. Гальперин ва уларнинг шогирдлари олиб борган тадқиқотлар (чақалоқлик, гўдақлик, илк болалик, кичик мактаб ёши, ўсмирлик, ўспиринлик ёш давларини ўзаро солиштириш) шу методдан фойдаланиб амалга оширилган. Кейинги йилларда халқ таълими системаси ва ишлаб чиқаришда «инсон омили» муаммосининг кўтарилиши, вақт тақчиллиги, ишчанлик имконияти, психологик мослик масалаларининг алоҳида аҳамият касб этиши мазкур методни кенг қўллашни тақозо этмоқда. Бундан ташқари, тажрибада олинган маълумотларнинг ишончлилигини оширишда ҳам қиёслаш методи қўлланади. Айниқса, синалувчилардаги ўзгаришларни ажратиб олиб қараш, тадқиқотнинг босқичларини алоҳида-алоҳида таҳлил қилиш, масалан, тажрибанинг биринчи босқичи турли ёшдаги ва жинсдаги одамларга қандай таъсир этганини аниқлаш ва ҳоказолар бу методга диққат-эътибор ортиб бораётганидан далолатдир.

Ёш даври психологиясида қиёслаш методи билан бир даврда лонгитюд (узлуксиз) методи ҳам қўлланади. Унинг бошқа методлардан фарқи бир ёки бир нечта синалувчилар узоқ муддат, ҳатто, ўн йиллаб текширилишидир. Лонгитюд методидан психологлардан немис В. Штерн, француз Р. Заззо, рус психологлари Н. А.

Менчинская, А. Н. Гвоздев, Н. С. Лейтис, В. С. Мухина ва бошқалар кўп йиллардан бери фойдаланмоқдалар.

Мазкур метод орқали бир хил жинсли (Ҳасан-Ҳусан, Фотима-Зухра) ёки аралаш жинсли (Ҳасан-Зухра, Фотима-Ҳусан) эгизаклар кузатишган. Шунинг учун қатор тадқиқотларнинг «она кундалиги» (Н. А. Менчинская, В. С. Мухина) деб номланиши бежиз эмас. Узоқ вақт бир шахсни (кичик гуруҳни) кузатиш унда пайдо бўлаётган янги фазилатларнинг ривожланиш динамикасини, ҳулқ-атворидаги иллатларни (хатти-ҳаракат) ва уларнинг олдини олиш тадбирларини, мураккаб психологик муносабатлари, ички боғланиш қонунияти, механизми тўғрисида мукамал, ишончли, барқарор маълумотлар тўплаш имконини яратади.

Лонгитюд методи ёрдамида субъектив омилларнинг ўзига хослигини, объектив шарт-шароитлар ва ижтимоий муҳитнинг синалувчига таъсирини ўрганилади. Чунончи, эгизакларнинг ўхшашлиги ва тафовути, таъсирланиши, ҳис-туйғусининг ўзгариши, кишилар ўртасидаги индивидуал фарқлар (ишчанлиги, темпераменти, олий нерв фаолияти системаси ва ҳоказолар) бўйича маълумотлар олиш лонгитюд методи билан амалга ошади.

Ҳозирги фан ва техника тараққиёти психологик текширишларнинг илмийлигини янада ошириш учун (субъектив омилларнинг таъсирини камайтириш мақсадида) комплекс дастур асосида бошқа фанлар (медицина, физика, физиология, биология, социология, кибернетика, статистика, философия, логика ва ҳоказолар) билан биргаликда тадқиқот ишлари олиб боришни тақозо этмоқда. Амалий йўсиндаги илмий-тадқиқот ана шу кўп қиррали (комплекс) ёндашишни талаб қилади. Психология соҳаларида (психофизиология, космос, медицина психологияси, инженерлик ёки авиация психологиясида тадқиқот объектига системали ёндашиш принципи амалга оширилмоқда. Комплекс метод ёрдамида ўрганилаётган объектдаги ўзгаришлар турли нуқтаи назардан таҳлил қилинади ёки уларга ҳар хил ёндашилади. Масалан, болада оддий билимларни ўзлаштириш хусусияти психологик жиҳатдан текширилаётган бўлса, комплекс ёндашиш таъсирида ана шу ўзлаштиришнинг фалсафий, маънавий, физиологик, ижтимоий, биологик хусусиятлари ёритилади. Айтайлик, чексайишнинг биологик омилларини ўрганиш унинг психологик, физиологик, маънавий жиҳатларини ёритишга хизмат қилади.

Комплекс дастур ёрдамида амалга оширилган тадқиқот натижаси илмий аҳамиятга молик бўлиб, инсоншунослик муаммоларини ҳал қилишда катта ёрдам беради.

Илмий тадқиқот методларининг иккинчи гуруҳи эмпирик методлардан иборат бўлиб, бу гуруҳга кузатиш (ўзини ўзи кузатиш), эксперименти (табiiй, лаборатория), тест, анкета, сўров, социометрия, суҳбат, интервью, фаолият жараёни ва унинг маҳсулини таҳлил қилиш, таржимаи ҳол (шахсий гувоҳнома, ҳужжат, турмуш фаолияти воқеаларини таҳлил қилиш) кабилар киради ва улар синаш, текшириш, диагноз (аниқлаш) ва прогноз (олдиндан белгилаш) вазифаларини бажаради. Инсонда туғилганидан умрининг охиригача содир бўладиган психологик ўзгаришларни чуқурроқ ва объективроқ тадқиқ этиш учун эмпирик методлардан навбати билан фойдаланиш яхши натижа беради.

Илмий тадқиқот методларининг учинчи гуруҳи натижаларни қайта ишлашга мўлжалланган бўлиб, улар статистик (миқдор) ва психологик (сифат) таҳлил турларига бўлинади. Психологик-педагогик тадқиқотларда кўпинча қуйидаги статистик методлардан фойдаланилади.

Тўпланган миқдорларни ишлаб чиқишда мана бу формулаларни қўллаш мумкин:

1) $M = \frac{v}{n}$ формуласи ўртача арифметик қийматни топиш учун ишлатилади. M — йиғинди, v — вариацион миқдор, n — синалувчилар ёки объектларнинг саноғини билдиради.

2) $\sigma = \sqrt{\frac{c}{n-1}}$ формуласи сон қаторидаги ўрта квадрат оғишни ҳисоблашда ёки стандарт оғишни аниқлашда ишлатилади. σ — квадратлик оғиш, C — дисперсия, « n » — миқдор.

3) $C = \Sigma (v-M)^2$ — сон қаторидаги миқдорлар тарқоқлигини аниқлаш формуласи. У баъзан « C » — дисперсия деб ҳам аталади.

Психологик тажрибаларда олинган миқдорнинг, қўлланган методиканинг ишончлилиқ даражасини аниқлаш учун Стьюдент мезонидан фойдаланиш мумкин:

$t = \frac{X - \bar{X}}{\sigma}$. Бунда t — ишончлилиқ белгиси, X — сон қаторидаги юқори балл, $\bar{X}$ — ўртача арифметик миқдор, σ — квадратик оғиш аломати.

Психологик тажрибаларда Мёрдокнинг кўчиш фоизларини аниқловчи формула: $\frac{\varepsilon - C}{\varepsilon - C} \cdot 100$;

бунда ε — синалувчиларнинг тўғри ва нотўғри жавобларини ҳисоблашга хизмат қилади. Иккала миқдорнинг нисбати бирининг иккинчисидан қай даражада юқори эканини кўрсатади. Бунда «C» — контроль, ε — экспериментал гуруҳни англатади.

Тафаккурнинг сўз-мантиқ тежамкорлиги хусусиятини аниқлашда қуйидаги формула қўлланади (З. И. Қалмикова тадқиқотларида):

$$TCT = \frac{R_1}{R_2} ;$$

εR_1 — синалувчилар топшириқни бажаргани учун олган баллар йиғиндиси; εR_2 — синалувчилар максимал даражада баллар тўплаши мумкин бўлган имкониятлар. Топшириқ ечими уч балли шкала билан ўлчанади. Тўғри ечгани учун «2» балл, нотўғри ечгани ечишга интилгани учун «1» балл ва, ниҳоят мутлақо ечмагани учун «0» балл қўйилади.

Юқоридаги статистик методлар тажрибаларда олинган қийматларнинг ишончлилик даражасини аниқлашга хизмат қилади. Бундай методлар ҳаддан ташқари кўп ва биз уларнинг энг соддаларига тўхтаб ўтдик.

Тўпланган материалларни психологик таҳлил қилиш методи мазкур фан учун алоҳида аҳамиятга эга. Унда аниқловчи, таркиб топтирувчи (тарбияловчи), текширувчи тажрибаларда олинган ҳар хил шаклдаги маълумотлар турли принцип, позиция, кўп қиррали (комплекс) ва яхлит (системали) ёндашишга асосланиб сўз-мантиқ ёрдамида психологик таҳлил қилинади. Барча фикр ва мулоҳазалар ишончли омиллар орқали исботлаб берилади, психологик қонуният, қонун, хусусият, хосса, ҳолат ва камолотнинг ўзига хослиги асосланади. Материал алоҳида гуруҳлар ва синфларга ажратилади, психологик воқеликнинг бошқа жиҳатлари билан узвий сабабий боғлиқлиги, ички мураккаб муносабати баён қилинади, синалувчилар муайян тоифаларга киритилади ва тадқиқотдан якуний хулоса чиқарилади.

Илмий тадқиқот методларининг тўртинчи — шарҳлаш гуруҳи генетик, ва доналаш методларидан иборатдир. Генетик метод билан тадқиқот давомида тўпланган маълумотлар яхлит ҳолда мақсадга мувофиқ йўсинда шарҳланади. Бу методдан фойдаланишнинг асо-

сий мақсади — синалувчида вужудга келаётган янги шахс фазилатларининг ривожланиши ва билиш жараёнларининг ўзгаришига тажриба натижасига суяниб таъриф ҳамда тавсиф беришдир. Шунингдек, бунда мазкур фазилат ва хусусиятларнинг намоён бўлиш даври, босқичи ҳамда баъзи машаққатли дақиқаларга, пайтларга қўшимча шарҳлар бериш имконияти туғилади.

Генетик методга асосланиб психик ўзгаришлар билан ривожланиш босқичларининг бевосита боғлиқлигининг илдизи аниқланади. Танлаш методи билан тадқиқот объектига кирган шахс психикасидаги барча ўзгаришлар, ўзига хослик, ўзаро алоқа, ўзаро таъсир ва уйғунликнинг ўзаро боғланишлари ўрганилади. Жумладан, инсон нутқини идрок қилиш учун сезги, идрок, хотира, тафаккур жараёнларининг бир пайтда биргаликда қатнашиши бунга ёрқин мисолдир. Бунда ҳар бир билиш жараёнининг улуши ифодаланади ёки унинг аҳамияти алоҳида таъкидланади, уларнинг ўзаро боғлиқлиги асослаб берилади.

Лекин тажрибада тўпланган маълумотларни шарҳлаш учун юқоридаги методларнинг ўзи етарли эмас. Узилишларга йўл қўймаслик учун йиғилган материаллар махсус босқичларга ажратиб шарҳланади. Тадқиқотнинг биринчи — тайёрлов босқичида кашф қилинадиган психологик қонун тўғрисидаги тахмин, фараз таҳлил қилинади. Тадқиқотнинг иккинчи босқичида тажриба ўтказиш принципи, шароити, объектив ва субъектив омиллар бўйича мулоҳаза юритилади. Учинчи босқичда эса олинган натижаларни қайта ишланади ва бу ҳам ўз навбатида тўрт поғонага бўлинади: а) материални бирламчи таҳлил қилиш: алоҳида олинган ёки топилган омил, аломат, кўрсаткич, хусусият шарҳланади; б) таҳлил қилинган материал билан тадқиқот гипотезаси алоҳида шарҳланади; в) иккиламчи таҳлил; барқарор, устун далиллар ажратилади; г) иккиламчи синтез: психологик қонуният, топилган далил омил ва тадқиқот гипотезасини бирлаштириб махсус хулоса чиқарилади.

Тўртинчи босқич — шарҳлашда ҳар бир факт, аломат, кўрсаткич, хосса психологик жиҳатдан сўз-мантиқ орқали таҳлил қилинади. Барча илмий-амалий мулоҳазалар исботланади, ҳеч бир шубҳага, эътирозларга ўрин қолмайди. Ана шу босқичда тадқиқот якунланади, зарур хулосалар чиқарилади, амалий тавсиялар бери-

лади, ўрганилиши зарур муаммонинг аҳамияти ва истиқболи уқтирилади.

Энди тажрибада энг кўп қўлланадиган эмпирик методлар ҳақида кенгроқ маълумот берамиз.

Кузатиш методи. Ёш даври психологиясида бу методнинг объектив (ташқи) ва субъектив (ўзини ўзи) кузатиш турлари бор. Инсон психикасидаги ўзгаришларни кузатиш учун қуйидагилар амалга оширилади: 1) кузатишнинг мақсади, вазифаси белгиланади; 2) кузатиладиган объект танланади; 3) синалувчининг ёши, жинси аниқланади; 4) тадқиқот ўтказиш вақти режалаштирилади; 5) кузатиш қанча давом этиши қатъийлаштирилади; 6) кузатиш инсоннинг қайси фаолиятида (ўйин, ўқиш, меҳнат, спортда) амалга оширилиши тавсия қилинади; 7) кузатишнинг шакли (якка, гуруҳ, жамоа билан ўтказилиши) тайинланади; 8) кузатилганларни қайд қилиб бориш воситалари (кундалик, суҳбат дафтари, кузатиш варақаси, магнитофон, видеомагнитофон ва бошқалар) тахт қилинади.

Кузатиш орқали турли ёшдаги одамларнинг диққати, ҳис-туйғулари, нерв системасининг ташқи ифодалари, темперамент хусусиятлари, имо-ишоралари, сезгирлиги, хулқ-атвори, нутқ фаолияти ва ҳоказолари ўрганилади. Аммо ўта мураккаб ички психологик кечинмалар, юксак ҳиссиётлар, тафаккур, маънавий хотира ва ақл-заковатни тадқиқ этишга бу методнинг имкони етмайди. Масалан, гўдак болани кузатишда унинг ҳаракатлари, ўйинчоқларга муносабати, ҳис-туйғуси, таппиниши, майли, хоҳиши аниқланади. Ўқувчининг дарсдаги ҳолатини кузатишда эса диққатининг хусусияти, ташқи қўзғатувчи билан таъсирланиши, темпераменти, хатти-ҳаракатининг суръати, эмоционал кечинмасининг ўзгариши тўғрисида маълумотлар тўплашга имконияти туғилади. Ўспирин ёшларнинг спорт фаолиятини кузатиш орқали уларнинг иродаси, ишчанлиги, ҳис-туйғусининг ўзгариш хусусиятлари, ғалабага интилиши, ўзининг ҳаракатини идора қила олиши юзасидан материаллар йиғиш мумкин. Ишчининг дастгоҳ ёнидаги фаолиятини кузатиш натижасида унинг ўз диққатини тақсимлаши, қийин дамларда ўзини тутиши, имо-ишоралари, ташқи қўзғатувчидан таъсирланиш даражаси ҳақида кенг маълумотлар йиғилади. Кекаларнинг мулоқот жараёнини кузатиш уларнинг характери, нутқ фаолияти, ҳис-туйғуси, экстравертивлиги ёки

интравертивлиги, қизиқувчанлиги ва руҳиятининг бошқа хусусиятларини аниқлаш демакдир.

Ташқи кузатишда баъзан тафаккур бўйича ҳам маълумотлар олиш: иш устидаги кайфиятини, фикрнинг муайян объектга йўналтирилганини, ташқи қўзғатувчилар таъсирига берилмаслиқни, чеҳрадаги ташвиш ва изтиробни, кўздаги ғайритабiiйликни, шунингдек, синчковлик, теранлик, термулиш каби руҳий ҳолатларни кузатиб тафаккурнинг кечишидаги ўзгаришни аниқлаш мумкин. Булардан ташқари, қўлнинг титраши, асабийлашиш, нутқнинг бузилиши, ҳиссиётнинг беқарорлашуви ҳам инсон руҳиятидаги ўзгаришлар бўйича маълумот беради.

Психология фанида ўзини ўзи кузатишдан (интроспекциядан) ҳам фойдаланилади. Кўпинча тажрибали психолог ёки юқори малакали моҳир ўқитувчи ўзини ўзи кузатиш орқали илмий ҳулоса чиқара билади. Масалан, ўз тафаккурини кузатиб ўзидаги эмоционал ўзгариш ҳақида, шунингдек, тафаккурнинг ички механизмлари вужудга келиши ва кечиши ҳақида маълумот олади. Натижада тафаккурнинг сифати, мазмуни, моҳияти ва қай тарзда, қандай тезликда, қай шаклда рўй беришини кузатади.

Чет эл психологиясида ўзини ўзи кузатишнинг инсон руҳиятини ўрганишдаги ролини ифодаловчи илмий-амалий материаллар тўпланган. Интроспекция йўналишининг йирик намояндалари ўзларини ўзлари кузатганлар ва тўплаган материалларини таҳлил қилиб умумий психологик қонуниятларни яратишга ҳаракат қилганлар. Лекин инсон турли вазиятларда ўзини бир хил бошқара олмайди ва шунинг учун бу методнинг илмий аҳамияти катта эмас.

Шундай қилиб, кузатиш методининг қулай ва самарали жиҳатлари билан бирга заиф томонлари ҳам мавжуд. Шу сабабли инсоннинг мураккаб психикаси бошқа методлардан фойдаланиб тадқиқ қилинади.

Суҳбат методи. Бу метод билан инсон психикасини ўрганишда суҳбатнинг мақсади ва вазифаси белгиланади, унинг объекти ва субъекти танланади, мавзуси, ўтказиладиган вақти аниқланади, якка шахслар, гуруҳ ва жамоа билан ўтказиш режалаштирилади, ўрганилаётган нарса билан узвий боғлиқ савол-жавоб тартиби тайёрланади. Суҳбатнинг бош мақсади муайян бир вазият ёки муаммони ҳал қилиш жараёнида инсон психикасидаги ўзгаришларни ўрганишдир. Суҳбат орқали

турли ёшдаги одамларнинг тафаккури, ақл-заковати, хулқ-атвори, қизиқиши, тийраклиги, билим савияси, эътиқоди, дунёқараши, иродаси тўғрисида маълумотлар олинади. Суҳбат чоғида ўзаро изчил боғланган саволлар берилади:

— Хотира деб нимани айтилади?

— Хотира идрок қилинган нарса ва ҳодисаларни эсда қолдириш, мустаҳкамлаш ҳамда зарур вақтда эсга туширишдан иборат психик жараёндир.

— Хотиранинг нерв-физиологик асослари нималардан иборат?

— Хотиранинг физиологик асослари бош миёна ярим шарлари қобиғида муваққат нерв боғланишларининг ҳосил бўлиши, мустаҳкамланиши ва кейинчалик фаоллашувидир.

— Хотиранинг самарадорлиги нималарга боғлиқ?

— Эсда олиб қолишда ҳаракатнинг тугалланмаганлигига, шахснинг қизиқиши ва майлларига, фаолиятга муносабати, кайфияти ва иродавий зўр беришига боғлиқ.

— Хотиранинг қандай турлари мавжуд?

— Ҳаракат, образли, сўз-мантиқ, эмоционал, қисқа ва узоқ муддатли, оператив, ихтиёрсиз, ихтиёрий, продуктив, репродуктив, фаол ва суст хотира турлари бор.

Суҳбат пайтида фикрлар мантиқий изчилликка эга бўлиши шарт. Бироқ машғулот синалувчиларни толиқтириб қўймаслиги, уларнинг ёшига, савиясига мутлақо мос бўлиши зарур.

Диалог шаклидаги суҳбатлар ҳам ўз кўлами, моҳияти, мазмуни, шакли, характери билан бир-биридан фарқланади. Суҳбатнинг яна бир турига мисол:

— Опажон, эсон-омон юрибсизми? Уй ичларингиз яхшими?

— Опанг қоқиндиқ, минг қатла шукур, тинч юрибмиз.

— Нечук, қандай шамол учирди?

— Кўзимдан ўтавердинг, ўтавердинг, кейин йўлга отландим.

— Қийналмасдан етиб келдингизми?

— Айтарли қийналмадим. Аввал автобусга, сўнг трамвайга ўтирдим.

Суҳбат методининг юқорида таъкидланган ижобий жиҳатлари билан бирга айрим заиф томонлари ҳам мавжуд. Қайтариқ сўзлар, «ғализ» иборалар, нутқнинг тезлиги, фикрнинг мавҳумлиги, зерикарлиги муваффа-

қиятсизликка сабаб бўлади. Шунингдек, савол-жавобнинг бир хил шаклда эмаслиги, синалувчида ўзига хос ишлаш услуби, ошкоралик етишмаслиги, ийманиш, уялиш атрофлича маълумотлар олишни қийинлаштиради ва шу сабабли бошқа методларга мурожаат қилишга тўғри келади.

Фаолият маҳсулини таҳлил қилиш методи. Инсон хотираси, тафаккури, қобилияти ва хаёлининг хусусиятларини аниқлаш мақсадида бу метод ёш даври психологиясида кенг қўлланади. Болалар чизган расмлар, ясаган ўйинчоқлар, моделлар, ёзган шеърларни таҳлил қилиш орқали уларнинг мантиқий хотираси, тафаккури, техник, бадиий ва адабий қобилияти, ижодий хаёли юзасидан материаллар тўплаш мумкин. Мазкур методдан фойдаланишда маҳсулотни яратган шахс бевосита иштирок этмайди. Объект билан субъект ўртасида мулоқот ўрнатиш учун шахснинг психикаси тўғрисида сирдан муайян ҳукм ва хулоса чиқарилади. Ижодий фаолият маҳсулларига кундалик, схема, ихтиро, диаграмма, кашфиёт, қурилма, асбоб, техник модель, мослама, миллий каштачилик, ҳунармандчилик, заргарлик буюмлари, реферат, курс ва диплом ишлари, илмий маъруза, конспект, тақриз, тезис, мақола, кўрсатмали қуруллар, лойиҳа ва ҳоказолар киради. Булар турли ёшдаги ва жинсдаги одамлар, ҳар хил касб эгалари томонидан яратилган бўлиши ва шунга кўра шакли, мазмуни, сифати, оригиналлиги, катта-кичиклиги, характери билан бир-биридан кескин тафовут қилиши мумкин.

Ижодий фаолият маҳсулларини таҳлил қилиш орқали болалар, ўқувчилар, талабалар, конструкторлар, олимлар, ҳунармандлар, ишчилар психик хусусиятлари тўғрисида маълумотлар тўплаш мумкин. Лекин инсондаги психик ўзгаришлар, камол топиш ва буларнинг кечишини ифодаловчи материаллар йиғиш учун бу методнинг ўзи етмайди. Шунинг учун инсон психикасини ўрганиш мақсадида бошқа методлардан ҳам фойдаланиш маъқул.

Тест методи. Тест — инглизча сўз бўлиб, синаш, текшириш, демакдир. Шахснинг ақлий ўсишини, қобилиятини, продавий сифатлари ва бошқа психик хусусиятларини текширишда қўлланидиган қисқа стандарт масала, топшириқ, мисол, жумбоқлар тест деб аталади. Тест айниқса одамнинг қандай касбни эгаллаш мумкинлигини, касбга яроқлилиги ёки яроқсизлигини, ис-

теъдоддилар ва ақли заифларни аниқлашда, кишиларни саралашда кенг қўлланади. Тест методининг қиммати тажрибанинг илмийлик даражасига, текширувчининг маҳоратига ва қизиқишига, йиғилган психологик маълумотларнинг объективлиги ва уларни илмий таҳлил қила билишга боғлиқдир.

1905 йилдан, яъни француз психологи А. Бинэ ва унинг шогирди А. Симон инсоннинг ақлий ўсиш ва истеъдод даражаларини ўлчаш имконияти борлиги ҳақини олға сурганидан кейин психологияда тест методи қўллана бошланди.

Чет эл психологлари тестларни шахснинг истеъдод даражасини аниқлаш воситаси деб биладилар. Бироқ тест текшириладиган ҳодисаларнинг психологик мезони ҳисобланмайди. Маълумки, бир муаммонинг ечимини излаш турли психологик воситалар билан амалга оширилади. Чет эл тестологлари тадқиқот объектларини ўзгартириб турадилар ва қобилият, тафаккур, билим, кўникма ҳамда малакаларни аралаш ҳолда ўрганишга интиладилар. Синаш жараёнида синалувчиларнинг эмоционал ҳолати ва саломатлигига боғлиқ руҳий кечинмаларни инобатга олмайдилар. Психологлар К. М. Гуревич, В. А. Крутецкий ва бошқалар қўллайдиган тестлар тубдан бошқача принцип асосида тузилган. Улар тестларнинг тафаккур кўрсаткичи (индикатори) бўлиши учун ҳаракат қилдилар ва муайян ютуқларга эришдилар. Шунингдек, тафаккур жараёнининг сифат хусусиятларини билмай туриб, қобилиятнинг мўҳиятини ёритиб бўлмайди, деган қондага амал қилган ҳолда тестлардан фойдаланмоқдалар.

Ҳозирги даврда нодир тестлар қаторига психологлардан Роршах, Розенцвейг, Кеттел, Вартегг, Векслер, Мейли, Айзе, Анастаси, Равен ва бошқалар ижодининг намуналарини киритиш мумкин. Энг кенг тарқалган тестлар қаторига ютуққа эришиш (мақсадга етиш) тестлари (улар дарсликларда берилган ва билим, малака даражаларини баҳолашга қаратилган), интеллект тестлари (ақлий ривожланиш даражасини ўлчашга мўлжалланган), шахс тестлари (инсон иродаси, эмоцияси, қизиқиши, мотивацияси ва хулқини баҳолашга йўналтирилган диагностик усуллардан иборатдир), шахс «лойиҳаси» (проектив) тестлари (саволларга битта аниқ жавоб бериш талаб қилинади, жавобларни таҳлил қилиб шахс хусусиятининг «лойиҳаси» ишлаб чиқилади) киради.

Энди тестга айрим мисоллар келтирамыз.

Ортиқча сўзни чиқариб ташланг:

- а) Енисей, Днепр, Сирдарё, Амур (жавоб: Днепр);
б) Петрозавдск, Ижевск, Сыктывкар, Абакан (жавоб: Абакан).

Тажриба (эксперимент) методи. Бу метод турли ёшдаги одамлар (чақалоқ, бола, ўспирин, балоғатга етган ва қарилар)нинг психикасини чуқурроқ, аниқроқ тадқиқ қилиш методлари ичида энг муҳими ҳисобланади. Эксперимент методи ёрдамида сунъий тушунчаларнинг шаклланиши, нутқнинг ўсиши, ғавқулдда ҳолатдан чиқиш, муаммоли вазиятни ҳал қилиш жараёнлари, шахснинг ҳис-туйғулари, характери ва типологик хусусиятлари ўрганилади. Инсон психикасининг нозик ички боғланишлари, муносабатлари, қонуниятлари, қонунлари, хоссалари, мураккаб механизмлари текширилади. Бунинг учун эксперимент материални текширувчи синчковлик билан танлаши, объектив тарзда ҳар хил ҳолат ва вазиятларни, яратиши, бунда синалувчининг ёши, ақл-идроки, характер, хусусияти, ҳис-туйғуси, қизиқиши ва савиясига, турмуш тажрибасига, кўникма ва малакаларига эътибор бериши лозим.

Тажриба методи ўз навбатида табиий ва лаборатория методларига ажратилади. Табиий метод психологик-педагогик масалаларни ҳал қилишда қўлланади. Бу методнинг илмий асосларини 1910 йилда А. Ф. Лазурский таърифлаган. Табиий методдан фойдаланишда ишлаб чиқариш жамоалари аъзоларининг, илмий муассасалар ходимларининг, ўқитувчилар, кексайган кишиларнинг психологик ўзгаришлари, ўзаро муносабатлари, иш қобилиятлари, мутахассисликка яроқлилиги муаммоларини ҳал қилиш назарда тутилади. Табиий шароитда инсон психикасини ўрганишда синалувчилар (боғча болалари, мактаб ўқувчилари, ишчилар, деҳқонлар, ходимлар ва ҳоказолар) нинг ўзлари беҳабар бўлиши, таълим жараёнида берилаётган билимлар тадқиқот мақсадига мувофиқлаштирилиши, катта ёшдаги одамларга тарбиявий таъсир ўтказиш кундалик меҳнат тарзи доирасида амалга оширилиши, завод ва фабрикада эса моддий маҳсулот ишлаб чиқариш самарадорлигини оширишга қаратилиши лозим.

Лаборатория (клиника) методи кўпинча индивидуал (гоҳе гуруҳ ва жамоа) шаклида синалувчилардан яширмай, махсус психологик асбоблар, йўл-йўриқлар, тавсиялар, кўрсатма ва иловалардан фойдаланиб олиб

борилади. Ҳозир инсон психикасидаги ўзгаришларни аниқлайдиган асбоблар, мураккаб электрон ҳисоблаш машиналари (дисплейлар), қурилмалар, мослама ва жиҳозлар мавжуд. Улар одамдаги психологик жараёнлар, ҳолатлар, функциялар, вужудга келаётган янги сифатларни қайд қилиш ва ўлчашда қўлланади. Кўпинча детекторлар, электрон ва радио ўлчагичлар, секундомер, рефлексометр, хронорефлексометр, люксметр, аномалоскоп, тахистоскоп, аудиометр, эстезиометр, электромиограмма электроэнцефалограмма кабилардан фойдаланилади.

Лаборатория методи ёрдами билан диққатнинг сифатлари, сезги, идрок, хотира ва тафаккурнинг хусусиятлари, эмоционал ҳамда иродавий ва ақлий зўриқиш сингари мураккаб психик ҳолатлар текширилади. Кўпинча лаборатория шароитида кишилар (учувчи, шофёр, оператор, электрончилар) ва кутилмаган тасодифий вазиятлар (ҳалокат, портлаш, издан чиқиш, шовқин кўтарилиши)нинг моделлари яратилади. Асбобларнинг кўрсатиши бўйича ўзгаришлар, ривожланиш динамикаси, жисмоний ва ақлий толиқиш, эмоционал-иродавий, асабий зўриқиш, жиддийлик, танглик қандай содир бўлаётганини ифодаловчи маълумотлар олинади.

Тажриба аниқловчи, таркиб топтирувчи (тарбияловчи) ва текшириш қисмларига бўлинади. Тажрибанинг аниқловчи қисмида психик хусусият, жараён ёки ҳолат ўйин, меҳнат, ўқиш каби фаолиятларда тадқиқ қилинади. Тадқиқот объектининг айнан шу пайтдаги ҳолати, имконияти аниқланади, лекин текширувчи синалувчига субъектив таъсир ўтказмайди. Шу паллада синалувчига ҳатто, йўлловчи саволлар билан ҳам ёрдам бермаслик тажрибанинг принципи ҳисобланади.

Таркиб топтирувчи тажрибада синалувчиларда бирор фазилатни, шакллантириш, шунингдек, уларга мақсадга мувофиқ муайян малакани йўл-йўриқ ва усулни ўргатиш режалаштирилади. Тажриба яқка, гуруҳ ва жамоа тарзида ўтказилиши мумкин. Бунинг учун тажриба материалининг ҳажми, кўлами, қанча вақтга мўлжалланганлиги, нималар ўргатилиши, синалувчиларни психологик жиҳатдан тайёрлаш олдиндан белгилаб қўйилиши шарт.

Текшириш тажрибасида таркиб топтирувчи босқичда шакллантирилган усул, восита, йўл-йўриқ, кўникма, малака ва шахс фазилатларининг даражасини, барқарор-

лигини аниқлаш, таъсирчанлигига ишонч ҳосил қилиш учун моҳияти ҳар хил мустақил топшириқлар берилади. Текшириш тажрибаси орқали таркиб топтирувчи экспериментнинг самараси ўлчанади. Мазкур тажрибада ҳам текширувчи синалувчига мутлақо ёрдам бериши мумкин эмас, акс ҳолда тадқиқот ўтказиш принципи бузилади.

Аниқловчи, таркиб топтирувчи ва текширувчи тажрибаларда йиғилган маълумотлар, миқдор-статистик методлардан фойдаланган ҳолда ишлаб чиқилади, шунингдек, миқдор таҳлили ўтказишга тайёргарлик кўрилади. Статистик методлар ёрдамида инсоннинг билиш жараёнлари билан унинг индивидуал-типологик хусусиятлари ўртасидаги ўзаро боғлиқлиги ва таъсири (коппелякцияси) билиш жараёнларининг ҳис-туйғу билан бошқарилиши, ақл-заковат омилларини таҳлил қилиш амалга оширилади. Сўнгра миқдорнинг ҳамда қўлланилган методиканинг ишончлилиқ, аниқлилиқ даражаси аниқланади. Унгача ҳам математик статистиканинг содда методларидан фойдаланиб айрим ҳисоблашлар, масалан, ўртача арифметик қиймат, миқдорларни тартибга солиш ва медианани ҳисоблаш, квадрат четга оғишни топиш ва бошқалар амалга оширилади.

Ҳозир инженер психологлар математиклар билан ҳамкорликда инсон психикасининг моделини яратиш устида тадқиқот ишларини олиб бормоқдалар, шунингдек, медиклар, физиологлар, кибернетиклар психикани программалаштиришни ниҳоясига етказмоқдалар. Ишлаб чиқаришдаги «сунъий интеллектлар», роботлар, ЭХМлар ана шу изланишларнинг дастлабки самараси ҳисобланади.

Биография (таржимаи ҳол) методи. Инсон психикасини тадқиқ қилиш учун унинг ҳаёти, фаолияти, ижодиёти тўғрисидаги оғзаки ва ёзма маълумотлар муҳим аҳамиятга эга. Бу борада кишиларнинг таржимаи ҳоли, кундалиги, хатлари, эсдаликлари, ўзгалар ижодига берган баҳолари, танбеҳлари, тақризлари алоҳида ўрин эгаллайди. Шу билан бирга ўзгалар томонидан тўпланган таржимаи ҳол ҳақидаги материаллар: эсдаликлар, хатлар, расмлар, тавсифлар, баҳолар, магнитофон овозлари, фотолавлар, ҳужжатли фильмлар, тақризлар ўрганилаётган шахсни тўлароқ тасаввур этишга хизмат қилади.

Таржимаи ҳол маълумотлари инсон психикасидаги ўзгаришларни кузатишда, унинг суҳбат ва тажриба

методлари билан ўрганиб бўлмайдиган жиҳатларини очишда ёрдам беради. Масалан, мазкур маълумотлар орқали ижодий ҳаёл билан боғлиқ жараёнлар; шеъринг, мусиқа, нафосат, тасвирий санъат, техник ижодиётнинг нозик турлари ва кашфиётдаги тафаккурнинг ўзига хослигини, шахснинг маънавият, қадрият, қобилият, иқтидор, истеъдод сингари фазилатларини ўрганиш мумкин. Инсон онгининг хоссаси, намоён бўлиши, ривожланиши, ўзига хос ва ижтимоий хусусиятлари атоқли одамлар билдирган мулоҳазаларда ўз ифодасини топади. Алломалар тўғрисидаги маълумотлар замондошлари, издошлари, сафдошларининг таърифу тавсифлари орқали авлоддан авлодга ўтади.

Биографик маълумотлар одамларнинг ўзини ўзи тарбиялаши, назорат қилиши, идора этиши, ўзининг услубини яратиши, камолот чўққисига эришиши жараёнида намуна вазифасини ўтайди.

Ёш даври психологиясида болаларнинг таржимаи ҳоли асосидаги илмий тадқиқотлар, масалан, Н. А. Менчинская, В. С. Мухинанинг кузатишлари «Она кундалиги» номи билан машҳурдир. Шундай тадқиқотлар чет эл психологиясида ҳам кенг тарқалган.

Бадий адабиётда яратилган талай асарлар, масалан, А. Н. Толстой, А. М. Горький, С. Айний, Ойбек, Абдулла Қаҳҳор ва бошқа қатор адибларнинг эсдаликлари таржимаи ҳол шаклида бўлиб, улар билан танишиш натижасида муаллифларнинг ҳис-туйғуси, темпераменти, характери, қобилияти, истеъдоди, қизиқиши, интилиши, майли, лаёқати, дунёқараши, эътиқоди, нафосати, ахлоқ ва одоби тўғрисида маълумотлар олиш мумкин.

Анкета методи. Ёш даври психологиясида кенг қўлланиладиган методлардан биридир. Унинг ёрдамида турли ёшдаги одамларнинг психологик хусусиятлари, нарса ва ҳодисаларга муносабатлари ўрганилади.

Анкета одатда учта хил тузилади. Уларнинг биринчи хили англашилган мотивларни аниқлашга мўлжалланган саволлардан тузилади. Иккинчи хилида ҳар бир саволнинг бир нечтадан тайёр жавоблари берилади. Учинчи хил анкетада синалувчига ёзилган тўғри жавобларни баллар билан баҳолаш тавсия этилади. Анкетадан турли ёшдаги одамларнинг лаёқатларини, муайян соҳага қизиқишлари ва қобилиятларини, ўзига, тенгдошларига, катта ва кичикларга муносабатларини аниқлаш мақсадида фойдаланилади.

Тарқатилган анкеталар йиғиштирилади ва электрон ҳисоблаш машиналарида ҳисобланади, атрофлича миқдорий таҳлил қилинади, сўнгра тадқиқотга яқун ясалиб, илмий ва амалий йўсинда хулосалар чиқарилади. Анкета методи инсон психикасини ўрганиш учун бой материал тўплаш имконини беради. Лекин унда олинadиган маълумотлар доимо ҳолисона хусусиятга эга бўлавермайди. Бу камчиликка йўл қўймаслик учун анкета ичидаги назорат вазифасини бажарувчи саволларни пухта ишлаб чиқиш мақсадга мувофиқдир.

Қуйида анкета варақасидан намуна келтириб ўтамиз.

Одатда анкета саволларига тўлиқ жавоб берилади ёки қисқача «ҳа», «йўқ» деб ёзиб қўйилади; шартли белгилар билан белгиланади: бунда (+) тасдиқлашни, (—) инкор қилишни билдиради; кетма-кет берилган бир нечта жавобдан фақат биттаси танланади ва тагига чизилади ёки тартиб рақами айлана ичига олинади.

ЎЗИНИ ЎЗИ БАҲОЛАШ ШКАЛАСИ (Ч. Д. Спилбергер, Ю. Л. Ханин)

Фамилия _____ Вақти _____

Инструкция. Қуйида келтирилган гапларни диққат билан ўқиб чиқинг ва ўзингизни шу дақиқада қандай ҳис қиляпсиз, шунга қараб ўнг томондаги тегишли жавоб олдидagi рақамнинг тагига чизиб қўйинг. Саволларга тез, аниқ жавоб қайтаринг.

	Жавоблар	жузда тўғри	йўқ, шундай эмас	тўғри	шундай десаки ҳам бў- лаверади
1.	Фикрим жойида, тинчман	1—	2	3	4
2.	Мени ҳеч нарса безов- та қилаётгани йўқ	1	2	3	4
3.	Мен танглик (эўриқиш- даман)	1	2	3	4
4.	Мен афсус чекаётганим- ни ҳис қиляпман	1	2—	3	4
5.	Мен ўзимни эркин ҳис қиляпман	1	2	3—	4
6.	Мен хафаман		2		
7.	Мени бўладиган омад- сизликлар безовта қил- япти	1	2—	3	4

	Жавоблар	асосан, ҳеч қачон	баъзан	тез-тез	ҳамма вақт
8.	Ўзимни дам олгандек ҳис қиляпман	1	2	3	4
9.	Мен безовтаман	1	2	3	4
10.	Мен жуда хурсандман	1	2	3	4
11.	Мен ўзимга ишонапман	1	2	3	4
12.	Мен сиқияпман	1	2	3	4
13.	Ўзимни қўйгани жой то- ла олмаяпман	1	2	3	4
14.	Жуда сиқилганман, ўзимни ёмон сезяпман.	1	2	3	4
15.	Мен ўзимни яхши ҳис қиламан	1	2	3	4
16.	Мен асосан тез чарчай- ман	1	2	3	4
17.	Мен тез йиғлаб юбора- ман	1	2	3	4
18.	Мен бошқалар каби хурсанд, бахтли бўлишни истайман	1	2	3	4
19.	Мен етарлича тез қарор қабул қила олмаганим учун, кўпинча ютқазиб қўяман	1	2	3	4
20.	Мен совуққон, оғир, му- лойимман	1	2	3	4
21.	Қўтиладиган қийинчи- ликлар мени жуда бе- зовта қилди.	1	2	3	4
22.	Бўлар-бўлмасга куйиб, пишавераман	1	2	3	4
23.	Мен жуда бахтлиман	1	2	3	4
24.	Мен ҳар нарсани юра- гимга яқин олавераман	1	2	3	4
25.	Менинг ўзимга ишончим етарли эмас	1	2	3	4
26.	Мен ўзимни асосан ха- тардан холи деб ҳис қи- ламан	1	2	3	4
27.	Танқидий ва оғир ва- зиятлардан узоқроқ юр- ишга ҳаракат қиламан	1	2	3	4
28.	Мен ўзим йўл қўйган хатолардан жуда сиқи- ламан ва узоқ эсимдан чиқара олмайман	1	2	3	4
29.	Мен ўз ишларим тўғри- сида ўйлаганимда тин- чим йўқолади	1	2	3	4

Социометрик метод. Бу метод кичик гуруҳ аъзолари ўртасидаги бевосита эмоционал муносабатларни ўрганиш ва уларнинг даражасини ўлчашда қўлланади. Унга америкалик социолог Джон Моренко асос солган. Мазкур метод ёрдамида муайян гуруҳдаги ҳар бир аъзонинг ўзаро муносабатини аниқлаш учун унинг қайси фаолиятда ким билан бирга қатнашиши сўралади. Олинган маълумотлар матрица, график, схема, жадвал шаклида ифодаланади. Улардаги миқдор кўрсаткичлари гуруҳдаги кишиларнинг шахслараро муносабатлар тўғрисида тасаввур ҳосил қилади. Бу маълумотлар гуруҳий муносабатларнинг ташқи кўринишини акс эттиради, холос. Шунинг учун ҳозир Я. Л. Коломинский ва И. П. Волков томонидан социометриянинг ёш даври психологиясига мослаб ўзгартирилган турлари ишлаб чиқилган. Булар шахсларнинг бир-бирини танлаш мотивларини кенг ифодалаш имконини беради. Айниқса социометриянинг Я. Л. Коломинский ишлаб чиққан ўзгартирилган тури болалар жамоасидаги шахслараро муносабатлар ҳақида тўлароқ ахборот беради.

Одатда ўқувчилардан қуйидагича саволларга жавоб бериш талаб қилинади: «Сен саёҳатга ким билан бирга боришни хоҳлайсан?» «Имтиҳонга ким билан бирга тайёрланишни истайсан?», «Ким билан қўшни бўлиб яшашни ёқтирасан?» Ҳар бир савол социометрик мезон (ўлчов) вазифасини бажаради ва турмуш воқелигидан олинган. Синалувчи ҳар бир саволнинг учта жавобидан биттасини «энг маъқул» деб танлаши лозим. Унга, «аввал, ҳаммадан кўра кўпроқ ким билан бирга бўлишни хоҳласанг, ўшанинг фамилиясини ёз», «агар сен истаган шахс тўғри келмаса, яна ким билан бирга бўлишни истасанг, шунинг фамилиясини ёз», «айтилган шартларга бинан учинчи шахснинг фамилиясини ёз» деб уқтириш лозим.

Гуруҳий табақаланишни кўрсатиш учун социограмма тўртта «майдон»га ажратилади. Қизлар доирача билан, ўғил болалар эса учбурчаклар билан белгиланади. Доирача ва учбурчаклар сони фамилиялар сонига тўғри келади. Гуруҳ аъзоларининг ўзаро муносабатлари доирача ва учбурчаклар стрелкалар билан боғланганида ўз ифодасини топади. Энг кўп муносабатга эга бўлган синалувчи доиранинг марказидан ўрин олади. У гуруҳ аъзоларининг энг ёқимтойи ҳисобланади. Шахслар билан алоқа ўрнатмаган синалувчи доиранинг энг четидан жой олади. Оралиқдаги «майдон»ларга ўртача ва

ундан камроқ танланган текширилувчилар жойлаштирилади. Текширишда, биринчидан, шахслараро муносабатнинг даражаси ва қўлами аниқланади, иккинчидан, қизлар билан ўғил болалар ўртасидаги кўрсаткичлар таққосланади. Кўрсаткичларга қараб гуруҳдаги муносабатлар ёки қизлар билан ўғил болалар ўртасидаги муносабатлар ва уларнинг ўзига хослиги, психологик механизмлари ҳақида хулоса чиқарилади. Шу билан бирга назарий аҳамиятга молик ғоялар олға сурилади, амалий кўрсатмалар берилади, тавсиялар билдирилади.

Еш даври психологиясида тадқиқотнинг социометрик методи шароитга мувофиқлаштирилган кичик гуруҳлардаги шахслараро муносабатни ўлчаш усули ҳисобланади. Бу усулда синалувчиларга бевосита саволлар берилади ва уларга кетма-кет жавоб қайтариш орқали гуруҳ аъзоларининг ўзаро танлаш жараёни вужудга келтирилади. Мактабгача тарбия муассасалари, мактаб синфлари, ўқувчилар отрядлари, меҳнат лагерлари, олий мактаблар, меҳнат жамоалари ва турли муассасаларнинг ходимлари ўртасидаги муносабатларнинг хусусиятлари, динамикаси, шахслараро зиддиятларнинг сабаби шу метод ёрдамида ўрганилади. Турли эҳтиёж, мотив, қизиқиш, интилиш, ҳаракат ва ҳоказолар муайян тартиб ва қоидага биноан системалаштирилади, уларнинг ижтимоий-психологик ҳамда соф психологик илдизлари тўғрисида маълумотлар олинади. Шу билан бирга гуруҳлардаги шахсларнинг яққол, аниқ нуқтаи назари, гуруҳбозлик, оғмачилик, қарама-қаршилик, ҳис-туйғунинг зўриқиши, гуруҳий жипслик, мослик, муносабатнинг мотивлари, қурилиши, жинслар ўртасидаги мулоқотларнинг эгмини ҳамда сеҳри мана шу калит билан очилади.

Умуман айтганда, социометрия методидан турли ёшдаги, икки хил жинсдаги, савияси ҳар хил кишилар гуруҳларидаги психологик қонуниятларни тадқиқ этишда унумли фойдаланиш мумкин.

ЕШ ДАВРЛАРИ ПСИХОЛОГИЯСИНИНГ РИВОЖЛАНИШ БОСҚИЧЛАРИ

1. Жаҳон психологлари асарларида ёш даврлари муаммоси

Ўтган аждодларимиз ёш психологиясининг муаммоларини изчил ва атрофлича, муайян йўналишда, маълум концепция асосида ўрганмаган бўлсалар ҳам, алломаларнинг асарларида мазкур ҳолатларнинг акс этиши, намоён бўлиши, ривожланиши ва ўзгаришлари тўғрисида қимматли фикрлар билдирилган. Булар тўрт хил манбаларда учрайди. Уларнинг бири — халқ ижодиёти: ривоятлар, мақоллар, маталлар ва масаллар; иккинчиси — махсус ижодкор кишилар (ҳатто, ҳукмдорлар) муайян шахсга бағишлаб ёзган ўғит-насиҳат ва ҳикоятлар; учинчиси — қомусий, Ўрта Осиё мутафаккирларининг илмий-назарий қарашлари; тўртинчиси — турли даврларда ижод қилган шоир ва ёзувчилар ижодининг маҳсуллари, яъни бадий асарлардир.

Абу Наср Форобийнинг инсон ва унинг психикаси ҳақидаги ахлоқий-фалсафий мушоҳадалари «Идеал шаҳар аҳолисининг фикрлари», «Масалалар моҳияти», «Фалсафий саволлар ва уларга жавоблар», «Жисм ва акциденцияларнинг шаклларига қараб бўлиниши», «Шарҳлардан», «Ҳикмат маънолари», «Ақл маънолари тўғрисида» каби қатор асарларида баён этилган. Абу Райҳон Беруний ўзининг «Ўтмиш ёдгорликлари» китобида инсон ҳаётига доир хилма-хил маълумотларни келтиради. Шу жумладан, олим кишиларнинг жисмоний тузилиш, умрларининг узун-қисқалиги тўғрисида билдирган мулоҳазалар диққатга сазовордир. Беруний одам узоқ вақт яшашининг сабабини биологик ва ирсий омиллар билан боғлайди. Бу жиҳатдан унинг «Ҳиндистон», «Минералогия» асарлари, Ибн Сино билан ёзишмалари алоҳида аҳамиятга эга.

Ибн Синонинг 5 томлик «Тиб қонунлари» асарида организмнинг тузилиши, ундаги нервлар ва нерв йўллари, физиологик жараёнлар билан боғлиқ психик жараёнлар ҳақида анча муҳим маълумотлар бор. Унинг «Одоб ҳақида» рисоласи ҳам инсон шахсини шакллантириш тўғрисидаги жиддий асардир.

Юсуф Хос Ҳожибнинг «Қутадғу билиг» асаридаги

бош масалалардан бири комил инсонни тарбиялашдир. Адиб ўз асарида энг комил, жамиятнинг ўша даврдаги талабларига жавоб бера оладиган инсонни қандай тасаввур қилган бўлса, шу асосда ўз принципларини баён этади. А. Жомийнинг «Баҳористон», «Хирадномаи Искандарий», «Тухфатул аҳрор», «Силсилатуз заҳоб» ва бошқа асарларида илм-маърифат, таълим-тарбия, касб-ҳунар ўрганиш, яхши хислатлар ва одоблилик ҳақидаги фикрлар ифодаланган.

Давоний ўзининг «Ахлоқи Жалолий» номли асарида инсоний фазилатларни тўртга бўлади ва булар донолик, адолат, шижоат ва иффатдир. Шоир, айниқса донолик фазилатини чуқур таҳлил қилади. Унингча, инсон ўзининг ақлий қобилияти ва ақлий истеъдодини тарбиялаш учун зукко, зеҳнли, фаҳм-фаросатли бўлиши ва билимларни тез эгаллаши лозим.

А. Навоийнинг «Хазойинул маоний», «Маҳбубул қулуб» ва бошқа асарларида етук, баркамол инсоннинг ахлоқи, маънавияти, одамларга муносабати, истеъдоди ва қобилияти тўғрисида қимматли мулоҳазалар юритилган. Ана шу психологик категориялар ижтимоий адолат қарор топиши учун муҳим аҳамиятга эга экани таъкидланган. Шунингдек, Навоий асарларида шахснинг камол топишида ота-онанинг роли, аёлларнинг иффатлилиги, инсонларнинг камтарлиги масалалари алоҳида ўрин эгаллайди. Навоий «Хамса»сининг ҳар бир достонида букилмас ирода, иродавий сифатлар, қатъиятлилиқ, шижоат, инсонпарварлик туйғулари, ижодий ҳаёлот, инсоннинг мураккаб ички кечинмалари моҳирона ёритилган.

Юқоридагилардан ташқари, Бобур, Фароғий, Мажлисий, Машраб, Гулҳаний, Нодира, Увайсий, Муқимий, Фурқат, Бедил, Завқий, Ҳамза, Авлоний ва бошқаларнинг ёшлар тарбиясига, ахлоқ-одоб, феъл-атвор, оилавий ҳаёт масалаларига, шахслараро муносабатларга доир қарашлари ҳам турли жанрлардаги асарларда раво ва ихчам баён қилиб берилган.

Россияда психологик тадқиқот намуналари Шарқ ва Ғарб маданияти таъсирида инсон руҳияти билан боғлиқ қатор оғзаки ва ёзма, амалий ва илмий асарларда пайдо бўла бошлади. Дастлабки педагогик-психологик мазмундаги асарлар XVII—XVIII асрларда диний-ахлоқий негизда ёзилган эди. XVIII асрдан бошлаб болалар психологияси бўйича муайян тартибга, йўналишга ва услубга эга бўлган илмий фикрлар ву-

жудга келди. Рус тарихчиси В. Н. Татищев (1686—1750)нинг «Фанлар ва билим юртларининг фойдаси тўғрисида суҳбат» китобида фанларнинг таснифи, билимларни эгаллаш зарурлиги, тилнинг хосияти, ёзувнинг аҳамияти, ёш даврларининг хусусияти нуқтаи назардан баён қилинган. Н. И. Новиков (1744—1818) башарият фаровонлигини кўзлаб ёшлар ва болалар ўртасида фойдали билимларни кенг ёйиш учун уларни ўзига хос йўсинда тарбиялаш кераклиги ғоясини илгари суради. Унинг асарларида инсоннинг камолоти учун тафаккур, хотира, ахлоқ, ҳис-туйғу ва тақлидчанлик алоҳида аҳамиятга эга экани таъкидланади. А. Н. Радищевнинг (1748—1802) «Петербургдан Москвага саёҳат» китоби ҳам аслида педагогик-психологик асар, дейиш мумкин. Рус социал-демократлари А. Н. Герцен, Н. Г. Чернышевский, Н. А. Добролюбов, В. Г. Белинскийларнинг инсон камолоти тўғрисидаги қарашлари психологияни жонлантиришда муҳим роль ўйнади.

Россияда илмий психологияни ривожлантиришда К. Д. Ушинский, Н. Ф. Каптерев, И. А. Сикорский, А. П. Нечаев, А. Ф. Лазурский, П. Ф. Лесгафт каби олимлар катта ҳисса қўшдилар. К. Д. Ушинскийнинг «Инсон тарбия предмети», Н. Ф. Каптеревнинг «Педагогик психология», И. А. Сикорскийнинг «Бола руҳи», А. П. Нечаевнинг «Ҳозирги замон экспериментал психологияси ва унинг мактаб таълимига муносабати», А. Ф. Лазурскийнинг «Мактаб ўқувчисининг тавсифи», П. Ф. Лесгафтнинг «Оилада бола тарбияси ва унинг аҳамияти», К. Ельницкийнинг «Қизлар тавсифи» асарлари психологик илмий тадқиқотни жадаллаштиришга хизмат қилди.

Россияда Г. И. Росселиннинг «Ёш психологияси ва неврологияси» лабораторияси ишга тушди. «Тарбия хабарлари», «Рус мактаби», «Эркин тарбия», «Кундаликлар» каби журналлар чоп этила бошланди. Ана шунинг замирида «Оила тарбияси қомуси» дунё юзини кўрди. Буларнинг барчаси шахс психологияси ва дифференциал психологиянинг фан сифатида шаклланишига кенг имконият яратди.

Юқорида айтилган асарларда идеалистик қарашларга хайрихоҳлик, ижтимоий муҳитнинг аҳамиятига эътиборсизлик кўзга ташланади. Уларда инсоннинг ижтимоий мавжудотлиги тан олиниб, унга илмий материалистик нуқтаи назардан ёндашилса-да, инсондаги психологик, физиологик ва биологик жиҳатлар, тарки-

бий қисмлар табақаланмайди, ташқи муҳитни бош омил деб тушунтирилади.

Рус физиологиясининг отаси И. М. Сеченов психиканинг рефлектор хусусиятини кашф қилб, шунингдек, билиш жараёни, инсон ҳис-туйғуси, ўзини ўзи (ўзини) англашининг физиологик механизмини тушунтириши фан оламида кескин ўзгариш ясади. И. П. Павлов кашф этган қатор қонуниятлар, хоссалар, иккинчи сигналлар системаси экспериментал ишларни олиб боришга пухта замин ҳозирлади.

И. М. Сеченов, И. П. Павлов ғояларига асосланган П. О. Эфруси, Н. Е. Рибоков, К. Н. Корнилов, П. П. Блонский, Л. С. Виготский ва бошқа олимлар ёш психологияси бўйича қимматли тадқиқотларни амалга оширдилар ва янгидан-янги қонуниятларни яратдилар.

XIX аср охири XX аср бошларида Ғарбий Европа мамлакатлари ва АҚШ да ёш психологияси ва педагогик психология фанларида илмий тадқиқотларга асосланган қатор асарлар пайдо бўлди. Америкалик психолог У. Джемс «Ўқитувчилар билан психология тўғрисида суҳбат» (1902) асарида ёш даврининг хусусиятлари ҳақидаги илмий ва амалий аҳамиятга эга бўлган маълумотларни чуқур таҳлил қилди. К. Бюлер хоним (1879—1963) ўзининг илмий тадқиқотларида фаолиятнинг ҳар хил ёш даврларидаги ролини, фаолият турларида фантазия, тафаккур, нутқ жараёнларининг ривожланишини, ақлий фаолият ҳамда унинг ривожланиш босқичлари (инстинкт, дрессура, интеллект)ни, шахснинг шаклланишида биологик ва ижтимоий омилларнинг аҳамиятини изчил ўрганди.

Мазкур соҳада тубдан фарқланувчи ғоялар, назариялар юзага келди. Масалан, америкалик психолог С. Холл (1844—1924) Геккелнинг эволюция қонуниятини психологияга бевосита кўчиради. Унинг фикрича, «ирсият» филогенезни онтогенезда такрорлайди, холос. Швейцариялик психолог Э. Клапаред (1873—1940) С. Холлдан фарқли ўлароқ, онтогенез ва филогенезда психик функциянинг ўсишини ўрганиш учун қуйидаги ҳолатларга эътибор беради: а) организм эҳтиёжини қондириш; б) рефлектор ҳаракат тўсиққа дуч келса, онгли ҳаракат вужудга келади; в) унга нисбатан эҳтиёж сезса, у ҳолда маълум фаолият турига йўналтирилади. Э. Клапаред «Бола психологияси ва экспериментал педагогика» китобида қизиқиш, мотив, эҳтиёжларнинг методологик асослари, болалар тафаккури-

нинг хусусиятлари ва ривожланиш қонуниятлари, уларда дастлабки умумлаштиришнинг синкретлиги (аралаш ҳолатдалиги), ўхшашлик ва фарқланишнинг бола онгида акс этиши тўғрисида мулоҳаза юритади.

Француз психологи Э. Дюркгейм (1858—1917) ўсиш—кишиларнинг ҳис-туйғусини ўзлаштириш эканини, шу бонсдан, идрок қилинган ташқи фикрлар ва эмоциялар боланинг руҳий фаолиятини ифодалашини, бола тажриба, анъана, урф-одатларни тақлид орқали эгаллашини, биологияда ирсият қанчалик аҳамиятли бўлса, тақлид ҳам жамиятда шундай ўрин тутишини уқтиради. Э. Дюркгеймнинг фикрича, бола тақлид қилиш қобиляти билан туғилади.

Француз психологи П. Жане (1857—1947) психик ривожланишнинг биологик ва ижтимоий муносабатлар муаммоси билан шуғулланиди.

Унинг назариясига биноан инсон психикаси ижтимоий муносабатларга боғлиқ, зотан жамият ва табиат ўртасидаги турли алоқалар системасининг шаклланиши инсоннинг ўсишини белгилайди. У алоқа деб, хатти-ҳаракатни тушунади. Бу эса кишининг атроф муҳитга шахси муносабатидан бошқа нарса эмас, албатта. П. Жаненинг фикрича, энг қимматли, аҳамиятли, ижтимоий ҳаракат ҳамкорликдаги фаолиятда ўз ифодасини топади, шахслараро ташқи муносабатлар ривожланишнинг принципи ҳисобланади. П. Жане ўз тадқиқотларида психиканинг тўрт даражаси: а) мотор реакциясининг ўсиши; б) перцептив ҳаракатнинг ўсиши; в) шахсий-ижтимоий ҳаракатнинг ўсиши (ўзининг ҳаракатини бошқа кишиларга мослаштириш); г) интеллектуал содда хатти-ҳаракатнинг ўсиши (нутқ ва тафаккурнинг ривожланиши) мавжуд эканлигини асослаган.

Швейцариялик психолог Ж. Пиаже (1896—1980) инсоннинг камол топишини бир неча даврларга ажратиб ўрганишни тавсия қилади:

1. Бола — ташқи муҳит — маълумотларни қайта ишлаш.

2. Тафаккур: а) ижтимоий давргача; б) ижтимоий давр.

3. Интеллект: а) сенсомотор — 2 ёшгача; б) операциял давргача — 2—7 (8); в) яққол операция даври — 7 (8)—11 (12) ёшгача; г) расман (формал) операция даври — 11 (12)—15 ёшгача.

АҚШлик психолог Дж. Брунер (1915) шахнинг таркиб топиши билан таълим ўртасида иккиёқлама алоқа мавжудлигини айтиб, инсоннинг камолот сари интилиши билим олиш самарадорлигини оширса, ўқи-тишнинг такомиллашуви унинг ижтимоийлашуви жараёнини тезлаштиради, деб уқтиради.

Шу тариқа ёш психологияси фани қатор ривожланиш босқичларидан ўтиб, бугунги даражасига эришди. Унинг ривожланишига Ўрта Осиё алломалари, рус ва чет эллар психологлари муносиб ҳиссаларини қўшдилар. Юқорида айтилган назариялар, амалий ва илмий маълумотлар, тадқиқотчилар яратган методикалар ўз аҳамиятини сақлаб келмоқда.

2. Ёш даврларини табақалаш назариялари

Психология фанида ёш даврларини табақалаш бўйича қатор мустақил назариялар мавжуд, улар инсон шахсини тадқиқ қилишга ҳар хил нуқтаи назардан ёндашади ва муаммонинг моҳиятини турлича ёритади. Уларга биогенетик, социогенетик, психогенетик, когнитивистик, психо-аналитик, бихевиористик назарияларни киритиш мумкин.

Қуйида мазкур назариялар ва уларнинг айрим намояндалари ифодалаган ёш даврларини табақалаш принципларини кўриб чиқамиз.

Биогенетик назарияда инсоннинг биологик етилиши бош омил сифатида қабул қилинган, қолган жараёнларнинг ривожланиши ихтиёрий бўлиб, ана шу омил билан ўзаро боғлиқдир. Мазкур назарияга биноан, ривожлантиришнинг бош мақсади биологик детерминантларга (аниқловчиларга) қаратилади ва улардан ижтимоий-психологик хусусиятлар келиб чиқади.

Ривожланиш жараёнининг ўзи, даставвал биологик етилишнинг универсал босқичи сифатида талқин қилинади.

Биогенетик қонунни Ф. Мюллер ва Э. Геккел кашф қилган. Биогенетик қонун органнинг ривожланиши назариясини ташвиқ қилишда ҳамда антидарвинчиларга қарши курашда муайян даражада тарихий роль ўйнаган. Бироқ унда органнинг индивидуал ва тарихий ривожланиши муносабатларини тушунтиришда қўпол хатоларга йўл қўйилган. Жумладан, биогенетик қонунга кўра, шахс психологиясининг индивидуал ривожланиши (онтогенез) бутун инсониятнинг тарихий риво-

жининг (филогенез) асосий босқичларини қисқача такрорлайди.

Немис психологи В. Штерннинг фикрича, чақалоқ (янги туғилган бола) ҳали одам ҳисобланмайди, балки фақат сут эмизувчи ҳайвондир; олти ойликдан ошгач, у психик ривожни жиҳатидан фақат маймунлар даражасига тенглашади, икки ёшида оддий одам ҳолига келади, беш ёшларида ибтидоий ғала ҳолидаги одамлар даражасига етади, мактабга кирганидан бошлаб ибтидоий даврни бошидан кечиради, кичик мактаб ёшида унинг онги ўрта аср кишилари даражасига, ниҳоят, етуқлик даври (16—18 ёшлари)дагина ҳозирги замон кишиларининг маданий даражасига эришади.

С. Холл «рекапитуляция қонуни»ни (филогенезни қисқача такрорлашни) психологик ўсишнинг бош қонуни деб ҳисоблайди. Унинг фикрича, онтогенез филогенезнинг муҳим босқичларини такрорлайди. Олимнинг талқинича, гўдаклик ҳайвонларга хос ривожланиш палласидан бошқа нарса эмас. Болалак эса асосий машғулоти овчилик ва балиқчилик бўлган қадимги кишиларнинг даврига айнан мос келади. 8—12 ёшлардаги ўсиш даври ёввойиликнинг охири ва цивилизациянинг бошланишидаги камолотга тенгдир. Ўспиринлик эса жинсий етилишдан (12—13 ёшдан) бошланиб етуқлик давригача (22—25 ёшгача) давом этиб, романтизмга баробардир. С. Холлнинг талқинича, бу даврлар «бўрон ва тазйиқлар», ички ва ташқи низолар (зиддиятлар)дан иборат бўлиб, одамда «индивидуаллик туйғуси» вужудга келади. Ёш даврларини табақалашнинг бу тури ўз навбатида танқидий мулоҳазалар манбаи вазифасини ўтайди, чунки инсон зотидаги ривожланиш босқичлари филогенезни айнан такрорламайди ва такрорлаши ҳам мумкин эмас.

Биогенетик концепциянинг бошқа бир тури немис «конституцион психологияси» (инсоннинг тана тузилишига асосланган назария) намояндалари томонидан ишлаб чиқилган. Э. Кречмер шахс (психологияси) типологиясининг негизига бир қанча биологик омилларни (масалан, тана тузилишининг типи ва бошқаларни) киритиб, инсоннинг жисмоний типи билан ўсишининг хусусияти ўртасида узвий боғлиқлик мавжуд, деб таҳмин қилади. Э. Кречмер одамларни иккита катта тоифага: циклоид (тез қўзғалувчи, ҳис-туйғуси ўта беқарор) ва шизоид (одамови, муносабатга қийин киришувчи, ҳис-туйғуси чекланган) ларга ажратади. Бу

тахминини ёш даврлари хусусиятларига ҳам татбиқ этиб, ўсмирлар **циклоид** хусусиятли, ўспиринлар эса **шизонд** хусусиятлилигини таъкидлайди. Лекин инсоннинг камол топишида биологик шартланган сифатлар ҳамisha етакчи ва ҳал қилувчи роль ўйнай олмайди, чунки шахснинг индивидуал-типологик хусусиятлари бир-бирига айнан мос тушмайди.

Биогенетик назариянинг намояндалари — америкалик психологлар А. Гезелл ва С. Холл ривожланишнинг биологик моделига таяниб иш кўрадилар, бу жараёнда мувозанат, интеграция ва янгиланиш цикллари ўзаро алмашилиб туради, деган хулосага келадилар.

Психология тарихида биологизмнинг энг яққол кўриниши Зигмунд Фрейднинг шахс талқинида ўз ифодасини топган. Унинг таълимотига биноан шахснинг барча хатти-ҳаракатлари (хулқи) онгсиз биологик майллар ёки инстинктлардан келиб чиқади, биринчи навбатда, жинсий (сексуал) майлга боғлиқдир. Бундай биологизаторлик омиллари инсон хулқини белгилловчи бирдан-бир мезон ёки бетакрор туртки ролини бажара олмайди.

Биогенетик назариянинг қарама-қарши кўриниши **социогенетик** назариядир. Бу назарияда шахсда рўй берадиган ўзгаришларни жамиятнинг структураси, ижтимоийлашиш (социализация) усуллари, атрофдаги одамлар билан ўзаро муносабат воситалари асосида тушунтирилади. Ижтимоийлашиш назариясига кўра инсон биологик тур сифатида туғилиб, ҳаётдаги ижтимоий шарт-шароитларнинг бевосита таъсири остида шахсга айланади.

Ғарбнинг энг муҳим назарияларидан бири — роллар назариясидир. Бу назарияга кўра жамият ўзининг ҳар бир аъзосига статус (ҳақ-ҳуқуқ) деб номланган хатти-ҳаракатнинг барқарор усуллари мажмуасини яратади. Инсон ижтимоий муҳитда бажариши шарт бўлган махсус роллар унинг хулқ-атворида, бошқалар билан муносабатида сезиларли из қолдиради.

АҚШда индивидуал тажриба ва билимларни ўзлаштириш (кўкиниш) назарияси кенг тарқалган. Мазкур назарияга биноан, шахснинг ҳаёти ва воқеликка муносабати, кўникмаларни эгаллаши ва билимларни ўзлаштириши кўзғатувчининг барқарорлигига боғлиқдир.

К. Левин тавсия қилган «фазовий зарурат майдони» назарияси ўз даврида муҳим аҳамият касб этган. К. Ле-

вин назариясига кўра, шахснинг хулқи (хатти-ҳаракати) психологик куч вазифасини ўтовчи иштиёқ (интилиш), мақсад (ният) билан бошқарилиб туради, бу кучлар фазовий зарурат майдонининг кўлами ва таянч нуқтасига йўналган бўлади.

Юқорида ифодаланган ҳар бир назария шахснинг ижтимоий хулқини ўзгалар учун ёпиқ ёки махфий муҳитнинг хусусиятларидан келиб чиққан ҳолда тушунтиради, бунда у одам хоҳиши ёки хоҳламаслигидан қатъи назар, мазкур шароитга мослашмоғи (кўникмоғи) зарур, деган қоидага амал қилади.

Бизнингча, барча назарияларда инсон ҳаётининг ижтимоий-тарихий, объектив шарт-шароитлари мутлақо эътиборга олинмаган.

Психологияда психогенетик ёндашиш ҳам мавжуд бўлиб, у биогенетик ва социогенетик омилларнинг қимматини камситмайди, балки психик жараёнларнинг ривожланишини биринчи даражали аҳамиятга эга деб ҳисоблайди. Мазкур ёндашишни учта мустақил йўналишга ажратиб таҳлил қилиш мумкин ва бу йўналишлар ўз моҳияти, кечиши ва маҳсули жиҳатидан кескин фарқланади.

Психиканинг иррационал (ақлий билиш жараёнларидан бошқа) таркибий қисмлари: эмоция, майл ёрдамида шахснинг хулқини таҳлил қилувчи назария психодинамика, дейилади. Бу назариянинг йирик намоёндаларидан бири америкалик психолог Э. Эриксондир. У инсоннинг умрини ўзига хос бетакрор хусусиятларга молик 8 та даврга ажратади.

Биринчи давр — гўдакликда ташқи дунёга онгсиз «ишонч» туйғуси вужудга келади. Бунинг бош сабаби ота-онанинг меҳр-муҳаббати, ғамхўрлиги ва жонқуярлигидир. Агар гўдакда ишончнинг негизи пайдо бўлмай, борлиққа ишончсизлик ҳисси туғилса, вояга етган одамларда маҳдудлик, умидсизлик вужудга келиши шубҳасиздир.

Иккинчи давр — илк болаликда ярим мустақиллик ва шахсий қадр-қиммат туйғуси шаклланади ёки, аксинча, уларнинг тескараси — уят ва шубҳа ҳисси ҳосил бўлади. Болада мустақилликнинг ўсиши унга ўз танасини бошқариш учун кенг имконият яратиб, бўлғуси шахе хусусиятларидан тартиб ва интизом, масъулият, жавобгарлик, ҳурмат туйғулари таркиб топишига замин ҳозирлайди.

Учинчи давр — ўйин ёши деб аталади ва унга 5—7

ёшли болалар киради. Бу даврда ташаббус туйғуси, қандайдир ишларни амалга ошириш, бажариш майли таркиб топади. Мабодо боладаги хоҳиш-истакни рўёбга чиқариш йўли тўсиб қўйилса, бунинг учун у ўзини айбдор деб ҳисоблайди. Мазкур даврда давра, яъни гуруҳ ўйинларга, тенгқурлари билан мулоқотга киришиш муҳим аҳамият касб этади: бола турли роллар бажариб кўришига, унинг ҳаёлоти ўсишига имкон яратади. Худди шу даврда болада адолат туйғуси, уни тушуниш майли туғила бошлайди.

Тўртинчи давр — мактаб ёши боладаги асосий ўзгаришлар: кўзлаган мақсадига эришиш учун интилиш, уддабуролик ва тиришқоқлик билан ажралиб туради. Унинг энг муҳим қадрияти омилкорлик ва маҳсулдорликдан иборатдир. Бу ёш даврининг салбий жиҳатлари (иллатлари) ҳам бўлиб, улар ижобий хислатлари етарли бўлмаслиги, онг ҳаётнинг барча қирраларини қамраб ололмаслиги, муаммоларни ҳал қилишда ақл-заковат даражасининг пастлиги, билимларни ўзлаштиришдаги қолоқлик ва ҳоказолардир. Худди шу даврда шахснинг меҳнатга муносабати шакллана бошлайди.

Бешинчи давр — ўспиринлик бетакрор хислати, ўзига хослиги, бошқа одамлардан кескин фарқланиши билан характерланади. Шунингдек, ўспиринлик шахс сифатида ноаниқлиги муайян ролни уддаламаслик, қатъийатсизлик сингари салбий сифатларга ҳам эгадир. Мазкур даврнинг энг муҳим хусусияти «ролини кечиктириш»нинг ўзгариши ҳисобланади. У ижтимоий ҳаётда бажараётган ролларнинг кўлами кенгайди, лекин уларнинг барчасини жиддий эгаллаш имкониятига эга бўлмайди, шунингдек, ролларда ўзини синаб кўриш билан чекланади, холос. Эриксон ўспиринларда ўзини ўзи англашнинг психологик механизмларини батафсил таҳлил қилади, унда вақтни янгича ҳис қилиш, психосексуал қизиқиш, патоген (касаллик қўзғатувчи) жараёнларини ва уларнинг турли кўринишлари намоён бўлишини баён қилади.

Олтинчи давр — ёшлик бошқа жинсга психологик интим яқинлашув қобилияти ва эҳтиёжи вужудга келиши билан ажралиб туради. Бунда айниқса, жинсий майл алоҳида ўрин тутаяди. Бундан ташқари, ёшлик танҳоликни ёқтириш ва одамовилик каби ёқимсиз хусусият билан ҳам фарқланади.

Еттинчи давр — етуклик даврида ҳаётий фаолиятнинг барча соҳаларида (меҳнатда, ижодиётда, ғамхўр-

ликда, пушт қолдиришда, тажриба узатиш ва бошқаларда) маҳсулдорлик туйғуси узлуксиз ҳамроҳ бўлади ва эзгу ниятларнинг амалга ошишида туртки вазифасини бажаради. Шунингдек, мазкур даврда айрим жиҳатларда турғунлик туйғуси салбий хусусият сифатида ҳукм суриши ҳам мумкин.

Саккизинчи давр, яъни қариллик инсон сифатида ўз бурчини уддалай олганлигидан, турмушнинг кенг ўрновлилигидан қаноатланиш туйғулари билан характерланади. Салбий хусусият сифатида эса ҳаёт фаолиятидан ноумидлилик, кўнгил совиш туйғуларини айтиш мумкин. Донолик, софлик, гуноҳлардан фориғ бўлиш ҳар бир ҳолатга шахсий ва умумий нуқтаи назардан қараш бу ёшдаги одамларга хос энг муҳим жиҳатлардир.

Э. Шпрангер «Ўспиринлик даври психологияси» номли асарида бу даврга 13—19 ёшли қизларни, 14—22 ёшли йигитларни киритишни тавсия қилади. Унингча, бу ёш даврида юз берадиган асосий ўзгаришлар: а) шахсий «Мен»ни кашф қилиш; б) рефлексиянинг ўсиши; в) ўзининг индивидуаллигини англаш ва шахсий хусусиятларини эътироф қилиш; г) ҳаётий эзгу режаларнинг пайдо бўлиши; д) ўз шахсий турмушини онгли ҳолда қуришга интилиш ва ҳоказолардир. 14—17 ёшларда вужудга келадиган инқироз ўсмирларда ўзларига катталарнинг болаларча муносабати доирасидан қутулиш туйғуси пайдо бўлишидан иборатдир. 17—21 ёшлиларнинг яна бир хусусияти уларда тенгқурларидан «ажралиш» инқироzi ва танҳолик истагининг пайдо бўлишидир. Бу ҳолат тарихий шарт-шароитлардан келиб чиқади.

Э. Шпрангер, К. Бюлер, А. Маслоу ва бошқалар персонологик назариянинг йирик намояндалари ҳисобланадилар.

Когнитивистик йўналишнинг асосчилари қаторига Ж. Пиаже, Дж. Келли ва бошқаларни киритиш мумкин.

Ж. Пиаженнинг ақл-идрок назарияси, ақл-идрок функциялари ҳамда унинг давлари ҳақидаги таълимотни ўз ичига олади. Ақл-идрокнинг асосий функциялари уюшқоқлик ва мослашиш, кўникишдан иборат бўлиб, ақл-идрокнинг функционал инвариантлиги деб юритилади.

Муаллиф интеллектни қуйидаги ривожланиш давларига ажратади: 1) сенсомотор интеллекти (туғилиш-

дан 2 ёшгача); 2) операциялардан илгариги тафаккур даври (2 ёшдан 7 ёшгача); 3) конкрет операциялар даври (7—8 ёшдан 11—12 ёшгача); 4) формал (расмий) операциялар даври.

Ж. Пиаженинг ғояларини давом эттирган психологларнинг бир гуруҳини когнитив-генетик назариячиларга қўшиш мумкин. Бу йўналишнинг намояндалари Л. Колберг, Д. Бромлей, Дж. Биррер, А. Валлон, Г. Гримм ва бошқалардан иборатдир.

А. Валлон (Франция) нуқтаи назарича ёш давлари қуйидаги босқичларга ажратилади: 1) ҳомилянинг она қорнидаги даври; 2) импульсив ҳаракат даври — туғилгандан 6 ойликкача; 3) эмоционал (ҳистуйғу) даври — 6 ойликдан 1 ёшгача; 4) сенсомотор (идрок билан ҳаракатнинг уйғунлашуви) даври — 1 ёшдан 3 ёшгача; 5) персонологизм (шахсга айланиш) даври — 3 ёшдан 5 ёшгача; 6) фарқлаш даври — 6 ёшдан 11 ёшгача; 7) жинсий етилиш ва ўспиринлик даври — 12 ёшдан 18 ёшгача.

Яна бир франциялик йирик психолог Р. Заззо ўз ватанидаги таълим ва тарбия системасининг принципларидан келиб чиққан ҳолда, мазкур муаммога бошқачароқ ёндашиб ва уни бошқача талқин этиб, инсоннинг улғайиб боришини қуйидаги босқичларга ажратишни тавсия қилади:

1. Биринчи босқич — боланинг туғилганидан 3 ёшгача даври.

2. Иккинчи босқич — 3 ёшдан 6 ёшгача.

3. Учинчи босқич — 6 ёшдан 9 ёшгача.

4. Тўртинчи босқич — 9 ёшдан 12 ёшгача.

5. Бешинчи босқич — 12 ёшдан 15 ёшгача.

6. Олтинчи босқич — 15 ёшдан 18 ёшгача.

Ёш давларига ажратишидан кўринадики, Р. Заззо инсон ривожланишининг босқичларига шахс сифатида таркиб топиш, такомиллашув назариясидан келиб чиқиб ёндошгани шахс шаклланиши палласининг юқори нуқтаси, яъни ижтимоийлашуви билан чекланишга олиб келган. Шунинг учун унинг таълимоти инсоннинг туғилганидан умрининг охиригача психологик такомиллашуви, ўзгариши, ривожланиши хусусиятлари ва қонуниятлари тўғрисида мулоҳаза юритиш имконини бермайди.

Г. Гримм онтогенезда инсоннинг камолотини қуйидаги давларга ажратишни лозим топади: 1) чақалоқлик — туғилгандан 10 кунликкача; 2) гўдақлик — 10

кунлиқдан 1 ёшгача; 3) илк болалик — 1 ёшдан 2 ёшгача; 4) биринчи болалик — 3 ёшдан 7 ёшгача; 5) иккинчи болалик — 8 ёшдан 12 ёшгача; 6) ўсмирлик — 13 ёшдан 16 ёшгача ўғил болалар, 12 ёшдан 15 ёшгача қизлар; 7) ўспиринлик — 17 ёшдан то 21 ёшгача йигитлар, 16 ёшдан 20 ёшгача қизлар; 8) етуклик — биринчи босқич: 22 ёшдан 35 ёшгача эркаклар, 21 ёшдан 35 ёшгача аёллар; иккинчи босқич: 36 ёшдан 60 ёшгача эркаклар, 36 ёшдан 55 ёшгача аёллар; 9) кексايш (ёш қайтиши) — 61 ёшдан 75 ёшгача эркаклар, 55 ёшдан 75 ёшгача аёллар; 10) қарилик — 76 ёшдан 90 ёшгача (жинсий тафовут йўқ); 11) узоқ умр кўрувчилар 91 ёшдан юқориси.

Дж. Биррен ёш даврларини қуйидагича тасаввур этади: 1) гўдақлик — туғилгандан 2 ёшгача; 2) мактабгача — 2 ёшдан 5 ёшгача; 3) болалик 5 ёшдан 12 ёшгача; 4) ўспиринлик даври — 12 ёшдан 17 ёшгача; 5) илк етуклик — 17 ёшдан 20 ёшгача; 6) етуклик — 20 ёшдан 50 ёшгача; 7) етукликнинг охири — 50 ёшдан 75 ёшгача; 8) қарилик — 76 ёшдан юқориси.

Д. Бромлейнинг таснифи бошқаларникига мутлақо ўхшамайди, чунки унда ёш даврларининг ўзи ҳам давр ва босқичларга ажратилган: **биринчи давр** — она қорнидаги муддатни ўз ичига олади (зигота — эмбрион — ҳомила — туғилиш), **иккинчи давр** (болалик): а) гўдақлик — туғилгандан 18 ойликгача; б) мактабгача босқичдан олдинги — 19 ойликдан 5 ёшгача; в) мактаб болалиги — 5 ёшдан 11—13 ёшгача; **учинчи давр** (ўспиринлик) — 1) илк ўспиринлик — 11 ёшдан 15 ёшгача; 2) ўспиринлик — 15 ёшдан 21 ёшгача; **тўртинчи давр** (етуклик) — 1) илк етуклик — 21 ёшдан 25 ёшгача; 2) ўрта етуклик — 25 ёшдан 40 ёшгача; 3) етукликнинг сўнгги босқичи — 40 ёшдан 55 ёшгача; **бешинчи давр** (қарилик) — 1) истеъфо босқичи — 55 ёшдан 65 ёшгача; 2) қарилик босқичи — 65 ёшдан 75 ёшгача; 3) энг кексалик — 76 ёшдан юқориси.

Биз чет эл психологиясидаги ёш даврларини табақалашнинг йўналишлари ва назарияларига қисқача тўхталиб ўтдик. Улардан кўриниб турибдики, бу соҳада битта умумий назария ҳали ишлаб чиқилмаган.

Рус психологиясидаги ёш даврларини табақалаш муаммоси дастлаб Л. С. Виготский, П. П. Блонский, Б. Г. Ананьев сингари йирик психологларнинг асарларида ўз аксини топа бошлаган. Кейинчалик бу муаммо билан шуғулланувчилар сафи кенгайиб борди, шу

боясдан табақаланиш келиб чиқиши, илмий манбаи, ривожланиш жараёнларига ёндашилиши нуқтаи назаридан ўзаро кескин фарқланади. Ҳозир ёш даврларини табақалаш юзасидан мулоҳаза юритишда олимларнинг илмий қарашларини муайян туруҳларга ажратиш ва уларнинг моҳиятини очиш мақсадга мувофиқдир.

Л. С. Виготский психологларнинг ёш даврларини табақалаш назарияларини танқидий таҳлил қилиб, муайян ривожланишни вужудга келтирувчи руҳий янгиланишларга таяниб ёш даврларини қуйидаги босқичларга ажратади:

1. Чақалоқлик даври инқирози.

2. Ғўдаклик даври — 2 ойликдан 1 ёшгача.

Бир ёшдаги инқироз.

3. Илк болалик даври — 1 ёшдан 3 ёшгача.

3 ёшдаги инқироз.

4. Мактабгача давр — 3 ёшдан 7 ёшгача.

7 ёшдаги инқироз.

5. Мактаб ёши даври — 8 ёшдан 12 ёшгача.

13 ёшдаги инқироз.

6. Пубертат (жинсий етилиш) даври — 14 ёшдан 18 ёшгача.

17 ёшдаги инқироз.

Олим ўз асарларида ҳар бир даврнинг ўзига хос хусусиятларини чуқур илмий таърифлай олган. Энг муҳим психик янгиланишлар ҳақида илмий ва амалий аҳамиятга молик мулоҳазалар билдирган. Бироқ бу мулоҳазаларида анча мунозарали, баҳсли ўринлар ҳам учрайди. Умуман Л. С. Виготскийнинг ёш даврларини табақалаш назарияси илмий-тарихий аҳамиятга эга, унинг ривожланишни амалга оширувчи инқирозлар роли тўғрисидаги мулоҳазалари ва олға сурган ғоялари ҳозирги куннинг талабига мосдир.

Л. С. Виготскийнинг шогирди Л. И. Божович инсоннинг камол топишини ёш даврларига бўлишда мотивларни асос қилиб олди, шунинг учун бу бўлишни мотивацион ёндашиш, деб аташ мумкин. Л. И. Божовичнинг мулоҳазасига кўра ёш давлари қуйидаги босқичлардан иборат:

биринчи босқич — чақалоқлик; туғилгандан 1 ёшгача; иккинчи босқич — мотивацион тасаввур: 1 ёшдан 3 ёшгача; учинчи босқич — «Мен»ни англаш даври: 3 ёшдан 7 ёшгача; тўртинчи босқич — ижтимоий жонзотликни англаш даври; 7 ёшдан 11 ёшгача; бешинчи босқич — а) ўзини-ўзи англаш даври: 12 ёшдан 14 ёш-

гача; 6) ўз ўрнини белгилаш (топиш) даври: 15 ёшдан 17 ёшгача.

Л. И. Божович ҳар бир босқични психологик тавсиялашда унда намоён бўладиган ўзгаришларни, бу ўзгаришларнинг сабаблари, омиллари, манбалари, турткилари, механизмларини ҳам баён қилади.

Д. Б. Элькониннинг таснифи етакчи фаолият (А. Н. Леонтьев) назариясига, ҳар қайси ривожланиш палласида фаолиятнинг бирор устунлик қилиши мумкинлигига асосланган. Етакчи фаолиятнинг инсон шахс сифатида камол топишидаги роли назариянинг негизини ташкил қилади.

Д. Б. Эльконин ёш давларини қуйидаги босқичларга ажратишни лозим топади:

1) гўдаклик даври — туғилгандан 1 ёшгача; асосий фаолият — бевосита эмоционал мулоқот;

2) илк болалик даври — 1 ёшдан 3 ёшгача; асосий фаолият — предмет билан нозик ҳаракатлар қилиш;

3) мактабгача давр — 3 ёшдан 7 ёшгача; асосий фаолият — ролли ўйинлар;

4) кичик мактаб ёши даври — 7 ёшдан 10 ёшгача; асосий фаолият — ўқиш.

5) кичик ўсмирлик даври — 10 ёшдан 15 ёшгача; асосий фаолият — шахснинг интим мулоқоти;

6) катта ўсмирлик ёки илк ўспиринлик даври — 16 ёшдан 17 ёшгача; асосий фаолият — ўқиш, касб танлаш.

Д. Б. Эльконин таснифини, кўпчилик психологлар маъқуллашига қарамай, унда айрим мунозарали жиҳатлар ҳам бор. Умуман эса Д. Б. Элькониннинг мазкур назарияси психология фанида, айниқса ёш давлари психологиясида муҳим ўрин тутди.

Болалар психологияси фанининг йирик намоёнаси А. А. Люблинская инсон камолотини ёш давларига ажратишда педагогик психология, фаолият нуқтаи назаридан унга ёндашиб, қуйидаги давларни атрофлича ифодалайди:

1. Чақалоқлик даври — туғилганидан бир ойликкача.

2. Кичик мактабгача давр — 1 ойликдан 1 ёшгача.

3. Мактабгача тарбиядан олдинги давр — 1 ёшдан 3 ёшгача.

4. Мактабгача тарбия даври — 3 ёшдан 7 ёшгача.

5. Кичик мактаб ёши даври — 7 ёшдан 11 (12) ёшгача.

Чақалоқнинг лабига ва тилининг шилимшиқ пардасига бирор қўзғатувчи тегиши билан унда ихтиёрсиз равишда сўлак ажрала бошлайди. Она кўкрагини эмишда унинг бошқа ҳар қандай ҳаракатлари секинлашади ёки мутлақо тўхтайди. Психологлар М. П. Денисова ва Н. Л. Фигуринлар чақалоқлардаги мазкур жараёни чуқур тадқиқ қилиб «овқатга йўналиш» реакцияси деб атадилар. И. П. Павлов таъбирича, бунда шартсиз рефлекслар вужудга келиб, у идрок қилинадиган нарсага идрок қилувчи органни қўзғатувчи энг қулай йўналишида акс этади. Натижада эмиш механизмнинг таъсиридаги хатти-ҳаракатлар қисман ёки бутунлай тормозланади.

Чақалоқнинг янги шароитда яшашини таъминловчи асосий омил туғилишда унда вужудга келган табиий механизмлардир. У ташқи шароит ва муҳитга мослашиш имконини берадиган, нисбатан етилган нерв системаси билан туғилади. Туғилганидан бошлаб мазкур рефлекслар организмда қон айланиши, нафас олиш ҳамда нафас чиқаришни таъминлайди.

Биринчи кунданоқ кучли қўзғатувчиларга нисбатан кўзни қисиш, пирпиратиш, унинг қорачиғини кенгайтириш ёки торайтириш механизмлари ишлай бошлайди. Бу рефлексларни ҳимоя рефлекслари дейилади.

Чақалоқда ҳимоя рефлексларидан ташқари, қўзғатувчилар билан алоқа ўрнатишга хизмат қиладиган рефлекслар ҳам бўлади. Буларни ориентир рефлекслари деб аталади. Чақалоқларни кузатишларда икки-уч кунлик бола хонага қуёш нури тушиши билан бошини ёруғлик томонга буриши, чақалоқ хонага аста кириб келаётган нур манбаини ҳам сезиши яққол кўринди.

Юқорида айтилган рефлекслардан ташқари, болада бир нечта туғма табиий рефлекслар ҳам учрайди: эмиш рефлeksi оғзига тушган нарсани сўришда ўз ифодасини топса, қўл кафтига бирор нарсанинг тегиши ушлаш, чанг солиш реакциясини вужудга келтиради. Ўзидан нарсани итариш, узоқлаштириш рефлeksi мавжудлигини кўрсатади ва бу ҳол товонга қандайдир жисм тегиши билан уни ўзидан узоқлаштиришда намоён бўлади.

Психолог В. С. Мухинанинг фикрича, чақалоқда туғилишига қадар ҳам шартсиз рефлекслар бўлиши, унга ҳомилалик пайтидаёқ ўз қўлини сўриш имконини яратади.

Шарқ алломаларининг фикрича, чақалоқда туғма реакцияларнинг бошқа гуруҳи ҳам мавжуд бўлиб, бешик тебратилганда чақалоқнинг йиғидан тўхташи, ихтиёрсиз ҳаракати секинлашуви шундан далолат беради. Қадим замонлардан бери бешик, сўргич ва ҳоказолардан чақалоқни юпатишнинг, унинг ихтиёрсиз ҳаракатини тўхтатишнинг, диққатини овқатга ва фавқулудда ҳолатга тўплашнинг муҳим воситаси сифатида фойдаланилади.

Қатор туғма-табiiй реакциялар чақалоқ ҳаёти учун жуда муҳимдир. Ана шу шартсиз рефлекслар туфайли у янги, ўнғайсиз шароитга кўникиб боради ва ўз яшаш тарзини мавжуд йўналишга уйғунлаштиради. Унинг янги муҳитда овқатланиши ва нафас олиши ана шу рефлексларнинг бевосита функцияси ҳисобланади. Бола туғилгунича ундаги барча жараёнлар онанинг организми орқали амалга ошган бўлса, туғилганидан кейин мутлақо бошқача тарзда амалга оша бошлайди. Масалан, ўпка билан нафас олиш, ораль (оғиз, ичак, ошқозон каби биологик органлар орқали) овқатланиш вужудга келади. Буни психологияда рефлексор мослашиш деб аталади.

Мускул системасининг иштирокида нафас олишнинг ритмли ҳаракатлари амалга ошади. Бу жараён овқатланиш, эмиш (сўриш) рефлекслари ёрдамида вужудга келади. Чақалоқнинг туғма рефлекслари дастлабки пайтларда номутаносиб ишлаши сабабли у тез-тез қалқиб кетади, жисмонан дарров толиқади (тез уйқуга кетади ёки уйғонади). Чақалоқнинг бутун фаолияти, фаоллиги организмни озиқ билан таъминлашга, тўйишга йўналган бўлади. Организмнинг терморегуляцияси ҳам алоҳида аҳамият касб этиб, болани ўзгарувчан микромуҳитга тобора мослаштириб боради.

Чақалоқлик даври инсоннинг камол топишида хулқ-атворнинг туғма-инстинктив кўринишлари: нафас олиш, овқатланиш, ҳароратдан таъсирланиш ва ҳоказолар соф ҳолда намоён бўлиши билан алоҳида аҳамият касб этади. Мазкур органик (моддий) эҳтиёжлар чақалоқ учун психик ўсишнинг негизи вазифасини ўғай олмайди, аммо улар биргаликда индивиднинг яшашини таъминлайди.

Психологик тадқиқотлардан маълум бўлишича, қатор туғма рефлекслар боланинг ўсишига тўғридан-тўғри таъсир этмаса ҳам, унинг табiiй-биологик эҳтиёжларини қондиришда иштирок қилади. Буларга

ативистик, тирмашиш, судралиш, эмаклаш каби наслий рефлекслар киради ва айрим рефлекслар (тирмашиш, чанг солиш) борган сари сусайиб боради. Чақалоқда ушлаш, ўзини тутиш рефлексларининг пайдо бўлиши унга фазода тўғри ҳаракат қилишга имкон яратади. Том маънодаги судралиш — боланинг нарсаларга қўл чўзишидан бошлаб, олдинга интилишида кўринади. Бу жараён кейинчароқ янада тараққий эта бошлайди.

Туғилишга яқин чақалоқда қулоқ ва кўз механизмлари ўз вазифасини ўташга тайёр бўлади. Бундан ташқари, унда қатор ҳимоя ва ориентир рефлекслари (ўта ёруғликка қараш натижасида кўзни пирпиратиш, бошини олиб қочиш, буриш, кучли товушдан чўчиш кабилар) ҳам мавжуд бўлади. Аммо чақалоқда «кўриш» ва «эшитиш» аппаратлари орқали ўз диққатини бирор объектга тўплаш имкони бўлмайди. Чунки объектни таниш, товушни ажратиш, сезиш имконияти болада кейинчалик вужудга келади.

Чақалоқ учун туғма механизмлар янги шароитга мослашиш (кўникиш) учун кифоя қилмайди. Шу боисдан уни парваришlashда қўшимча тарбиявий тадбирлар қўлланмаса, чақалоқ ўсишдан орқада қолиши мумкин.

Чақалоқ она қорнидаги яшаш шароитидан атмосферада ҳаёт кечиришга ўтган дастлабки пайтларда унинг уйқу ва уйқусизлик ҳолатлари ўртасида кескин чегара бўлмайди.

Туғилган чақалоқнинг вазни тез камая боради. Бунинг сабаби ундан суюқлик моддасининг чиқиб кетиши, вазнсизлик ҳолатидан атмосфера босимига, қуёш нурига, турли хусусиятли моддалар таъсирига, ўзгарувчан ҳаво ҳароратига мослашish даврида кўп куч-қувват сарфланишидир. Бу даврнинг кечишида чақалоқларнинг ҳам индивидуал, ҳам жисмоний тафовутлари кўзга ташланади. Орадан кўп вақт ўтмай чақалоқ вазнининг камайиши табиий равишда тўхтайди ва унинг янги муҳитга мослашиши бошланади. **Киндик тушиш даври** организмда кескин ўзгаришлар юз бериш палласи ҳисобланиб, мурғак органнинг мустақил яшаётганидан далолат беради. Чақалоқнинг олдинги вазнига етиш даври ҳаётининг биринчи ўн кунлигига тўғри келади.

Чақалоқ организмнинг анатомик-физиологик, морфологик тузилиши бўйича бошқа ёшдаги одамларникидан фарқи кам ривожлангани, заифлиги, иш қоби-

лиятининг кучсизлигидир. Унинг суяк системаси, пай-
мускуллари ва тоғай тўқималарининг ўсиши катта ёш-
даги кишиларникидан ҳам суръат, ҳам сифат жиҳат-
дан фарқланади. Чақалоқдаги мускулларнинг тако-
миллашиши ҳаракат негизини вужудга келтиради; шу
билан бирга ҳар бир биологик органнинг мустақил
ҳаракати ва фаолиятини таъминлашга хизмат қилади.
Болада бўйин мускулларининг ўсиши бўйинни тутиш-
га олиб келса, тана мускулларининг ривожланиши
катталар ёрдамида ағанаш имконини, қўл ва оёқ мус-
кулларининг етилиши эса жисмоний ҳаракат қилиши,
жисмларга қўл чўшиш учун шароит яратади.

Чақалоқнинг анатомик-физиологик тузилишини
таҳлил қилсак, унинг суяк системасида оҳак моддаси
ва ҳар хил тузлар етишмаслигининг гувоҳи бўламиз.
Шу сабабли суяк функциясини кўпроқ тоғай тўқима-
лари бажаради. Бош суяклари боланинг икки ойлиги-
да ўзаро қўшилиб кетади. Бош суякнинг пешона ва
тепа қисмлари ўртасида **лиқилдоқ** деб аталадиган қа-
лин парда ва тери билан қопланган оралиқ мавжуд
бўлади. У бола бир ёшдан ошганидан кейин суяк би-
лан қопланиб боради, лекин у ҳақиқий суяк бўлмайди.

Чақалоқ нерв системасининг юксак даражада ри-
вожланган қисми, яъни бош мия катта ярим шарлари
ташқи кўриниши билан катта одамникига айнан ўх-
шаса ҳам, аслида ундан кўп фарқ қилади. Одамларни
ўзаро қиёсласак, ажойиб манзарани кўрамиз: миянинг
оғирлиги чақалоқ танасининг саккиздан бир ва катта
одамларда эса қирқдан бир қисмини ташкил этади.
Чақалоқларда бош гавдага нисбатан каттароқ кўрин-
са-да, у ҳали жуда бўш, мукамаллашмаган бўлади.
Уларнинг организми жадал суръат билан ўсиш даври-
дан ўтади. Бу даврда чақалоқнинг оғирлиги 3—5 кг
бўлишига қарамай, миясининг оғирлиги 300—350
грамми ташкил қилади, холос. Чақалоқнинг мияси
ҳужайраларининг миқдори, «ариқчалар»нинг яққол
кўзга ташланмаслиги, нерв ҳужайралари тармоғи жи-
ҳатдан катта одамларнинг миясидан фарқ қилади.

Юқоридаги фикрларни исботлашга ҳаракат қилган
психолог Е. А. Аркиннинг таъкидлашича, бола туғи-
лишга ҳаракат қилаётган пайтда унинг миясини бир
хил кулранг масса ташкил этади, унинг нерв толала-
рида **миелин қобиғи** бўлмайди.

Чақалоқда нерв толалари бир-биридан ажралма-
гани сабабли, ташқаридан келган қўзғатувчилар му-

айян қисмга йўналган бўлса-да, бошқа марказларга ҳам таъсир қилаверади. Шу сабабдан бўлса керак, унинг бош мия ярим шарлари қобиғида аниқ, мустақил ва барқарор қўзғалиш ўчоқлари вужудга келмайди. Чақалоқ ташқи қўзғатувчилар таъсирига ихтиёрсиз равишда қўл-оёқлари ва бошини тартибсиз ҳаракатлантириш билан жавоб беради. Катта ёшли кишиларнинг билиш жараёнлари, ҳис-туйғулари, психик ҳолатлари ва ўзига хос типологик хусусиятларини идора қилишда нерв системасининг юксак даражада ривожланган қисмлари етакчи роль ўйнаса, чақалоқнинг ҳаётий фаолиятида бу вазифани бош мия қобиғининг остки марказлари бажаради. Бош мия ярим шарларининг дурустроқ ривожланган бўлимлари чақалоқ учун энг зарур жараёнлар: нафас олиш ва нафас чиқариш, эмиш, ютиниш, қон айланиш, сийдик чиқариш ва ҳоказоларни бошқариб туради. Мазкур нерв толалари чақалоқнинг янаши учун етарли миқдорда миелин қобиғига ўралган бўлади.

Чақалоқ бошқа ёш давридаги одамларга қараганда кучсиз, заиф, ожиз кўринса-да, баъзи жиҳатлари билан катталардан устунлик қилади. Е. А. Аркиннинг фикрича, чақалоқлик даврининг кучли жиҳатлари кўпинча унинг ўсиш қувватида ўз ифодасини топади. У ҳар ойда икки см дан ўсади, унинг оғирлиги ҳар кун 1,6—2 граммдан ортиб боради. Унинг шиддатли суръат билан ўсиши кўпроқ индивиднинг вегетатив нерв системаси, ички секреция (буқоқ, қалқон ости ва устки) безларининг фаолиятига бевосита боғлиқдир. Шунини алоҳида таъкидлаш керакки, ички секреция безлари ишлаб чиқарган махсус гормонлар қонга сўрилиб, организмнинг жисмоний ўсишини белгилайди. Чақалоқнинг ғоят жадал суръат билан ўсиши шу даврнинг ўзига хос хусусияти бўлиб, унинг ўсишига таъсир этувчи омиллар овқат, соф ҳаво, қуёш нури, нафас олиш, парвариш ва ҳоказолардир.

Одатда чақалоқнинг нерв фаолияти шартсиз ва шартли рефлекслар таъсирида вужудга келади. Шартсиз туғма рефлекслар боланинг туғилниши арафасида етарли даражада етилиши сабабли унда қон айланиш, нафас олиш, овқат ҳазм қилиш, сийдик чиқариш сингари энг муҳим вегетатив функциялар амалга ошади. Масалан, қорни оч чақалоқнинг лабига бирор нарса тегиши билан унда эмиш ҳаракати вужудга келиб,

сўлаклари оқа бошлайди. Бу овқатланишнинг шартсиз рефлекси дейилади.

Чақалоқ туғилиши арафасида унинг бош мия катта ярим шарларининг оғирлиги, ҳажми ва функционал жиҳати етарлича ривожланмаган бўлса ҳам, у мавжуд шартсиз рефлекслар негизда атроф-муҳит ва бошқалар билан муносабатга киришиш имкониятини берадиган оддий шартли рефлекслар ҳосил қила олади. Масалан, ҳид, ёруғлик, ҳаракат қўзғатувчиларининг таъсири натижасида оддий шартли рефлекслар вужудга келиши мумкин.

Чақалоқ ҳаётининг дастлабки кунларидан бошлаб ташқи муҳит билан муносабатга киришиш, алоқа боғлаш жараёнида унга мустақил ҳаёт кечириш имкониятлари туғилади. Илмий маъбаларда кўрсатилишича, чақалоқ ҳаётининг илк даврида ундаги рефлекслар кучсиз, зайф ва беқарор бўлади. Чунки кучли ташқи қўзғатувчилар таъсирида рефлекслар тез издан чиқади ва қайта тикланиш имконияти тобора камаёди.

Чақалоқнинг асосий хусусиятларидан бири унинг инсон зотига хос барча хулқ-атвор шакллари ва амолларнинг тажрибаларини ўзлаштириш имкониятига эгалигидир. Туғма рефлекслар чақалоқ ҳаётидаги етакчилик ролини аста-секин йўқота боради. Кундалик тартиб ва тарбиянинг ўзига хос шароитида эҳтиёжнинг бошқа кўринишлари, жумладан, таассурот олиш, таъсирланиш, ҳаракат, мулоқот каби шакллари вужудга келади. Моҳияти ва мақсади жиҳатидан янги эҳтиёжлар замирида психик ривожланиш амалга ошади.

Болада таассурот олиш эҳтиёжи пайдо бўлиши биланоқ, ориентир рефлекси билан алоқа ўрнатади, ҳиссий билиш органларининг тайёрлик даражасига мувофиқ мавжуд маълумотларни қабул қилади ва шу жараёнда ўзи ҳам ривожланади. Чақалоқнинг кўрув ва эшитув аппарати дастлабки кунданоқ ишга тушса ҳам, улар ҳали етилмаган бўлади. Шу сабабли кўриш сезгисини ёруғлик, эшитиш сезгисини эса қаттиқ товуш вужудга келтиради. Бола ҳаракатдаги жисмларни кузатишга интилса ҳам, аслида қимирламай турган нарсаларга кўпроқ диққатини тўплайди. Унинг руҳий дунёсида кўрув ва эшитув аппаратларига мос равишда диққатнинг муайян объектга тўпланиши жараёни аста-секин вужудга келади.

Чақалоқнинг сезги органлари унинг ҳаракатига қараганда дурустроқ ривожланган бўлади. Масалан, чақалоқ аччиқни шириндан, иссиқни совуқдан, ҳўлни қуруқдан фарқлай олади. Унинг ҳид билиш органлари жуда заиф бўлишига қарамай, бурнига ёқимсиз ҳидли модда яқинлаштирилса, безовталанади. Болада тери туюш, ҳароратни ҳис қилиш, сезиш, оғирликни фаҳмлаш, таъм билиш сезгилари ҳам етарли даражада ривожланган бўлади.

Чақалоқда жисмларни, одамларни, атроф-муҳитни катталар каби яхлит ва аниқ идрок қилиш имконияти бўлмайди. Чунки идрок қилиш инсоннинг бошқа психик жараёнлари (хотира, тасаввур, тафаккур), руҳий ҳолатлари (ҳис-туйғу, ўнғайсизланиш) ва ўзига хос типологик хусусиятлари билан узвий боғлиқликда амалга ошади. Шунинг учун чақалоқда мазкур имконият ўта чекланган бўлиб, сезги органлари оддий акс эттириш имкониятига эга.

Янги туғилган болада кучли ёруғликни акс эттириш имкони бўлади ва у ёруғликдан турли даражада ва шаклда таъсирланади, ҳатто, кўзларини юмиб олади. Кўриш механизмлари ҳали ўсиб улгурмагани сабабли тинч ҳолатдаги ёки ҳаракатдаги жисмни идрок қила олмайди. Гоҳо ўн кунлик чақалоқ ҳаракатдаги жисмга нигоҳ ташлагандек кўринса-да, аслида унга бир неча секунд термилишдан нари ўтмайди.

Чақалоқда эшитиш сезгиси заиф ривожланган бўлса ҳам, у ҳали ўзи эшитишга мослашмаган кучли қўзғатувчиларни (товуш, қичқириқни) акс эттира олади, бироқ товуш келаётган объектни аниқ топа олмайди.

Кўриш ва эшитиш органларининг муайян объектга йўналиши оёқ-қўл ва бошнинг ҳаракатида, боланинг йиғлашдан тўхташида кўринади.

Чақалоқдаги муҳим хусусиятлардан яна бири кўриш ва эшитиш тананинг ҳаракатланишидан илдамроқ ривожланишидир. Чақалоқда кўриш ва эшитиш аппаратлари фаолиятининг ўсиши ташқи қўзғатувчилардан таъсирланишнинг такомиллашувида ва бош миянинг ривожланишида намоён бўлади. Чақалоқ миясининг оғирлиги катталар миясининг чорак қисмига тенгдир. Чақалоқнинг нерв ҳужайралари катталардаги ҳужайраларга ўхшаса ҳам, заифлиги билан улардан фарқланади. Шунга қарамай, бола организмнинг тайёрлик

даражаси шартли рефлекслар пайдо бўлиши учун мутлақо етарли бўлади.

Чақалоқ ташқи олам билан алоқада бўлишининг маркази ролини бош миёна катта ярим шарларининг юксак даражада ривожланган қисмлари бажаради. Миёна тобора такомиллашувининг ўзи чақалоқдаги ҳиссий билиш органларининг ривожланишини таъминлай олмайди. Бу органлар бола олаётган таассуротлар натижасида ривожланади. Аслида таассуротларсиз миёнининг ўзи ўсиши мумкин эмас. Миёнининг ривожланишида ташқи оламдан келадиган қўзғатувчилар ва сигналларни қабул қилувчи ҳиссий билиш органлари анализаторларининг кўп ишлаши муҳим роль ўйнайди. Илмий манбаларда ифодаланганидек, чақалоқ сенсор тўсиққа тушиб қолса, ташқи таассуротларнинг етишмаслиги сабабли ўсишдан вақтинча орқада қолади. Аксинча таассуротнинг миёнага кўпроқ келиб тушиши ориентир рефлексларининг ривожини тезлаштиради. Кўрув ва эшитув аппаратини объектларга йўналтириш вужудга келади, натижада инсоний сифатлар, жараёнлар шаклланади. Кўрув ва эшитув органлари орқали тўпланадиган таассуротлар манбаи ҳамда нерв системасининг мунтазам ўсишини таъминлаш вазифасини катта ёшдаги одамлар бажаради.

Н. Л. Фигурин ва М. П. Денисовнинг таъкидлашича, боланинг бир ойликкача давридаги тетиклик ҳолати (уйғоқлиги) кўриш ва эшитишга йўналган шартсиз рефлекслар туфайли фаоллашиб боради; товуш таъсирига берилиш 2—3 ҳафталикда вужудга келади. Шунинг учун бола сурнай садосига қулоқ солади ва йиғидан ёки ҳаракатдан тўхтайди. Бир ойлик бўлгач унда ориентир рефлекс намоён бўлади (И. П. Павлов). Шу сабабдан чақалоқ гаплашаётган одамга тикилади ва ихтиёрсиз хатти-ҳаракатдан ўзини тийиб туради.

Бола объектни кўриш ва товушни эшитиш учун диққатини тўплайдиган бўлгач ҳаракатининг фаоллашувида анча ўзгаришлар рўй беради. Одатда унинг ҳаракати ихтиёрсиз ва тартибсиз равишда амалга ошиб, жимсларга кўз югуртириш, бошини буриш билан тугаса ҳам, ҳаракат ҳодисаси вазифасини бажаради: ўзида ҳулқнинг содда кўринишини ифодалаб, болани воқелик, ташқи олам билан узвий боғлайди.

Д. Б. Эльконин фикрича, чақалоқ ҳаётининг учинчи ҳафтасида онанинг эмизишдаги ҳолатига мослашиш билан боғлиқ биринчи табиий шартли рефлекс вужудга

келади ва кейинчалик эса баъзи қўзғатувчиларга жавоб тариқасидаги алоҳида шартли рефлекслар ҳам пайдо бўлади.

Д. Б. Эльконин ва унинг шогирдлари таъкидлаганидек, ҳали чақалоқ психик ҳаётининг мазмуни муаммоси узил-кесил ҳал қилинмаган ва чақалоқнинг психик дунёсига чинакам, ҳақиқатга яқин, илмий-объектив қарашлар И. М. Сеченов асарларидагина учрайди. Психология фани ривожининг ундан кейинги даврида шу муаммога тааллуқли анча тадқиқотлар олиб борилган, қатор психологик қонуниятлар ва механизмлар ишлаб чиқилганки, булар тўғрисида ёш психологияси ва педагогик психология хрестоматиясида бой материал берилган.

4. Ҳис-туйғунинг ўсиши (жонланиш).

Чақалоқнинг ҳаёти қичқириқ садоси билан бошланади ва бу кўпинча шартсиз рефлексор хусусиятидан келиб чиқади. Дастлабки қичқириқ товуш чиқариш оралиғи қисилишининг бевосита маҳсули сифатида, организмнинг табиий эҳтиёжи натижасида вужудга келади. Қисилиш аввал нафас олиш рефлексини ҳам бошқаради. Шунга қарамай, мутахассис олимларнинг фикрича, биринчи қичқириқ — нохуш ҳис-туйғунинг намоён бўлишидир. Қисилиш танглик (зўриқиш) туйғусини вужудга келишидир. Шунинг учун чақалоқдаги мускул реакцияси билан эмоционал муносабатни фарқлаш анча қийин. Қичқириқ нохуш кечинма ва сезгиларга жавоб тариқасида вужудга келиб, иссиққа, очликка ва намликка қаршилик вазифасини бажаради. Чақалоқни тўғри тарбиялаш жараёнида қичқириқ эмоционал кечинмаларнинг яна бир тури йиғлашга айланади. Йиғлаш бола жисмоний оғриқни, руҳий қайғуни, изтиробни табиий акс эттиришининг манбаи бўлади, ташқи олам билан алоқа ўрнатишнинг энг зарур воситаси сифатида чақалоқнинг ҳаёт фаолиятида алоҳида аҳамият касб этади. У нохуш ҳис-туйғуларнинг акс эттириб қолмай, табиий эҳтиёжларни қондириш механизми сифатида хизмат қилиши мумкин.

Бола бир ойга тўлгач ўзини парвариш қилаётган одамга интиладиган, талпинадиган бўлади ва бунинг мисоли тариқасида унинг кишилар орасидан «ўз» кишини таниши ва ажратишини айтиш мумкин.

Мазкур психологик ҳолатни Н. Л. Фигурин ва М. П. Денисовалар «жонланиш» деб атаганлар. Бу даврда боланинг психик дунёсида тетиклик, ҳис-туйғусида эса

атроф-муҳитдан таъсирланиш ўз аксини топади. Уларнинг фикрича, боланинг катта ёшдаги одамларга ўз муносабатини билдириши унинг бундан кейинги ўсишини белгилловчи босқич вазифасини ўтайди.

«Жонланиш» боланинг катталар билан ўзига хос равишда муносабатга киришининг янги шакли сифатида вужудга келади. Лекин ташқи қўзғатувчининг қитиқлашига жавоб тариқасида намоён бўладиган «жонланиш»нинг табиати ҳали очилгани йўқ. Эҳтимол бу ҳолат боланинг катталар билан мулоқотининг маҳсус кўриниши ва овқатланиш рефлексининг мустақамланиши билан боғлиқдир, у балки болада ижобий ҳис-туйғуларни қўзғатиш омилидир. Баъзан болада ўзини парвариш қилувчи шахснинг муомаласи туфайли эмоционал ҳаракатлар вужудга келади, натижада унинг қўл ва оёқлари ҳаракати илдам ва тез амалга ошади. Бу жараён интилиш, илтижо, талпиниш каби ташқи ифодага эга бўлган ички психик кечинмаларда ўз аксини топади.

Психолог Е. К. Каверина боланинг ташқи таъсирга жавоб билдиришини тадқиқ қилиб, унда одамлар ва жисмларга **муносабат** бир хиллигини таъкидлайди. Унинг фикрича, инсоннинг афт-ангорига қараб ижобий ҳис-туйғулар уйғониши кейинчалик вужудга келади. **Таъсирга** берилиш ва таъсирланишнинг мазкур шакли бола билан катталар ўртасидаги алоқанинг бошланғич кўриниши ҳисобланади. Шахслараро алоқанинг бу шакли чақалоқлик даврининг тугаши ва илк болаликнинг бошланишидан далолат беради.

Чақалоқда пайдо бўладиган ижобий ҳис-туйғуларнинг оддий табиий эҳтиёжларни қондириш билан ҳеч қандай боғлиқлиги йўқ. Чунки психик дунёдаги ўзгаришларни ўрганган М. Ю. Кистяковскаянинг уқтиришнча, уйқусизликдан қийналиш ва очлик уйғотувчи қўзғатувчиларни бартараф қилиш салбий кечинма ва ҳис-туйғуни пасайтиради. Боланинг катталар билан ижобий муносабатда бўлиши замирида табассум, кулги, илдам ҳаракат, товуш чиқариш бўлса ҳам, буларнинг табиий-органик эҳтиёжларни қондириш билан ҳеч қандай алоқаси йўқ. Аксинча, ижобий эмоционал ҳолат янги ижтимоий эҳтиёжнинг кўрсаткичи бўлиб, бола катта ёшдаги одамлар билан мулоқотга киришишининг мотиви ва имконияти ролини бажаради.

Психолог М. И. Лисина ва унинг шогирдлари таъкидлаганидек, мазкур ёш даврида бола қўз-қарашла-

ри, ихтиёрсиз ҳаракатлари, шарпага жавоби, тамшаниши орқали катталар билан алоқа боғлайди. Қўп марта такрорланиш натижасида шартли рефлекс шаклида вужудга келган ана шу жараёнлар мулоқотга айланади. Чақалоқнинг янги шароит ва муҳитга мослашинидан келиб чиқувчи бу ҳолат кўникиш кўринишида мулоқот вазифасини ўтай бошлайди. Бироқ бу мулоқот новербал равишда (сўзлар ишлатилмай) амалга ошади, содда шаклдаги, тор кўламли шахслараро муносабатни акс эттиради.

Катта ёшдаги одамларнинг чақалоқ билан мулоқотда бўлиши унга ўйинчоқ кўрсатиши, термулиши, эркалаши унда ташқи таъсирга жавоб рефлексларини фаоллаштиради.

Психолог Д. Б. Эльконин назариясига кўра чақалоқлик давридан илк болалик, гўдаклик даврига ўтишнинг ўзига хос хусусиятлари мавжуддир. Булар:

1. Кўз ва қулоқ ёрдамида диққатни муайян объектга қаратиш (тўплаш)нинг пайдо бўлиши, бола ҳаракат фаолиятининг қайта қурилиши бошлангани, алоҳида намоён бўлувчи ҳаракатнинг хулқ ҳодисасига айланиши.

2. Сиртдан идрок қилинувчи барча объектларга (субъектларга) йўналган алоҳида қўзғатувчига нисбатан шартли рефлекслар ҳосил бўлиши.

3. Катта ёшдаги одамларга (онасига ва яқин кишиларга) нисбатан эмоционал реакциялар (ҳис-туйғулар, кечинмалар) янги эҳтиёж пайдо бўлишининг кўрсаткичи эканлиги.

4. Боланинг (чақалоқнинг) катталар билан мулоқотда бўлиш эҳтиёжи унинг кейинги психик ўсиши негизини ташкил этиши ва ҳоказолар.

2. Гўдаклик даврининг психологик хусусиятлари **Гўдак ва мулоқот**

Гўдакнинг ҳаётий фаолияти ва тақдири уни қўршаган, парваришлайдиган катта ёшдагиларга бевосита боғлиқ бўлиб, унинг барча эҳтиёж ва талаблари фақат шулар томонидан қондирилади. Психологик иборалар билан айтсак, катталар боланинг фазодаги ўрнини узлуксиз ўзгартириши, алмаштириши натижасида унда кўриш, эшитиш, тери туюш, ҳароратни сезиш, таъм билиш каби сезгилар ривожланади (такомиллашади). Катталар гўдак учун яратган объектив ва субъектив

шарт-шароитлар унинг ўсишини белгиловчи муҳим туртки вазифасини ўтайди. Атроф-муҳитнинг хусусият ва хоссаларини катталар гўдакнинг психик дунёсига сингдирадилар. Шиқилдоқлар шакли, ранги ҳар хил ўйинчоқлар ва ҳоказоларни боланинг диққатига ҳавола қилиш унда жисмлар тўғрисида тасаввур образларини яратади, гўдакнинг ҳиссий билиш органлари эса уларни акс эттиради. Ўзаро мулоқот жараёнида, жисмларни ушлашга ўргатиш, машқлар натижасида гўдак «таниш» жисмларга талпинадиган, уларга қўл чўзадиган бўла бошлайди, унда ранг ва шаклни фарқлаш имконияти туғилади»

Давсир ўтказишнинг кейинги мураккаброқ босқичида бола катталар ёрдами билан ўтириш, ўринда думалаш, тик туриш, овқатланиш қуролларидан тўғри фойдаланишни, узлуксиз ва мазмунли ҳаракатларни амалга оширишни ўрганади. Шунинг учун акс эттириш қайси босқичдалигидан қатъи назар, бевосита йўл билан амалга ошади. Умуман, гўдаклик даврининг дастлабки босқичида олам, барча ашёлар, жисмлар тўғрисидаги маълумотлар, тасаввурлар, тимсоллар ва ҳоказолар боланинг катталар билан ҳамкорликдаги фаолияти маҳсули сифатида маънавий бойликка айланиб, унинг бош мия ярим шарлари пўстлоғи остида ўз изларини қолдиради. Мазкур даврнинг аксарият босқичларида гўдакда билим ва тажрибаларни эгаллаш, уқув, кўникма ва малакаларни мустақил ўзлаштириш имкони бўлмайди.

Гўдаклик даврининг хусусиятларини ўрганган Л. С. Виготский «Гўдаклик даври» номли асарида боланинг воқеликка муносабати дастлаб ижтимоий муносабатдек туюлишини, ана шу жиҳатдан уни ижтимоий жонзот дейиш мумкинлигини уқтирди.

Д. Б. Элькониннинг фикрича, катта ёшдаги одамлар гўдакни қуршаган воқеликнинг марказий сиймоси, муҳим таркибий қисми ҳисобланиб, унинг ҳар қандай эҳтиёжини қондириш билан боглиқ муаммолар учун таянч нуқтаси вазифасини бажарадилар. Гўдак табиий-биологик жиҳатдан онадан ажралган бўлса ҳам, аслида у билан ижтимоий боглиқлигича қолади.

Гўдакнинг бир ёшгача давридаги психологик хусусиятларини ўрганиш бўйича қатор тадқиқотлар мавжуд. Шулар орасида Н. Л. Фигурин, М. П. Денисова, М. Ю. Кистяковская, А. Валлон, Д. Б. Эльконин, Е. А.

Аркин, С. Фаянс, Ш. Бюлер, Ф. И. Фрадкиналарнинг асарлари алоҳида аҳамиятга моликдир.

С. Фаянс тажрибасида гўдакка чиройли ва жозибдор ўйинчоқлар 9 см масофадан кўрсатилганда у бутун вужуди билан уларга интилган кейинчалик оралиқ 60 см бўлганида боланинг интилиши, қўл чўзиши, сустрлашган, ва ниҳоят, улар 100 см дан кўрсатилганда болада интилиши, чўзилиши, ихтиёрсиз ҳаракати мутлақо сўнгган. У ўйинчоқ билан бир қаторда турган катта кишига ҳам ана шундай бефарқ қараган. Масофа қанчалик қисқарса, боланинг унга интилиши, қизиқиши шунчалик кучайиб боришини кузатиш мумкин.

Юқоридаги тажриба материаллари асосида, шундай хулоса чиқариш мумкин: катталар гўдак қатнашаётган фаолиятни жонлантирадilar. Гўдакни қуршаб турган жисмлар борган сари унинг нигоҳини ўзига тортиб, мафтун қилиб, қўзғатувчи вазифасини бажариб, боланинг қидириш, мўлжал олиш, чамалаш фаолиятини кучайтиришга хизмат қилади.

Тадқиқотчи А. В. Ярмоленко ярим ёшлик гўдакларда жозибали нарсаларнинг ўзаро қиёсий таснифини тадқиқ қилган. Муаллиф олган маълумотларга қараганда, гўдак беҳисоб жисмлар орасида инсонни (катта ёшли одамларни) тобора аниқроқ, равшанроқ ажрата бошлаган. Шу билан бирга ҳаракатсиз кўрув қўзғатувчисига диққатни тўплаш 26 секунддан 37 секундгача, ҳаракат қилмаётган одамга боланинг тикилиши 34 секунддан 111 секундгача, ҳаракатдаги кўрув қўзғатувчисига қараши, 41 секунддан 78 секундгача, ҳаракатдаги инсонга эътибор бериши 49 секунддан 186 секундгача ортган. Тажрибада гўдакнинг ҳаракатланаётган одамга диққатни тўплаб туриши тўрт маротаба ортгани аниқланган.

Бизнингча, гўдак жонсиз нарсаларга қараганда одамга диққатини барқарорроқ қаратиши унинг катталарга муносабати ўзгарганидан эмас, балки улар билан алоқага киришганда суст рецептор ўрнини фаолроқ рецептор эгаллаганидандир. Гўдакда фазовий тасаввурнинг бойишида жисмларни идрок қилишдаги фарқлашнинг такомиллашуви муҳим воқеа ҳисобланади. Ҳаёт тажрибаси ортиб бориши, машқлар натижасида жисмларнинг аломат ва белгиларини фарқлаш уқуви пайдо бўлади.

Француз психологи Анри Валлон гўдакда ижти-

мой таъсирланиш ортиб боришини атрофлича тадқиқ қилган олимдир. Унинг таъкидлашича, ярим ёшли болада бошқа одамлардан фарқли равишда жавоб реакцисы (таъсири) ўзининг юқори босқичига кўтарилади. Бола олти ойлигида бошқа кишиларнинг имо-ишорасиз таъсирига жавоб бериши (таъсирланиши) 50 фоизни ташкил қилади, етти ойлигида эса айнан шу реакция 20⁺ фоизга камаяди, аммо имо-ишора орқали мулоқот 41 фоизга ортади; етти-саккиз ойликда бошқа кишиларга талпиниш, табассум қилиш биринчи ярим йилликдагидан тўрт марта кўпдир.

М. Ю. Кистяковская бир ёшгача болаларда катталар билан мулоқотга киришишнинг мураккаблашиб боришини ўрганиб, болалар психологияси фани учун энг зарур материаллар тўплаган ва уларни атрофлича изоҳлаган. Олимнинг фикрича, 3 ойликдан 6 ойликкача болада катта ёшдаги одамлар билан танлаб муносабатда бўлиш вужудга келади. Уч ойлик гўдак бегоналар орасидаги туққан онасини ажрата олса, ярим ёшдан бошлаб эса бегоналар ичидagi қариндошларини ҳам фарқлай билади. М. Ю. Кистяковскаянинг маълумотига кўра, 3—4 ойлик гўдак унга юзланган, эркалатган, мулоқотга киришган ҳар қандай одамга табассум қилади ёки эркаланади, 5—6 ойликда у муомала қилаётган нотаниш шахсга бир оз тикилади, кейин ё кулимсирайди ёки ундан юзини ўгиради, ҳатто, қўрқиб йиғлаб юборади. Болада ўзини парвариш қилаётган, боқаётган яқин кишиларга боғланиб қолиш содир бўлади. Ана шу сабабли онаси ёки энагасини кўрсаёқ қийқириб қаршилайди, талпинади, қўл-оёғини ихтиёрсиз типирчилатади. У ярим ёшга тўлганида атрофидаги яқин кишилар қатори қариндош-уруғларига, ҳатто, қўни-қўшниларга ҳам боғланиб (ўрганиб) кўникиб қолади. Тахминан 8—9 ойлигидан катталар билан дастлабки ўйин фаолиятини бошлайди.

Ўйин фаолиятидаги табассум, жонланиш, шодлик туйғулари аввал фақат катталар иштирокида намён бўлади, вақт ўтиши билан ўйиннинг ўзи болага қувонч бағишлайди. Гўдак бир ёшга яқинлашган сари катталарнинг хатти-ҳаракатларини изчил кузатишдан ташқари, унда аста-секин уларнинг фаолиятида иштирок этиш туйғуси, истаги пайдо бўлади, кейинчалик уларга кўмак бериш иштиёғи туғилади. Натижада бола индивидуал фаолият туридан ҳамкорликдаги

фаолиятга ҳам ўта бошлайди. Маълумки, ҳамкорликдаги фаолият мулоқот кўламини кенгайтиришга ёрдам беради.

Тадқиқотчилардан Н. Л. Фигурин ва М. П. Денисова гўдакнинг бир ёшгача давридаги психик ўсишини ўрганганлар. Олинган маълумотларидан келиб чиқиб бир ёшгача кулги инсон чеҳраси ва товушидан таъсирланиш асосида вужудга келишини таъкидлаганлар. Боланинг бошини буриб қараши асосан инсоннинг товушига жавоб реакцияси тарзида намоён бўлса-да, у кейинчалик бошқа товушлардан таъсирланишда ҳам кўринади.

Болада қўрқув ҳисси кишиларни таниш ва нотанишга, қариндош ва бегонага ажратиш, ниқобни фарқлаш жараёнида вужудга келади. Шунинг учун ижтимоий тажриба ва кўникмаларни ўзлаштиришда, бирор ҳолатни яққол акс эттиришда гўдак катталарга тақлид қилади. Тақлидчанлик боланинг ижтимоийлашувига кенг имкониятлар яратади ва уни фаолиятининг янада такомиллашувига туртки бўлади.

Юқоридаги тадқиқотчиларнинг фикр-мулоҳазаларини умумлаштирсак, қимматли умумпсихологик фикрларни муайян тартибда, изчил жойлаштириш мумкин бўлади. Биринчидан, мазкур ёш даврида бола билан уни парвариш қилаётган катталар ўртасида яқин ва нисбатан барқарор алоқа ўрнатади. Иккинчидан, гўдак қатнашадиган ҳар қандай фавқулоддий ҳолат ва муаммоли вазиятда катталар марказий сиймога айланадилар. Учинчидан, гўдаклик даврининг охирида ҳамкорликдаги ўйин фаолияти индивидуал ўйин фаолиятига айланади.

Шундай қилиб, гўдаклик даврида катталар билан фаол алоқага киришиш эҳтиёжи туғилади ва бу алоқа нутқ давригача мулоқотнинг ўзига хос янги шакли сифатида боланинг ўсишида муҳим роль ўйнайди. Бир ёшгача даврда пайдо бўлган эҳтиёжнинг тобора чуқурлашуви билан нутқ давригача мулоқот чекланганлигининг номутаносиблиги бир ёшдаги инқирозни келтириб чиқаради. Вужудга келган қарама-қаршилик ўз ечимини нутқ орқали мулоқот даврида топади ва бола ўсишнинг бир босқичидан иккинчи босқичига ўтаётганини ифодалайди. Гўдакнинг нутқ фаолияти такомиллашган сайин мулоқотнинг мазмуни бойиб, кўлами кенгайиб боради. Натижада ҳақиқий маънодаги шахс-

лараро муносабат вужудга келади, гўдакнинг шахсга айланиши ва ижтимоийлашувига кенг имкониятлар яратади. Мазкур даврда гўдакнинг ўсишнинг таъминловчи объектив ва субъектив шароитлар яратилиши — боланинг фаоллиги ортиши учун психологик негиз бўлади.

Л. И. Божович олиб борган тадқиқотнинг натижаси туғилиш даврига келганда боланинг миё пўстлоғи фаолият кўрсата бошласа-да, аслида у на анатомик ва на функционал жиҳатдан ривожланган бўлишнинг кўрсатди. Ваҳоланки, унинг психик дунёсида вужудга келадиган эҳтиёжларнинг кучи, давомийлиги, барқарорлиги ана шу ривожланишга боғлиқдир. Шундай экан, органларнинг ривожланиши гўдакнинг функционал ҳолатига алоқадорлиги сабабли бош миёанинг ривожланиши ҳам унга янги қўзғатувчиларнинг таъсир қилишига ва бу таъсирнинг бош миёа катта ярим шарлари пўстлоғида фаолият уйғотишига боғлиқдир. Бош миёа марказлари эса жадаллашган ориентировка фаолиятининг кучлилиги туфайли функционал жиҳатдан ривожланади.

Моҳир тадқиқотчи Н. М. Аскариннинг фикрича, катта ёшдаги одамнинг табассуми ёки ёқимли овозидан бошқа ҳеч қандай қўзғатувчи гўдакда шунчалик қувонч ва шодлик ҳис-туйғусини вужудга келтира олмайди. Шу сабабли қувонч туйғусини уйғотиш ва мустаҳкамлаш учун тарбиячилар гўдак билан тез-тез мулоқотда бўлиши, ёқимли оҳангда самимий суҳбатлашиб туриши лозим.

Ҳаракатнинг психологик хусусиятлари ва механизмларини қатор тажрибалар асосида ўрганган олимлардан Д. Б. Элькониннинг ишонч билан таъкидлашича 2—3 ҳафталик гўдакда кўз конвергенцияси вужудга келса ҳам, ўз нигоҳини турли жисмларга қаратиб туриш жараёни жуда қийин кечади, ҳаётининг 3—5-ҳафталарида эса унинг нигоҳи оз фурсат бўлса-да, муайян объектга тўплана бошлайди. 4—5 ҳафталик гўдакда 1—1,5 метр наридаги жисмларни кузатиш кўникмаси ҳосил бўлади. Икки ойлик бола 2—4 метр узоқликдаги нарсани кузатишни ўрганади, у уч ойлигида 4—7 метр ораликдаги жисмларни ҳам пайқай олади, ниҳоят, 6—10 ҳафталик гўдак ҳатто, айланаётган предметларнинг ҳаракатини идрок қилиш имкониятига эга бўлади. Кейинчалик ҳиссий органлари-

нинг кўз билан турли функционал алоқалар ўрнатиши қарор топади. Ғўдак тўрт ойлигида унинг жисмга тикилиш ва уни томоша қилиши нисбатан барқарор бўлади.

Юқоридаги фикрларга қарамай, мазкур ёшдаги болаларда қўл ҳаракати ҳали беихтиёр хусусиятга эга бўлиб, жисмларни мақсадга мувофиқ ҳаракатлантиришдан анча узоқдир. Ғўдак 4 ойлигидан бошлаб нарасага қўлини йўналтиради, аста-секин унда пайпаслаш уқуви намоён бўла бошлайди, 5—6 ойлигида предметни ушлаш ва уни ўзига тортиб олиш (қўлдан юлиб олиш) кўникмалари шаклланади. Ҳаракат ва тери туюш органлари сифатида қўш вазифани ўтовчи кўриш қобилияти бир маромда ривожланишдан бирмунча кечикади. Бола 6 ойлигида унда ўтириш, турниш, эмаклаш, юриш, гапириш кўникмалари шаклланади.

Юқоридаги ҳолларнинг моддий асосини ўрганган Н. М. Шчелованов 2 ойлик болада бош мия ярим шарлари пўстлоғи ўз функциясини бошлашини, бу ҳол барча идрок қилиш органларида, жумладан, эшитув, кўрув аппаратларида шартли рефлекслар пайдо бўлганидан далолат беришини уқтиради. Олимнинг фикрича, эшитиш, кўришнинг юксак анализаторлари, ҳаттоки, уларнинг кортикал бўлимлари ривожланганидан кейин болада ҳаракат ва ҳаракат ҳодисаси ривожланади.

Д. Б. Эльконин ўз тадқиқотларидан кўзнинг ривожланиши 4 ойлик ғўдакда айрим ҳаракатларни ва ҳаракатланувчи объектларни кўзатиш имконини яратади, деган хулоса чиқаради. Мазкур ёш даврида предметнинг ҳаракати кўз ҳаракатини вужудга келтиради. Унинг ривожланиши қўл билан пайпаслаш ҳаракати пайдо бўлиши билан бошланади.

Ғўдакнинг ҳаракати ўз қўлини силлаш ва ушлаб кўришдан бошланиб, чойшаб ва кўрпачаларни пайпаслашга бориб етади. Одатда, бола қўлини узоқ вақт кўрпача ва чойшаб устида ҳаракатлантиради. Ташқи таъсирга жавоб сифатида пайдо бўлган психик жараённинг мазмуни қўлнинг предмет кетидан эмас, балки предмет бўйлаб ҳаракат қилишдан иборатдир.

Д. Б. Эльконин ва В. С. Мухиналарнинг фикрича, болада 5 ойлигидан жисмларни ушлаш ҳаракати бошланади: унда предметни пайпаслаш учун қўлини узатиш ва узатилган қўлларини кўздан кечириш ёки тек-

шириш вужудга келади. Бунда ушлаб олиш содир бўлмаса-да, ушлашга интилиш бўлади; ваҳоланки, гўдакнинг қўл бармоқлари нарсани ушлаб туриш имконига эга бўлмайди.

Гўдак бир неча марта натнжасиз ҳаракат оқибатида кафт ва бармоқларини яқинлаштириб, шундай қулай ҳолат яратадики, қўлининг учи жисмга тегиши биланоқ уни ушлаб олади. Қўл ушлаш ҳаракатининг вужудга келиши ҳам гўдаклик даврининг муҳим ривожланиш палласи ҳисобланади. Чунки қўл билан ушлаш ҳаракати, биринчидан, кўриш ҳаракатини мувофиқлаштиради, иккинчидан, мазкур психологик ҳолат биринчи йўналтирилган ҳаракатни ифодалайди, учинчидан, жисмларни ушлашга интилишнинг ўзи предмет билан турли ҳаракатларни бажариш (манипуляция)нинг энг қулай шартидир.

Кўпгина психологларнинг фикрича, олти ойлик гўдак ётган жойидан туриб ўтиришга ҳаракат қилади. Чунки бунда предметни тутиб турган қўлнинг ҳаракатини кузатиш имкони туғилади, ўтирганда қўл ҳаракатлари билан кўрув идрок майдони ўзаро мутаносиблашади. 7 ойликдан болада предметни идрок қилиш ва ушлаб олиш ҳаракати ўртасида узвий алоқа вужудга келади. Масалан, бола ўйинчоқни кўришни биланоқ уни олиш учун қўлини чўзади.

Н. Л. Фигурин ва М. П. Денисоваларнинг фикрича, ярим ёшгача даврида гўдакда жисмларга такрорий интилишнинг пайдо бўлиши ҳаракатнинг ривожини янги босқичга кўтаради. Муаллифлар мазкур ҳолатни чуқурроқ ўрганиш мақсадида синалувчилар ҳар хил рангли ва ҳажмли куб, цилиндр, призма каби геометрик жисмларни кўрсатишган. Ҳар қайси жисм болада фаол ориентир (чамалаш, мўлжал) рефлексини вужудга келтирган: бола аввал жисмни кўздан кечирган, кейин уни қўлига олган, у билан машғул бўлган, сўнгра унга узоқ термулган, қайтадан ушлаб кўрган, у қўлидан бу қўлига бир неча марта олиб ўйнаган. Жисм 15—25 дақиқа гўдакнинг қўлида турган, олинган ва ундан фарқли яна битта жисм билан қўшиб, гўдакнинг олдида қўйилган. Тажрибада бола таниш жисмга мутлақо эътибор қилмай, фақат «янги»сига талпинаверган. Тадқиқотчиларнинг таъкидлашларича, «янгилик» аломати бола учун муҳим аҳамият касб этгани сабабли унда ориентир рефлекси борган сари

фаоллашиб борган. Шунинг учун «янги»лик аломатининг қўзғатувчилик хусусияти боланинг фаолиятида учрайдиган такрорий ва узлуксиз ҳаракат механизмларини тушунишга, идрок қилинаётган нарсаларга фаол кўз югуртириш ва предмет билан турли ҳаракатларни бажаришнинг психологик моҳиятини очишга хизмат қилади.

Кейинчалик, яъни гўдак иккита жисмдан фойдаланиши, улар билан машғул бўлиши натижасида унда мазкур предметлар билан функционал ҳаракатларни амалга ошириш содир бўладн. Предмет билан функционал ҳаракатни амалга оширишда, биринчидан, шу ҳаракатлар предмет билан муносабат ўрнатишни талаб қилади, иккинчидан, мазкур ҳаракатдан фойдаланиш жараёнида гўдакнинг қўл ишлари кўлами кенгайди.

Р. Я. Абрамович — Лехтман гўдакнинг бир ёшгача даврида предметлар билан ҳаракат қилишини ўрганиб, уларнинг олтита ривожланиш босқичидан иборат эканлигини айтади. Булар: а) фаол сергаклик (тетиклик) — 2 ҳафталикдан 4—5 ҳафталиккача; б) сенсор фаоллик—1,5 ойликдан 2,5—3 ойликкача; в) ҳаракатолди—2,5—3 ойликдан 4—4,5 ойликкача; г) содда «сермаҳсул» ҳаракат—4 ойликдан 7 ойликкача; д) ўзаро боғланган (уйғун) ҳаракат—7 ойликдан 10 ойликкача; е) функционал ҳаракат—10—11 ойликдан 12—13 ойликкача давом этади. Муаллиф ҳар бир босқичининг ўзига хос хусусиятларини ҳам схематик, ҳам текстуал тарзда ифодалаган.

Бир ёшгача болаларда таъсирланишнинг энг муҳим жиҳатлари пайдо бўлиши ва шаклланиши жараёнининг ривожланиши схемасини Н. Л. Фигурин ва М. П. Денисова туздилар. Бунинг учун улар таъсирланишнинг 34 та кўринишини танлаб: таъсирланиш мавжуд эмаслиги, таъсирланиш намоён бўлиши, узил-кесил таъсирланиш шаклланиши босқичларига психологик тавсиф берганлар.

Предметнинг хусусиятига қараб бола ҳаракатидаги ўзгаришларни М. Ю. Кистяковская, Д. Б. Эльконин, Е. А. Аркин, В. С. Мухина, Н. А. Менчинская ва бошқалар, рецептор фаолият механизмларни И. П. Павлов ва унинг шогирдлари Ф. Р. Дунаевский ва бошқалар ўрганишган. Уларнинг талқинича, эмаклаш — гўдакнинг фазода мустақил ҳолда ўрин алмаштириши,

ҳаракат қилишнинг дастлабки кўринишидир. Мустақил юриш — гўдакнинг инсонларга хос йўсинда фазода силжиш, жойидан қўзғалишни амалга ошириш учун муайян даражада тайёргарликни тақозо қилувчи ҳаракатларнинг янги кўринишидир.

Шундай қилиб, гўдакнинг жисмлар билан бевосита амалий алоқага киришуви ва улар ёрдамида ҳаракатланиши нарсаларнинг янги хосса ва хусусиятларини билиб бориши, улар билан муносабатини янада кенгайтириши учун имкон яратади.

Ҳаётининг иккинчи ярим йилида боланинг предметлар билан ҳар хил ҳаракатларни амалга оширишдаги илдамлиги, ориентирлаш фаолиятининг мураккаблашуви, фазода ўрин алмаштиришининг янги шакллари вужудга келиши уни катта ёшдаги одамларга бевосита боғлаб қўяди.

Гўдак ўсишининг мураккаблиги унинг хилма-хил фаолияти ўзаро боғланганидир. Шунинг учун катта ёшдаги одамлар бу даврда гўдакнинг эҳтиёжларини тўла қондиришга ҳаракат қилишлари керак. Шундагина уларнинг бола психик дунёсига мунтазам ва мақсадга мувофиқ таъсир этиши бола бош мия катта ярим шарлари пўстининг фаолиятини такомиллаштиради.

Гўдак ҳаётининг дастлабки ойларидан бошлабоқ, ўйин фаолияти унинг ҳаётида муҳим ўрин эгаллайди ва гўдакда кўриб ва эшитиб идрок қилиш уқувини ўстиради, жисмларнинг ранги, шакли, катта-кичиклигини ажрата олиш қобилиятини ривожлантиради. Ўйин фаолияти гўдакнинг борлиқни билишида ва уни акс эттиришида муҳим роль ўйнайди.

3. Гўдакда мулоқот кўламининг кенгайиши ва нутқнинг вужудга келиши

Олдинги саҳифаларда баён қилинганидек, гўдакнинг катталар билан узвий боғлиқлиги мажбурий мулоқотга кирилишни тақозо қилади. Шахслараро алоқа ўрнатиш зарурати болада новербал, нутқсиз мулоқотнинг махсус шакли пайдо бўлишига олиб келади. Шунини алоҳида таъкидлаш керакки, организмнинг ташқи ва ички қўзғатувчиларга жавоби «жонланиш»ни келтириб чиқаради. Мулоқотнинг энг оддий кўриниш-

лари кейинчалик бошқа мураккаброқ кўринишларининг вужудга келишига пухта замин яратади.

Катта ёшли кишилар товушига тақлид қилиш, гўдакнинг қуршаб турган одамлар нутқини идрок қилиши том маънодаги нутқ фаолиятини таркиб топтиради. Мулоқотнинг сўнгги турлари гўдак ҳаётининг иккинчи ярим йилида кўзга ташланади. Унинг ўзини парваришлайётган, одамларга илиқ табассум, қувонч ва шодлик туйғуси билан боқиши фақат хуш кечинмаларидан эмас, балки ички механизмларини йфодаловчи, муайян даражада ташкил топган ижобий таъсирланишни акс эттирувчи мулоқотдан ҳам иборатдир. Катта ёшли одамлардан таъсирланиш ҳис-туйғуси гўдакнинг ҳаёти ва фаолиятида бир неча йўналишда қарор топиб боради, Улардан биттаси қувонч ёки табассум туйғусида: катталарга бутун вужуди билан талпиниши, тикилиб туриши, ҳаракатларини кузатиши, қўлини узатиши, бошини қўзғатувчи келган томонга буриши, ўзига хос товушлар чиқариши ёки гугулашида яққол кўринади. Таъсирланиш ҳис-туйғуси «жонланиш мажмуаси» билангина эмас, балки унинг алоҳида таркибий қисмлари (товуш, чеҳра ва ҳоказолар) таъсирида ҳам вужудга келади. Таъсирланиш туйғуси кейинчалик танловчанлик хусусиятини касб этиб, фақат айрим (яқин, туғишган) кишиларга нисбатангина ҳосил бўлади.

Олдинги бўлимларда таъкидланганидек, таъсирланиш туйғуси аввал умумий хусусиятга эга бўлади, кейинчалик (4—5 ойлик пайтларда) кишиларни таниш ва бегонага ажратиш билан яқунланади. Яъни танишлар гўдакда чуқур ижобий кечинмалар ҳосил қилса, бегоналар қувонч ва табассум ҳисларини бутунлай тўхтатишга ҳам олиб келади. Таниш киши психик жараён сифатида боланинг психикасида алоҳида аҳамият касб этади. Шу билан қатта ёшдаги одамлар гўдак учун дастлабки таниш жараёнининг объектига айланадилар ва мулоқот давомида ижобий таъсирланиш туйғусини пайдо қилувчи қўзғатувчи ва-зифасини ўтайдилар.

Инсонга қаратилган таъсирланиш туйғуси вақт ўтиши билан турли жисмларга ҳам кўчади. Катталар қўлидаги масалан, ўйинчоқ гўдакда қувонч ва жонланиш ҳиссини уйғотади, жисмларнинг бола нигоҳини ўзига жалб этиш хусусияти ҳам катталар ёрдамида

рўёбга чиқади. Гўдак ярим ёшида улар билан мулоқотга киришиш жараёни икки хил хусусият касб этади. Аввал мулоқот бир томонлама, фақат таъсир ўтказиш билан чегараланса, энди тескари муносабат (гўдакнинг уларга жавоби тариқасида) ҳам вужудга келади. Чунончи, бола катталарнинг кийимини тортқилайди, уларга қичқиради, ҳатто, ҳиқиллайди ва ҳоказо. Мазкур психик ҳолат боланинг катталар билан мулоқоти ривожланишнинг юқорироқ босқичига кўтарилганидан далолат беради. Гўдакнинг катта одамларга қўядиган талаблари (гарчи қатъий оҳангда, сўз билан ифодаланмаса-да) бевосита ёрдамга муҳтожлигини билдириш (масалан, қўлини ўйинчоқ қисиб олса, кўйлаги илиниб қолса, коптоғи думалаб кетса, чарчаса ва бошқа ҳоллар рўй берса, бошқаларни чақирувчи сигнал) вазифасини бажарса, кейинчалик шунчаки чақириш воситасига айланади ва бу ҳол мулоқотга эҳтиёждан, унинг нисбатан тақчиллигидан келиб чиқади. Шунингдек, бола ўйин фаолиятида қийинчиликларга учраса, ўйин қовушмаса ҳам мазкур чақиряқ воситасидан фойдаланади.

Бола ҳаётининг иккинчи ярим йиллигида катталар нутқини идрок қилиши ва уни тушуниши жадал суръат билан ўсаверади. Чунки она ёки тарбиячи уни парваришлаш ва тарбиялаш жараёнида ҳар бир ҳаракатни тушунчалар, сўз бирикмалари, атамалар билан бирга амалга оширади, ҳаракат билан предметнинг узвий боғлиқлигини ёритишга тиришади. Маълумки, ҳар қайси предмет ва воқеа ўз номин билан ифодаланади, натижада бола учун онанинг ёки тарбиячининг (мураббиянинг) нутқини тушуниш ва илғаб олиш бирмунча енгиллашади. Буларнинг барчаси бола билан катта ёшли одамлар ўртасида узлуксиз ҳамкорлик вужудга келишини тақозо қилади. Боланинг ҳамкорликдаги (ота-она, энага, мураббия ёки туғишганлари иштирокидаги) ўйин фаолияти ҳам, ҳис-туйғуга берилиши ҳам нутқ ва нутқ фаолияти билан ҳамбарчас боғлиқ бўлади.

Олима Г. Л. Розенгарт-Пупко боланинг нутқни тушуниши (идрок қилиши) жараёнини ўрганиб, кўрув идроки ва предметларга кўз югуртириш, уларнинг номларини тушуниш ривожланишига ёрдам беради, дея хулоса чиқаради. Тадқиқотчилардан З. И. Барабанова гўдакнинг нутқни идрок қилишини текшириб,

ундаси турли анализаторларнинг ролига баҳо беради. Унинг маълумотларига қараганда, қўзғатувчи 10 марта намоён бўлишида кўрув анализаторларининг йўналиши 86 фоиз болада сақланган, эшитув анализаторининг эса 60 фоиз синалувчиларда йўқола бошлаган. Қўзғатувчининг 20 марта таъсир кўрсатиши натижасида кўрув анализаторини таъсирланиш ориентировкаси 18 фоиз болада сўнган, эшитув анализатори худди шу пайтда умуман батамом сўниб бўлган.

Д. Б. Эльконин хулосасига кўра, нутқни тушуниш вужудга келишининг асосий шартлари қуйидагилардан иборат: а) умумий ҳолатдан предметни ажрата олиш; б) предметга диққат-этиборини тўплаш; в) фавқулодда ҳолатга қараб англанадиган ҳис-туйғунинг мавжудлиги ва бошқалар.

Ўзгалар нутқини тушуниш кўрув идрокининг замирида вужудга келади. Болани ўзгалар нутқини тушунишга ўргатишда катта одам бирор ўйинчоқдан таъсирланишни ҳосил қиладиган қўзғатувчини уйғотади. Бунда ўзи жисм ва расмларга боланинг диққатини жалб этади ёки унинг қўлидаги ёхуд стол устидаги объектларни кўрсатиб «Сурнай қани?», «Қатта айиқча қани», «Копток қани, автомобил-чи?» каби саволлар билан мурожаат қилади.

Катталарнинг бола билан машғулотларни бир неча марта такрорлаши натижасида талаффуз қилинаётган сўз билан предмет узвий боғланади ва бу боғланиш бир неча босқичларда намоён бўлади. Даставвал катталарнинг саволи болада ҳеч қандай таъсирланиш туйғусини қўзғатмайди, ҳатто, гўдак ўша предметга қиё ҳам боқмайди. Иккинчи босқичда болада саволга нисбатан суҳбат ҳаракатланиш ҳосил бўлади ва у предмет турган томонга диққатини йўналтиради. Нутқни идрок қилишнинг учинчи босқичида гўдак учун жисмнинг моҳияти ва мазмуни муҳим аҳамият касб этамайди, балки берилаётган саволнинг интонацияси, ритми, темпи, мантикий урғуси бош мезон, асосий туртки вазифасини бажаради. Ўзгалар нутқини тушунишнинг охириги босқичида гўдак предметни англаувчи сўз билан предметни ўзаро боғлаш имкониятига эга бўлади, натижада бошқа жойлардан ҳам шу предметни топиш учун ижодий изланишга ҳаракат қилади. Нутқни идрок қилиш ва тушунишнинг охириги босқичи гўдакнинг 9—10 ойлигидан бошланади ва унц ўзгалар

нутқини тушунишнинг илк шакли ва кўриниши деб аталади.

Тадқиқотчи Ф. И. Фрадкина катталарнинг гўдакка қаратилган нутқидан қуйидаги таъсирланиш ҳолатларини кўриш мумкинлигини аниқлаган: 1) номи айтилган предметга жавоб тариқасида бурилиб қараш (7—8 ойликда); 2) турмуш тажрибасида эгалланган ҳаракатларни катталар эслатиши биланоқ бажаришга интилиш (7—8 ойликда); 3) катталарнинг нутқ орқали кўрсатмаси бўйича оддий топшириқларни бажариш (9—10 ойликда); 4) нутқ орқали кўрсатма бўйича зарур предметни танлаб олиш (10—11 ойликда); 5) «Мумкин эмас» деган тақиқловчи сўз таъсирида ҳаракатини тўхтатиш (12 ойликда) ва ҳоказо.

Гўдакда ўзгалар нутқини идрок қилиш ва унга жавоб беришга интилиш, хусусан қўзғатувчига жавобан у ёки бу ҳаракатни амалга ошириш мураккаблашиб бораверади. Булар унинг ақлий имкониятлари даражасига (тийраклигига, топқирлигига) бевосита боғлиқ бўлиб, бола улардан таъсирланиш натижасида нарсаларга нигоҳ ташлайди, уни ушлаб олиш учун қўл чўзади, унга эмаклаб боради. Тушуниш вужудга келаётган жараёнда фавқулудда ҳолатга қараб таъсирланишнинг ўзи ҳам мураккаблашиб боради. Дастлаб таъсирланиш бирор жисмга нисбатан пайдо бўлади, кейинчалик бирор жисмни бошқа объектлар билан ёнма-ён турган жойидан танлаб олиш бирмунча қийинчилик билан кўчади. Тушунишнинг ривожланиш босқичлари кўрув идроки билан нутқ ўртасидаги ўзига хос муносабат тариқасида намоён бўлади. Шунинг учун тушуниш, яъни нутқни идрок қилиш гўдакни ориентирлаш фаолияти негизда вужудга келиб, кўрув ориентирни шаклида ифодаланади. Тушунишнинг ўзи ҳам кўрув ориентирининг ўсишида янги босқич ҳисобланиб, ҳаракатнинг сўз билан бошқарув босқичига кўчганлигини билдиради.

Д. Б. Эльконин фикрича, бир ёшгача бола психикаси ўсишнинг ўзига хос хусусиятлари қуйидагилардан иборат: 1) катталар нутқини тушуниш ҳамда дастлабки сўзларни мустақил талаффуз қилиш; 2) предметлар билан хилма-хил ҳаракатларни уйғунлаштириб, иш-ҳаракатини бажариш; 3) юришга уринишнинг рўй бериши; 4) хатти-ҳаракатни сўз билан бошқара олиш; 5) сўз билан гўдакнинг идрок қилиш фаолиятини бошқариш ва ҳоказолар.

Шундай қилиб, бир ёшгача гўдак эгаллаган энг қимматли хусусият пайдо бўлади ва у боладаги ижтимоий эҳтиёжнинг вужудга келишида ва унинг шу эҳтиёж орқали катта ёшдаги одамлар билан бевосита мулоқотга киришида ўз ифодасини топади. Шунинг учун жисмлар билан мақсадга мувофиқ хатти-ҳаракатларни биргаликда амалга оширишда, билиш жараёнлари ва шакллари замирида мулоқотга эҳтиёж туғилади. Гўдакнинг ўсиши катталар билан мулоқотга киришиш натижасида рўй беради.

Демак, уч ойлик гўдак гапираётган одамни ўз кўзлари билан топиш имкониятига эга бўлади, чунки унда шу пайтгача товуш манбаини излаш уқуви шаклланади. Шунга кўра бола товуш келган томонга қараб, сўзловчига муносабатини ҳис-туйғуга ўраб ифодалай олади. Гўдакнинг борган сари диққат билан атроф-муҳит манзараларини ва ҳар хил овозларни эшитиш ҳамда кўриш имконияти унинг умумий ўсишида алоҳида аҳамият касб этади. Тажрибалар таҳлилидан кўринишича, кўриш, эшитиш анализаторлари гўдакнинг воқелик ва борлиқ билан, катталар билан ўзаро мулоқотга киришиши натижасида такомиллашади. Гўдакнинг ўз кўзлари орқали инсон ва жисмлар тўғрисида муайян маълумот олиши турмуш тажрибаси ортиб бориши билан вужудга келади. Эшитиш анализаторлари ёрдамида товушларни идрок қилиш овозларни фарқлашдан иборат шартли рефлексларнинг табиатига кўпроқ боғлиқдир. Шу сабабли гўдак инсон билан мусиқанинг товушини ажрата билади, уларнинг кучсиз ва кучлилигини, ёқимли ва шовқинлилигини сезади. Унинг эшитиб тушуниши ва нутқни идрок қилиши кўпинча шартли боғланишларнинг сифати билан ўлчанади.

Инсон зотининг бир ёшгача даврини нутқгача давр деб аташ одат бўлиб қолган. Бу давр мобайнида гўдак бош мия ярим шарлари иккинчи сигналлар системаси фаолияти билан боғлиқ анчагина ишларни амалга оширади. Нутқни тушуниб идрок қилиш эса кул сайин ўсиб, такомиллашиб боради.

Гўдак икки ойлик бўлгунича ғудурлашни ўрганади. Ғудурланиш ижобий ҳис-туйғу, барқарор кайфиятнинг маҳсули сифатида бошланади. У аста-секин артикуляр аппаратнинг такомиллашуви натижасида товушларни ўзаро фарқлай бошлайди. Юқорида айтилганларнинг

барчаси, бола амалга ошираётган нутқ фаолиятининг нишонаси тугилаётганини кўрсатади.

Гўдак ҳаётининг биринчи ярим йилида турли хусусиятларга эга анализаторлар ривожланиб, ориентирлаш реакцияси аниқроқ ифодалана бошлайди. Шартли рефлекслар кўлами тобора кўнгайиши натижасида воқеликка ҳиссий муносабат такомиллашади. Гўдак ҳаётининг иккинчи ярим йилида эса у катталарнинг имо-ишораларини тушуниб идрок қила бошлайди. Фаол нутқ аломатларининг вужудга келиши билан гўдаклик даври тугайди ва илк болалик ёш даври бошланади.

4. Илк болалик давридаги психик ўсиш

Инсон онтогенезида унинг 1 ёшдан 3 ёшгача ўсиш даври алоҳида аҳамият касб этади. Чунки бу даврда инсон зотига хос энг муҳим сифатлар, характер хислати, атроф-муҳитга, ўзгаларга муносабат, ҳулқ-атвор, тафаккур ва онг каби психик акс эттиришнинг турли кўринишлари шаклланади. Буларнинг барчаси қарама-қаршиликлар кураши остида таркиб топади.

Боланинг юришга уриниши, турли нарсалар билан овуниши ва машғул бўлиш имкониятлари кенгайиши, унинг катталарга бевосита тобелиги, уларга боғлиқлиги нисбатан камайишига олиб келади. Бинобарин, унинг мустақил ҳаракат қилиши учун зарур шарт-шароитлар яратилади.

Р. Я. Абрамович-Лехтманнинг тадқиқотларида, ифодаланишича, бир ёшли ва бир ёшу икки ойлик болада турли нарсалар билан ҳаракат қилишнинг оддий тури жадал ривожланади. Бошқача айтганда, унда жисмлар билан муайян ҳаракатни амалга оширишнинг нисбатан барқарор усуллари шакллана боради. Шундай ҳаракатлар тобора ортади ва мураккаблашади, уларнинг моҳияти борган сари чуқурлашади.

Д. Б. Эльконин фикрича, болаларда кенг кўламли ва кўп миқдордаги предметларни таниш, идрок қилиш, уларнинг хусусиятларини ўзлаштириш эҳтиёжининг ортиши катта ёшдаги одамлар билан мулоқотга киришиш майли, туйғуси ва истиғияни кучайтиради. Шундай бўлса-да, бу муаммо бола шахсий ўйин фаолиятини ташкил қилишда ҳали катталарнинг мададига ва ёрдамига муҳтожлигини кўрсатади.

Бир ёшли ва ундан сал ошган боланинг ҳар хил ҳаракатли ўйинларда муваффақиятсизликка учраши, кўзлаган ишни бажаришидаги нохуш кечинмалар унинг руҳий дунёсида дастлабки жазава (аффектив) туйғу ва ҳисни вужудга келтиради. Шунингдек, ўз фаолиятида учрайдиган кўнгилсиз воқеаларга шахсий муносабатини билдириш — акс эттиришнинг янги шакли таъсирланиш (реакцияга киришиш) ни таркиб топтиради.

Аччиқланиш, жаҳл кўзғалиши, қаҳру ғазаб туйғуларининг хусусиятини тадқиқ қилган Т. Е. Конникова маълумотларига биноан, бир ёшли болада кўпинча безовталаниш, хатти-ҳаракатдаги «портлаш», қаҳри қаттиқлик юзага келади. Олиманинг фикрича, унинг психикасида пайдо бўлаётган хулқ ҳосиласи тириш-қоқликнинг ўзига хос кўринишидан иборат бўлиб, у ўзи ёқтирган нарсани тезроқ қўлига олиш хоҳиши билан узвий боғлиқдир.

Одатда, аффектив ҳолатга берилишни ёки аффектив таъсирланишни бола катталар билан мулоқотда психик жиҳатдан қониқмаслиги ҳосил қилади. Психологик маълумотларга кўра, «портлаш», «лов этиш» хусусиятига эга бўлган аффект қуйидаги сабаблар билан вужудга келади: 1) катталар боланинг хоҳиш-истакларини тушунмаслиги, имо-ишораси ва юз-чеҳра ҳаракатларига, пантомимикасига (юз билан тана ҳаракатлари қўшилиши) эътиборсизлиги; 2) боланинг ихтиёрсиз хатти-ҳаракатига батамом қаршиллик кўрсатиши, шунингдек, унинг талабини бажармаслиги, қониқтирмаслиги; 3) боладаги ўзгаришларга оид билимлардан беҳабарлиги, бу ўзгаришларни олдиндан сеза олмаслиги ва бошқалар.

Жазавага тушишнинг хусусияти ва даражаси боланинг яшаш шароити ҳамда унга катталарнинг муносабатида ўз ифодасини топади ва маҳаллий мезонлар ёрдами билан аниқланади. Н. А. Менчинская ўз кундаликларида бир ярим ёшли ўғлининг ўжарлигини шундай таърифлайди: «Мумкин эмас!» деган тақиқлашга жавобан Саша ўжарлик қилар, шўхлигини яна зўр бериб давом эттиришга уринар эди; унинг ўжарона хоҳишини бошқа объектга тортиш билангина бар-тараф қилса бўлар эди: кўпинча тақиқлашга қарши йиғлаб инжиқлик қилар, ҳатто, ўзини полга отар, қўл ва оёқларини тапиллатар, аммо бундай «жазава» унинг

хулқиди жуда кам содир бўлиб, уни бундай шўхликларидан тез ва осон чалғитиш мумкин эди...»

Психологлардан Л. С. Виготский, П. П. Блонский ва уларнинг шогирдлари олиб борган ишлардан кўринадики, болада пайдо бўлган дастлабки сўз-ибора гўдаклик давридан илк болалик даврига ўтишнинг энг муҳим жиҳати ва шарт ҳисобланади. Ҳаракат билан сўзнинг боғланиши боланинг мустақиллиги ва мустақил фаолиятни амалга ошириши учун зарур шароит яратади.

Йирик психологлар В. Штерн, К. Бюлер ва бошқаларнинг тадқиқотларида баён қилинишича, бола қўллайдиган дастлабки сўзлар иккита муҳим хусусиятга эгадир: биринчи хусусияти улар катталар нутқидаги сўзлардан фонетик жиҳатдан кескин фарқланишидир; иккинчи хусусияти эса ўзининг қамрови билан кўпмаъноли эканидир. Бошқача айтганда, мазкур сўзлар, иборалар маълум предметни эмас, балки қатор нарсаларнинг номини, ҳатто, гуруҳларини англатади.

Юқоридаги мулоҳазаларнинг далили сифатида Т. Е. Конникова тажрибасидан намуна келтирамиз. Олиманинг нуқтаи назарича, катталар билан болалар мулоқотида ишлатиладиган сўзларнинг фарқлари турли манабага ва асосга боғлиқдир: а) болалар нутқида шундай сўзлар қўлланадики, улар ҳеч қачон катта одамларда шундай маънони билдирмайди (адиға — балиқ мойи, ика — шарф, гили-гилига — қалам); б) кўпинча бола нутқидаги сўзлар катталар сўзлашувининг маълум бўлагини эмас, балки унинг ўзагини ташкил қилади, ҳо-ос («ис» — иссиқ», «ди» — келди); в) болалар катталар қўллайдиган сўзларни бузиб талаффуз қилсалар-да, лекин предметнинг тимсолига асосланиб, уларнинг умумий фонетик ва ритмик жиҳатларини сақлайдилар («ти-ти» — соат, «па-па» — машина, «линг-линг» — радио, телевизор); г) тақлидий сўзлар («вов-вов» — ит, «му-му» — сигир, «ба-ба» — қўй қабилар).

Д. Б. Эльконин тажрибасида бир ёшу уч ойлик Галя учун «ака» деган тушунча (сунъий бўлса-да) ҳўл мевалар, конфет, қанд, золдир сингари нарсаларни англатган. Т. Е. Конникова тажрибасида эса худди шу ёшдаги Нонна «кх-кх» деганда мушук, соч, мўй-нани атаган. Бу мисолларни психологик нуқтаи назардан таҳлил қилсак, уларда умумпсихологик қону-

ниятга ва хоссага мос келувчи иккита хусусият ҳақиқатан мавжудлигига ишонч ҳосил қиламиз.

Жуда кўп йирик психологлар фикрига ва кузатишларимиз натижаларига кўра, боланинг нутқи ихтиёрсиз бирданига вужудга келиш хусусиятига эга бўлиб, катталарнинг мазмунли нутқи таъсирида «ночор аҳволга тушиб» қолиб, ўз фаоллигини йўқотади. Ҳатто, зарур шарт-шароит яратилган тақдирда ҳам бола ўзининг нутқ бойлигидан унумли фойдалана олмайди.

Болада дастлабки фаол нутқнинг шаклланиши муаммоси билан шуғулланган Ф. И. Фрадкина илмий-амалий аҳамиятга молик кўп маълумотлар тўплаган. Унинг тажрибасида табиий мулоқот пайтида бола бирор сўзни бир кунда ўзлаштирган, бироқ сунъий шароитда эса 10—11 кун давомида ўша сўз билдирган предметнинг тимсолини кўрсатиш имкониятига эга бўлган. Ф. И. Фрадкинанинг маълумотига кўра боланинг нутқ бойлиги 10 ойликда 1 тадан 5 тагача, 11 ойликда 3 тадан 8 тагача, 12 ойликда 7 тадан 16 тагача, яъни жуда чекланган бўлади. Бундан ташқари, олима ҳаракат жараёнида сўзларни талаффуз қилиш имконияти кенглигини баён қилган.

Шундай қилиб, нутқнинг дастлабки ривожланиш босқичида сўз билан предмет, сўз билан ҳаракат ўртасидаги узвий алоқа фақат мулоқотга эҳтиёж туғилган тақдирда пайдо бўлади ва бу эҳтиёж катталарнинг бевосита раҳбарлиги ҳамда ҳамкорлигидаги фаолият орқали вужудга келади. Ўзгалар нутқини идрок қилиш ва тушуниш ҳамда ундан унумли, фаолроқ фойдаланишнинг энг муҳим шarti болада нутқ орқали мулоқот эҳтиёжининг мавжуд бўлишидир. Нутқ орқали мулоқот эҳтиёжининг пайдо бўлиши боланинг психик жиҳатдан ўсишида муҳим туртки вазифасини бажаради ва уни мустақиллик сари етаклайди.

Кўпчилик совет ва чет эл психологлари боланинг нутқида сўзлар пайдо бўлишининг хусусиятлари ҳамда қонуниятларини ўрганадилар. Ана шундай тадқиқотчилардан Т. Е. Конниковадир. Бола нутқида сўзлар пайдо бўлишининг иккита муҳим хусусияти мавжудлигини айтади. Биринчи хусусият бола сўз билан боғлиқ нарсаларни ёрқин эмоционал бўёқларда идрок қилишида ўз ифодасини топади. Масалан, биринчидан, болалар битта буюмни бир қанча нэмда аташлари ҳамда кучли ва ёрқин аломатлари билан кўришлари; иккинчидан,

бола муайян бир аёшни ҳар хил шароитда ҳар хил аташи. Бола нутқида янги сўзлар пайдо бўлишининг иккинчи хусусияти унинг мазкур вазиятга фаол ва дадил кириб боришидан иборатдир.

Бола дастлабки сўз ва атамаларни ўзлаштириши учун катталар унга қизиқарли йўл-йўриқ ва иш-ҳаракатларни кўрсатишлари лозим. Ҳаракатлар ва буюмларнинг янгилigi боланинг фаолиятини муайян йўналишга буриб юбориши мумкин, бунн вужудга келган ички механизмлар тақозо этади. Махсус ўтказилган тажрибалар асосида сўзлар кўп маънолилиги бўйича бир нечта гуруҳга мансуб, дея хулоса чиқариш мумкин: 1) бирор вазифани бажаришига кўра яратилган сўзлар: «ф-ф-фу» — гугурт, дечка, чироқ, шам, примус кабилар; 2) предметларнинг ёндошлик белгисига қараб номлаш: «ан-на» — деворга осилган жами нарсалар, қўшни хонадан эшитилган овозлар; 3) ташқи белгисига асосланиб номлаш: «кх-кх» — мушук, соч, мўйна, телпак, наmat ва бошқалар; 4) предметларнинг товуш чиқаришига қараб яратилган сўзлар: «ля-ля» — телефон, пианино, радио, мусиқа асбоблари ва ҳоказолар.

Психология фанида тўпланган маълумотларга таяниб бир маъноли ва кўп маъноли сўзларнинг ҳосил бўлиши ўртасида кескин тафовут йўқ, дея хулоса чиқариш мумкин. Чунки бола учун, ҳар қандай сўзни ҳам талаффуз қилиш жуда қийиндир.

Д. Б. Элькониннинг фикрича, сўзларнинг ҳосил бўлиши ва боланинг нутқиға айланиши, энг аввало сўзнинг маъносини тушуниб ва идрок қилишга бевосита боғлиқдир. Бунинг натижасида, биринчидан, боланинг луғат бойлиги кескин кўпаяди, иккинчидан, нутқида иккита сўздан иборат гап тузиш имконияти вужудга келади ва учинчидан, предметларнинг номига қаратилган саволлар туғилади. Мазкур жараён бир ярим ёшдан ошгандан сўнг бошланади ва болада катталар билан мулоқотнинг янги босқичи пайдо бўлганини билдиради. Нутқ орқали мана шу ёшдаги болаларга вазият ва ҳолатни эмас, балки предметларни англатувчи сўзлар ўргатилади. Гўдаклик давридан илк болалик даврига ўтиш унинг фаолиятида ва катталар билан мулоқотида жиддий олға силжиш билан ажралиб туради. Ана шу силжиш болада атрофдаги одамлар ва нарсаларга табақали муносабатни шакл-

лантиради. Бироқ бу муносабатлар фақат катталар билан ҳамкорликдаги фаолият орқали амалга ошади. Катталар билан ҳамкорликдаги ёки мустақил предметли ҳаракатларни эгаллашдаги ютуқ ёки муваффақиятсизлик, омадсизлик ҳоллари болада турли ҳис-туйғу ва кечинмаларни (қувонч, ташвиш, ачиниш, қайғуриш, самимийлик, лоқайдлик ва ҳоказоларни) вужудга келтиради. Шахснинг фаоллиги, ҳаракатчанлиги, ташаббускорлиги, интилувчанлиги, билишга иштиёқмандлиги, дадиллиги асосан юқоридаги омилларга узвий боғлиқдир ва бунга бефарқ қарамаслик керак.

5. Илк болалик даврида нутқнинг ўсиши. Ақлий ўсиш

Сўз билан предмет ўртасида ҳар хил боғланиш бўлади, лекин дастлабки тушуниш вужудга келган вазиятга боғлиқдир. Агар бола «копток» сўзи бошқа кўринишдаги коптокларга ҳам дахлдорлигини тушунса, «Копток қани?» деган саволга коптокнинг у ёки бу хилини ҳам кўрсата олади. Янги предмет бола ўз тажрибасида учратган жисмга ўхшаса, танишдек туюлса, янги ҳаракат билан уни билдирадиган сўзни ўзаро боғлаш бирмунча енгил кўчади. Шунга ўхшаш вазият боланинг турмуш тажрибасида қанчалик кўп учраса, идрок қилинган предметлар кўлами ҳам шунчалик тез кенгайди ва боланинг луғат бойлигига қўшилади. Боланинг фаолиятида унга бериладиган саволларни тушуниш муҳим аҳамият касб. этади ва унинг оддий хатти-ҳаракатларни амалга ошириш имкониятини яратади.

Тадқиқотчи Е. К. Каверинанинг тажрибасида тасдиқлаганидек, боланинг предмет номини тушуниши қуйидаги тартибда акс этиши мумкин: а) бола енг аввал атрофидаги предметларнинг номларини; б) катта ёшли одамлар ва ўйинчоқларнинг номлари ва расмларини; в) одамларнинг гавдасининг тузилишини, унинг бўлаклари ва ҳоказоларни тушунади.

Тушунишнинг энг қулай (сензитив) даври бир ёшдан бир ярим ёшгачадир. Бу даврда бола предмет ва жисмларнинг номларини енгил ўзлаштириб олади. Икки ёшгача даврида катталар билан мулоқотга киришишда уй жиҳозлари ва бошқаларни ўрганади.

Е. К. Каверинанинг фикрича, болага бериладиган топшириқлар, ҳаракат номлари ва уларни бажариш бўйича йўлланмаларни тушуниш қўйидаги босқичлардан иборат бўлади: а) таъсирланишнинг йўқлиги ёки мутлақо нотўғри таъсирланиш; б) ҳаракатни тўғри ижро этиш; в) ҳаракатнинг мураккаблашуви ва бошқа кўринишларининг хусусиятлари. Боланинг катталар йўналтирувчи нутқини тушуниши хатти-ҳаракатларни амалга оширишда етакловчи вазифани ўтайди.

Катталар билан боланинг ҳамкорликдаги фаолиятида йўл-йўриқ моҳиятини тушуниш ўзига хос янги муносабатлар ўрнатишнинг энг муҳим шарти ҳисобланади. Шунинг учун икки ёшли болаларда катталар нутқини тушунишнинг ўсиши предметлар билан ҳаракатни амалга ошириш усулини эгаллашда алоҳида роль ўйнайди.

Бола уч ёшга қадам қўйганда, унда нутқни тушунишнинг кўлами кенгаяди, сифати эса юқори даражага кўтарилади. 2-3 ёшли бола катталарнинг амалий фаолиятни бажаришга доир нутқини тушунишдан ташқари, эртак, ҳикоя, шеър кабиларни тинглашни ҳам ёқтириши сабабли уларда баён қилинган фикрларни ҳам тушунишга интилади.

Бола 2 ёшга тўлганда нутқининг ривожига янги давр бошланади. У, она тилининг грамматик қондаларига мувофиқ гап тузишга ҳаракат қилади. Унинг нутқида қарийб барча сўз туркумлари, мураккаб боғловчисиз гаплар учрай бошлайди.

Бола 3 ёшга ўтганидан кейин фақат яқин кишилари билан эмас, балки бегоналар, тенгқурлари билан ҳам мулоқот кўлами кенгайиши натижасида унда том маънодаги нутқ фаолияти вужудга келади. Болада катталарнинг нутқиға, хатти-ҳаракатига қизиқиш кучаяди, ўзига дахлсиз фикр ва мулоҳазаларни тинглаш майли пайдо бўлади, шунингдек, унинг ўзи атроф-муҳитда, катталар даврасида олган маълумотлар ва ахборотлар бўйича бошқалар билан мулоқотга киришиш истаги туғилади.

Уч ёшли боланинг нутқи мулоқот қуроли вазифасини бажариб, амалий фаолият билан узвий боғлиқ ҳолда рўёбга чиқади. Унда диалогик нутқ пайдо бўлади, чунки унинг ўзини қизиқтирган нарсалар ҳақида саволлар бериши ёки катталарнинг саволига жавоб қайтариши диалогик нутқни тақозо этади. Диалогик

нутқ замирида она тилининг грамматик тузилишини фаол эгаллаш учун кенг имкониятлар ётади. Умуман, диалогик нутқ боланинг катталар билан ҳамкорликдаги фаолиятининг ажралмас таркибий қисми ҳисобланади.

А. Н. Гвоздев илк болалик ёш даврида рус тилининг грамматик қурилишини ўрганиб, уни икки босқичга ажратади. Биринчи босқич—1 ёшу 3 ойликдан 1 ёшу 10 ойликкача. Бу босқич ҳам муайян даврларни ўз ичига: а) бир сўздан тузилган гаплар босқичи (1,3-1,8); б) икки ва ундан ортиқ сўздан тузилган гаплар. Иккинчи босқич—1 ёшу 10 ойликдан 3 ёшгача. Бу босқич ҳам бир неча даврларга ажратилади: а) содда ва мураккаб гапларнинг шаклланиши (1,10-2); б) синтактистик алоқаларни ифодаловчи гаплардан фойдаланиш (2,1-2,3); в) ёрдамчи сўзларни ўзлаштириш босқичи кабилар.

Психологик адабиётларда илк болалик даврида тилининг грамматик шакллари жадвал суръат билан ўзлаштириш омиллари бўйича қатор муаммолар ифодаланган. Масалан. К. Бюллер болани тилнинг флексив (турланиш, тусланиш) табиати билан танишиш муаммоларига алоҳида аҳамият берган. Унинг фикрича, бола мазкур ҳолатни интуитив равишда кашф қилади, бу нарсга грамматик алоқаларда, морфологик ўзгаришларда намоён бўлади.

Болада тилнинг грамматик қурилишини ўрганишга бағишланган анчагина тадқиқотлар мавжуд. Уларнинг муаллифлари Ф. А. Сохин, Л. С. Славина, Д. Б. Эльконин, К. И. Чуковский, М. И. Попова, Г. Л. Розенгарт-Пупко, А. Р. Лурия, Ф. Я. Юдувич, П. Я. Гальперин ва бошқалардир.

Д. Б. Эльконин фикрича, она тили (рус тили) грамматикасини ўзлаштириш қўйидагича амалга ошади: а) яққол идрок қилинаётган вазият тилнинг лексик воситаси билан ифодаланиб, объектив муносабатни акс эттиради; б) предметли вазиятнинг грамматик шакли ажратилади; в) грамматик муносабатлар шаклини билдирувчиларни умумлаштириш ва мавҳумлаштириш юзга келади.

Тадқиқотчи Н. Х. Швачкин мулоҳазасига кўра, болада аввал унли ҳарфларни, кейин ундош ҳарфларни фарқлаш кўникмаси вужудга келади.

Шундай қилиб, юқоридаги мулоҳазалар асосида

умумий бир хулосага келиш мақсадга мувофиқдир. Маълумки, икки ёшга тўлган бола тилнинг барча товушларини фонетик жиҳатдан идрок қилиш асосида нутқни тушуниш имкониятига эга бўлади.

Илк болалик даврида ҳаракатларнинг шаклланиши ориентировка фаолияти хусусияти ўзгариши билан узвий боғлиқдир. Бола у ёки бу ҳаракатни амалга ошириш учун аввал предмет билан танишади: унга кўз югуртиради, қўлига олади ва ҳоказо. Болани предметларнинг шакли, ранги, вазни билан таништиришда катталар амалга ошириш мўлжалланган ҳаракатнинг моҳиятини тушунтирадилар ва ҳаракатни қай йўсинда бажаришни ўргатадилар: Болани «Олиб кел», «Жойига қўй», «Расм чиз», «Ўшлаб тур» каби сўз бирикмалардан иборат топшириқнинг моҳияти билан таништириб, кейин унга ҳаракатни бажариш йўллари («Қаламни мана бундай ушла», «Аввал қўлингга ол», «Олдин ўнг қўлинг билан тут», «Қошиқни бундай ушлаб оғзингга олиб бор» деб) кўрсатилади. Шунинг учун ҳам болада предметли ҳаракатни ўстириш мураккаб жараёндир.

Илк болалик амалий ҳаракат тафаккури вужудга келадиган давр ҳисобланиб, қўл операциялари турли нарсалар ва қурилмалар билан алмашинади. Бола ижтимоий қуроллардан фойдаланиш усулларини ўзлаштириши натижасида унда предметли ҳаракат кўникмаси шаклланади. Жисмлар билан турли ҳаракатларни ўзлаштиришда улардаги муҳим ва ўзгармас аломатларни ажратиш кўникмаси ҳосил бўлади, натижада умумлаштириш ва умумий тушунчаларни ўзлаштириш жараёни рўй беради. Янги шароитда предметли ҳаракатдан фойдаланиш боланинг ақлий ўсишига ижобий таъсир қилади. Ўз хатти-ҳаракатини катталарнинг ҳаракати билан солиштириш ва унинг ўхшаш жиҳатларини топиш боланинг ақлий ўсиши учун муҳим аҳамиятга эга. Ақлий ўсишни тўғри йўналтириш учун бола билан махсус режа асосида машғулотлар ўтказиш зарур.

Бу даврда болада «Мен ўзим» концепциясининг вужудга келиши шахсий фазилатлар шаклланишига олиб келади ва худди шу пайтларда бола шахс сифатида таркиб топа бошлайди. Болада шахсий ҳаракатлар пайдо бўлиши ўсишнинг янги даври бошланганини билдиради.

1. 2—3 ёшли болалар гуруҳида геометрик жисмлар ёрдамида ўтказиладиган машғулотларни кузатиб, гуруҳ тарбиячисининг:

а) болаларга куб ва шарни қутича тешигига тушириш;

б) ғишtica ва уч қиррали призма «том»ни қутича тешикчаларига тушириш;

в) ясси жисмларни тешикларга туширишни ўргатиш тажрибаларини ёритиб, ўз хулосаларингизни ёзиб беринг.

2. Қуйидаги саволларга жавоб топиб, мавзу бўйича мунозарага тайёрланинг:

1) илк ёшдаги болалар сенсор тарбиясининг зарурлиги;

2) сенсор тарбиянинг вазифалари;

3) сенсор тарбиянинг методлари;

4) илк ёшдаги болаларнинг шаклни идрок қилиши;

5) болаларни нарсаларнинг шакли, ранги билан таништириш;

6) уларга турли геометрик жисмларни таққослаш-ни қандай ўргатиш керак?

7) болаларни шакли икки хил нарсалар: қўзиқорин, кўзачалар, байроқчалар, кубчалар намунасига қараб танлашга қандай ўргатамиз?

6. Мактабгача ёшдаги болалар ўсишининг умумий шарт-шароитлари

Уч ёшли болаларга тўғри тарбия бериш, таъсир ўтказиш, уларнинг ҳаракатларини мақсадга мувофиқ йўналтириш орқали уларда мустақил ҳолда овқатланиш, кийиниш, ювиниш, ўз ўрнини йиғиштириш кўникмаларини таркиб топтиришга, айрим топшириқ ва вазифаларни пухта бажариш малакасини шакллантиришга эришиш мумкин. Мазкур ёш хусусиятларини тадқиқ қилган Н. М. Шчелованов, Д. Б. Эльконин ва бошқаларнинг фикрича, боланинг уч ёшгача ўсишида эришган ютуқлари унинг хулқ-атворини; билиш жараёнларини сифат жиҳатдан анча ўзгартириб юборади. Шунга қарамай, боланинг ўсишига катталарнинг таъсири,

роли етакчилигича қолаверади, лекин аста-секин ўсиб бориши мустақилроқ бўлишини таъминлайди. Аммо мактабгача ёшдаги мустақиллик кўпинча боланинг амалий фаолиятда унча кучли бўлмаган шахсий имконияти доирасида катталар ёрдамисиз ҳаракат қилишида, нисбатан оз бўлса-да, тобеликдан қутулиш туйғусида намоён бўлади.

Боланинг мустақиллиги фақат унинг жисмоний ва ақлий имкониятида, кучи етadиган жараёнга нисбатан ўз муносабатини катталарнинг кўмагисиз амалга оширишида эмас, балки ўзининг куч-қуввати, қурби етмайдиган, муайян амалий кўникмаларини эгаллай олмаган турмуш муаммоларини ҳал этишида ҳам кўринади. Мазкур психологик ҳолатнинг ўзига хос жиҳатлари Эльза Келлер, Н. А. Менчинская ва В. С. Мухиналарнинг мамлакатимизда ва чет элларда машҳур она кундаликларида ёритилган ва батафсил таҳлил қилинган.

Мактабгача ёшга қадар болаларнинг психологик хусусиятлари юзасидан мулоҳаза юритишда кимнинг илмий тадқиқоти ва асари бўлишидан қатъи назар, унда вужудга келадиган хоҳиш, истак ҳамда ниятнинг қондирилиши индивидни парваришлагга (тарбиялагга) қарор қилган катталар томонидан амалга оширилади ва бошқарилади. Мана шу ёш даврида намоён бўладиган тарбия жараёнидаги айрим қийинчиликларнинг ташқи ва ички аломатлари (белгилари) ҳам психологик тадқиқотларда ва илмий-психологик адабиётларда кўп марта таъкидланган бўлиб, биринчи навбатда ўжарлик, негативизм, қайсарлик, инжиқлик катталарнинг болалар назарида обрўсизланиши ва қадрсизланиши каби иллатлар билан боғлиқдир. Қатор илмий-психологик манбаларда айтилишича, шу ёшдаги болаларнинг ҳис-туйғулари ва иродасида муҳим ўзгаришлар содир бўлади ва буларнинг ҳаммаси боладаги худбинлик, ўзига бино қўйиш, акселижтимоий майл, уриниш, қайсарлик, рашк кабиларда яққол акс этади.

Н. А. Менчинская, В. С. Мухиналарнинг оқилона мулоҳазаларига қараганда, болалардаги инжиқликларнинг бош омили атрофдаги одамларнинг улар шахсига адолатсиз, нотўғри, менсимай муносабатда бўлишидан иборатдир.

Кичик мактабгача ёшдаги болаларнинг психологик хусусиятларини ўрганган А. Н. Голубеванинг фикрича, ноқулай шароитда болага тарбиявий таъсир кўрсатиш

унда ўжарликни пайдо қилади. Шунингдек, бу ёшдаги болаларнинг ўжарлиги доимий бўлмайди, масалан, ўз тенгдошларига нисбатан ўжарлик қилиш аҳён-аҳёндагина рўй беради, улар асосан катта ёшдаги одамларга, шунда ҳам муайян тарбиячига ёки оила аъзоларининг бирортасига ўжарлик қиладилар. А. Н. Голубева болалардаги ўжарлик барқарор эмаслиги сабабли унинг олдини олиш мумкинлигини уқтиради. А. П. Лариннинг тадқиқотида эса ноқулай ва номақбул тарбиявий шарт-шароитларда қайсарлик жуда эрта, ҳатто уч ёшда ҳам пайдо бўлиши ифодаланган. Дастлаб ўжарлик баъзи-баъзида рўй беради, лекин у ҳеч қачон барча катта ёшдаги кишиларга қаратилган бўлмайди, бинобарин, унинг объекти алоҳида шахс ҳисобланади. Бола характерининг бу сифати муҳитнинг нотўғри тарбиявий таъсири оқибатида бирор даражада барқарорлашса, кейинчалик кўпчиликка қаратилган, умумлашган шаклга кира бошлайди. Ўжарлик бир гуруҳ одамларга йўналганлигини ҳам учратиш мумкин. А. П. Ларин тўплаган маълумотлар ўжарликнинг асосий сабаблари — боланинг мустақиллигини чеклаб қўйиш, эркинлик туйғуси ва ташаббусини сўндириш ва унинг онг хусусиятини (англаш суръатини) камситишдан иборатлигини кўрсатади.

Мазкур омиллар боланинг катталарга муносабати нисизини ташкил қилади ва унинг психик ўсиши давомида муайян даражада ўзгариб боради. Уларнинг ўзгариши катталарнинг болага у эришган камолот босқичини ҳисобга олиб, оқилона муносабатда бўлишига боғлиқ. Агар мактабгача даврда болага тегишлича муносабатда бўлинмаса, унда ўжарлик вужудга келиши мумкин.

Бола хулқида муайян шароитнинг таъсири билан пайдо бўлган ўжарлик ва ножўя қилиқлар мавжудлиги, унинг психикасида жиддий ўзгариш рўй берганини, энди болага унинг ҳозирги ўсиш даражасини ҳисобга олиб, муносабатда бўлиш зарурлигини билдиради. Боланинг психикасида вужудга келадиган инқирознинг сабаблари: 1) катталар боланинг жисмоний ва ақлий имкониятини; 2) хоҳиш ва истагини мустақил ҳолда турмушда қарор топтиришга интилишини; 3) айрим кўзга ташланган қийинчиликларни бартараф қилишга уринишини; 4) ўз ҳолича иш тутишни чеклашларидир.

Катталар боланинг раъйига, мустақиллигига қарши турмасдан, мумкин қадар истагига, интилишига ёрдам

берсалар, унинг шахсини шакллантириш жараёнидаги қийинчилик ўз-ўзидан барҳам топади, низо ёки ихтилофнинг олди олинади.

Оила ва боғчада шахслараро муносабатлар илмий асосга қурилиб, оқилона қоидага суянилса ва педагогик одоб (назокат) доирасидан четга чиқилмаса, юқорида айтилган зиддиятлар юзага келиши мумкин эмас.

Ужарлик, қайсарлик, катталарга итоатсизликнинг вужудга келиши — боланинг катталарга қарамликдан қутулишга уриниш ва кичик мактабгача ёш давридан мактабгача даврга ўтишнинг ташқи ифодасидир. Мустақилликка интилиш мазкур ёш давридаги ўзгаришлар, янгиланишлар, яъни шахсий хатти-ҳаракатни ва «мен ўзим»ни англашнинг маҳсули тариқасида намоён бўлади.

Д. Б. Эльконин фикрича, боланинг хоҳиши билан бу хоҳишнинг ҳаракатда ифодаланиши ўзаро мос тушмаслиги, катталар талабига сўзсиз итоаткорлик унинг истагини умумлаштиришга олиб келади, вояга етганлар талабига мос эмаслиги сабабли шунчаси хоҳиш қатъий шахсий хоҳиш даражасига ўсиб ўтади. Одатда «Мен хоҳлайман», «Ўзим бажараман» каби мустақилликка интилиш ҳаракатлари хоҳишнинг кучайишида ўз ифодасини топади. Ана шу тариқа бола психикасида хоҳишларнинг ўзаро узвий боғланиши, мотивлар ва уларнинг кураши юзага кела бошлайди.

Қ. М. Гуревич 3—4 ёшли болаларда мотивларнинг бирламчи тобелиги ва дастлабки иродавий ҳаракатнинг пайдо бўлишини тадқиқ қилган. Тадқиқотчи боланинг олдига жимжимадор ўйинчоқни олиш учун аввал ўзи ёқтирмаган ҳаракатни бажариш топшириғини қўйган. Бунинг учун тўрт қисмли тажриба иши амалга оширилган. Олинган маълумотлардан кўринадики: а) мактабгача ёш даврида эзгу орзулар асосида ҳаракат қилиш имконияти туғилади; б) мазкур орзуларнинг сабаблари ўзаро тобелиги (боғлиқлиги) бевосита сабабларга қараганда эртароқ пайдо бўлади; 3) бевосита идрок қилинадиган нарсаларга алоқадор хоҳишни бажаришга қараганда, нарсанинг ўзига алоқадор хоҳишни бажаришни муайян муддатга кечиктириш осонроқдир.

Шундай қилиб, хоҳиш-истакка тобе бўлмаслик ҳолатидан унга нисбатан дастлабки интилиш, хайрихоҳлик туйғусининг пайдо бўлиши айнан мактабгача ёшга

гўғри келади. Бунинг замирида боланинг майли, нияти, орзуси, истаги, тилаги ва хоҳишининг мазмуни ҳамда хусусиятидаги кескин ўзгаришлар ётади.

Д. Б. Элькониннинг таъкидлашича, мазкур ўзгаришлар бевосита идрок қилинадиган буюмларга қаратилган хоҳишнинг мантиқан мавҳумроқ буюмларга йўналтирилган хоҳишга айланишидир. Бунинг асосий сабаблари, бир томондан, болада оддий умумлаштириш уқузининг пайдо бўлиши ҳисобланса, иккинчидан, унда нутқ фаолиятининг жадал суръатлар билан ривожланишидир. Шундан сўнг унинг фаолияти жозибадор, мафтункор, жимжимадор, ялтироқ нарсаларнинг ташқи аломатларига ва уларни бевосита эгаллашга алоқадор бўлмай, балки мазкур нарсаларнинг тимсоли, тасаввур образлари, келгусида шуларнинг ҳаммасини ўзлаштириш истаги асосига қурилади. Боланинг орзу-истаги доирасидаги ҳали фойдаланилмаган янги, яширин, аммо рўёбга чиқадиган имкониятлар унинг катталар билан муносабатида, муомаласида, мулоқотида, ўзининг шахсий фаолиятида, ҳис-туйғусининг мазмуни ва ривожланишидаги кескин, муҳим ўзгаришлар учун зарур шарт-шароитлар сифатида хизмат қилади. Ундаги тасаввур билан узвий боғлиқ ҳис-туйғулар хоҳишни қондиришда олдиндан таажжубланиш жараёнига кенг истиқболлар яратади. Боладаги мавжуд ҳис-туйғулар хоҳишни қондиришни бевосита акс эттириш билан киёфояланиб қолмайди, балки келгусида амалга ошириш мўлжалланган фаолиятнинг аҳамиятини ҳам ўзида мужассамлантиради. Шунинг учун боланинг қувончи билан қайғуси дафъатан қандай мақсадни кўзлашга (амалга оширишга) йўналганида эмас, балки қайси фаолиятни (ишни) режалаштиргани билан узвий боғлиқдир.

Боланинг хоҳиш ва истагидаги айрим ўзгаришлар, уларнинг тасаввурлар билан бирлашуви мактабгача ёшдаги субъектларда фаолиятнинг янги кўринишлари (ролли ўйинлар, ижодий, тасвирий ва конструктив фаолият, содда меҳнат фаолияти) кенг кўламда ривожланишига қулай имконият яратувчи шарт-шароит ҳисобланади. Бола ўзининг фаолиятида теварак-атрофдаги нарсалар ва ҳодисалар тўғрисидаги тасаввур образларидан амалий фойдаланиш билан чегараланиб қолмай, уларга нисбатан ўзининг шахсий эмоционал муносабатини ҳам билдиради. Бу ҳол кўпинча уларнинг ижодий ўйинларида яққол кўзга ташланади. Ижодий ўйинларда

боланинг катталар фаолияти ҳақидаги, уларнинг ўз-аро муносабати тўғрисидаги тасаввури акс этади, у ўзини катталар билан бирга ҳаракат қилаётгандек ҳис этади, ҳатто воқеликнинг бевосита қатнашчиси вазифасини ўтайди.

Ҳаракатга ундовчи хоҳиш-истак боланинг тасавури билан узвий боғланиб, шунингдек, бевосита идрок қилиш мумкин бўлган вазият билан алоқага киришиб, янгидан янги хоҳиш-истакларни келтириб чиқаради. Ҳатто, болани ўзи унча қизиқмайдиган фаолиятга ҳам ундаши ёки таниш фаолиятга янгича шакл ва мазмун бериб уни бажаришга йўналтириши мумкин. Психологик манбалардан маълумки, мазкур ёшдаги болаларни ўзлари хоҳламайдиган зерикарли фаолиятга (чунончи, ёзишга, расм чизишга, меҳнатга, ҳаракатли ўйинга) мажбур қилиш мумкин эмас. Улар ўзлари хоҳламаган машғулотларда жуда тез чарчайдилар. Шундай машғулотларга амалий жиҳатдан ёндашиб, яққоллик аломатлари киритилса, болалар ишга астойдил, бутун вужудлари билан киришиб кетади. Натижада уларда шу машғулотга ижодий муносабат вужудга келади.

Мазкур ёш давридаги болаларнинг катталар билан муносабатга киришувининг энг муҳим хусусиятларидан бири — уларнинг хоҳиш-истакларини бошқариш имконияти мавжудлигидир. Уларни катталарнинг эзгу ниятига кўниктириш, ота-оналар ва мураббиялар майлига бўйсундириш мумкинлигидир. Уларнинг бошқа ёш давларидаги болалардан фарқи уларда нисбатан хотиржам, барқарорроқ ҳис-туйғулар мавжудлиги, уларнинг аффектив ҳолатлардан узоқроқлик, низоларга кам берилишидир. Бундай болаларда аффектив (жазавали) ҳолат юз бериши мумкин, лекин у вақтинчалик бўлиб, яққол ҳаракат билан эмас, балки тасаввур образлари динамикаси билан боғлиқ ҳолда содир бўлади.

Бевосита идрок қилинмайдиган ҳолатларга нисбатан ҳис-туйғу, мураккаб ички туғён ва кечинмаларнинг пайдо бўлиши, кейинчалик эмоционал ўсиш учун энг қулай шарт-шароитлар яратади. Л. С. Виготскийнинг таъкидлашича, бола ўйин фаолиятида бемор сингари йиғлайди, ўйиннинг иштирокчиси сифатида қўвнайди. Шунинг учун унинг кечинмалари бемор тўғрисидаги тасаввур образларининг маълумаси билан, уларнинг нисбатан ранг-баранглиги билан аниқланади. Бола танлаган роль ундаги мавжуд кечинмаларнинг амалий

ифодаси каби гавдаланади. Эртақлар тинглашда болада қаҳрамонлар тўғрисидаги дастлабки кечинмалар пайдо бўлади, болага эмоционал таъсир этиш имконияти туғилади, кечинмаларни акс эттириш эса тасаввур доирасида вужудга келади. Масалан: доктор — даволайди, шофёр — ҳайдайди, сотувчи — мол сотади, учувчи — самолётни бошқаради, ўқитувчи — болаларга билим беради ва ҳоказо.

Д. Б. Эльконин, Е. А. Аркин, А. В. Запорожец ва бошқаларнинг исботлашича, мазкур шарт-шароитлар болада катталар ҳаётида фаол иштирок этиш туйғуси ва истагини вужудга келтиради. Бу ҳолда боланинг фаолияти катталар фаолиятидан фарқланади, унинг ҳаёт шароити кенгайди, шахслараро муносабат ва шахсий муносабатларнинг хусусияти ойдинлашади, унда катталарнинг кундалик ишларида фаол қатнашиш хоҳиш-истаги кучаяди.

Уч ёшли болаларнинг психологик хусусиятлари. Уч ёшда ҳаракатни мувофиқлаштириш жараёнининг такомиллашуви болага югурганида, бир жойда тик турганида мувозанатни сақлаш имконини яратади. Бунинг натижасида бола мустақил ҳолда турли ҳаракатларни амалга ошира бошлайди. Жисмоний жиҳатдан мустақилликка эришиш болада эркин, катталарнинг назоратсиз, ўз ҳолича қандайдир ишларни бажариш, умуман микро ва макро муҳитда шахс сифатида яшаш истагини туғдиради.

Хусусан болада иккинчи сигналлар системасининг пайдо бўлиши мазкур давр учун муҳим аҳамият касб этиб, у энг қулай (сензитив) ўсиш босқичи вазифасини ўтайди. Иккинчи сигналлар системасининг пайдо бўлиши нутқ ва нутқ фаолиятининг ўсиши билан бевосита алоқадор бўлиб, бири иккинчисини тақозо қилади. Нутқ жараёнининг вужудга келиши психофизиологиянинг шартли рефлекслар қонунлари таъсирининг маҳсули (ҳосиласи) сифатида содир бўлади. Болада нутқ рефлекслари катталарга тақлид қилиш асосида ёки уларнинг кичкинтойлар билан узлуксиз мулоқотга киришуви орқали ҳосил бўлади ҳамда ота-оналар ва тарбиячиларнинг сўз ва атамаларни тўғри талаффуз қилишни ўргатишларни оқибатида жадал суръатлар билан такомиллашади.

Юқоридаги умумий хулосалар асосида айтиш мумкинки, уч ёшгача давр нутқ ва нутқ фаолиятини энг оқилона намоён қилиш ва тўғри, мақсадга мувофиқ

ривожлантириш босқичи ҳисобланади. Бинобарин, ҳар бир ёш даврининг ўзига хос қулай ўсиш паллалари, имкониятлари ва ўзига хос хусусиятлари мавжуд. Бу нарса умумий психологик қонуниятларга суянган ҳолда талқин этилади, шу билан бирга етакчи фаолиятнинг роли инобатга олинади.

Боланинг тик юришга одатланиши, фазовий қонуниятлар, ўзига хослик, борлиқдаги мавжудотларни тўғри идрок қилиш кабилар унда турли психологик сифатларни шакллантиради, шунингдек, мутлақо янги шахс хусусиятларни вужудга келтиради. Унда ҳаракат шаклларига нисбатан синчковлик уқуви кўпроқ ўсади, вақтни тасаввур қилиш, вақт ўлчовларига қизиқиш туйғуси уйғонади. Ўзини фаолиятида, тенгдошлари ва катталар билан бевосита мулоқотга киришишда вақтни, фазони ва ҳаракатни идрок қилиш малакаси такомиллашиб боради, мазкур психологик категориялар сифат жиҳатдан янги ривожланиш босқичига кўтарила бошлайди.

Мазкур даврда нутқ мазмунлироқ, нутқ фаолияти эса грамматик, морфологик ва синтаксистик нуқтан назардан тўғри тузилишга эга бўла боради, боланинг бу борадаги фаоллиги мислсиз даражада ўзгаради. Атоқли психологлар ва ўзимизнинг кузатишларимизга қараганда, уч ёшли бола соат сайин бир нечтадан (она тили ёки бегона тилга доир) сўзларни ўзлаштиради ва ўзининг нутқ бойлигига айлантиради. Нутқ фаолиятининг ривожи ўзгалар нутқини оқилона идрок қилиш ва тушуниш имконини яратади, шахслараро муомала кўламини янада кенгайтиради.

Шунга ўхшаш ўзгаришлар бола атроф-муҳит тўғрисидаги маълумотларни, ахборотларни, илмий билимлар ва ижтимоий кўникмаларни эгаллаши учун пухта замин ҳозирлайди. Натижада уч ёшлилар психикаси янгиликларни акс эттириш ва улардан таъсирланишдек мураккаб функцияни бажара бошлайди. Шулар сабабли бу ёшдаги болалар ўзининг кўрганларини, эшитганларини тез идрок қиладилар ва эслаб қоладилар, ҳатто уларни тушунишга интиладилар, улар ўз билимдонликларини намоиш этишга, ўзларини шахс сифатида кўрсатишга ҳаракат қиладилар. Ўзининг катталар орасидаги ўрнини топиш истаги, ҳисси «Мен даврини вужудга келтиради. Боланинг янги эҳтиёж ва инстинктлари катталар томонидан рағбатланган» деб бул қилиниши улар ўртасида «англашилмовчилик»ни

келтириб чиқаради. Унда катталарнинг кўрсатмаси, тавсияси, илтимоси, буйруғи ва тазйиқига қаршилиқ кўрсатиш туйғуси пайдо бўлади. Шу тариқа шахсларро муносабатда зиддиятлар, ички низолар, психологик инқироз намоён бўлади. Буларнинг барчаси «Мен даври»нинг ҳосиласи бўлиб, бола шахс сифатида шаклланаётганидан далолат беради. Инқирознинг сабаблари ҳар хил бўлади.

Инқироз даврида боланинг катталарга қаршилиқ кўрсатиши ҳам турли кўринишларга эга бўлиб, улар ўткинчи психологик ҳолат ва ҳодисага ўхшайди. Лекин оила ва боғчада қийинчиликларни енгиш жараёнида боланинг шахсига унинг ўзига хос хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда тўғри ва оқилона ёндашиш уни инқироздан руҳан мутлақо соғлом олиб чиқиш имконини яратади. Қуйида ана шу қаршилиқларнинг айрим кўринишлари ҳақида қисқача тўхталамиз.

Кўпчилик психологларнинг тадқиқотларидан ва ўзимизнинг кузатишларимиздан маълумки, болалар мазкур инқироз даврида бир неча кўринишдаги қайсарлик ёшани босиб ўтадилар.

Ана шу кўринишларнинг биттаси биз назарда тутган даврга, яъни боланинг 3 ёшига тўғри келади. Шу даврда унинг руҳий дунёсида сифат ва миқдор жиҳатдан турли ўзгаришлар рўй беради. Бу ўзгаришлар унинг оламни ўзича кашф қилаётганига, психикаси маълумот ва ахборотлар билан соат сайин бойиб бораётганига боғлиқдир. Айни шу ёшда болада ўз иродасига ишонч ҳисси туғилади, у ўзлигини англай бошлайди. Ўзлигини англаш қарама-қаршилиқларни, зиддиятларни енгиш билан амалга ошади.

Мазкур ёшдаги бола баъзан ўзига айтилган сўзнинг моҳиятини тушунмаслиги, англаб етмаслиги, гоҳ ўйинга ҳаддан ташқари берилиб кетиб, катталарнинг овозини эшитмай қолиши мумкин. Бундай пайтда болада ташқи таъсирга ёки қўзғатувчига эътибор берип қобилияти етишмаслиги, бунга унинг кўтаринки ёки ғоят тушқин кайфияти ҳалақит бериши мумкин. Баъзан бола ўз ўйлари ва ички кечинмалари билан бандлиги сабабли унинг ташқи таъсирга жавоб қайтариши бироз кечикиши ҳам мумкин. Ана шу жараёнга ўзгаларнинг психологик қонуниятга риоя қилмай қўполлик билан аралашуви ёқимтой, одобли болаларни ҳам даров жажҳли қўзғайдиган, гап кўтара олмайдиган, нозик табиатли шахсларга айлантриб қўйиши мумкин. Бун-

да катталарнинг мулоқотдаги қўполлиги болада қайсарликнинг белгиларини яққол намоён эта бошлайди. У ҳар қандай таклифни, буйруқни, ҳатто, илтимосни ҳам рад қилади, ўзига берилган барча саволларга бир маромда «йўқ», «керакмас», «бермайман», «билмайман» деб жавоб қайтараверади. Катталар билан бола ўртасидаги муносабатнинг бузилиши туфайли унинг хатти-ҳаракатида ўжарлик иллати пайдо бўлади. Бунинг асосий сабаби болада ўзининг ички кечинмалари, ҳис-туйғуларига боғлиқ ҳаракатларни мустақил бажариш истаги туғилиши, «мен» билан боғлиқ бутунлай янги нуқтаи назарнинг вужудга келишидир.

Мазкур даврни инсон шахсини шакллантиришда энг мураккаб давр десак, хато қилмаган бўламиз. Шунга кўра катта ёшдаги одамлар, ота-оналар, боғча тарбиячилари шу даврда болага ундаги ўзгаришларни, мураккаб ички кечинмаларнинг моҳиятини психологик инқирозни инобатга олган ҳолда муносабатда бўлсалар, нур устига нур бўлади. Юқорида айтганимиздек, бу даврда боланинг иродаси, иродавий сифати такомиллаша бошлайди, шахснинг мураккаб фазилатлари, характер хислатлари барқарорлашади. Бола ўзлигини англашининг ташқи ва ички белгилари яққол кўзга ташланади. «Ўзим» билан боғлиқ эзгу ният мустақилликка интилиш туйғусини вужудга келтиради, бинобарин, уларнинг таъсири туфайли унда ўз хулқ-атвори, «юриш-туриши» билан катталарнинг мақтови ва олқишини эшитиш иштиёқи туғилади. Шахснинг хулқини баҳолаш кейинчалик ўзини ўзи баҳолаш даражасига етади.

Катта ёшдаги одамлар, ота-оналар, тарбиячилар бундай ҳолларда ўзларини осойишта тутишлари, шаронгга қараб болага биров ён беришлари, баъзан уларга айтганларини қилдиришлари, керакли пайтларда масалани очиқ қолдиришлари лозим, чунки шахслараро муносабатнинг баъзан муаммолигича қолиши ҳам мақсадга мувофиқдир. Яхшиси асабийлик вазиятида боланинг диққатини бошқа нарсага (объектга) жалб қилиш, уни мушкул ҳолатдан чалғитиш маъқул. Шахсий кузатишларимизда аён бўлдики, мазкур ҳолат боланинг руҳий дунёсига қаттиқ таъсир қилади, у ўзининг ноҳўя қилиқлари катталарга асло ёқмаётганини англади, ичидан чуқур изтиробга тушади.

Шу даврда организмнинг тез суръатлар билан ўсиши оқибатида бола шўх, серғайрат, тиниб-тинчимас,

ҳамма нарсага қизиқувчан, ҳаракатчан бўлиб қолади. Ундаги бу ўзгаришлар табиий эканлигини катталар яхши билишлари, ўзларининг кичкинтойларга муомала ва муносабатларини тубдан ўзгартиришлари лозим. Бинобарин, бола олдига қўйиладиган талаблар муайян шарт ва шароитга мувофиқ бўлиши керак. Амалий фаолиятда жисмоний ва руҳий ўзгаришларни ҳисобга олмаслик катталар билан болаларнинг ўзаро муносабатларида қатор қийинчиликларни вужудга келтиради: бола ота-оналар ва тарбиячиларнинг гапига қулоқ солмайдиган, топшириқларни бажармайдиган, қўрс, ҳеч нарсага қўнмайдиган бўлиб қолади. Бундай хатти-ҳаракатни келтириб чиқарувчи бош сабаб болаларнинг мустақилликка интилишини катталар тан олмаслигидир. Шунинг учун улар гоҳо катталардан ўринли хафа бўладилар, низонинг сабабини тўғри пайқайдилар.

Айрим кишилар болага топшириқ берадилару, лекин унинг қай даражада бажарилиши билан қизиқмайдилар, бола қандай ютуққа эришганига эътибор бермайдилар. Бола ўзига катталарнинг менсимай, ҳурматсизлик билан муносабатда бўлаётганини дарров сезади. Шахслараро муносабатда вужудга келган англашилмовчилик ва гинахонлик ана шу ҳолатга оқилона баҳо берилгунича давом этади.

Эркаланиш билан вужудга келадиган ўжарлик ҳам уч ёшлилар руҳий дунёсида кўп учрайди. Болага меъёридан зиёд меҳр-муҳаббат қўйиш, уни ҳаддан ташқари эркалатиш, ҳар қандай хоҳишини қондиравериш, талаб ва эҳтиёжини сўзсиз адо этиш ҳам унда эркалик ва ўжарликни пайдо қилади. Шунингдек боланинг хулқ-атворини, қилган ишини мақтайвериш, уни ўринсиз талтайтириш ёки унга нисбатан бефарқ муносабатда бўлиш ҳам ўжарликни келтириб чиқаради. Болани эътиборсиз қолдириш, назорат қилмаслик, текширмаслик ҳам нохуш оқибатларга олиб келади. Масалан, эътиборсизлик болани қаттиқ изтиробга солади, унда танҳолик туйғусини, умидсизлик, бегонасираш ҳиссини вужудга келтиради. Булар эса болада катталарга нисбатан ички қарама-қаршилиқни, ўзаро зиддиятни, низо аломатларини туғдиради. Кўп ҳолларда болаларни ўз майлига, ўз ҳолига ташлаб қўйилади, уларга жуда барвақт эркинлик, мустақиллик берилади, аммо бундай қилиш бола шахсини тезроқ такомиллаштиришга хизмат қилмайди. Ҳаёт ва фаолиятда ҳар бир боланинг олдига аниқ, яққол талаб ва топшириқлар қўймаслик,

унга ҳомийлик қилмаслик боланинг руҳиятига қаттиқ таъсир этади, у ўкинади ва ичидан куюнади. Ўзининг ҳимоячиси йўқлигини ҳис қилиш ҳам болада ўжарликни юзага келтиради. Бошқача айтганда, боланинг руҳий оламида катталарга нисбатан - пайдо бўлган гинадоват уни ўжарликка етаклайди. Шахслараро муносабатда адолат қарор топгунича, зиддиятнинг бош сабабчиси ўз хулқига иқрор бўлгунича қарама-қаршилик давом этади.

Ўжарлик пайдо бўлган болага муомалада уни беҳуда эркалатмаслик, мақтамаслик, унинг барча орзу-истакларини қондирмаслик керак. Хоҳ оилада, хоҳ боғчада ҳаммага бир хил, бир маромда эътибор бериш, болани ўз ҳолига ташлаб қўймаслик ўжарликнинг олдини олишга хизмат қилади.

- Болаларда вужудга келадиган иллатлар — ўжарлик, қийиқлик, қайсарлик ва ҳоказоларнинг сабабини у камол топаётган муҳитдан, унга кўрсатилаётган тарбиявий таъсирдан, шароитдан, шахсни шакллантириш жараёнидаги камчиликлардан қидириш лозим. Энг муҳими, ота-оналар ҳам, тарбиячилар ҳам боладаги салбий руҳий ҳолат ўткинчи эканини билишлари, унинг сабабларини ҳаққоний аниқлашлари, бола билан умумий тил топишлари, унга нисбатан самимий муносабатда бўлишлари зарур.

Ҳаёт ва фаолиятда катталар боланинг шахсини ҳурмат қилишлари, унинг эҳтиёжлари билан ҳисоблашишлари, ҳис-туйғусини бошқариш имкониятларини аниқлашлари керак. Болани севиш, унинг ёш хусусиятларини ҳисобга олиш, қизиқишларига эътибор бериш — ўжарликнинг олдини олишнинг муҳим шартидир.

Уч ёшли бола жамоат жойларида, кўпчилик орасида ўзини қай тарзда тутиши кераклигини билмайди. Шунинг учун бунини катталар тушунтиришлари, амалий кўрсатмалар беришлари шарт. Бироқ бу иш ҳаракат билан узвий боғланмаса, кўзланган натижага эришиш мумкин эмас. Уйин фаолиятида бола шахсида хулқ ва одоб малакалари аста-секин шакллантирилади.

Уч ёшлилар шахсини шакллантиришда уларни бошлаган ишни охирига етказишга, қийинчиликларни енгишга, сабр-тоқатга, асабийлашмасликка, бардошлиликка, йиғидан ўзини тийишга, ортиқча хатти-ҳаракат қилмасликка ўргатиш жуда катта аҳамиятга эга. Болада ижобий ахлокий кўникма ва малакалар, одатлар мустақил ишларни бажаришга интилишда вужудга ке-

ла бошлайди. Шунинг учун катталар болани топшириқни қандай бажаришини назорат қилиб туришлари лозим. Умуман айтганда, болани ўз ҳолига ташлаб қўйиш педагогик назокатга хилофдир.

Боланинг шахси таркиб топишида катталарнинг ахлоқий ибрати алоҳида аҳамиятга моликдир. Лекин юксак фазилатларни, инсоний хислатларни шакллантиришда шунинг ўзигина етарли эмас, чунки бола ўзича фаол ҳаракат қилмаса, ҳамкорликдаги фаолиятда иштирок этмаса, унда ҳеч маҳал хулқ-атвор кўникмалари ҳосил бўлмайди. Маълумки, ўйин фаолиятида ва мулоқотларда боланинг шахсий фазилатлари ҳамда характер хислатлари унинг нутқида боғлиқ ҳолда намоён бўлади. Боланинг нутқ фаолияти қанчалик равон ва бой бўлса, у она тилининг дурдоналаридан унумли фойдалана олса, унинг ўзаро фикр алмашиши ҳам шунчалик қулай ва осон амалга ошади. Камолотнинг мазкур палласида эгоцентрик нутқ муҳим аҳамият касб этади. Ҳаракатли ва ролли (сюжетли ва мазмунли) ўйинлар (чунончи, «Миллиционер», «Сотувчи», «Шифокор», «Қорбобо» ва бошқалар) жараёнида амалий хатти-ҳаракат билан узвий боғлиқ ҳолда бола шахсида инсоний хислатлар таркиб топа боради. Ўйин фаолияти ва турли ўйинлар болада иродавий сифатларни такомиллаштиришда, ҳис-туйғуни бошқаришда етакчи фаолият вазифани ўтайди.

Ролли ўйин — мактабгача ёшдаги болаларнинг етакчи фаолияти. Ролли ўйин мазкур ёш давридаги болаларнинг энг муҳим фаолияти бўлиб, улар бундай ўйинда гўё катта ёшдаги одамларнинг барча вазифалари ва ишларини амалда бевосита «бажарадилар». Шу боисдан ўйин фаолияти учун махсус яратиладиган шароитларда ижтимоий муҳит воқеалари, оилавий турмуш ҳодисалари, шахслараро муносабатларни умумлаштирган ҳолда акс эттиришга ҳаракат қиладилар. Болалар катталарнинг турмуш тарзи, ҳис-туйғуси, ўзаро муомала ва мулоқотларининг хусусиятларини, ўзига ва ўзгаларга, атроф-муҳитга муносабатини яққол воқелик тарзида ижро этиш учун турли ўйинчоқлардан, шунингдек, уларнинг вазифасини ўтовчи нарсалардан ҳам фойдаланадилар. Аммо шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, ижтимоий ва маиший воқеликнинг барча жабҳаларини қамраб оладиган ролли ўйин уларда бирданга эмас, балки турмуш тажрибасининг ортиши, тасаввур образларининг кенгайиши натижасида ву-

жудга келади ва моҳияти ва мазмуни жиҳатдан оддийдан мураккабга қараб такомиллашиб боради.

Пирик психологлар А. Валлон, Ж. Пиаже, Л. С. Виготский, С. Л. Рубинштейн, А. Н. Леонтьев, Б. Г. Ананьев, Д. Б. Эльконин ва бошқаларнинг фикрича, гўдаклик даврида боланинг предметли фаолияти негизда ролли ўйин учун энг зарур шароитлар аста-секин вужудга кела бошлайди. Мазкур олимлар ва уларнинг шогирдлари тўплаган маълумотларга асосланиб ролли ўйинни вужудга келтирувчи муҳим омиллар қаторига қуйидагиларни киритиш мумкин: 1) гўдаклик давридаги предмет билан уни ҳаракатлантириш орасидаги боғлиқлик ўз аҳамиятини йўқота боради, натижада предмет билан ҳаракат алоҳида ҳукм суриш имконияти туғилади ва бола уларни алоҳида умумлашган тарзда акс эттира бошлайди; 2) бола ҳақиқий ўйинчоқлар ўрнига уларнинг асл моҳиятини тўла акс эттиролмайдиган ясама ва беўхшов нусхаларидан кенг фойдаланади (фабрикада тайёрланган қўғирчоқ ёки автомобиль ўрнига уйда ясаб берилган шундай нарсалар билан қаноатланиш); 3) боланинг ўз хатти-ҳаракатлари катталарнинг ишларидан фарқланишига интилиши, унда ўзига хос шахсий ҳаракат кўникмасининг пайдо бўлиши; 4) болада ўз хатти-ҳаракатини катталар фаолияти билан қиёслаш, ҳаракатларнинг моҳиятини мувофиқлаштириш ва айнан тузилиши жиҳатдан бир-бирига яқинлаштириш истагининг туғилиши; 5) бола катталарнинг ҳаёти ва фаолиятида учраб турадиган, одатдаги турмуш муаммоларини ўзида акс эттирувчи, маънавий ва маиший кўринишга эга бўлган ҳаёт жабҳасини ўз хатти-ҳаракатида изчил равишда тиклашга (уларнинг ролини бажаришга) уриниши.

Ролли ўйин фаолиятини вужудга келтирувчи энг зарур омиллардан бири — болада ўз хатти-ҳаракатини катталар хатти-ҳаракати билан солиштириш, ундан нусха олиш, айнан унга ўхшатиш туйғусининг мавжудлигидир. Худди шу сабабли катталар ва уларнинг хатти-ҳаракатлари боланинг ҳам ташқи, ҳам ички ибрат намунаси бўлади, ва катталар унинг хулқ-атвори юриштиришининг ҳам объекти, ҳам субъекти ҳисобланади.

Гўдаклик давридан мактабгача ёшга ўтган болаларнинг фаолияти катталар раҳбарлигидаги фаолиятдан мустақил уз-узини назорат қилиш даражасига ўсиб ўтади. Бироқ, юқорида таъкидланган барча шарт-шароитлар ўзаро узвий боғланмаслиги сабабли ҳар қан-

дай ролли ўйиннинг негизи вазифасини ўтай олмайди ва шунга кўра маълум давргача ўйин фаолияти предметларга боғлиқ тарзда амалга ошади.

Ўйин фаолиятини такомиллаштирадиган шароитларни тадқиқ қилган Н. М. Аксаринанинг таъкидлашича, ўйин ўз-ўзидан вужудга келмайди, бунинг учун камида учта шароит мавжуд бўлиши керак: а) боланинг онгида уни қуршаб турган воқелик тўғрисидаги хилма-хил таассуротлар таркиб топиши; б) ҳар хил кўринишдаги ўйинчоқлар ва тарбиявий таъсир воситаларининг муҳайёлиги; в) боланинг катталар билан тез-тез муомала ва мулоқотга киришуви. Бунда катталарнинг болага бевосита таъсир кўрсатиш услуби ҳал қилувчи роль ўйнайди.

Юқорида таҳлил қилинган объектив шарт-шароитларнинг ўзи ролли ўйинларни яратиш учун ҳали етарли эмас, бунинг учун бола билан катталар ўртасидаги муносабатни тубдан ўзгартиш лозим, акс ҳолда, мустақиллик вужудга келмайди. Бунда катталар болага нисбатан талабчанликни оширишлари, болани мустақил равишда хатти-ҳаракат қилишга мажбур этишлари маъқул. Шунга ўхшаш тадбирлар болада мустақиллик ва мустақил фаолиятни ташкил қилиш уқувини шакллантиради. Мактабгача ёшдаги бола аста-секин катталарнинг ҳаёти ва фаолияти дунёсига кириб боради, олдин ҳамкорликдаги фаолиятда намоён бўлган ижобий ҳис-туйғулар, шижоат ва дадиллик сари етакловчи руҳий кечинмалар ибрат-намуна даражасига кўтарилган катталарнинг руҳий оламига кўчирилади. Энди боланинг ўзи мустақил равишда катталарнинг ҳаёти ва фаолиятига киришиш йўлларини топа бошлайди. У кейинчалик катта кишиларнинг ҳаёти ва фаолиятининг барча жабҳаларида ва шахслараро муносабатларида қатнашиш истагини кўрсатадиган бўлади. Шунинг учун ролли ўйин у катталар билан бола ўртасидаги янгича муносабатлар асосида вужудга келади, деб хулоса чиқариш мумкин. Ролли ўйин вужудга келиши жиҳатидан ижтимоий хусусиятга эга бўлиб, катталарнинг ҳаёти ва фаолиятини қайта тиклаш ва такрорлашдан бошқа нарса эмас, шунингдек, бу ўйин фаолияти ўзининг мазмуни ва моҳияти билан ҳам ижтимоийдир. Ролли ўйин бола мустақил фаолиятининг ёрқин намунаси ҳисобланиб, у ўйиннинг мазмуни орқали катталарнинг ҳаёти билан яқиндан танишади.

Кичик мактабгача ёшдаги болаларнинг ролли ўйин-

ларда фаолиятини, ана шу ўйин шароити ва предметли ҳаракатнинг ўзаро муносабатини текширган Л. С. Славина ролли ўйинларда кўпинча асосий эътибор ўйинчоқлар билан ҳаракат қилишга қаратилишини бунда ўйинчоқ ҳаракатининг хусусияти субъект учун етакчи фаолият вазифасини ўташини, бу жараёнда роль иккинчи даражали аломатга айланиб қолишини, аммо бола ўйинлар («Кубча», «Геометрик шакллар», «Тушки овқат тайёрлаш» каби таълимий мушғулотлар) да қандайдир вазифани бажаришини қайд қилади. Олиманинг ёзишича, роль ва ўйиннинг шарт-шароитлари боланинг ҳаракати учун фарқи йўқ нарсалар эмас, бола жисмларга ижтимоий мазмунни акс эттирувчи воқелик сифатида ёндашади.

Шундай қилиб, психологик адабиётлар таҳлилига таяниб мактабгача ёшдаги болаларнинг ўзига хос хусусиятлари қаторига қуйидагиларни киритиш мумкин: 1) бола одамларнинг фаолияти, уларнинг предметларга муносабати ва ўзаро муомаласига қизиқади; 2) болалар ролли ўйинда атрофдаги воқеликнинг энг ташқи ифодали, жўшқин ҳис-туйғули жиҳатларини акс эттирадилар; 3) ролли ўйинда бола катталар билан бир хил шароитда, ягона заминда яшаётганини ҳис этган ҳолда ўз истагини амалиётга татбиқ қилади; 4) катталарнинг ҳаёти ва фаолиятига кириш боланинг тасавури тимсоллари тариқасида намоён бўлса ҳам, умуман унинг чинакам шахсий ҳаётида ўчмас из қолдиради.

Мактабгача ёш даврида ўйиннинг такомиллашуви. Психологияда қабул қилингандек, ролли ўйин фаолияти сюжет ва мазмундан ташкил топади. Одатда сюжет деганда, ўйин фаолиятида болалар акс эттирадиган воқеликнинг доираси тушунилади. Ўйин сюжети турли даврга, синфий хусусиятга, оилавий турмуш тарзига, географик ва ишлаб чиқариш шароитларига боғлиқ ҳолда яратилади. Бола муносабатга киришадиган воқелик доираси қанчалик тор, чекланган бўлса, ўйиннинг сюжети шунчалик хира ва бир хил эканлигини акс эттиради.

Ўйинларнинг сюжети хилма-хиллигига қарамай, уларни махсус гуруҳларга бириктириш имконияти мавжуддир. Масалан, йирик психолог Е. А. Аркин ўйинларнинг қуйидаги таснифини тавсия қилади: 1) ишлаб чиқаришга (техникага); санъат, кинот, ҳўжаларни қўриқлиш, касб-ҳунарга оид ўйинлар; 2) майший ва иж-

тимойй сиёсатга рузгор: богча, мактаб, кундалик турмушга оид уйинлар; 3) з^арбий: уруш-уруш уйинлари; 4) драмалаштирилган: кино, спектакль ва бош-^аларга оид уйинлар. Биз шу тасниф з^ида Л. С. Выготский, А. Н. Леонтьев, Д. Б. Эльконин сингари психологларнинг танцидий муло^азаларига т^Ула цушила-миз, чунки ^арбий ва драмалаштирилган уйинларни хам ижтимоий-сиёсий гурухга киритиш мумкин. Бн;-нингча, Д. Б. Элькониннинг таснифи маъцуддир. У мактабгача ёшдаги болаларга хос ролли уйинларнинг сюжетига кура учта гуру^га ажратишни тавсия цила-дн: 1) маиший мавзу сюжетига оид уйинлар; 2) ишлаб чи^ариш сюжетига тааллуцли уйинлар; 3) ижтимоий-сиёсий сюжетли уйинлар. Муаллиф айрим уйин тур-лари мактабгача ёшдаги болаларнинг барча буринла-рига мослигини, сюжетлар маишийдан ишлаб чица-ришга цараб ва ундан ижтимоий-сиёсий воцеаларни акс эттиришга ^араб ривожланишини алоз^ида уцтира-ди. Унинг фикрича, уйин сюжетидаги бундай изчиллик боланинг билим савияси, турмуш тажрибаси кенгайи-ши, унинг катта ёшдаги одамлар турмушига чуцурроц кириб бориши билан борлицидир. Дарз^аццат, уйин сюжетининг усиши турмушнинг тобора янги циррала-рини акс эттириш билан чекланиб цолмай, муайян сюжетнинг Узига хос бонца к^Уринишлари билан бойи-ши сабабли з^ам амалга ошади.

Болаларга тарбиявий таъсир к^Урсатиш жараёкшш турри ташкил цилиш орцали уйин сюжетларининг ку-ламини режали кенгайтириш мумкин. Болалар псяхо-логияси ф^анида цатъий ифодаланганидек, бола борчага келганда унинг уйин сюжети фацат оилавий тур-мушдаги воцеаларни акс эттирса, сайрларга олиб бо-риш, табиатни кузатиш натюкасида уйиннинг турлари купайиб боради: борча, з^айвонот боги, ошхона, поезд, пароход, сартарош, сотувчи каби уйинлар ^ушилади. Боланинг ёши улгая бориши билан уйиннинг муддати хам узайиб боради. Мазкур жараёни тадциц Ы:илгак А. П. Усованинг маълумотига к^Ура, 3—4 ёшли бола-ларнинг уйин фаолияти 10—15 дацица, 4—5 ёшли бо-лаларнинг уйин фаолияти 40—50 дацица, катта мактаб-гача ёшдаги болаларнинг уйин фаолияти бир неча соатгача ч^Узилиши мумкин. ^атто, бир турдаги уйин-ларнинг сюжетлари бутун кун буйи, ^олаверса, уздан хам ортиц вацт давом этади. Бу з^ол бола уйин фао-лияти жараёнида з^аёт-фаолиятнинг у ёки бу циррасни,

муҳим жиҳатини алоҳида ифодалаб ижро этади, дейишга ҳеч қандай асос бўла олмайди. Чунки психология фанида ҳозиргача тўпланган илмий маълумотлар бундай муаммоларга жавоб бера олмайди.

Д. Б. Эльконин ўз тадқиқотида ролли ўйиннинг сюжети билан бир қаторда унинг мазмуни ҳам мавжуд эканлигини ёзади. Унинг фикрича, ўйинда бола катталар фаолиятининг асосий жиҳати (томони)ни аниқроқ акс эттириши ўйиннинг мазмунини ташкил қилади.

Л. С. Славина тўплаган маълумотларга қараганда, маиший турмушга алоқадор бир хил сюжетли ўйин, мактабгача ёшдаги болаларнинг ёш хусусиятига қараб (кичик, ўрта, катта) турлича йўсинда амалга оширилган. Кичик мактабгача ёшдаги болалар бир хил ўйинчоқлар билан бир неча марта такрорий ёки ортиқча ҳаракат қиладилар. Уларнинг ўйин мазмунини ўйинчоқ билан бажариши катталарнинг ҳаракатларини такрорлашдир. Агар улар «Меҳмон-меҳмон» ўйнаётган бўлсалар, барча ҳаракатларни (меҳмонни кутиб олиш, дастурхон ёзиш, ҳол-аҳвол сўраш ва ҳоказоларни) буюмлар билан изчил бажарадилар. Ҳаракатларни сўз билан қисқартириш ҳоллари болалар фаолиятида кам учрайди. Ўйиннинг мазмуни асосан ўйинчоқлар билан бажариладиган ҳаракатларда ўз ифодасини топади, ролни ижро этиш ҳамкорликда эмас, балки ёнма-ён, бир-бирини тўлдиришдан анча йироқ тарзда амалга ошади.

Катта мактабгача ёшдаги болаларда ўйин фаолияти мутлақо бошқача ўтади, чунончи бир ҳаракат иккинчи ҳаракат билан узлуксиз боғланиб кетади, баъзи бир ҳаракатлар эса сўз ёрдамида қисқартирилади («келинг, хуш кўрдик» ҳаракат билан эмас, балки сўз орқали ифодаланади) ва умумлаштирилади. Ролли ўйин болаларнинг ҳамкорликдаги фаолияти маҳсули тариқасида вужудга келади. Бу ёшда роль танлашда иштирокчилар ўртасидаги низолар, тортишувлар камаяди, ролга ўзини лойиқ деб билиш ўзидаги мавжуд буюмлардан келиб чиқмайди (масалан, қалам—ўқитувчи, қайчи—тикувчи ролини олиш учун асос бўла олмайди), балки ўйиннинг мазмунидан, ҳамкорликдаги фаолият нуқтаи назаридан келиб чиқади. Натижада улар кичик мактабгача ёшдагиларга ўхшаб ролни алмаштириш, оир буюмдан бошқасига бир образдан иккинчисига ўтишдек беқарор ҳаракатлар қилмайдилар.

Ўрта мактабгача ёшдаги болаларда ролни тақсимлаш ёки уни тан. эш ўйин фаолиятига киришишдан анча илгари амалга оширилади, бунга шу гуруҳ бошлиғи бевосита раҳбарлик қилади. Шунинг учун ким қандай ролга муносиблиги узоқ тортншувларга сабаб бўлади. Тортишувлар ва баҳслар катта ёшли одамларнинг аралашуви натижасида адолатли ҳал қилинади. Болалар ўртасидаги ва асар қаҳрамонларининг бир-бирига муносабати ўйин фаолиятида бош масалага айланади. Улар амалга оширадиган хатти-ҳаракатлар умумлашган бўлса ҳам, ўйиннинг мазмуни (она ва бола, паттачи ва йўловчи, сотувчи ва харидор, тарбиячи ва тарбияланувчи каби) шахслараро муносабатларни акс эттиришга кўчади.

Катта мактабгача ёшдаги болаларнинг ўйин фаолияти негизда ва мазмунини улар ўз зиммасига олган ролнинг моҳиятидан келиб чиқиб ўйиннинг барча қондаларига роя қилиш ташкил этади. Тенқурлар орасидаги баҳс ва тортншувлар ўйин қондалари ва талаблари қанчалик тўғри бажарилаётгани ҳақида бўлади.

Ўйин мазмунининг ривожланиши боланинг катталар ҳаёти ва фаолиятининг моҳиятига чуқурроқ кириб боришида, атрофдаги воқеаларга муносабати ўзгаришида, шунингдек, ўйин мазмуни ҳамда сюжети ижтимоий шарт-шароит ва жамият аъзолари турмушининг тобора тўғри акс эттиришида кўринади. Шунинг учун болаларда ролли ўйин қобилиятининг ўсиши ўз-ўзича юзага келмайди, балки катталарнинг, тарбиячиларнинг таъсири натижаси; атроф-муҳит билан танишиш, сайрлар уюштириш, шахслараро муносабатларнинг моҳиятини тушуниш ва ҳоказолар натижасида амалга ошади/

А. П. Усованинг тадқиқотида таъкидланишича, ролли ўйин иштирокчиларининг сафи ёш улғайишига қараб, жинсий тафовутларга биноан кенгайиб боради: а) уч ёшли болалар 2—3 тадан гуруҳга бирлашиб, 3—5 дақиқа бирга ўйнай оладилар; 2) 4—5 ёшлилар гуруҳи 2—5 иштирокчидан иборат бўлиб, уларнинг ҳамкорликдаги фаолияти 40—50 дақиқа давом этади, ўйин давомида қатнашчилар сони ортиб ҳам боради; 3) 6—7 ёшли болаларда ролли ўйинни гуруҳ ёки жамоа бўлиб бирга ўйнаш истаги вужудга келади, натижада аввал роллар тақсимланади, ўйиннинг қондалари ва шартлари тушунтирилади (ўйин давомида болалар бир-бирларининг ҳаракатини қаттиқ назорат қиладилар).

Қатор илмий тадқиқотларда исботланишича, ўйинда тарбиявий таъсир жамоаси тўғри уюштирилса, болалар ҳаётида жуда мураккаб, нозик психологик механизм пайдо бўлади ва шахслараро муносабат бошқачароқ тус олади. Болалар жамоасидаги ўзаро муносабатлар, мулоқотлар ўйиннинг мазмунини бойитади, сюжетнинг қўламини кенгайтиради, роллардаги ғоялар барқарорлашиб боради. Гуруҳ ва жамоа бўлиб ўйнаш орқали болаларда жамоа ҳаракати қоидалари, ахлоқ нормалари, ўзаро ёрдам кўникмалари ва бошқа умуминсоний қадрият, маънавий ва руҳиятнинг таркибий қисмлари шаклланади. Шунинг учун ўйин фаолиятида жамоа аъзоларининг қоидага мувофиқ ҳаракат қилишлари алоҳида аҳамият касб этади, ўйин давомида ролларни бажарувчилар ўзларининг алоқалари орқали бир-бирлари билан узвий боғланишларини, ўйинни муваффақият билан якунлаш, охирига етказиш учун биргаликдаги ҳаракат қанчалик зарурлигини англай бошлайдилар.

Д. Б. Эльконин ва унинг шогирдлари тўплаган маълумотларга, шахсий кузатишларимизга кўра, бола бирор ролни ўйнашни ўз зиммасига олишининг энг зарур шарти унда катталар фаолиятининг муҳим хусусият ва белгиларини аниқ ифодалаш уқувининг унда мавжуд бўлишидир. Ўйин фаолиятида бола ўз хатти-ҳаракатини реал ҳаракатлар мантиқига мослаштиради, ўйин талабларига тўла бўйсундиради. Бинобарин, у мазкур жараёнда воқеликдан узоқлашмайди, аксинча, унга янада яқинлашади, ўйиндан ташқари ҳолатда қурби етмайдиган моҳият ичига чуқур кириб боради.

Д. Б. Эльконин ҳаракатли ўйиннинг қоидалари мазмуни ўзаро боғлиқлигидан келиб чиқиб уларни беш гуруҳга ажратади: 1) ҳаракатга тақлид қилиш: тақлидий-процессуал ўйинлар; 2) муайян сюжетни драмлаштирилган ўйинлар; 3) сюжети оддий ўйинлар; 4) сюжетсиз қоидали ўйинлар; 5) аниқ мақсадга қаратилган машқлардан иборат спорт ўйинлари.

Болани ўйинга ундаган омил унинг катта ёшдаги одамларнинг борлиқ тўғрисидаги ва шахслараро муносабати ҳақидаги тасавури ва уларни ўз шахсий фаолиятида синаб кўриш истагидир, шунингдек, жамоа бўлиб ўйнаётган тенгқурлари билан бевосита мулоқотга киришиш иштиёқидир. Болалар психологияси фанида тўплаган маълумотлар тақлидга эсосланиб, мазкур ёш даври бўйича қуйидаги хулосани чиқариш мумкин:

1) ўйин фаолиятида бола турли ҳаракатларни тўлагича намойиш этишга, уларни бажариш усулларини кўрсатишга иштиёқманд бўлади; 2) кейинчалик эса барча хатти-ҳаракатларни умумлаштириб акс эттиришга уринади.

Бола ўсиб борган сайин нарсалар ва ўйинчоқларнинг номини ўзгартириш, янги ном билан аташ енгиллашади. Шунингдек фақат янги вазиятда жисмлар номини ўзгартириш билан кифояланиб қолмай, уларни янги номга мувофиқ қўллаш имконияти ҳам вужудга келади. Ўйин фаолиятида фойдаланиладиган нарсаларни янгича номлаш қатор муаммоли вазиятларни вужудга келтиради.

Ўйин фаолиятида нарсалар номини ўзгартириш ўзининг психологик моҳияти билан мураккаб ҳолат ҳисобланади. Айниқса, сўз билан предметнинг ўзаро муносабатида уларга узвий боғлиқ ҳаракатлар алоҳида аҳамият касб этади.

Юқоридаги мулоҳазалар асосида айтиш мумкинки, катта кишилар ҳаёти ва фаолиятининг ўрнини босувчи ашёлар уларнинг ҳаракатини умумлашган ҳолда ифодалашнинг моддий таянчи ҳисобланади. Шундай экан, ўйин фаолиятида бола ҳаракатининг ривожланиши ўйин мазмунига кўпроқ боғлиқдир. Чунки боланинг хатти-ҳаракати қанчалик ихчам ва умумлашган бўлса, у катталарнинг фаолияти мазмунини акс эттиришдан шунчалик йироқлашади. Бинобарин, у одамларнинг нарсаларга ва бир-бирига муносабатини амалда бажаришга ўтади ва шунинг учун нарсалар билан ҳаракат қилишда катталарнинг ижтимоий муносабатларини тўғри ифодалашга интилади.

Ҳар қандай ўйиннинг ва ўйин фаолиятининг марказида бола катта кишиларнинг фаолияти ва ўзаро муносабатини, муомаласини ўзига хос тарзда акс эттириши, такрорлаши имконияти туради. Шунга кўра ўйин ижтимоий аҳамият касб этиб, бола инсоният томонидан асрлар давомида яратилган қимматли билимлар, амалий кўникмалар, малакалар ва одатларни ўрганишга имкон яратади, оқибатда уни шахслараро мулоқотнинг моҳиятига одиб киради.

Боланинг психик ўсишида ўйиннинг аҳамияти

Кўпчилик психологлар ҳамда педагоглар ўйиннинг психологик масалалари билан бевосита шуғулланиб, ўйинларнинг болани психик камол топтиришдаги аҳа-

миятига алоҳида тўхталиб ўтганлар. Маълумки, ўйин бола учун воқеликни акс эттиришдир. Бу воқелик болани қуршаб турган воқеликдан анча қизиқарлидир. Ўйиннинг қизиқарлилиги уни англаб етишнинг осонлигидадир. Катталар ҳаётида фаолият, хизмат, юмуш қандай аҳамиятга эга бўлса, бола ҳаётида ўйин ҳам худди шундай аҳамият касб этиши мумкин.

Жаҳон психологияси фанларида тўпланган бой маълумотларга асосланиб, қуйидагича мулоҳаза юритиш мумкин. Масалан, энг содда психик жараёндан энг мураккаб психик жараёнга ҳаммасининг энг муҳим жиҳатларини шакллантиришда ўйинлар катта роль ўйнайдн.

Мактабгача ёшдаги болаларда ҳаракатнинг ўсишига ўйиннинг таъсири ҳақида гап борганида аввало шунн айтиш керакки, биринчидан, ўйинни ташкил қилишнинг ўзиёқ мазкур ёшдаги боланинг ҳаракатини ўстириш ва такомиллаштириш учун энг қулай шарт-шароит яратади. Иккинчидан, ўйиннинг бола ҳаракатига таъсир этишининг сабаби ва хусусияти шуки, ҳаракатнинг мураккаб кўникмаларини субъект айнан ўйин пайтида эмас, балки бевосита машғулот орқали ўзлаштиради. Учинчидан, ўйиннинг кейинчалик такомиллашуви барча жараёнлар учун энг қулай шарт-шароитларни вужудга келтиради. Шу боисдан ўйин фаолияти хатти-ҳаракатни амалга ошириш воситасидан боланинг фаоллигини таъминловчи мустақил мақсадга айланади. Негаки, у (ўйин) субъект (жонзот) онгининг дастлабки объекти даражасига ўсиб ўтади. Мактабгача ёшдаги бола муайян хусусиятга эга бўлган ролни танлайди, шу билан бирга у ёки бу персонажга хос қатъий юриш-туришни онгли равишда ижро этишга интилади. Шундай экан, ўйин мазкур бола учун энг зарур фаолиятга айлана боради ва янги шаклдаги ҳаракатларни, такомиллаштириш, уларни англаган ҳолда эсга тушириш эҳтимоли яққол воқеликка айлана бошлайди. Мазкур ҳаракатларни эгаллаш болада жисмоний машқларни онгли равишда бажариш имкониятини вужудга келтиради (А. В. Запорожец).

Боланинг ўйинлар шарт-шароитидан келиб чиқувчи онгли мақсади ҳаракатларни бажариш кезида ўз инфодасини топади ва унинг ўз олдига қўйган мақсади эсда олиб қолиш ва эсга тушириш жараёнларига айланади.

Болалар лаборатория шароитига нисбатан ўйинларда кўпроқ сўзларни эслаб қолиш ва эсга тушириш им-

кониятига эга бўладилар, бу эса ихтиёрий хотира хусусиятини чуқурроқ очишга ёрдам беради. Тажрибада йиғилган маълумотларни таҳлил қилиш қуйидагича хулоса чиқариш имконини берди: а) ўйинда бола томонидан маълум роль танлаш ва уни ижро этиш жараёни бир талай ахборотларни эслаб қолишни талаб қилади; б) шу боисдан персонажнинг нутқ бойлигини эгаллаш, хатти-ҳаракатини такрорлашдан иборат онгли мақсад болада олдинроқ пайдо бўлади ва осон амалга ошади.

Ўйин фақат билиш жараёнларини такомиллаштириб қолмай, боланинг хулқ-атворига ҳам ижобий таъсир кўрсатади. Мактабгача ёшдаги болаларда ўз хулқини бошқариш кўникмаларини таркиб топтиришга боғлиқ психологик муаммони ўрганган З. В. Мануйленконинг фикрича, бирор мақсадга йўналтирилган машғулотга нисбатан ўйинда хулқ кўникмаларини олдинроқ ва осонроқ эгаллаш мумкин. Айниқса, бу омил мактабгача ёшдаги болаларда ёш даврининг хусусияти сифатида ўзининг ёрқин ифодасини топади. Катта мактабгача ёшдаги болаларда ўз хулқини ўзи бошқариш кўникмаси ўйин фаолиятида ҳам, бошқа шароитларда ҳам қарийб бараварлашади. Баъзан улар айрим вазиятларда, масалан, мусобақа пайтида ўйиндагига қараганда юқорироқ кўрсаткичга ҳам эришишлари ҳам мумкин. Юқоридаги мулоҳазалар асосида умуман айтганда, ўйин ва ўйин фаолияти болада ўз хулқини бошқариш кўникмаларини шакллантириш учун муҳим аҳамият касб этади.

Боланинг ақлий ўсиши тўғрисида фикр юритилганда, олдинги бобда қайд қилинганидек, шуни ҳам айтиш керакки, нарсаларни янги ном билан аташда ёки янгича номлаш ҳолатидан келиб чиқиб, субъект ўйин пайтида фаол ҳаракат қилишга уринади. Чунки у моддий нарсаларга асосланган ҳаракат режасидан тасаввур қилинаётган, фикр юритилаётган жисмлар моҳиятини акс эттирувчи ҳаракат режасига ўтади. Бола жисмларнинг моддий шаклидан бирданига хаёлий кўринишига ўтишида унга таянч нуқтаси бўлиши керак, ваҳоланки шундай таянч нуқтаси вазифасини ўтувчи нарсаларнинг аксариятидан ўйинда бевосита объект сифатида фойдаланилади. Ўйин фаолиятида мазкур жисмлар қандайдир аломатларни акс эттирувчи сифатида эмас, балки ана шу таянч нарсалар тўғрисида фикрлаш учун хизмат қилади, шунингдек, таянч нуқтаси ҳаракатнинг яққол нарса билан боғлиқ жиҳатини акс

эттиради. Юқорида айтилганидек, нарса билан ўйин ҳаракатларининг такомиллашуви ҳаракат шакли, хусусияти, босқичи кабиларни қисқартириш ва умумлаштириш ҳисобига амалга оширилади. Ўйин ҳаракатларининг қисқариши ва умумлашуви уларнинг ақлий кўринишдаги мантиқан изчил, йиғиқ шаклга ўтишнинг асосини ташкил қилади.

Психолог Ж. Пиаже ўйинда жисмларга янги ном бериш омилига жиддий эътибор билан қараб, бу иш рамзий маъноли тафаккур шаклланишининг таянчи, деган хулосага келади. Лекин бу хулоса вазиятни акс эттиришнинг бирдан-бир тўғри йўли эканлигини билдирмайди. Шунинг учун нарсанинг номини ўзгартириш билан болада тафаккур ва ақл-заковат ўсишини кутиш ҳам мантиққа мутлақо зиддир. Аслида нарсаларни қайта номлаш эмас, балки ўйин ҳаракатларининг хусусиятини ўзгартириш боланинг ақлий ўсишига сезиларли таъсир ўтказа олади. Дарҳақиқат, ўйин фаолиятида болаларда ҳаракатнинг янги кўриниши, яъни унинг фикрий, ақлий жиҳати намоён бўлади ва шунинг учун ўйин ҳаракатларини шакллантириш жараёнида болада фикрлаш фаолиятининг дастлабки кўриниши вужудга келади. Боланинг ақлий камол топишида ёки унинг умумий камолотида ўйиннинг муҳим аҳамият касб этиши худди мана шу далил орқали ўз ифодасини топади.

Бола ўйин фаолиятида мактаб таълимига тайёрланиб боради, шу боисдан, унда ақлий ҳаракатларнинг яққол шакллари таркиб топа бешлайди. Лекин ўйин фаолиятида боланинг ақлий ўсишини чуқурроқ изоҳлаб бериш ҳали етарли тажриба маълумотлари мавжуд эмас.

Ролли ўйин фақат алоҳида олинган психик жараён учун аҳамиятли эмас, балки болада шахсий хусусият ва фазилатларни шакллантиришда ҳам зарурдир. Бинобарин, катта ёшдаги одамлар родини танлаб, уни бажариш боланинг ҳис-туйғусини қўзғатувчилар билан узвий боғлиқ ҳолда намоён бўлади. Чунки ўйин давомида болада ҳар хил хоҳиш ва истаклар туғила боради, булар бошқа нарсаларнинг ташқи аломатлари, ўзига ром этиши сабабли ҳамда боланинг ихтиёридан ташқари, тенгдошларининг таъсири остида туғилади.

ТУРТИНЧИ БОБ

КИЧИК МАКТАБ ЕШИДАГИ ЎҚУВЧИЛАРНИНГ ПСИХОЛОГИК ХУСУСИЯТЛАРИ

1. Кичик мактаб ёшидаги ўқувчилар психикаси

Кичик мактаб ёши даврига 6—10 ёшли бошланғич (I—IV) синфларнинг ўқувчилари киради. Бола мактаб таълимига боғчада тарбияланаётганида тайёрланади. Бунда у мактабда ўқувчиларга қўйиладиган ҳар хил талаблар билан танишади, фан асосларини ўрганиш учун биологик ва психологик жиҳатдан тайёр бўлади.

Таълимга психологик тайёрлик деганда, боланинг объектив ва субъектив жиҳатдан мактаб талабига муносиблиги назарда тутилади. У мактаб таълимига аввал психологик жиҳатдан тайёрланади. Бинобарин, унинг психикаси билим олишга етарли даражада ривожланади. Шу ёшдаги бола идрокининг ўткирлиги, равшанлиги, софлиги, аниқлиги, ўзининг қизиқувчанлиги, дилкашлиги, хайрихоҳлиги, ишонувчанлиги, ҳаёлининг ёрқинлиги, хотирасининг кучлилиги, тафаккурининг яққоллиги билан бошқа ёшдаги болалардан ажралиб туради. Мактаб таълимига тайёрланаётган болада диққат нисбатан узоқ муддатли ва шартли барқарор бўлади. Бола диққатининг хусусиятлари ролли ва сюжетли ўйинларда, расм чизиш ва қуриш-ясаш машғулотларида, лой ҳамда пластилиндан ўйинчоқлар тайёрлашда, ўзгалар нутқини идрок қилиш ва тушунишда, математик амалларни ечишда, ҳикоя тинглаш ва тузишда кўринади. Бола ўз диққатини муайян объектга йўналтириш, тўплаш, тақсимлаш бўйича маълум даражада кўникмага эга бўлиб, ўз диққатини бошқариш ва керакли пайтда тўплашга интилади. Унинг хотираси қизиқарли, ажойиб-ғаройиб, кишини таажжубга соладиган маълумот ва ҳодисаларни пухта эсда олиб қолиш, эсда сақлаш, эсга тушириш имкониятига эга бўлади. Шу давргача бевосита катталар раҳбарлигида у ёки бу ахборотларни ўзлаштириб келган бўлса, энди ўз хоҳиш-иродаси билан зарур маълумотлар тўплашга, ўз олдига аниқ мақсад ва вазифа қўйишга ҳаракат қилади. Боланинг ана шу фаоллиги хотирасининг муайян даражада ривожланганини билдиради. У

шеър, ҳикоя ва эртақларни эсда қолдириш учун кўп такрорлаши, ёд олишнинг энг қулай йўл ва усулларидан фойдаланиши таълим жараёнида унга жуда қўл келади. (Биринчи синф ўқувчиси кўпинча яққол образли хотирага суяниб билиш фаолиятини ташкил этса ҳам, бу иш хотиранинг бошқа турларини инкор қилмайди, аксинча, таълим сўз—мантиқ хотирасини тақозо этади. Сўз—мантиқ хотирасининг мавжудлиги маъносини тушуниб эсда олиб қолиш жараёнининг самарадорлиги ортишига кенг имконият яратади.) Тажрибадан маълумки, бола маъносиз сўзлардан кўра маънодор тушунчаларни бирмунча тез ва мустаҳкам эслаб қолиш хусусиятига эга. Унинг нутқи мактаб таълимига тайёргарлик босқичида катталар билан мулоқотга киришиш, кишиларнинг фикрини ўқиб олиш ва тўғри идрок қилиш даражасида, нутқининг тузилиши эса грамматика қоидаларига мос, мантиқан изчил, ифодали, миқдор ва кўлам жиҳатдан фикр алмашишга етарли бўлади. У эшитган ва кўрганлари тўғрисидаги маълумотларни тушуна олади. Ўзидаги ахборотларни муайян тартибда баён қила билади, ақлий фаолият операцияларидан ўринли фойдаланади (уларни таққослайди, ойдинлаштиради, гуруҳларга ажратади, умумлаштиради, ҳукм ва хулоса чиқаришга ҳаракат қилади).

Йирик психологларнинг тадқиқотлари оқилона ташкил қилинган таълим жараёни мазкур ёшдаги болаларнинг тафаккурини жадал ривожлантиради. Масалан, улар лингвистика, физика, математикага доир илмий тушунчаларни ўзлаштирадilar, соддароқ масалалар тузадilar, енгилроқ машқларни бажара оладilar, ижодий ва маҳсулдор фикр юритишга интиладilar.

Олти ёшли боланинг психик тайёрлиги тўғрисида гапирилганида кўпинча муайян режа асосида, тартибли, кўп қиррали мақсадга йўналтирилган, ўзаро мантиқий боғлиқ, изчил бошланғич таълимга замин вазифасини ўтовчи психик ўсиш даражасини назарда тутамиз. Шунингдек, таълим учун психик ўсиш даражасидан ташқари, бола турмуши ва фаолиятининг тафовутлари, шароитлари, ўзига хослиги, унинг сиҳат-саломатлиги, усулий жиҳатдан тайёргарлиги, оддий кўникмаларни ўзлаштиргани каби омилларни ҳисобга олиш мақсадга мувофиқдир. Юқорида айтилганларнинг ҳаммаси болани мактаб таълимига психологик жиҳатдан тайёргалигининг объектив томонларини ифодалайди.

Бола мактаб таълимига психологик тайёрланишининг субъектив томони ҳам мавжуддир. Унинг мактабда ўқиш хоҳиши, интилиши, катта ёшдаги одамлар билан мулоқотга киришиш истаги мазкур тайёргарлик билан узвий боғлиқдир. Болада шу даврга келиб, ўқиш, билим олиш ҳақида тўғри тасаввур шаклланади. У мактаб жамоаси аъзоларининг масъулиятли вазифаларини англайди ва уларга итоат қилишга, уларнинг кўрсатмаларини бажаришга мойил бўлади. Лекин болалар ҳаммаси бир хил эмаслиги сабабли улар ўртасида муҳим фарқлар вужудга келади. Баъзи бола мактабга бутун вужуди билан талпинади, ўқишга қанча вақт қолганлигини узлуксиз санайди, ўқув ашёларини олдинроқ тайёрлаб қўйишга ҳаракат қилади. Бошқа бир бола эса мактабдан қатъий воз кечишгача бориб етади. Ўқишга салбий муносабат кўпинча катталарнинг қўрқитишлари оқибатида вужудга келади. Шунингдек, ака ва опаларнинг мактабдаги «қийин кечинма ва вазиятлар» тўғрисидаги гаплари, уйда болаларни кўпроқ дарс тайёрлашга мажбур қилиш ҳам ўқишга салбий муносабат уйғотади. Ўқишга салбий муносабатдаги болалар таълим муҳитига киришишга қийналадилар, қатор руҳий тўсиқларга дуч келадилар.

Мактабда таълим-тарбия ишларини ташкил қилишда кичик мактаб ёшидаги болаларнинг анатомик-физиологик хусусиятлари, жисмоний камолот даражасини ҳисобга олиш муваффақият гаровидир.

Бошланғич синф ўқувчиси биологик жиҳатдан нисбатан уйғун ўсади, унинг бўйи ва оғирлиги, ўпкасининг ҳажми мутаносиб ривожланади. Бироқ, боланинг суяклари (кўкрак қафаси, тос, қўл суяклари), умуртқа поғонасида ҳали тоғайсимон тўқималар учрайди, бу эса унинг суяк тизими, такомиллашиб бўлмаганини кўрсатади. Юрак мускуллари тез ўсади, қон томирларининг диаметри сал каттароқ бўлади, мианинг оғирлиги бошланғич синфларда 1250—1400 граммни ташкил этади. Мия пўстининг аналитик-синтетик фаолияти такомиллашади, қўзғалиш билан тормозланиш ўртасидаги муносабат ўзгаради, лекин қўзғалиш нисбатан устунликка эга бўлади. Шунинг учун боланинг тўғри ўсишига ғамхўрлик қилиш, толиқишининг олдини олиш, ўқиш ва дам олиш режимига қатъий риоя этиш зарур.

Мактаб таълими ўқувчининг турмуш тарзини, ижтимоий мавқеини, синф жамоаси ва оила муҳитидаги аҳволини ўзгартиради, унинг асосий вазифаси ўқишдан,

билим олиш, кўникма ва малакаларни эгаллаш, табиат ва жамият тўғрисидаги қонуниятларни ўзлаштиришдан иборат бўлиб қолади. Таълим муайян даражада уюш-қоқлик, интилиш, иродавий зўр бериш, фаоллик ва мақсадга мувофиқ фаолиятни талаб қилади. Ихтиёрсиз хатти-ҳаракат ўрнини англашилган, режали, ақлий меҳнат эгаллай бошлайди. Ўқувчи доимо тенгдошлари билан бирга муайян синф жамоасида бўлади. Демак, унинг олдида ҳамма вақт синф жамоасининг манфаатини ҳимоя қилиш, шахсий истакларини умумжамоа интилишига бўйсундириш, ўзаро ёрдам, ўзаро талабчанлик, ижтимоий жавобгарлик ва бурч ҳисларини эгаллаш вазифаси туради. Таълим жараёнида эса ўқувчи олдида қўйиладиган талаблар тобора кўпайиб ва мураккаблашиб бораверади.

Ўқишнинг дастлабки куниданоқ кичик мактаб ёшидаги боланинг ўсишини ҳаракатга келтирадиган турли зиддият, қарама-қаршиликлар, ички ихтилофлар вужудга келади. Ана шулар замирида боладаги психик камолотнинг даражаси ва ижобий ҳислатлар билан талаблар ўртасидаги қарама-қаршиликлар ётади. Талабларнинг тобора ортиши боланинг психик жиҳатдан тўхтовсиз ўсишини тақозо этади ва шу берк занжирнинг узлуксиз ҳаракати натижасида инсоннинг камолоти амалга ошади.

Кичик мактаб ёшидаги боланинг муҳим хусусиятларидан бири унда ўзига хос эҳтиёжлар мавжудлигидир. Бу эҳтиёжлар ўз моҳияти билан муайян билим, кўникма ва малакаларни эгаллашга, теварак-атрофдаги воқеликни ўзлаштиришга қаратилмай, балки фақат ўқувчилик истагини акс эттиришдан иборатдир. Шу эҳтиёжлар ўз портфелига, дарс тайёрлаш бурчагига, китоб қўйиш жавонига эга бўлиш истаги, катталардек ҳар кун мактабга қатнаш туйғуси ётади, холос. Бундай ташқари, билимлар кундаги шодиёна айём, ўқувчилик сафига қабул пайти, мактаб маъмурияти ва ўқитувчиларнинг унга билдирган самимий тилаклари, юқори синф ўқувчиларининг табриклари боланинг ҳис-туйғусига ижобий таъсир этади. Синфдаги ўртоқлари билан қаторлашиб саф тортиб юришлар, биргалашиб ўйнаш, ошхонага бориш, ўқитувчининг ўғитларп ҳам болани ўзига ром этади. Умуман кичик мактаб ёшидаги бола ўқувчилик туйғусини ва вазифасини тушуниб етмайди, балки ҳамма мактабга бориши керак деб тушунади. Аммо у катталарнинг кўрсатмаларига

амал қилиб тиришқоқлик билан машғулотларга киришиб кетади.

Орадан маълум вақт ўтгач шодиёна лаҳзаларнинг таъсирига камайиши билан мактабнинг ташқи белгилари ўз аҳамиятини йўқота боради ва ўқишнинг кундалик ақлий меҳнат (иродавий зўр бериш, ёқтирмаган нарса билан шуғулланиш, диққатни тақсимлаш ўз хулқини идора қилиш) эканлигини англайди. Шундай ақлий меҳнат кўникмасига эга бўлмаса, унинг ўқишдан кўнгли совийди, унда умидсизлик ҳисси вужудга келади. Ўқитувчи эса бундай ҳолнинг олдини олиш учун болага таълимнинг ўйиндан фарқи, қизиқарлилиги ҳақида маълумотлар бериши ва уни шу фаолиятга тайёрлаши керак.

Биринчи синф ўқувчисига ўқиш фаолиятининг айнан ўзига қизиқиш кўзга ташланади. Махсус тадқиқотларда болалар билан кераксиз машқлар ўтказилган ва уларга олдиндан бу машқлар кейинчалик керак бўлмаслиги айтилган, лекин болалар уларни бажонидил бажаришга киришганлар. Ўқувчи шахсий фаолиятда эришган дастлабки яхши натижа уни бошқа натижаларни эгаллашга ундайди. Унинг ўқиш фаолиятидаги биринчи меҳнат маҳсули шодлик ва қувонч ҳис-туйғусини келтириб чиқаради. Масалан, айрим ўқувчилар у ёки бу матнни бир неча марта ўқишга ҳаракат қилади. Ўқиш фаолиятига қизиқиш, унинг мазмунига ҳам қизиқишни вужудга келтиради, билим олиш эҳтиёжини туғдиради ва ўқиш мотивларини таркиб топтиради.

Таълимнинг мазмунига, билимни эгаллашга қизиқиш ўқувчининг ўз ақлий меҳнати натижасидан қаноатланиш ҳисси билан узвий боғлиқдир. Бу ҳис ўқитувчининг рағбатлантириши билан намоён бўлади ва ўқувчида самаралироқ ишлаш майли, истаги, иштиёқини шакллантиради. Болада пайдо бўлган фахрланиш, ўз кучига ишонч ҳислари билимларни ўзлаштириш ва малакаларни мустаҳкамлаш учун хизмат қилади. Рағбатлантириш ва жазолаш меёрида бўлсагина, уларнинг тарбиявий таъсири ортади.

Кичик мактаб ёшидаги ўқувчилар фаолиятини баҳолаш унда ўқишга ижобий муносабатни шакллантиришда муҳим аҳамиятга эгадир. Маълумки, мактабларда болаларни оғзаки баҳолаш одат тусига кириб қолган, чунки биринчи синф ўқувчиси ана шу баҳо таъсирида ўз фаолиятини кучайтиради, ижодий изла-

нишга ҳаракат қилади. Ҳатто, ўқувчи дастлабки пайтларда «яҳши» ёки «ёмон» баҳонинг фарқига ҳам бормайди, кўпроқ нечта баҳо олгани қизиқтиради. Ўқитувчининг рағбатлантириши унинг учун энг муҳим роль ўйнайди.

Кўпчилик мутахассис олимлар кичик мактаб ёшидаги ўқувчиларни баҳолаш салбий оқибатларга олиб келади, деб ҳисобламоқдалар. Маълумки, фақат баҳо учун ўқиш билимнинг ижтимоий аҳамиятини пасайтириши мумкин. Шунга кўра билимни текширишнинг бошқа усуллари топиш ҳамда қўллаш ҳозирги куннинг долзарб вазифаларидан биридир. Негаки, баҳолашнинг бола камолоти учун аҳамиятини мутлақо инкор қилиш ҳам тўғри эмас. Баҳодан маслаҳат, йўлланма, тавсия, кўрсатма сифатида фойдаланиш маъқул.

Кичик мактаб ёшидаги ўқувчиларнинг муҳим хусусиятларидан бири улардаги ўқитувчи шахсига ишонч ҳисси ва юксак эҳтиромдир. Шунинг учун ҳам ўқитувчининг болага тарбиявий таъсир кўрсатиш имконияти жуда каттадир. Бола ўқитувчини ақлу идрок соҳиби, тийрак, сезгир, меҳрибон, ҳатто, донишманд инсон деб билади. Ўқитувчи сиймосида ўзининг эзгу нияти, орзу-истаги, ажойиб ҳис-туйғуларини рўёбга чиқарувчи мўътабар шахсни кўради. Ўқитувчининг обрўси олдида ота-оналар, oilанинг бошқа аъзолари, қариндош-уруғлар, таниш-билишларининг нуфузи кескин пасаяди. Шу сабабли болалар ўқитувчининг ҳар бир сўзини қонун сифатида қабул қиладилар.

Бола психик жиҳатдан ўсиши натижасида унинг ўқитувчи мавқеига муносабати ўзгаради, чунки унда онгли хатти-ҳаракат эҳтиёжи туғилади. Ўқувчида бир талай муаммолар, саволлар вужудга келади. У ҳаётда ҳамма нарса ўзи ўйлагандек осон эмаслигини тушуна бошлайди. Мазкур саволларга шахсан ўзи жавоб топишга интилади, шу саволларни бошқа одамларга ҳам беради.

Таълим жараёнида ўқитувчи ўзининг обрўсидан оқилона, одилона ва омилкорлик билан фойдаланиб, ўқувчиларда уюшқоқлик, меҳнатсеварлик, ўқишга ижобий муносабат, ўз диққатини бошқариш, хулқини идора этиш, ўзини тута билиш, қийинчиликларни енгиш каби фазилатларни шакллантириши лозим. Бунинг учун ҳар томонлама таъсир кўрсатиш усулини қўллаши керак

2. Кичик мактаб ёшидаги ўқувчилар билиш жараёнларининг ўзига хослиги

Мақсадга мувофиқ ўқиш фаолияти кичик мактаб ёшидаги ўқувчиларнинг ақл-идроки, сезгирлиги, кузатувчанлиги, уқувлилиги, эсда олиб қолиш, эсга тушириш имкониятларини ривожлантириш учун муҳим шарт-шароитлар яратади, болаларда ўқиш, ёзиш, ҳисоблаш малакаларини шакллантиради. Бундан ташқари, мазкур таълим жараёнида уларнинг билимлари кўлами кенгаяди, билишга қизиқишлари ортади, ижодий изланиш қобилияти ривожланади, уларда тафаккурнинг фаоллиги, мустақиллиги, маҳсулдорлиги ортади, ақлий имкониятни ишга солиш вужудга келади, ўқув фанларига ижобий муносабат, қатъий шуғулланиш нияти, жамоатчилик олдида масъулиятни ҳис қилиш, билим олишнинг ижтимоий аҳамиятини англаш туйғулари таркиб топади.

Қуйида мазкур ёшдаги ўқувчилардаги сезги, идрок, хотира, тафаккур каби билиш жараёнларининг хусусиятлари ва ривожланиши тўғрисида қисқача тўхталамиз.

Мазкур ёшдаги болалар ўз идрокларининг аниқлиги, равонлиги, софлиги, ўткирлиги билан бошқа ёш давридаги инсонлардан кескин фарқланади. Улар ҳар бир нарсага берилиб, ўта синчковлик билан қарашлари сабабли идрокнинг муҳим хусусиятларини ўзлаштириш имкониятига эга бўладилар. Бунинг сабабини уларнинг олий нерв фаолиятида биринчи сигнал системаси устунлиги билан изоҳлаш мумкин. Бошланғич синф ўқувчиси ҳар қандай объект, субъект ва воқеаликдаги янгиликни яққол идрок қилишга интилади, уни атроф муҳитнинг сирли олами, сеҳри, жилоланиши, жозибаси ўзига тортади. Лекин таълимнинг дастлабки босқичида идрокнинг айрим заиф томонлари кўзга ташланади.

Кичик мактаб ёшидаги ўқувчилар идрокининг салбий хусусияти объектларни бир-биридан фарқлашдаги заифликдир. Улар кўпинча ўрганиладиган материални ноаниқ, ҳатто, нотўғри идрок қиладилар, бунинг оқибатида айнан ўхшаш ҳарфлар, сўзлар, нарсалар тасвири, шакли, фазовий жойлашувининг фарқини тўла тасаввур қила олмайдилар. Масалан, «қ» билан «к» ҳарфларини, «ўқиш» билан «уқиш» сўзларини «айлана» билан «доира» шакллари, «кесма» билан «тўғри чи-

зиқ» аломатларини бир-биридан фарқламайдилар. Баъзан эса улар катталарнинг идрок кўлами қамраб олмайдиган нарсаларни пайқайдилар.

Болаларда тартибли, мақсадга мувофиқ серқирра таҳлил қилиш фаолияти заифлиги учун улар таълим жараёнида кўпинча хатога йўл қўядилар. Одатда зарур ва муҳим аломатлар бир ёқда қолиб, тасодифий белгиларга эътибор берадилар. Психолог Н. Ф. Добринин тасвирий санъат дарсида ўқувчиларга рангли қилиб ишланган олмахоннинг расмини кўрсатган, сўнг уни чизишни тавсия қилган. Сурат олиб қўйилгандан кейин болаларда олмахоннинг мўйлови, кўзи, мўйнасининг ранги тўғрисида қатор саволлар пайдо бўлган. Келтирилган мисолдан кўриниб турибдики, кичик мактаб ёшидаги болаларда предметларни яхлит, аниқ идрок қилиш имконияти жуда чегаралангандир.

Мазкур ёшдаги ўқувчининг идроки ўзининг хатти-ҳаракати, ўйин ва меҳнат фаолияти билан бевосита боғлиқдир. Қандайдир нарсани идрок этиш ўша нарса билан машғул бўлишни англатиб келади. Ўқувчи ўзининг эҳтиёжи, майли, қизиқиши, интилиши ва турмуш фаолиятига мос, шунингдек, ўқитувчи тавсия этган нарсаларни идрок қилади, холос.

Кичик мактаб ёшидаги ўқувчилар идрокининг яна бир хусусияти хилма-хил, ёрқин бўёқлар, яққол тасвир ва ҳис-туйғуга бойлигидир. Шунинг учун улар аввало ёрқин ҳис-туйғу уйғотадиган нарса ва ҳодисаларни идрок қиладилар. Ана шу сабабли рамзий ва шартли белгилар, чизмалар, геометрик шаклга кўра, жонли «жозибадор» тасвирлар ёрқин ҳис-туйғу тарзида акс этади. Кўп физиолог ва психологларнинг фикрича, ёрқин, рангли тасвирларни идрок қилиш рамзий ва шартли чизмаларни идрок қилишни вақтинча тўхтатиб қўяди ёки уларнинг моҳиятини чалкаштириб юборади. Шунинг учун бошланғич синф дарсликларининг жуда кўп суратлар билан безатилиши ҳам маъқул эмас. Чунки бунда ўқиш суръати секинлашади, хатолар кўпаяди, суратларнинг кўплиги болаларни матндан чалғитади. Болада муайян ўқиш малакалари ҳосил бўлгандан кейин китоб варақларини суратлар билан безаш эса унинг нутқи ўсишига, мавзу ва фанга қизиқиш ортishiга ёрдам беради.

Таълим жараёнида кичик мактаб ёшидаги ўқувчилар идроки мақсадга мувофиқ бошқариладиган перцептив фаолият даражасига кўтарилади. Бола ўқитув-

чининг раҳбарлигида шахсий идрокни ташкил этиш, ўз олдига вазифа қўйиш, идрок маҳсулини назорат қилиш ва ҳоказоларни ўргана боради. Ўқувчи таълимнинг дастлабки босқичида оқилона идрок этиш учун, кейинчалик эса ўша нарсани тўғри идрок этиш учун ҳаракат қилади. Бунда идрок этиш асосий мақсад бўлса, ҳаракат қилиш идрокнинг шартли вазифасини бажаради.

Таълим жараёнида идрок мақсадга мувофиқ перцептив фаолиятга айланиб ва тобора мураккаблашиб боради, натижада ўқувчида кузатиш, назорат қилиш, фарқлаш имконияти ошади. Шу сабабли биринчи синфда сўз бирор нарсани аташ билан чегараланган бўлса, кейинчалик у ўрганилаётган объектнинг умумий маъносини англата бошлайди.

Идрокнинг такомиллашуви ўқитувчининг бевосита раҳбарлигида амалга ошади: у ўқувчиларга перцептив фаолиятни омилкорлик билан ташкил этишни, объектларнинг муҳим ва номуҳим белгиларини ажратишни, диққатни тўплаш ва тақсимлашни, материалларни режалли ва тартиблри таҳлил қилишни ўргатади. Бунинг учун болаларни сайрга олиб чиқади, кўрсатмалри қуроллардан фойдаланади, жисмоний ва ақлий меҳнат жараёнларини таққослаш, кузатиш малакаларини шакллантиради. Идрокни ривожлантирадиган муҳим воситаларнинг бири ўқувчиларда нарса ва ҳодисаларнинг ўхшаш ва фарқли аломатларини ажратиш уқувини таркиб топтиришдир.

Бошланғич синф ўқувчиларининг перцептив фаолиятида фазо, вақт ва ҳаракатни идрок қилишнинг ўзига хос хусусиятлари бор. Болаларда ҳаёт тажрибасининг етишмаслиги, билим савиясининг қашшоқлиги, тасаввур образларининг заифлиги туфайли идрокнинг мазкур шакллари жуда чекланган бўлади. Улар кундалик турмушда қўлланадиган оддий фазовий тушунчалар билан чекланиши сабабли илмий фазовий атамаларни, масалан, тоғларнинг баландлиги, фазо билан ер ўртасидаги масофа, денгиз ва қўлларнинг ҳажми ва бошқаларни идрок этишда қийналадилар. Катта фазовий тушунчаларни англамасликлари сабабли уларда «Юлдузларнинг оралиғи неча километр?», «Осмонга шарда учиб борса бўладими, самолётда-чи?» каби саволлар туғилади. Болаларнинг вақтни идрок қилиши ҳам тор маънодаги тушунчалардан иборат бўлади ва улар

«аср», «эрамиздан аввалги давр» каби атамаларни нималигини тушунмайдилар,

Ҳаракат деганда бола кўпинча жисмоний, механик ҳаракатни назарда тутади, лекин унинг биологик, ижтимоий, кимёвий ҳаракатларни билиши тўғрисида гап ҳам бўлиши мумкин эмас. Бола, ҳатто самолёт, қуш, ракета ва ўқнинг тезлигини ҳам нотўғри идрок қилади. Масалан, у табиатшунослик дарсида қирилиб битган баҳайбат калтакесаклар ҳақидаги маълумотни эшитган бўлса, уйга келиб бувисидан уни кўрган ёки кўрмаганлигини сўрайди.

Таълим жараёнида ва катталарнинг ёрдами билан турмуш тажрибасининг ортиши туфайли болаларда фазо, вақт ва ҳаракатни идрок қилиш кўлами кенгайди, улар вужудга келган саволларга жавоб топа борадилар. Бундан ташқари, уларнинг назарий билимлари амалий фаолиятда синаб кўриш орқали ҳам бойиб боради.

[Бошланғич синф ўқувчиларида диққатни иродавий зўр бериш билан бошқариш ва фавқуллодда вазиятга мослаш имконияти яхши бўлмайди. Бунинг асосий сабаби уларда ихтиёрий диққатнинг кучсизлиги ва беқарорлигидир.] Шу билан бирга кичик мактаб ёшидаги болаларнинг ихтиёрий онгли диққати ўқиш мотивлари билан узвий боғлиқ ҳолда намоён бўлади. Одатда уларнинг ўқиш мотивлари узоқни кўзлаган ва мақсад билан боғлиқ мотивларга ажратилади. Юқори синф ўқувчиларининг билим олиш мотивлари узоқни кўзлаган мотивга кирса, бошланғич синф ўқувчиларининг мотивлари воқеликка ва реалликка боғлиқ мотивлардир.

[Тажрибадан маълумки, болаларда ихтиёрсиз диққат дурустгина ривожланган бўлади. Чунки таълим жараёнида ихтиёрсиз диққатнинг ўсиши учун муҳим шарт-шароитлар мавжуддир.] Бошланғич синф ўқув материалларининг яққоллиги, ёрқинлиги, жозибadorлиги ўқувчида беихтиёр ҳис-туйғулар уйғотади, иродавий зўриқишсиз, осонгина фан асосларини эгаллаш имконини яратади. Ўқув материалларининг турли-туманлиги ихтиёрсиз диққатнинг тўпланиши, марказлашуви ва барқарорлигига ижобий таъсир этади. Кичик мактаб ёшидаги болаларни ўқитишда кўрсатмалиликдан кенг фойдаланилади. Бу таълим билинчидан болалар фаоллигини оширса, иккинчидан материални мантиқий жиҳатдан ўзлаштиришга, уни таҳлил этиш мав-

ҳумлаштириш ва умумлаштиришга тўсқинлик қилади. Уларда кўрсатмалиликка асосланган динамик стереотип пайдо бўлиши ҳам мумкин. Сунъий тўсиқлар, ҳалал берувчи аломатлардан қутулиш учун яққол ва мавҳум материаллардан аралаш ҳолда фойдаланиш яхши натижа беради. Боланинг кўрсатмалиликка берилиб кетиши уни асосий мақсаддан узоқлаштиради, бола ташқи белгиларга эътибор беришга одатланиб, ички муҳим белгилардан четлаша боради.

[Маълумки, ихтиёрсиз диққат таълим жараёнида ўқувчиларнинг қизиқиши билан бевосита боғланиб кетса, табиийки, улар фақат мароқли, қувончли ахборот ва матилар билан танишишга интиладиган бўлиб қоладилар. Натижада ўта нозик, яъни ташқи қўзғатувчилар таъсирига берилувчи диққат уларнинг психикасида мустаҳкамланади.] Одатланиш мураккаб ўқув материалларини эгаллашда қийинчиликлар туғдиради. Шунинг учун К. Д. Ушинский, болани фақат ўзини қизиқтирган нарса билан эмас, балки уни қизиқтирмаган нарса билан ҳам шуғулланишга ўргатинг, бола ўз бурчини бажаришдан қаноатланиш учун ишлайдиган бўлсин, деб уқтирган эди.

Биринчи ва иккинчи синф ўқувчилари диққатининг ўзига хос хусусиятларидан бири унинг етарлича барқарор эмаслигидир. Шунинг учун улар диққатларини муайян нарсаларга қарата олмайдилар ва объектда узоқроқ тута олмайдилар.] Бунда тормозланиш билан қўзғалиш ўзаро номувофиқ ҳаракат қилади. Ўқиш машғулотида тутилиш, тўхтаб қолиш, қироат суръатининг камайиши, товушнинг тебраниши ва пасайиши, баъзида ҳарф, ибора, гаплар тушиб қолиш ҳоллари мана шу физиологик механизм таъсирида пайдо бўлади.

Қатор тадқиқотлар биринчи ва иккинчи синф ўқувчилари дарсда фақат 30—35 дақиқа диққат билан ўтириши, ўз диққатини муайян объектга тўплаши ва унда ушлаб туриши мумкинлигини кўрсатади.] Шунинг учун машғулотларда қисқа танаффуслар ўтказиб туриш мақсадга мувофиқдир. Профессор Н. Ф. Добринин: «3—4-синф ўқувчилари ўз даққатларини бутун бир дарс давомида сақлаб тура оладилар. Лекин улар учун ҳам қисқа танаффуслар фойдалидир. Шунингдек, вақт-вақти билан машғулотнинг турини алмаштириб, суръатини ўзгартириб туриш, амалий ва назарий маълумотларни қўшиб олиб бориш лозим»,— дейди.

Ўқувчилар диққатининг хусусияти кўпроқ машғулотнинг суръатига боғлиқдир. Масалан машғулот суръатининг ўта тезлиги ёки ҳаддан ташқари сустилиги диққатнинг барқарорлиги ва тўпланишига салбий таъсир этади. Ўқув машғулотларининг ўртача суръатда ўтказилиши мақсадга мувофиқдир.

Таълим жараёни кичик мактаб ёшидаги ўқувчиларнинг ихтиёрий, барқарор, мустаҳкам, кучли, тўпланувчан, тақсимланувчан, фаол, онгли диққатини ривожлантиришга қулай шарт-шароит яратади. Билим олиш учун мустақил ақлий меҳнат қилиш, мисол ва масалалар ечиш, машқларни бажариш, такрорлаш, иродавий зўр беришда ихтиёрий, онгли диққат таркиб топади. Шунингдек, унинг энг зарур хусусиятлари такомиллашади, бу эса онгли бошқариш имкониятини беради. Болаларнинг диққати ўқиш фаолиятига доир мақсадга мувофиқ, ижтимоий мотивлар, ҳамда уларда пайдо бўлаётган янги хислатлар (масъулиятлилиқ, жавобгарлик, уялиш ҳислари) билан бир пайтда ривожланади. Бу ёшдаги болада ихтиёрий диққатни жамлаш, ташкил қилиш, зарур бўлса, уни тақсимлаш ташқи қўзғатувчиларнинг қаршилигини енгиб онгли равишда бошқариш уқуви шакллана бошлайди.

Кичик мактаб ёшидаги ўқувчилар хотирасининг энг муҳим хусусиятларидан бири — сўз мантиқ хотираси ва маъносига тушуниб эслаб қолиш салмоғининг ортишидир. Ўқувчи ўз хотирасини онгли бошқариш, эслаб қолиш, эсга тушириш, эсда сақлаш жараёнларини фаолиятнинг мақсадига мувофиқлаштириш имкониятига эга бўлади.

Юқорида айтилганидек, биринчи сигнал системаси иккинчи сигнал системасидан бирмунча устунлиги туфайли ўқувчиларда мантиқий хотирадан кўра кўрсатмали-ҳаракатли хотира муҳимроқ роль ўйнайди. Шунинг учун улар назарий қонун ва қоидалардан, маъхум тушунчалардан кўра яққол маълумотлар, ахборотлар, воқеа ва ҳодисаларни, образлар ва нарсаларни тезроқ ҳамда мустаҳкамроқ эслаб қоладилар ва узоқ муддат эсда сақлайдилар. Биринчи ва иккинчи синф ўқувчилари таълимий материалларнинг ички боғланишларига аҳамият бермай, маъносига тушунмай қуруқ эслаб қоладилар. Ўрганилаётган материалларни мантиқий тартибда қилимай, ёлқи ўзлаштирилади. Бунинг сабаблари: 1) уларнинг механик хотираси бошқа хотира турларига қараганда дурустроқ ривожлангани

маълумотларни айнан, ўзгаришсиз эслаб қолиш имконини яратади; 2) ўқувчилар ўқитувчи қўйган вазифани англаб етмайдилар, натижада унинг «тўғри тушунтириб бер» деган талабини сўзма-сўз такрорлаш деб биладилар; 3) уларнинг нутқ бойлиги етишмаслиги (илмий атамалар ва тил қонуниятларини билмаслиги) материални ижодий тўлдириш, унга қўшимча қилиш имконияти йўқлиги уни сўзма-сўз қайтаришни осонлаштиради; 4) ўқувчилар матни тўғри усуллар ёрдамида эслаб қолишни билмайдилар. А. А. Смирнов эслаб қолишнинг тўғри усули сифатида матндаги маънодош сўзларни гуруҳларга ажратиш, таянч нуқтани топиш, сўзлаб бериш учун режа тузиш ва ўтилган мавзуларни идрок этган ҳолда янги мавзуни такрорлашни тавсия қилади.

Таълим жараёнида ўқув материалларининг маъносини, моҳиятини, турли мулоҳазаларни, далилларни, илмий асосларни эслаб қолиш ва эсга тушириш орқали ўқувчиларда мантиқий хотира тақомиллашди. Уларни А. А. Смирнов тавсия қилган усул ва воситалар билан қуроллантириш ўқитувчининг вазифаси ҳисобланади. Ақлий меҳнатда мустақилликни вужудга келтирмай билишга интилиш қобилиятини ўстириш мумкин эмас. Шунинг учун болаларга изоҳли ўқиш, масаланинг шартини шарҳлаш, муаммоли вазиятни яратиш ва ҳал қилишни ўргатиш муҳим аҳамиятга эга.

Ихтиёрий эслаб қолиш ва ихтиёрий эсга туширишнинг маҳсулдорлиги кўп жиҳатдан ўқувчилар ақлий фаоллигининг даражасига боғлиқ. Ақлий фаолият даражаси уларнинг эслаб қолишни ташкил қилиш ва бошқариш усулларини эгаллашига узвий алоқадордир. [Мнемик (хотира) усулларга таъриф ёки қондани сўзма-сўз эслаб қолиш, ўз сўзи билан айтиб берса бўладиган материалнинг моҳиятини эслаб қолиш, бирламчи ва иккиламчи қисмларга ажратиш, рақамларни бир жойга тўплаш, энг зарур тушунчаларга алоҳида эътибор бериш киради.] Эслаб қолиш, эсда сақлаш, эсга туширишнинг самарадорлиги мақсадни англаш ва унга интилиш негизида вужудга келади. Хотиранинг самарадорлиги ўқиш мотивларига бевосита боғлиқдир. Т. Н. Баларич ўз тажрибасида бир гуруҳ ўқувчиларга ўқув матнини бундан кейин сира керак бўлмаслигини, иккинчи гуруҳга ундан тез кунда фойдаланилишини айтиб ўзлаштиришни тавсия қилган. Олинган натижа-

ларга кўра биринчи гуруҳда фаолиятда қўллаш установаки юқори самара берган, матн тез эслаб қолинган ва узоқ вақт эсда сақланган. Л. В. Занковнинг тадқиқотида ҳам эслаб қолишга интилишнинг роли ўрганилган, узоқ вақт эслаб қолишга интилиш ҳам яхши самара бериши исботланган. Шунга асосланиб психология фанига «узоқ вақт эслаб қолиш», «ҳамма вақт эсда сақлаш» иборалари киритилган.

Умуман катталарнинг, хусусан ўқитувчиларнинг муҳим вазифаларидан бири ўқувчиларда материалларни эслаб қолиш учун муайян интилишни, таркиб топтириш, уларга эслаб қолишнинг усулларини, фикр юритиш операцияларини (таққослаш, таҳлил қилишни) ўргатишдан иборатдир.

Ўқитиранинг маҳсулдорлигини ошириш учун таълим жараёнида ўзини ўзи назорат қилиш, материални такрорлашда текшириш, эсга тушириш, машқ қилишдан упумли фойдаланиш зарур. Агар кичик мактаб ёшидаги ўқувчиларга эслаб қолиш ва эслаш усуллари ўргатилмаса, улар материални бевосита такрорлашда, узоқ вақт тўхталиб қоладилар. Шунинг учун ҳам эслаш қийин меҳнат (К. Д. Ушинский) ҳисобланади. Лекин ўқувчилар материални эслашни хуш кўрмайдилар ва уни осонгина тиклаш йўлини тушунмайдилар. Материални эслаб қолиш, эсда сақлаш, эсга тушириш ва эслаш усулларини ўргатиш маънавий хотира ўсишининг гаровидир.

Кичик мактаб ёшидаги ўқувчининг хаёли ўз ўқув фаолиятининг таъсири, талаби, имконият ва шарт-шароитлари орқали таркиб топади. Боланинг хаёли тева-рак-атроф таассуротлари, дунё ажойиботлари, кўрсатмалilik, тасвирий санъат асарларини етарли даражада акс эттириш билан вужудга келади. Образлар, суратлар, чизмалар, шартли белгилар, номаълум нарсаларнинг аломатлари, табиат манзаралари, фазовий тасав-вурлар жамланиб ўқувчиларнинг хаёли пайдо бўлади. Таниш образ яратиш билан узвий боғлиқ бўлган тиклов-чи хаёл боланинг руҳий дунёсида алоҳида аҳамият касб этади. Таълим жараёнида болаларнинг ёрқин, аниқ, тиниқ, яққол тасаввур образлари хаёл ёрдамида муайян воқеликка айланади. Ўрганилаётган фан мате-риаллари эшитилган ва ўқилган бадий асарлардаги образлар таътибга солинали ахлит бир бутунликлан иборат умумлашган образлар тизими яратилади. (Ўқиш

давомида турмуш тажрибасида тўпланган таассуротларни қайта тиклаш, янги белгилар билан бойитиш, уларни ўзаро бирлашган ҳолатга келтириш, янги образлар, ижодий изланишнинг энг муҳим омили — ижодий хаёлни такомиллаштиради. Ижодий хаёлни энг муҳим хусусиятларидан бири яратилган тасвирларнинг яққоллиги, мантиқий қонунларга узвий боғлиқлиги, ғайри табиий, ажойиб-ғаройиб истаклардан узоқлигидир. Шунинг учун ўқувчи хаёлида турмушга, воқеликка зид келмайдиган тасвирлар, тимсоллар кўлами тобора кенгайди. Бу эса ўқувчида ҳодисаларни танқидий баҳолаш кўникмаси пайдо бўлганини билдиради. Натижада унинг хаёли таассурот қуршовидан бўшайди, яратилган образларни табиат ва жамиятнинг объектив қонунларига суянган ҳолда баҳолаш кўникмаси янада такомиллашади.

Кичик мактаб ёшидаги ўқувчилар хаёлининг хусусиятларидан яна бири ҳаётий воқелик билан фантазиянинг ўзаро аралашиб кетишидир. Маълумки, ўқувчи яққол воқелик ёки ҳодисани ўзи яратган қўшимча образлар, тафсилотлар билан бойитиб бошқаларнинг диққат-эътиборига узатади. Бу унинг ёлгончилиги эмас, балки хаёлининг хусусиятидир. Айрим болалар ҳақиқат билан фантазиянинг аралаш ҳолатига чиндан ҳам ишонадилар, бунда соддадиллик билан ишонувчанлик узвий боғланиб кетган бўлади! Баъзи ҳолларда мазкур ёшдаги ўқувчи бошқаларнинг диққатини ўз ахборотига қўшиш мақсадида ҳам фантазиядан унумли фойдаланади. Бундай ҳолат биринчидан, бола ўзининг синфдаги ўртоқлари орасида ёки оилада аллақандай камситилганда, иккинчидан, ўз тенгқурлари ёки катталар кўз ўнгида ўзини уддабурон қилиб кўрсатиш истаги туғилганда, учинчидан, ҳақиқий ижодий образлар яратиш жараёнида намоён бўлиши мумкин. Бироқ ўқувчилар хаёлпарастликка, фантазияга берилишининг олдини олишга педагоглар, умуман катталар доимо аҳамият беришлари керак.

Кичик мактаб ёшидаги ўқувчилар тафаккурининг хусусиятларини ўрганган олимлар боланинг тафаккурини қуйидаги уч йўналишда тадқиқ қилганлар: тафаккурнинг ёш даврига хос хусусияти, унинг ривожланиши, тушунчаларни шакллантириш омиллари.

Болалар нарсаларнинг ўзгармайдиган баъзи белгилари доимийлигини пайқай олмаслиги улардаги тафаккурнинг энг муҳим хусусиятларидан биридир. Бунинг

Ж. Пиаже ўз тажрибасида кўрган. Унда 7—8 ёшли болалар хамирдан бир хил зувала қилинса, сўнгра уларнинг биридан кулча ясалса, хамирнинг миқдори бир хил бўлмай қолади, деган хулоса чиқарганлар. Маълумки, таълимнинг дастлабки босқичида боланинг умумлаштириши жуда содда бўлади ва фақат ўхшашлик белгисига асосланади. Кейинчалик эса бола нарс ва ҳодисаларнинг ташқи сифат ва хусусияти белгиларини гуруҳларга ажратиш ва таснифлашга, нарс ва ҳодисаларнинг хоссалари, қонуниятлари, мураккаб ички боғланиш ва муносабатларининг муҳим белгилари бўйича умумлаштиришга ўтади.

Биринчи ва иккинчи синф ўқувчилари ўқув фаолиятларини буюмларнинг жозибадор ташқи белгиларига таяниб ташкил қиладилар: қуёш, момоқалдиروқ, сигир, автомобиль, қуш ва ҳоказолар тўғрисида фикр юритишда «қуёш иситади, ёритади», «момоқалдиروқ гулдирайди», «сигир сут беради», «автомобиль юк ташийди», «қуш сайрайди» каби ҳукмлар чиқарадилар, шунинг учун агар ўрганилаётган материалларнинг муҳим белги ва аломатларини бевосита аниқлаш зарурати туғилса, дарров кўринадиган мисолга мурожаат қиладилар. Р. Г. Натадзенинг тажрибасида кичик мактаб ёшидаги кит билан дельфинни фарқлаш имконияти йўқлиги маълум бўлган ва улар иккаловини ҳам балиқ, деб атаганлар. Бу ҳол умумлаштириш кўзга ташланувчи ташқи белги ва аломатларга қараб амалга ошишини исботлайди.

Ўқувчилар учинчи синфга ўтганидан сўнг умумлаштиришда моддий дунёдаги воқеликнинг энг муҳим муносабат ва боғланишларини акс эттирувчи ички белгиларга таянадилар. Жумладан, сув, ҳаво, металл ва бошқа нарсаларининг иссиқдан кенгайишини умумий муҳим аломатига асосланиб умумлаштира оладилар. Бундан ташқари, ўсимликлар дунёси, уларнинг ривожланиши, кўпайиши, чангланиши каби белгиларга таяниб «жонли табиат» иборасини айтадилар. Болаларнинг мулоҳазаларидан: «пахта далада ўсади, уни пахтакорлар етиштирадилар, заводда тозаланади, сўнг фабрикада тўқилади, кийим-кечак тайёрланади» (2-синф ўқувчиси). «Бодом дарахти иссиқ иқлимда ўлкаларда ўсади», (1-синф ўқувчиси), «Тулки — ёввойи йиртқич ҳайвон, у ўрмонда яшайди. Жониворларни тутиб еб тирикчилик қиладди. Ўйўпаси қимматбаҳо. Шунинг учун бо-

чилар уни овлайдилар. Унинг мўйнасидан пальто ёқалари, телпак, пўстин тикилади» (3-синф ўқувчиси).

Болаларнинг мулоҳазаларидан кўриниб турибдики, уларда муҳим белгилар миқдори етарли даражада эмас. Улар ўсимликларни таърифлаганларида фақат дарахтларнинг қайси турга мансублиги, қаерларда ўсиши, инсон ва ҳайвонлар учун қанчалик фойдалилигини таъкидлайдилар. Ҳайвонлар тўғрисида мулоҳаза юритганларида ҳам бирмунча камчиликларга йўл қўядилар. Масалан, бирламчи хусусиятлар ва хоссаларга эътибор бермайдилар.

Кичик мактаб ёшидаги ўқувчилар таълим жараёнида анчагина илмий тушунчаларни ўзлаштирсалар-да, олдинги дарсларда ўзлаштирилган турли аломатлар, белгилар, хусусиятларни қориштириб, чалкаштириб ҳам юборадилар. Чунки уларда тушунчалар таркибига кирадиган нарса ва ҳодисалар билан уларнинг белгилари ўртасида узвий боғланиш таркиб топмаган бўлади. Кўп тушунчаларни, чунончи, баланд-паст, узоқ-яқин, кам-кўп ва ҳоказоларни аввал воқеликдаги нарса ва ҳодисалар ўртасидаги фазовий муносабатларни бевосита идрок қилиш асосида ўзлаштирадилар. Кейинроқ эса, умумлаштириш жараёни сон тушунчасида ифодаланган билимнинг миқдорий муносабатига асослана бошлайди. Шу сабабдан уларга фазовий муносабатлар ҳақидаги тушунчаларни ўзлаштириш жуда қийиндир. Биринчи ва иккинчи синф ўқувчилари узунлик ўлчови бирликларини ўзлаштиришда ҳам қийналадилар, чунки улар узунлик ўлчовининг асосий белгиси — унинг узунлигини ажратишни билмайдилар. Кўп ҳолларда болалар «метр», «километр» тушунчаларини буюмнинг шакли билан тасаввур этишга ҳаракат қиладилар. Учинчи синфга ўтганларидан кейин мураккаб фазовий муносабатларни эгаллашга кучлари етади. Чунки таълим жараёнида уларнинг фазо тўғрисидаги тасаввурлари, тушунчалари кун сайин план, масштаб, ер шари ва қатор шартли белгилар ҳақидаги билимлар билан бойиб боради.

(Кичик мактаб ёшидаги ўқувчи «вақт» тушунчаси билан танишади, лекин у кундалик ҳаёт тажрибаси доирасидан чиқмайди. Учинчи синф ўқувчиларида — тарихий маълумотлар, хабарлар, ахборотларни ўқиш ва ешитиш туфайли «соат», «йил», «аср», «ўн минг йиллар бурун», «эрамыздан олдинги учинчи аср», «ерда ҳаётнинг пайдо бўлиши» каби тушунчалар шакллана бош-

лайди.] Лекин уларда ҳам катта вақт ўлчови миқдорини кичик вақт миқдорига, ўтган замонни ҳозирги замонга алмаштириб юбориш ҳоллари тез-тез учраб туради. Шунинг учун икки хил тарихий воқеа тўғрисида фикр юритишда санадаги тафовутни «сал ундан кейин ёки сал илгарироқ» дея изоҳлайдилар, холос.

Ўқувчиларнинг билим доираси кенгайгани сайин улар қатъий ҳукмлардан тахминий ҳукмларга кўча бошлайдилар, яъни нарса ва ҳодисаларнинг турли хусусиятларга эгаллигини, воқелик атиги бир ҳаракатдан, бир сабабдан эмас, балки кўп сабаблардан пайдо бўлишлигини англаш босқичига кўтариладилар.] Тахминий ҳукмлар иккинчи синфдан бошлаб намоён бўлади.] Ўқувчилар «Нега бугун фалончи дарсда кўринмайди, балки қасал бўлиб қолгандир, ухлаб қолгандир, дарс тайёрлай олмай, уялганидан келмагандир» деб гумонсираб, тахминий мулоҳазалар юрита бошлайдилар, натижада тахминий ҳукм чиқара бошлайдилар. Учинчи синфдан бошлаб турли вазиятларни, ҳолатларни аниқ далиллар билан исботлаб беришга ўтадилар.] Бунинг сабаби болаларнинг билими кундан-кунга оша бориши, маълум тизим ҳосил қилишидир.] Улар бу пайтда ўз ҳукмининг чин ёки чин эмаслигини англаб етадилар, бевосита муҳокама қилиш, дадил келтириш, исботлашнинг шартларига асосланиб фикр юритиш жараёнига ўта бошлайдилар. Болалар нарса ва ҳодисаларнинг пайдо бўлиш сабабларини аниқлашда муаммо, масала ва саволлар қўйишдан ташқари, уларни ҳал қилишга, ечишга ҳам одатланадилар. Бироқ уларнинг ҳукми моддий дунёдаги нарса ва ҳодисаларнинг ички қонуниятларини, объектив боғланишлари ва муносабатларини тўлиқ ифода қила олмайди.

Учинчи синфдан бошлаб ўқувчиларда тушунча ва ҳукмлар ривожланиши билан бирга турли нарса ва ҳодисалар ҳақида юритилган муҳокамалар асосида хулоса чиқариш ҳам ўзгариб боради:

Бошлангич синф ўқувчиларида индуктив ва дедуктив хулоса чиқариш алоҳида аҳамият касб этади. Хулоса чиқариш аввал бевосита идрок қилинаётган нарсалар асосида вужудга келади.] У бевосита кузатиш, идрок қилиш жараёнида нарса ва ҳодисаларнинг муносабатини, боғланишини акс эттирадиган хулоса чиқариш бўлиб, боланинг тафаккурини асосий ўрин эгаллайди. Чунки бунда яққол—образли тафаккурга таяниб хулоса чиқарилади. Кейинчалик мавҳум шарт-шароит-

лардан вужудга келадиган хулоса чиқариш тури пайдо бўлади ва у кўрсатмалилик, схемалар, чизмалар, таниш мисол ва масалалар, ҳодисаларга асосланишда кўринадди.

Кичик мактаб ёшидаги ўқувчилар учун сабаб-натижа муносабатларини ифодаловчи нарса ва ҳодисаларни таърифлаш жуда мураккабдир. М. Н. Шардаковнинг тажрибасида учинчи синф ўқувчилари жисмларнинг кенгайиши иситишга боғлиқлигини англаб етмаганлар ва барча жисмлар иссиқдан кенгайди, деб хулоса чиқара олмаганлар. Лекин алоҳида олинган жисмларнинг иссиқдан кенгайиши ҳодисасини тушунтириб айтганлар, демак, жисмлардаги умумийликни, ўхшашлик белгиларини топа олмаганлар. Умумий хулосани эса экспериментатор ёрдамида чиқарганлар.

Таълим жараёнида тафаккурнинг аналитик-синтетик фаолияти муҳим роль ўйнайди. Ўқувчи таҳлил қилиш жараёнида яхлит муносабатни ёки нарсани бўлакларга ажратиб, уларнинг узвий боғланишини аниқлайди, синтезда эса бунинг аксини бажаради, яъни бўлакларнинг яхлит буюмга боғланишини аниқлайди.

Ўқувчилар таҳлил ва синтезни, таққослашни машқ қилиш орқали нарса ва ҳодисаларнинг муҳим белгиларини тасодифий белгиларидан ажратишни ўрганадилар ва шу тариқа ўзларининг мавҳумлаштириш фаолиятларини такомиллаштирадилар.

Болаларнинг билимлар тизимини ўзлаштиришда тушунчаларни, қонуниятларни номуҳим белгисига биноан ўрганишлари тез-тез учраб туради ва бу ҳол ўқув материалларини ўзлаштиришни қийинлаштиради. Шунинг учун ўқувчиларга тушунчани тўғри умумлаштириш усулларини ўргатиш лозим.

Бошланғич синф ўқувчиларининг умумлаштириш фаолиятини ривожлантириш мақсадида амалга оширилган тадқиқотлардан маълумки, йил охирига бориб, болаларнинг ўзлари мустақил равишда нарсаларни муҳим белгиларига асосан умумлаштириш имкониятига эга бўладилар. Уларда маҳаллий тушунчалар, атамалар, тушунчалар миқдори кескин камаяди.

Бошланғич синфлардаги таълим жараёнида баъзан ҳиссий-яққол ёки эмпирик умумлаштириш усули қўлланади ва бу иш албатта, топшириқнинг талабига биноан амалга оширилади. Нарса ва ҳодисаларни гуруҳларга ажратиш ва таснифлаш лозим бўлиб қолса,

кўпинча, шу усуллардан ҳам фойдаланиш тавсия қилинади.

Баён этилганлардан бошланғич синф ўқувчилари таълим жараёнида турли умумлаштириш ва мавҳумлаштириш усулларида фойдаланиши маълум бўлади. Уларнинг мавҳумлаштириш ва умумлаштириш фаолияти тўртинчи синфгача аста-секин мураккаблашиб миқдори ва сифати жиҳатдан ўзгариб боради.

Шундай қилиб, махсус ташкил этилган мавҳумлаштириш ва умумлаштириш усуллари ўргатиш болалар тафаккурининг ривожланишини янги босқичга кўтаради. Кичик мактаб ёшидаги ўқувчиларнинг тафаккур мантикий фикрлаш, мулоҳаза юритиш, ҳукм ва хулоса чиқариш, таққослаш, таҳлил қилишнинг турли усуллари қўллашдек ўзига хос хусусиятлари билан мактабгача ёшдаги болалардан ва ўсмирлар тафаккуридан кескин фарқ қилади. Болалар тафаккурида яққол образларга суяниб мулоҳаза юритиш, яъни яққол тафаккур мавҳум тафаккурдан маълум даражада устун туради ва уларнинг тафаккури ёш хусусиятига мутлақо мослигини кўрсатади. Таълим жараёнида тафаккур операцияларини, мустақил фикрлашни ўргатиш кичик мактаб ёшидаги ўқувчиларни камол топтиришнинг гаровидир.

3. Кичик мактаб ёшидаги ўқувчиларда ахлоқий тушунчаларнинг шаклланиши

Ёш авлодни ҳар томонлама етук, ахлоқли, одобли кишилар сифатида камол топтириш муҳим вазифадир. Маълумки ўқувчилар шахсини шакллантириш ишларини намунали йўлга қўйиш учун аввало уларнинг характер хислатларини қанчалик таркиб топганлигини аниқлаш мақсадга мувофиқдир. Ҳар бир ўқувчи ахлоқий тушунчаларни қандай ўзлаштирганини аниқламай улар билан яккама-якка муносабатга киришиш мумкин эмас.

Бошланғич синф ўқувчилари ишонувчан, ташқи таъсиротларга берилувчан бўладилар. Буюк алломаларимиз таъкидлаганидек, кишининг феъл-атвори ҳаммадан кўра кўпроқ ҳаётининг дастлабки йилларида таркиб топади ва унда шу даврда пайдо бўлган сифатлар мустақим ўрнатиб кишининг иккинчи табиатига айланади. Инсоннинг иккинчи табиатида ижобий ҳиссиётларни, фазилатларни таркиб топтириш, юксак ахлоқ нор-

маларини шакллантириш учун бутун масъулият бошланғич синф ўқитувчисининг зиммасига тушади.) Боланинг мазкур ёш даврида ўқитувчининг ҳар бир гапи, ҳар бир хатти-ҳаракати, таъсир кўрсатиш услуби унинг учун ҳақиқат мезони вазифасини бажаради. Чунки ўқувчилар ўқитувчиларига қаттиқ ишонадилар, унинг фикр-мулоҳазаларига қулоқ соладилар, педагогик назоратидан жиддий таъсирланадилар, талабларига ҳаммиша амал қиладилар, у берган топшириқларни беками-кўст бажаришга интиладилар. Ана шу даврда ўқитувчи учун: а) ўқувчиларнинг маънавиятига таъсир кўрсатиш, ижобий ҳис-туйғулари ва эзгу ниятларини қўллаб-қувватлаш; б) уларни атрофдаги кишиларга ёрдам беришга ундаш, тўғри мулоҳаза юритишга ўргатиш, номаъқул қилиқлардан тийиш, табиат манзараларини кузатишга ва мусиқа тинглашга одатлантириш; в) уларга нималар билан шуғулланиш кераклигини, бурч ҳиссини тушунтириш; г) улар билан ўқилган китобларни, кўрилган томошаларни муҳокама қилиш имконияти туғилади.

Ўқитувчининг ўқувчилар билан мазмунли суҳбатлар ўтказиши, уларни ғаройиботлар оламига олиб кириши, фаоллик сари етаклаши алоҳида аҳамият касб этади. Кичик мактаб ёшидаги ўқувчиларнинг ахлоқий сифатларини ривожлантиришда кўзланган мақсадга эришиш учун уларнинг ёши ва психологик хусусиятларини ҳисобга олиш шарф.

Маълумки, ўқувчиларнинг психологик хусусиятлари ҳар хил бўлиб, бир ўқувчига муваффақият билан қўлланган тарбиявий таъсир воситаси бошқа бирига қўлланилганда кутилган натижани бермаслиги мумкин. Тарбиявий тадбирлар ўқувчиларга яккама-якка ёндашиб амалга оширилса, яхшироқ самарага эришилиши, шубҳасиздир.

Мана шундай ёндашишда ўқувчи шахсининг хусусиятларига ва унинг муайян даврдаги психологик ҳолатига мос тарбиявий воситаларни танлаш ва янги воситаларни топишни талаб қилади. Бунда ўқитувчининг ўқувчиларга ғамхўрлиги, педагогик одоби, ўз хатти-ҳаракатининг натижасини олдиндан кўра олиши муҳим роль ўйнайди.

Мазкур вазифаларни амалга ошириш ўқитувчи ўқувчиларнинг хусусиятларини қанчалик ўрганганига боғлиқдир. Таълим жараёнида ҳар бир ўқувчининг

психик дунёсига оқилона йўл топа олиш муваффақиятларининг гаровидир.

Ўқувчилардаги мужассамлашган ахлоқий тушунчалар савиясини аниқлаш мақсадида уларга сентябрь ойининг 3-ҳафтасида махсус алоҳида саволлар берилди. Тажриба учун 2 та: «яхши» ва «ёмон» ахлоқий тушунча танлаб олинди. Улар кундалик турмуш шаронтида кенг қўлланадиган тушунчалар экани сабабли ўрганиш режалаштирилди. Ахлоқ худди шу сўзлардан бошланади, чунки уларнинг замирида инсоннинг мураккаб ахлоқий қиёфаси, хислати, барқарормаслиги ётади.

Тажрибада ўқувчиларга берилган саволлар уларнинг ёш хусусиятлари, билими ва турмуш тажрибаларини ҳисобга олиб тузилди.

Биринчи синф ўқувчиларига қуйидаги саволлар берилди: 1. Нима яхши-ю, нима ёмон? 2. Ўзидан катталарга савол берадиган, уларнинг айтганларини бажарадиган болалар қандай болалар? 3. «Хўп» деган яхшими ёки «йўқ» деган яхшими?» ва ҳоказо.

Биринчи саволга кўпчилик ўқувчилар «Қуён яхши, бўри ёмон», «Эчки яхши, бўри ёмон» дея жавоб қайтардилар. Ю. М. нинг жавоби бошқалардан кескин фарқланди: у мантиқий изчиллик билан ўз фикрини билдирди: «Эчки яхши — у сут беради. Тулки ёмон. У одамларни алдайди». Демак, у «яхши» тушунчаси учун муҳим белги сифатида инсонга фойда келтиришни танлаган бўлса, «ёмон» тушунчаси замирида эса «алдаш» аломати ётади. Алдаш салбий хислат эканлигини англаган, унинг ёмон иллатлигини пайқай олган ва ҳайвонларга (ҳатто, одамларга) зиён келтиришини асослаган. Ўқувчининг мулоҳазасидан биринчи саволга жавоб беришнинг ўзидаёқ синалувчилар ўртасида фарқлар бўлганлигини кўриш мумкин.

Иккинчи саволга ўқувчилар «Яхши болалар», деб умумий жавоб қайтарганлар. Мазкур саволга деярли барча болалар жавоб берган бўлсалар-да, лекин мулоҳаза юритиш кўламининг қамрови, жавобнинг фактларга бойлиги бўйича уларнинг жавобларида тафовут кўзга ташланади. Учинчи саволга айрим ўқувчиларнинг: «Хўп дейиш — яхши, у ёрдамлашади», «Хўп деган сўз яхши», «Йўқ деган — ёмон, у алдайди, топшириқни бажармайди», деб жавоб қайтарганлар.

Ўқувчиларнинг кўпчилиги мазкур саволлар бўйича мунозарада фаол қатнашдилар ва фикрларининг ра-

вонлиги, маълум даражада кенглиги билан бошқа тенгдошларидан ажралиб турдилар. Айниқса, Муҳайёнинг мулоҳазаси ҳар томонлама устунлигини кўрсатди. Аниқланишича, қизчанинг оилавий муҳитида бунга зарур шарт-шароитлар яратилган.

Биринчи синфдаги тажрибаларда ўқувчилар билдирган фикрлар билан улар ўзлаштирган ахлоқий тушунчалар орасида айрим тафовутлар мавжудлиги кўрилди.

Иккинчи синф ўқувчиларидаги ахлоқий тушунчалар савиясини аниқлаш учун уларга қуйидаги саволлар берилди: «Нима яхши-ю, нима ёмон?», «Одобли бола деганда қандай болаларни тушунасан?», «Одоб ҳақида қандай шеърларни биласан?»

Биринчи саволга кўп ўқувчилар «Катталарга қулоқ солиш, онасига ёрдамлашиш, дарсни ўз вақтида тайёрлаш яхши». Ёлғон гапириш, катталарни алдаш, дарс тайёрламаслик ёмон», «Чумчуқларни отмайдиган, ёлғон гапирмайдиган, катталарни ҳурматлаш — яхши». «Дафтар ва китобларни йиртиш — ёмон» дея жавоб қайтарди. Жавоблар иккинчи синф ўқувчилари биринчи синф ўқувчиларига нисбатан мантиқли ва мазмунли фикрлаш, фикрларни баён қилиш бўйича устунлигини кўрсатади. Уларнинг жавобларида «яхши» тушунчасининг моҳиятини кенгроқ ёритилди: қулоқ солиш, ёрдамлашиш, дарс тайёрлаш, чумчуқларни отмаслик, ёлғон гапирмаслик яхшилиги айtilди. Болалар «Ёмон» тушунчасини қиёсий таърифлаганларида: ёлғон гапириш, алдаш, дарс тайёрламаслик, китобларни йиртиш ва ҳоказоларга эътибор бердилар. Улар ўз фикрларини билдиришда бир-бирларини такрорламадилар. Лекин тушунчаларни тўғри англашларига қарамай, уларнинг моҳиятини очишда жавоблар муайян даражада фарқланди, аммо тажрибалар бир неча бор такрорлангач бу фарқ камайиши яққол кўринди.

Иккинчи саволга ўқувчи Умида: «Укасининг сочидан тортмайди. Тоза полни ифлос қилмайди», — деб Муборак эса «Одобли бола кўчага рухсатсиз чиқмайди, ўз вақтида чой ичади, уй ишларига қарашади, дарс тайёрлайди», — деб жавоб қайтардилар. Биринчи сингулунчининг жавобида чекланганлик борлигини кўрамиз: «сочдан тортмайди ва полни ифлос қилмайди». Келтирилган иккита намуна бир-биридан маълум даражада фарқланиб, у одоб ҳақидаги шеърлар келтирилганда янада ортади.

Тажрибада учинчи синф ўқувчиларига қуйидаги саволлар берилди: «Нима яхши-ю, нима ёмон?», «Энг гўзал нарса нима?», «Энг хунук нарса-чи?», «Одоб нима?».

Кўпчилик ўқувчилар биринчи саволга: «Одобли бола яхши, ёмон бола ёмон», «Одобли бола катталарга салом беради. Уларни ҳурмат қилади. Ёмон бола гап қайтаради. Кексалар ёмон болаларни ёқтирмайдилар». «Нон олиб келиш яхши. Айтганларини қилиш яхши. Пол артмаслик, уй супурмаслик — ёмон» каби жавобларни қайтардилар.

Мазкур ўқувчилар «яхши» ва «ёмон» тушунчаларини мураккаблашган шаклда қўллашга ҳаракат қилдилар ва одобли боланинг характер хислатини яна бойитдилар. Одобли бола салом беришини ва ҳурмат қилишини айтдилар. «Ёмон» тушунчасининг моҳиятини янада кенгайтириб: «у гап қайтаради, уни кексалар ёқтирмайди»,—дедилар. Умумий мулоҳазалардан ўқувчилар ўртасида маълум даражада тафовут бўлади, дея хулоса чиқариш мумкин.

Учинчи синф ўқувчиларининг айримларигина иккинчи ва учинчи саволларга жавоб бердилар: «Богда ҳар хил гулларнинг очилиши чиройли, гўзал. Шу гулларни сўрамасдан узиш, уларни синдириш хунук», «Мевалин дарахтларнинг баҳорда гуллаши жуда чиройли, лекин уларни юлш ва узиб ўйнаш хунук», «Тандирда ёпилган иссиқ нонлар чиройли», «Шу нонларни синдириб ерга ташлаш хунук» ва ҳоказо.

Юқоридаги саволлар психологик асосга эга бўлиб, улар ўқувчиларнинг ахлоқий тушунчаларини аниқлашга қаратилгани сабабли атроф-муҳит, ижтимоий ҳаёт, шахслараро муносабат юзасидан ҳар томонлама билимни талаб қилар эди. Бунда «яхши» ва «ёмон» тушунчалари «гўзал» ва «хунук» сингари ахлоқий тушунчалар билан уйғунлашиб кетган. Масалан, синалувчилар гулларнинг очилиши, дарахтларнинг гуллаши, иссиқ нонлар — чиройли; гулларни синдириш, узиб ташлаш, нонларни исроф қилиш — хунук, деган хулоса чиқардилар. Айтилган мулоҳазалардан кўриниб турибдики, синалувчилар тушунчаларнинг моҳиятини очишга ҳам ҳар хил ёндашадилар. Бизнингча, ўқувчилар мазкур тушунчалар юзасидан билдирган фикрлар мазмундорлигининг асосий сабаблари—ўқувчиларнинг табиатшунослик фанига қизиқиши, онгли ўқув мотиви, ақлий ишларининг фаоллигидир.

Ўчинчи синф ўқувчиларининг одоб тўғрисидаги фикр ва мулоҳазалари мазмуни, шакли ва тузилиши билан I ва II синф ўқувчиларининг фикр-мулоҳазаларидан фарқланади. Бунинг сабаби уларнинг турмуш тажрибаси кўлами кенгроқлиги, ёш хусусиятлари ва ақлий камолот даражаси юқорироқлигидир. Ёш даври хусусиятига боғлиқ фарқ билан бирга нарсага турлича қараш, ҳар хил ёндашиш, муаммо моҳиятини очиб бериш услуби бўйича ҳам фарқлар мавжуддир.

I—III синф ўқувчилари билан ўтказилган тажрибалар уларга ахлоқий тушунчаларни таркиб топтириш учун аввало ҳар бир тушунчанинг муҳим аломатини ажратишни, умумлаштиришни, иккинчи даражали белгиларни топишни ўргатиш зарурлигини кўрсатди.

Б Е Ш И Н Ч И Б О Б

ЎСМИРЛАР ПСИХИКАСИ

1. Ўсмирлар тўғрисида умумий тушунча

Ҳозирги даврда ўсмирларни тарбиялашнинг ўзига хос хусусиятлари, қонуниятлари, имкониятлари, хатти-ҳаракат мотивларининг ифодаланиши ва вужудга келишининг мураккаб механизмлари мавжуд. Шунинг алоҳида таъкидлаш керакки, ўсмирларни тарбиялашда уларнинг хусусиятларини тўла ҳисобга олган ҳолда таълимий-тарбиявий тадбирларни қўллаш шахслараро муносабатда англашилмовчиликни вужудга келтирмайди, синф жамоаси ўртасида илиқ психологик иқлимни яратади.

Турғунлик йилларидаги сўз билан ишнинг номувофиқлиги, ахлоқ тарбиясидаги қўпол хатолар ўсмирларнинг руҳий дунёсига салбий таъсир кўрсатди. Инсоннинг руҳий дунёсини тубдан қайта қуриш, тарбияни инсонпарварлаштириш ҳаракати бошланган ҳозирги кунда ўсмирлар тақдири масаласи ҳам ғоят жиддий тус олди. Ўсмирлик даври тақлидчанлиги, муқим нуқтаси назарнинг шаклланмаганлиги, ҳиссиётлилиги, мардлиги, тантилиги билан фарқланади. Шунинг учун ташқи таъсирларга берилувчан ўсмир ўғил-қизларга алоҳида эътибор бериш зарур.

Ўсмирлар муаммосига эътиборни кучайтириш зарурлигининг асосий сабаблари: 1) фан ва техника ривожланиши натижасида маданият, санъат ва адабиёт, иж-

тимой-иктисодий шарт-шароитларнинг ўзгараётгани; 2) оммавий ахборот кўламининг кенгайиши туфайли ўсмирлар онглилигн даражасининг кўтарилгани; 3) ўғил ва қизларнинг дунё воқеаларидан, табиат ва жамият қонунларидан, тарихдан етарли даражада хабардорлиги; 4) уларнинг жисмоний ва ақлий камолоти жадаллашгани; 5) ўсмирлар билан ишлашда гоёвий-сиёсий, ватанпарварлик ва байналмилал тарбияга алоҳида ёндашиш зарурлиги; 6) ошкоралик, ижтимоий адолат, демократия муаммоларининг ижтимоий ҳаётга чуқур кириб бораётгани; 7) ўқувчилар учун мустақил билим олиш, ижодий фикр юритиш, ўзини ўзи бошқариш, англаш, баҳолаш ва назорат қилишга кенг имконият яратилгани.

Ўсмирлик ёшида болаликдан катталиқ ҳолатига кўчиш жараёни содир бўлади. Ўсмирда психик жараёнлар кескин ўзгариши билан ақлий фаолиятида ҳам бурилишлар сезилади. Шунинг учун шахслараро муносабатда, талаба билан ўқитувчининг мулоқотида, катталар билан ўсмирларнинг муомаласида қатъий ўзгаришлар вужудга келади. Бу ўзгаришлар жараёнида қийинчиликлар туғилади. Булар аввало таълим жараёнида рўй беради: янги ахборот, маълумотларни баён қилиш шакли, услуби ва усуллари ўсмирни қониқтирмай қўяди. Ўқитувчининг янги мавзунини батафсил тушунтириши, дарслар маъруза шаклида олиб борилиши талабаларни зериктиради, уларда ўқишга лоқайдлик туғилади. Илгари ўқув материални маъносига тушунмай ёдлаб олишга одатланган ўсмир энди зарур ўринларни мантиқий хотира ва тафаккурга суянган ҳолда ўзлаштиришга ҳаракат қилади, ўзлаштирилган билимларни талаб қилинганда ўқувчи билан ўқитувчи ўртасида англашилмовчилик пайдо бўлади, талаба унга қаршилик кўрсата бошлайди. Одобли, дилкаш ўсмир кутилмаганда қайсар, интизомсиз, қўпол, серзарда бўлиб қолади. Катталарнинг йўл-йўриқларига, талабларига мулозимлик билан жавоб қайтариб юрган ўсмир уларга танқидий муносабатда бўлади. Унинг фикрича, катталарнинг талаблари, кўрсатмалари мантиқан ихчам, далилларга асосланган, етарли объектив ва субъектив омилларга эга бўлиши керак. Ўсмирда шахсий нуқтаназарнинг вужудга келиши сабабли у катталарнинг, ўқитувчининг қайғуриши, қийишига қарамай, ўзининг фикрини ўтказишга ҳаракат қилади. Унинг ўз қадр-

қиммати ҳақидаги тасаввури, нарса ва ҳодисаларга муносабати оқилоналикдан узоқлаша бошлайди, у айрим маълумотларни тушунтириб беришни ёқтирмайдиган бўлиб қолади. Серзардалик кундалик хатти-ҳаракатнинг ажралмас қисмига айланади. Ўсмир хулқидаги бундай ўзгаришлар тажрибасиз ўқитувчи ёки ота-онани қаттиқ ташвишга солади, асабийлаштиради ва уларнинг ўқувчига муносабатини ўзгартиради. Натижада келишмовчиликлар, англашилмовчиликлар келиб чиқади.

Айрим педагоглар ўсмирлик даври инқирози тўғрисида куйиниб гапирадилар, баъзи иллатларни танқид қиладилар ва уларнинг ижтимоий-психологик илдинини топишга интиладилар. Аслида эса ўсмирларга ёндашишда методологик камчиликка йўл қўядилар. Мазкур иллатларнинг олдини олиш чора ва тадбирлари тизимини ишлаб чиқа олмайдилар. Бу масалага тўғри ёндашиш айрим илмий тадқиқотларда асослаб берилган ва ўсмирлик даври инқирози ҳақида мулоҳаза юритишдан кўра, катталар билан ўсмирлар муомаласининг инқирози ҳақида гапириш тўғрироқ бўлади, деб хулоса чиқарилган.

Хўш, ўсмирнинг психик ўсишини ҳаракатга келтирувчи куч нима? Ўсмирнинг психик ўсишини ҳаракатга келтирувчи куч — унинг фаолиятини вужудга келтирган янги эҳтиёжлар билан уларни қондириш имкониятлари ўртасидаги қарама-қаршиликлар тизимининг намоён бўлишидир. Мана шу диалектик қарама-қаршиликлар ортиб бораётган жисмоний, ақлий ҳамда ахлоқий имкониятлар билан барқарорлашган, стереотипга айланган ташқи оламни акс эттиришнинг шакллари ўртасида содир бўлади. Вужудга келган зиддиятлар ва қарама-қаршиликларни психологик камолотни таъминлаш, фаолият турларини мураккаблаштириш орқали ўсмир шахсида янги психологик фазилатларни таркиб топтириш билан аста-секин йўқотиш мумкин. Бу давр инсоннинг камолоти юқорироқ босқичига кўтарилиши билан якунланади. Камол топиш ўсмирдан умумлаштириш, ҳукм ва хулоса чиқариш, мавҳумлаштириш, объектлар ўртасидаги ички муносабатларни ўрнатиш, муҳим қонун, қонуният, хосса, хусусият, механизм ва тушунчаларни англаш, ихтиёрий диққат, барқарор қизиқиш, онгли мотив ва мантиқий эслаб қолишни талаб қилади. Буларнинг барчаси фанларга доир билимлар тизимини вужудга келтиради, амалий кўникмаларни

шакллантиради, ўзини ўзи назорат қилиш, баҳолаш, англаш сингари хусусиятларни таркиб топтиради.

Мақтаб ва билим юртида оилада мустақил фаолиятга кенг имкониятлар бўлса, ўқувчи муайян вазифа ва топшириқларни бажара бошлайди. Натижада ўсмирнинг ижтимоий мавқеи ортиб, фаолияти такомиллашиб, психикаси ҳар томонлама ривожланиб боради.

Ҳозирги ўсмирлар ўтмишдошларига нисбатан жисмоний, ақлий ва сиёсий жиҳатдан бирмунча устунликка эга. Уларда жинсий етилиш, ижтимоийлашув жараёни, психик ўсиш олдинроқ намоён бўлмоқда. Шу сабабли бизда ўғил ва қизларни 10—11 дан 14—15 ёшигача ўсмирлик ёшида деб ҳисобланади.

Веналик психолог З. Фрейд ва унинг шогирдлари ўсмирлик даврини баҳолашда инсонга азалдан берилган қандайдир илк майл нишонаси сифатида вужудга келадиган ўз мавқеини белгилашга онгсиз интилишни энг муҳим асос деб ҳисоблайдилар. Бу интилиш гўёки худбинлик, бошқа кишиларни менсимаслик, пайдо бўлишга, атроф-муҳит билан келиша олмасликка, ҳатто низоларга олиб келар, онгсизлик эҳтиёжлари ва майллари шахснинг фаоллигини белгилар эмиш. Совет психологлари З. Фрейд назариясини мутлақо асоссизлигини таъкидлаб, ўсмирда имконият билан талабчанлик ўртасидаги келишмовчилик, ўзини кўрсатишга мойиллик ва ўз ички дунёсига қизиқишнинг намоён бўлиши билан характерланишини асослаб бердилар.

Айрим психологлар биогенетик ўсишнинг биологик омилларига, яъни жинсий етилишга алоҳида аҳамият берадилар. Уларнинг фикрича, ўсмирнинг психик жиҳатдан инқирозга етакловчи, ҳаяжонга солувчи субъектив ички кечинмалари ўғил ва қизларни танҳолик психологиясига тортар эмиш. Ўсмир учун характерли норозилик, қўполлик, қайсарлик, шафқатсизлик, тажанглик, гинахонлик, тажовузкорлик каби иллатлар жинсий етилишнинг маҳсули янги туйғулар, майллар, кечинмалар ўсмир хатти-ҳаракатида ҳукмрон бўлиб, унинг хулқ-атворини бошқаради деб тушунтирилмоқда. Ўсмирликнинг психологик қиёфаси, ҳолати, имконияти ягона соф биологик омилга боғлиқ эмаслиги ҳаммага аён.

Америкалик психолог Р. Кулен ўсмирлик даври ҳақидаги биогенетик назарияни қаттиқ танқид қилиб, ўсмирлик даври ижтимоий-ахлоқий категориядир, деган ғояни олға суради. Аммо нотўғри нуқтаи назар-

дан ўсмирликни биологик ва психологик категориядан ташқари, деб ҳисоблайди. Р. Куленнинг фикрича, ўсмирлик даврида учта асосий ижтимоий-ахлоқий тамоёнл мавжуд бўлиб, улар эмансипация (катталар таъсиридан қутулиш) ва мустақилликка эришиш, ҳаёт йўли ва касб-ҳунар танлашга жиддий муносабатда бўлиш, зарур ижтимоий-ахлоқий нормаларни ўзлаштиришдан иборатдир. Унинг фикрича, бола юқоридаги муаммоларга эътибор бермас экан, ўсмирлик даври қанча бўлишидан қатъи назар, у болалигича қолаверадн. Р. Кулен ўз назариясида биологик омилларни ҳам, ўсмирлик давридаги ўсишнинг психологик хусусиятларини ҳам ҳисобга олмайди, аксинча, уларни ба-тамом инкор қилади.

Психологларнинг фикрича, ўсмирларга реал ижтимоий турмуш шарт-шароитлари ва шахс фаолиятининг маҳсули деб қараш мумкин эмас, чунки ўсишнинг биологик ва психологик қонуниятларини инкор қилишга ҳаққимиз йўқ. Шунингдек, ўсмирлик даврининг муайян ҳеч ўзгармас хусусияти ва характеристикаси мавжуд эмас. Ўсмирлар ўртасидаги ўзига хос типологик фарқларни ижтимоий омилларнинг таъсири билан, таълим ва тарбия шароитларининг хусусиятлари билан изоҳлаш мумкин.

Шу билан бирга, ўсмирнинг жисмоний ўсиши хусусиятлари, жинсий етилишининг иқлим ва миллий-этнографик омиллари ҳам бор.

2. Ўсмирларнинг биологик ўсиши

Ўсмирлик инсоннинг балоғатга етиш даври бўлиб, ўзига хос хусусияти билан камолатнинг бошқа поғоналаридан кескин фарқланади. Ўсмирда рўй берадиган биологик ўзгаришлар натижасида унинг психик дунёсида туб бурилиш нуқтаси вужудга келади. Балоғат даврига 11 (12)—15 ёшли қизлар ва ўғил болалар кирадилар. Камолотнинг мазкур палласида жисмоний ўсиш ва жинсий етилиш амалга ошади.

Боланинг бўйи 11—12 ёшида 6—7 см, ҳатто 10 см гача ўсиши мумкин. Бироқ бу босқичда қизлар ўғил болаларга қараганда тезроқ ўсадилар. Ўсмир 13—14 ёшга тўлганда ҳар иккала жинс ўртасида бўйнинг ўсиши қарийб бараварлашади. Ун беш ёшга қадам қўйганда эса ўғил болалар қизларни ортда қолдириб

кетадилар. Шундан кейин то умрнинг охиригача ўсишда ўғил болалар устунлик қиладилар.

Ўсмирлик даврида бўй билан тана номутаносиб равишда ўсади, натижада болалар ориқ, нимжон ва узун бўйли бўлиб кўринадилар.

Ўсмирларда юракнинг ҳажми ва тириклик сигими ҳар йили 25 фоиз катталашиб боради. Бўйнинг жадал ўсиши ва тана оғирлигининг ортиши билан қон ҳамда кислородга эҳтиёж ҳам ортади, бу эҳтиёж юрак ҳажмининг кенгайиши ва функционал фаолияти кўрсаткичларининг бойиши эвазига таъминланади. Мазкур даврда тананинг умумий ҳажмидан 7—8 фоизини қон ташкил қилади, қон босими бирмунча ошади, симоб устунининг 110—115 мм даражасида бўлади. Юрак қисқаришининг частотаси бир қадар секинлашади, масалан, 11 ёшда дақиқада 85—90 марта урган бўлса, 14—15 ёшларда 70 мартагача пасаяди.

Юрак кенгайиши билан бирга қон томирлари ҳам йўғонлашади. Қон айланиши системасининг қайта қурилиши, вегетатив нерв системасидаги беқарорлик қон айланишини бузади ва ўсмирда баъзан қон босимининг ортиши рўй беради. Қон айланишининг ўзгариши қизларда оғирроқ кечади, чунки уларда юрак вазнининг ортиши олдинроқ бошланиб, олдинроқ якунланади.

Ўсмирлик даврида нафас олиш органлари жадал ривожланади. Упканинг тириклик сигими қуйидагича бўлади:

ўғил болаларда — 11 ёшда 1900—2000 мл; 15 ёшда 2600—2700 мм.

қизларда — 11 ёшда 1800—1900 мл; 15 ёшда 2500—2600 мл. Шунинг учун нафас олиш ҳар дақиқада 2 марта камаяди. Ўғил болалар қорин билан, қизлар эса кўкрак билан нафас ола бошлайдилар. Кўкрак қафаси, нафас олиш мускуллари тез ўса боради ва жинсий етилишни кучайтиради.

11—12 ёшдаги ўсмирнинг ички секреция безлари қайта қурилади. Гипофизнинг олд қисми ишлаб чиқарадиган гормонлар гадданинг ўсишини таъминлайди. Гипофизнинг ўрта қисми кучайиши сабабли пигментлар алмашилини ўзгаради, натижада соч қорайиши, юзларнинг оқариши намоён бўлади. Гипофиз билан бир қаторда қалқонсимон безнинг функцияси ҳам кучаяди. Қалқонсимон без ишлаб чиқарадиган тироксин гормони организмда модда алмашинуви ва энергия сарфини кескин орттиради. Марказий нерв системасида қўзға-

лувчанлик ўзгаради, натижада яққол ҳис-туйғулар ту-
рила бошлайди. Қалқонсимон без фаолиятининг куча-
йиши қўзғалувчанлик, асабийлашиш ва толиқилни
келтириб чиқаради. Бош мия қобигида тормозлан-
жараёнининг сусайиши шиддатли эмоционал кечинма-
ларни вужудга келтиради, хулқ-атворда парокандалик,
ғайритабiiйлик пайдо бўлади. Қалқонсимон без функ-
циясининг ўзгариши ва модда алмашинуvinинг бузи-
лиши сабабли ўсмирда семириш рўй беради.

Мазкур ёш даврида жинсий безлар фаолияти ку-
чаяди. Балоғатга етишнинг бирламчи ва иккиламчи
аломатлари ўса бошлайди: ўғил болаларда овоз ўзга-
ради, йўғонлашади, мўйлов ва соқол пайдо бўлади,
қизларда эса кўкрак безлари ривожланади ва ҳоказо-
лар. Натижада бошқа жинсга қизиқиш ортади, орзу,
хоҳиш, нозик туйғу, соғинч, изтироб каби кечинмалар
пайдо бўлади.

Ўсмирлар жинсий етилиш сирларининг 17 фоизини
ота-онадан, 9 фоизини ўқитувчилардан, 4 фоизини
мактаб врачидан ва қолган яширин жиҳатлари, ҳолат-
лари тўғрисидаги маълумотларни кўча-кўйдан, ўртоқ-
лари ва дугоналаридан эшитиб билиб оладилар. Ку-
тилмаган ҳолатлар ва маълумотлар уларнинг хатти-
ҳаракатини чигаллаштиради, яккалик оламига берилиш
бошланади, феъл-атворда айрим иллатлар пайдо бўла-
ди. Гоҳо ўсмирлар орасида ахлоқан тубанлашув ҳол-
лари рўй бериши мумкин. Уларни бундай қилиқлар-
дан, нопок гуруҳ ва тўдалардан халос этиш мақсадга
мувофиқдир.

Ижтимоий ҳаётда ярамас одатларни келтириб чи-
қарувчи анчагина манбалар бор: биринчидан, кино зал-
лари ва телевидениеда ўсмирларга тўғри келмайдиган
фильмларга рухсат қилиниши; иккинчидан, жамоат
жойларида ва кўча-кўйда катталарнинг ножониз қилиқ-
лар кўрсатишлари; учинчидан, таълимда биологик
ўсиш тўғрисида етарли билимлар берилмаслиги, тўр-
тинчидан, врачларнинг бу соҳада кенг кўламда иш олиб
бормаслиги; бешинчидан, ота-оналарда физиологик га
психологик билимлар етишмаслиги; олтинчидан, ўсмир
болалар ва қизларга мўлжалланган материалларнинг
камлиги ва ҳоказолар.

3. Акселерация назариялари

Ўсмирлик инсон шахсининг камол топишида алоҳида ўрин эгаллайди. У инсон камолотининг муҳим босқичи ҳисобланади. Ўсмирлик даврида ғоят катта аҳамиятга эга бўлган психологик ўзгаришлар рўй беради, боланинг муайян ижтимоий турмуш шароитида кейинги камол топиши учун зарур таълим-тарбия таъсирида барқарор, мустаҳкам из қолдирувчи ижобий хислатлар намоён бўлади. Тадрижий равишда изчил вужудга келаётган психик ўзгаришлар, шаклланаётган фазилатлар ва шахснинг ўсиши, аввало, мазкур ёшдаги ўғил-қизлар фаолиятларининг (етақчи ва ёрдамчи фаолият турлари: ўқиш, меҳнат ва ўйин кабилар назарда тутилади) хусусиятига бевосита боғлиқдир. Ўсмирнинг бошқа ёш давларидан фарқланадиган ўзига хос хусусиятлари мавжуд бўлиб, улар ҳис-туйғу ва иродавий сифатларда ўз ифодасини топади. Ўсмир кичик мактаб ёшидаги ўқувчидан фарқли равишда ҳаётни илк бор шахс сифатида фаол илмий билишда иштирок эта бошлайди, биринчи галда фақат нарсалар ва ҳодисаларнинг айрим аломатларини эмас, балки уларнинг умумий ва объектив қонуниятларини англаб етиш, тушуниш имкониятига эга бўлиб боради.

Шахснинг ҳар томонлама, уйғун ривожланишига меҳнат фаолияти салмоқли таъсир кўрсатади. Ўсмирларнинг синф ва мактаб ер участкасидаги меҳнат фаолияти ўз моҳияти билан зарур ахборот ва маълумотлар бериб, мураккаблашиб, уларнинг кучига куч, ғайратига ғайрат қўшиб, меҳнат самарасидан, маҳсулидан лаззатланиш ҳис-туйғуларини шакллантира бошлайди.

Ўсмирлик даврида ҳам ўйин фаолияти маълум вақтгача шахснинг камолотида ўз аҳамиятини сақлаб қолади. Жамоа бўлиб амалга ошириладиган ўйинлар ва уларнинг кенг кўламда ўтказилиши ўтиш даврида вужудга келадиغان қийинчиликларни енгиллаштиришга хизмат қилади. Ўйин фаолияти ўсмирда юксак ахлоқий ҳис-туйғуларни вужудга келтиради, матонатлилиқ, жасурлик каби фазилатлар шаклланиши учун қулай шароит яратади. Мазкур фаолият ўсмирнинг ақлий жиҳатдан ўсишига, фикр юритишига, ўз ҳис-туйғусини бошқаришига, жисмоний камол топишига туртки вази-фасини ўтайди. Ўйиннинг ҳар хили билан машғул бўлиш ўсмирни фаҳмлашга, эслаб қолишга, бирор ишни амалга оширишдан олдин уни режалаштиришга ва

диққатни бир нечта объектга тақсимлашга одатлантиради. Тийраклик, тезкорлик, фаросатлилик каби муҳим хусусиятлар, хислатлар ҳам ўйин ва спорт машғулотларида таркиб топади.

Ўсмир камолотга эришган сайин унинг психик дунёсида янги фазилатлар ва сифатлар пайдо бўла бошлайди, психикасида кескин қайта қуриш содир бўлади. Ўзгаришлар унинг олдига янги талаблар қўяди, бу эса ўз навбатида кўпроқ ҳуқуқ ва эрк берилишини, энг аввало мустақил қарорга келиш ва ўз хулқ-атворини мақбул деб ҳисоблаб амалга оширишни тақозо қилади. Психик такомиллашиш, камолотга интилиш, нисбий барқарорлик ўсмирлик даврининг энг муҳим хусусиятлари ҳисобланади.

Ҳозиргача балоғатга эришиш ва жинсий етилишнинг жадаллашиши тўғрисида бир бутун илмий назария мавжуд эмас. Шунинг учун ўсишдаги жадаллашув, яъни акселерация бўйича ҳам муайян назария яратилмаган. Ана шу боисдан ҳар хил илмий асосдаги, бири-биридан фарқли эътирозли қатор назариялар пайдо бўлган. Қуйида акселерация муаммосига оид қарашлар билан танишиб чиқамиз.

Гелиоген назарияси. Ушбу назария 1936 йилда чет эл олимлари томонидан яратилган бўлиб, унинг асосий моҳияти акселерация ҳодисаси қуёш нурининг бевосита таъсири билан вужудга келади, деган ғоядан иборатдир. Бу ғоя тарафдорларининг фикрича, болалар кўп вақт офтобда бўлиши натижасида уларнинг ўсишида тезлашиш, яъни акселерация рўй беради, чунки қуёш нури организмни зарур элементлар, моддалар, озиқалар билан таъминлайди. Аммо ҳозирги даврда акселерация ҳодисаси жанубий (қуёш нурлари сероб) мамлакатларда ҳам, шимолий жўғрофий кенгликка жойлашган мамлакатларда ҳам бир текис рўй бермоқда. Иккинчи томондан, шаҳар муҳитидаги қизлар ва ўғил болалар қишлоқ болаларига қараганда тезроқ вояга етиши кўрилмоқда, ваҳоланки, қишлоқ одамлари қуёш нурида кўпроқ тобланадилар. Демак, ҳозирги даврда гелиоген назарияси зиддиятларга сабаб бўлмоқда. Умуман офтобда тобланишни акселерация жараёнининг муҳим жиҳатларидан бири дейиш нотўғридир.

Гетерозия назарияси. Ун тўққизинчи аср охири йигирманчи аср бошларидан буён ижтимоий ҳаётда турмушда кескин ўзгаришлар содир бўлгани инсонлар ўртасидаги

ижтимоӣ, динӣ, миллий, ирқӣ тафовутларнинг камайишига олиб келди. Турли миллат вакилларининг аралаш никоҳга кира бошлагани бунга ёрқин мисолдир. Диний эътиқодлар, ирқӣ фарқлар, этник ва миллий хусусиятлар характер, анъаналар, урф-одатлар, маросимлар, расм-русум ва ҳоказолар аралаш никоҳга ҳеч қандай тўсиқ бўла олмади. Ҳаёт тарзи ҳар хил мамлакатларнинг халқларига хос хусусиятлар ҳам аралаш никоҳни тўхтата олмади. Аралаш никоҳга кириш тобора кенгаймоқда. Мазкур назарияга мувофиқ психик дунёдаги қайта қуришлар наслий белгилар кескин ўзгаришига сабаб бўлди, натижада фарзандларнинг ўсишида кучайиш, жадаллашиш, акселерация ҳодисаси вужудга келди. Бироқ мазкур муаммони илмий жиҳатдан атрофлича асослаб бериш учун юқорида таъкидланган омиллар етарли эмас. Шунга қарамай, гетерозия назарияси биологик ўсишда жадаллашиш жараёнини вужудга келтиришда алоҳида аҳамият касб этади.

Урбанизация назарияси. Ҳамяят ривожланишида шаҳарларнинг роли ортиши бу назарияга асос қилиб олинган. Ун тўққизинчи асрининг ўрталаридан бошлаб, қишлоқ аҳолисининг шаҳарга кўчиши (воқелик тариқасида) авж олди, яъни аҳоли орасида миграция ёки урбанизация ҳодисаси юзага келди. Шаҳарнинг турмуш тарзи, ўзига хос хусусиятлари, ахборот тармоқларининг кенглиги, маданият даражаси, фан-техника, транспорт, маиший хизмат каби омиллар болаларнинг ақлий, ахлоқӣ, жинсий жиҳатдан эртароқ вояга етишн учун зарур шарт-шароитлар яратди. Қишлоқ аҳолиси билан шаҳар халқининг яшаш муҳити ва турмуш шароитининг яқинлашиши акселерация жараёнига ижобий таъсир этди, лекин бу омилнинг ўзи акселерациянинг сабаби бўла олмайди.

Нутритив назария. Бу ғоянинг туб моҳияти шуки, ўсишдаги жадаллашиш (акселерация) одамларнинг овқатланиши яхшиланиши, истеъмол қилинаётган озуқаларда дармондорилар миқдорининг кўпайиши сабабли вужудга келади. Ушбу ғоя намоёндаларининг фикрича, В-6, В-12 дармондорилари ва фолиев кислотасини одамлар кўпроқ истеъмол қилиши мазкур ҳолат намоён бўлишининг асосий омилли эмиш. Табиийки, инсон ўсишининг жадаллашувида дармондорилар маълум даражада ижобий таъсир этиши мумкин, лекин мазкур омилларнинг ўзи акселерация учун муҳим ва ягона не-

гиз бўла олмайди. Шунинг учун тиббиёт ходимлари гигиеначилар, биологлар, физиологлар, психологларнинг айримлари бу ғояни қўллаб-қувватлайди. Шунинг учун таҳлил қилинаётган, шарҳланаётган илмий назария акселерация учун маълум туртки вазифасини ўтайди.

Нурланиш назарияси. Бу назария намояндаларининг фикрича, ер юзида рентген қурилмаларининг кўпайиши, атом, водород ва нейтрон бомбаларининг портлаши натижасида инсонда радиоактив моддалар, радиация нурланиши даражасининг сезиларли даражада ортишига олиб келади. Ер қуррасига тарқалган зарядлар билан инсон организмнинг нурланиши ўсишни кўнайтиради, яъни акселерация жараёни юзага келади. Шунинг учун бу назариянинг ҳимоячилари турли хусусиятга эга бўлган нурларнинг аниқ дозаси организмга таъсир этиши, тарқалиши емирилишга сабаб бўлмаса, инсоннинг жисмоний ўсиши жадаллашиши учун имконият яратар эмиш. Маълумки, меъридан ортиқ рентген нуридан фойдаланиш ҳам организм учун зарарлидир. Ана шу мулоҳазага асосланиб организм айрим қисмларининг ривожланиши нурлар билан боғлиқдир, деган хулоса чиқариш мумкин. Ҳатто, айрим илмий манбаларда пайвандлаш аппаратининг ёғдуси ҳам, чақмоқ нури ҳам организмга ижобий таъсир қилиши айтилади. Бироқ том маънодаги акселерация учун мана шу омилларнинг ўзи етарли эмас, албатта.

Ижтимоий шароитнинг яхшиланиши назарияси. Яшаш шароитларининг яхшиланиб бориши, кенг қўламда санитария ва гигиена тадбирларининг амалга оширилиши, овқатланиш сифатининг ортиши, ота-онадан фарзандга наслий белгиларнинг (генларнинг) бир текис ўтиши каби омиллар акселерация жараёнини тезлаштиради, деган фикр қатор мамлакатлардаги тадқиқотчилар орасида кенг тарқалган. Уларнинг талқинича турмуш шароитининг яхшиланиши, қулайликлар яратилиши турли имкониятларнинг ишга солиниши учун табиий замин тайёрлаши мумкин. Лекин мазкур назария амалий маълумотларни тўлиқ, атрофлича ифодалашни тақозо этади. Шунинг учун ушбу назарияда масалага ҳар томонлама ёндашиш яққол кўзга ташланади. Агар ижтимоий шароит чуқур ва илмий жиҳатдан ёритиб берилса, унинг таъсир кучи янада ортиши мумкин.

Ижтимоий акселерация назарияси. Бу илмий назария

риянинг асосчиларидан бири, йирик физиолог олим А. А. Маркосяндир. Унинг таърифлашича, ҳозирги кишилардаги билимлар ҳажмини йиғирманчи аср ярмидаги кишиларнинг билимлари ҳажмига таққослаш орқали болалардаги ўсиш жараёнини аниқлаш ижтимоий акселерация дейилади. Болалардаги акселерациянинг сабаби: биринчидан, ота-оналарнинг умумий савияси юксалгани, умумий ўрта таълимнинг амалга ошгани; иккинчидан ижтимоий турмушда ахборот воситалари тармоғининг кенгайгани, яъни радио, телевизор, театр, кино, концерт заллари, маданият марказлари, ўқувчилар саройлари ва уйлари, ёш техниклар ва табиатшунослар станцияларининг, улардаги иштирокчиларнинг кўпайгани; учинчидан китоб, журнал, маҳаллий матбуот кўлами ва сифатининг ўзгариши ва ҳоказолардир.

Бизнингча, мана шу омиллар қаторига шахслараро муносабатларнинг тўғри йўлга қўйилиши, одамларнинг оқилона, одилона мулоқотга ўргангани, жамоа ва гуруҳларда ижобий психологик муҳит яратилгани, асабийлашиш, парокандалик камайганини ҳам қўшиш мақсадга мувофиқдир.

Юқорида кўрилган акселерация назарияларини алоҳида олиб қаралса, мазкур жараёни тушунтириш имконияти тораяди. Шунинг учун уларнинг ижобий жиҳатларини танлаб муайян, тизимни барпо этиш ва шу яхлит тизимдан фойдаланиб, акселерациянинг моҳияти ва уни келтириб чиқарувчи омилларни тушунтириш мумкин.

4. Усмирлик ёшида шахснинг шаклланиши

Усмирлик ёши дунёқараш, эътиқод, нуқтаи назар, принцип, ўзлигини англаш, баҳолаш ва ҳоказолар шаклланадиган давр ҳисобланади. Кичик мактаб ёшидаги бола катталарнинг кўрсатмалари ёки ўзининг тасодикий, ихтиёрсиз орзу-истаклари билан ҳаракат қилса, ўсмир ўз фаолиятини муайян принцип, эътиқод ва шахсий нуқтаи назари асосида ташкил қила бошлайди.

Усмир шахсининг таркиб топишида ахлоқ, ўзига хос онг алоҳида аҳамият касб этади. Бунда ўқувчиларнинг ахлоқий тушунчаларни ўзлаштириши ва уларни турмушга татбиқ этиши муҳим роль ўйнайди. Умуминсоний хислатларни шакллантириш жараёни ўқувчи-

даги ишонч, ақида, нуқтаи назарнинг қарама-қаршиликларига дуч келади. Ўсмир шахсини таркиб топтиришда унинг атроф-муҳитга, ижтимоий ҳодисаларга, кишиларга муносабатини ҳисобга олиш лозим. Чунки ўсмирда муайян нарсаларга муносабат шаклланган бўлади. Ижтимоий турмушни кузатиш, ундаги инсон учун зарур кўникмаларни эгаллаш катталар хулқ-атворини таҳлил қилиш имкониятини яратади.

Натижада фавқулодда ҳолатларга катта ёшдаги одамларнинг тугган йўли ва услубини баҳолаш кўникмаси таркиб топа бошлайди. Ўсмир хулқ-атворини баҳолашда (рағбатлантириш ёки жазолашда) катталарнинг қатъиятлилиги, принципааллиги синчков ўқувчи томонидан таҳлил қилинади ва қўлланган тадбирнинг тўғри ёки нотўғри эканлиги яна бир марта текширилади.

Шунинг учун рағбатлантириш ва жазолаш усуллари оқилона, ўз вақтида қўлланиши керак. Психологик адабиётларда меҳнат билан жазолаш ўсмир психологиясида кескин ўзгариш ясаши ифодаланган. Маълумки, ҳамма ўқувчиларга меҳнатнинг қаҳрамонлик, яратувчилик эканлиги ўқитиб келинади. Фавқулодда меҳнатдан жазо сифатида фойдаланиш уларга мутлақо ёмон таъсир этади.

Психологлар ўтказган тадқиқотлардан кўринадики, ўсмирларнинг кўпчилиги қатъиятлилиқ, камтарлик, мағрурлик, самимийлик, меҳрибонлик, дилкашлик, адолатлилиқ каби маънавий, ахлоқий тушунчаларни тўғри англайдилар. Уларнинг турмуш тажрибасида фан асосларини эгаллаши натижасида барқарор эътиқод ва илмий дунёқараш таркиб топади, шулар замирида ахлоқий идеаллар юзага кела бошлайди.

Ўсмирларнинг идеаллари негизда орзу, мақсад ва уларни рўёбга чиқариш режалари намоён бўла бошлайди. Муайян касбга майл ва қизиқиш туғилади. Орзу-истаклар ранг-баранглиги билан бир-биридан кескин ажралиб туради.

Ўсмирлар мулоҳазасини тадқиқ қилиш уларда ахлоқий тушунчалар баравар таркиб топмаслигини кўрсатди. А. И. Малиованов ўсмирларни тўртта гуруҳга ажратади: 1) хатти-ҳаракатда ўзлари англаган ижобий қондаларга таяниб иш тутадиган, сўзи билан иши мос ўсмирлар; 2) ахлоқий тушунчалари қилиқларига мос келадиган ўсмирлар; 3) хатти-ҳаракатлари ахлоқий нормалар ҳақидаги билимлари билан ажралиб

турадиган, шу билимларга мос ҳаракат қилмайдиган ўсмирлар; 4) ўзлари биладиган ахлоқий талаблар билан кундалик хулқ-атворининг алоқасини тушунмайдиган ўсмирлар.

Илмий тадқиқотлар ва ҳаёт тажрибалари айрим ахлоқий тушунчаларни нотўғри тушуниб, шахснинг баъзи фазилатларини нотўғри баҳолаб, мустақилликка интиладиган, ўз иродасини намоён қилишга ҳаракат қиладиган ўсмирлар ўзларида салбий сифатларни ўстиришга уринишини кўрсатди. Ҳатто улар ўзларида шаклланган ижобий ҳислатларни йўқотишга ҳам ҳаракат қиладилар. Ўқитувчи ва ота-оналарнинг асосий вазифаси уларнинг нотўғри қарашларига зарба бериш ва ўсмирларнинг адашишларига йўл қўймасликдир.

Ўсмир ўғил-қизлар шахсининг камол топишида ўзини англаш муҳим аҳамиятга эга. Чунки ўзини англаш жараёнида ўзига баҳо бериш майли ва истаги ўзини бошқа шахслар билан таққослаш, ўзига бино қўйиш эҳтиёжи пайдо бўлади. Булар эса ўсмирнинг психик дунёсига, ақлий фаолиятига, теварак-атрофга муносабатининг шаклланишига таъсир қилади.

Ўсмирларда ўзини англашнинг ривожланиши шахсий хулқ-атворини тушунишдан бошланиб, ахлоқий фазилатини, характерини, ақлий имконият ва қобилиятини билиш билан якунланади.

Ўсмирда ўзини англаш ривожланиши учун еинф жамоаси ва оила аъзоларининг фаолияти муҳим аҳамиятга эга. Унинг хатти-ҳаракати, ўз кучига, майлига ёшига лойиқ ижтимоий муносабатлари, муайян муҳитда ўз ўрнини топишга интилиши ўзини англашнинг такомиллашувига пухта замин яратади.

Ўсмирларда ўзини англаш янги босқичга кўтарилгач улар ўзига хос ахлоқий намунани танлайдилар. Ўқувчи ўзига намуна бўлган шахснинг хулқ-атвори билан ўзининг хатти-ҳаракатини солиштиради ва ўзининг ижобий ёки салбий жиҳатларини англаб етади. Натижада унда ўзини ўзи тарбиялашга боғлиқ яна бир муҳим ҳислат вужудга келади. Ўсмир ўзини ўзи тарбиялашда ўсмир китоб қаҳрамонларидан, кинофильм иштирокчиларидан ўрнак олиб, гоҳо уларга тақлид қилиб, бутун ирода кучи ва характер ҳислатларини ишга солиб, ҳар хил хусусиятларни эгаллашга интилади ва бу йўлда учрайдиган тўсиқ ҳамда қийинчиликларни енгади.

/Ўсмирлик ёшида психологик жўҳатдан энг муҳим

хислат — вояга етиш ёки катталиқ ҳиссининг пайдо бўлиши алоҳида аҳамиятга эга. Катталиқ ҳисси ижтимоий-ахлоқий соҳада, ақлий фаолиятда, қизиқишда, муносабатда, кўнгил очиш жараёнида, хулқ-атворнинг ташқи шаклларида ўз ифодасини топади. Ўсмир ўз кучи ва қуввати чидамлилиги ортаётганини, билим савияси кенгаётганини англай бошлайди. Буларнинг барчаси унда катталиқ ҳиссини ривожлантиради. Унда ғашга тегадиган раҳбарликдан, ўринсиз ҳомийликдан, ортиқча назоратдан, зериктирадиган ғамхўрликдан холи бўлиш истаги вужудга келади. Мазкур жараён ўз навбатида катталар билан муносабат ва мулоқотда нохуш кечинмаларни пайдо қилади. Синф жамоаси ва оила аъзолари ўртасидаги муносабатларни ўзгартиришгина катталар билан ўсмирлар орасидаги «англашилмовчилик ғови»ни йўқотади.

Ўсмирлар билан муносабатда уларнинг мустақиллиги, фаоллиги, ташаббускорлиги, ўзини бошқаришини ҳисобга олиб, ортиқча ҳомийлик, ғамхўрлик қилмаслик ижобий самаралар беради.

Ўсмирлик даври хусусиятларини тадқиқ қилган Д. Б. Эльконин ва Т. В. Драгуновнинг таъкидлашича, ўғил ва қизларнинг бу ёшда ўртоқлари билан муносабатларга интилиши, тенгдошлари жамоасининг ҳаётига қизиқиши ёрқин намоён бўлади.

Ўсмирларнинг ўртоқлик ва дўстлик туйғулари ўзаро муносабатларини ўрганган И. В. Страхов, уларнинг ўзаро муносабатларини учта шаклга: улфатчилик, ўртоқлик ва дўстликка бўлади. Ҳар бир юксак туйғунини психологик жиҳатдан таърифлаб, уларнинг ривожланишини баён қилади, юксак, инсоний туйғуларнинг шаклланиш суръати, барқарорлиги ўғил болалар билан қизларда бирмунча фарқланишини таъкидлайди.

В. А. Крутецкий ва Н. С. Лукиннинг фикрича, ҳақиқий ўртоқлик ва чинакам дўстлик — мардонавор ўртоқлик ва талабчан дўстликдир. Бундай ўртоқлик ва дўстлик амалий ёрдамни ва ўртоғининг хатоларини тўғри, самимий ва очиқ танқид қилишни тақозо этади.

Ўсмирнинг синф жамоаси ҳаётида фаол қатнашиш учун интилиши ғоят катта аҳамиятга эга. Синф жамоаси аъзоларининг ўзаро ёрдам, бирдамлик, ҳамдардлик, бўйсунуш одати, шахсий ҳамда ижтимоий қизиқишлари ривожланади.

5. Ўсмирнинг ақлий камолоти

Ўсмирларнинг жисмоний ўсиши ва жинсий етилиши уларнинг психикасида кескин ўзгаришларни вужудга келтиради. Ўқув фанларининг кўпайиши, ахборотлар, тармоғининг кенгайиши уларнинг фикр юритишини жадаллаштиради. Кичик мактаб ёшидаги болаларда эндиёна ривожланиш босқичига кўтарилган интеллект ўсмирлик даврида янада такомиллашади. Таълим жараёнида уларда материалларни таҳлил ва синтез қилиш, муаммонинг моҳиятига тушуниш жадал суръатлар билан ўсади. Тафаккурнинг ривожланиши интеллектни қўшимча маълумотлар билан бойитади.

Маълумки, арифметикадан алгебрага ўтиш умумлаштиришнинг юқори босқичига кўтарилганини билдиради. Бинобарин, мазкур ҳолатда мавҳумлашган сонлар қайтадан мавҳумлаштирилади, олдин умумлаштирилган нарса ва ҳодисалар қайтадан умумлаштирилади ва натижада «мавҳумни мавҳумлаш», «умумлашмани умумлаштириш» деган илмий тушунчалар вужудга келади.

Ўсмир ўқувчилар ўрганаётган фан асослари, аввало уларнинг мавҳум тафаккурини ўстиришга қаратилади. Унинг ақлий фаолияти хусусиятларидан бири — мавҳум тафаккурнинг ривожланишидир.

Мактаб таълими ва мустақил билим олиш фаолияти таъсири остида ўсмирда аналитик-синтетик фаолият жадал суръат билан ривожлана бошлайди. Шунинг учун унда сабаб ва натижани изоҳлаш ўқуви мустаҳкамланиб боради. Ўқувчи материалларнинг муҳим белгиларини ажратишга, кенг маъноли умумлаштиришни амалга оширишга ҳаракат қилади. Таълим жараёнида анчагина мавҳум тушунчалар, масалан, математикада — нуқта, чизиқ, тенглик..., физикада — куч, солиш-тирма оғирлик, тезлик, ампер, вольт..., географияда — экватор, қутб, кенглик, узунлик, зона, плато..., тарихда — қул, давр, шахсий мулк, бойлик, эксплуатация ва ҳоказолар вужудга келади.

Ўсмирлик даврида ўқувчиларда аналитик-синтетик фаолият етарлича ривожланмагани, фикр юритиш усуллари тўлиқ эмаслиги учраб туради. Шунинг учун геометрик масалани ечиш усулини ёки исботлаш йўлини кўрсатиб берилмаса, қийинчиликлар туғилади, ўқувчилар масалани энг оддий усулда «таваккал»ига еча бошлайдилар.

Ўсмирлар фикр юритиш фаолиятининг хусусиятларидан бири — яққол-образли, кўрсатмали тафаккур таркибининг муҳим роль ўйнашидир. Уларда мавҳум тафаккур ўсиши билан яққол-образли тафаккурнинг таркибий қисми мутлақо йўқолиб кетмайди, балки сақланиб қолади ва ривожланади ҳамда тафаккурнинг умумий структурасида муҳим роль ўйнайди.

Ўсмирнинг энг муҳим хусусиятларидан яна бири мустақил фикрлаш, ақлнинг танқидийлиги тез ривожланишидир. Бу эса кичик мактаб ёшидаги ўқувчидан фарқли ўлароқ, ўсмирнинг ақлий фаолиятида янги давр бошланганини билдиради.

Мактаб таълимининг бевосита таъсири билан ўсмирда ўзини англаш жараёни ривожлана бошлайди. У ўзининг фикрига, мустақил қарашига, бирор масала юзасидан ўз мулоҳазасига эга бўлиши учун ҳаракат қилади. Шунинг учун ўқитувчи ёки ота-онанинг айтганларига, китоб ва дарсликларга танқидий нуқтаи назардан қарайди. Кўпинча ўқитувчининг мулоҳазасидан, дарсликдан хато ва камчиликларни топишга интилиб, ўз гапида туриб, айрим фикрларга қатъий эътироз билдиришга, тортишишга ва баҳслашишга мойил бўлади.

Ақлнинг танқидийлиги айрим ҳолларда ўқитувчи билан ўқувчи ўртасида «англашилмовчилик ҳови»ни вужудга келтиради. Ақлнинг «танқидийлиги» ўсмирнинг асосий хусусиятларидан бири бўлиб, у ўзгалар фикрини турли баҳоналар, сабаблар билан йўққа чиқаришга қаратилган бўлади.

Тафаккурнинг мустақиллиги инсон учун жуда катта аҳамиятга эга. Ўқитувчи дарс жараёнида ва дарсдан ташқари вақтларда, ҳар қандай оғир шарт-шароитларда ҳам турли усуллар билан бу хислатни қўллаб-қувватлаши, унинг ривожланиши учун имконият яратиши керак. Шунинг ҳам эсдан чиқармаслик лозимки, дастлабки даврда ўсмирнинг нуқтаи назарини, мулоҳазаларидаги хатоларини, муваффақиятсизликларини ёмонлаш, уни изза қилиш, иззат-нафсига тегиш, масхара-лаш мутлақо мумкин эмас. Акс ҳолда ўсмир ақлнинг ажойиб сифати барбод бўлади ва унинг ўзи жамият ҳамда табиат қонунларига, ҳолатларига бефарқ қарайдиган шахсга айланиб қолади.

Ўқитувчи ўқувчининг ақл-заковатини тўғри ривожлантириш учун ҳар бир имкониятни тўла ишга солиши: 1) ўсмирларга тўғри таърифлашни, таҳлил қи-

лишни, таққослашни; материалларни мавҳумлаштириш ва умумлаштиришни ўргатиши; 2) уларга ўз фикрини тўғри, равон ва аниқ ифодалаш йўлини тушунтириб бериши лозим. Мустақил равишда ҳукм ва ҳулоса чиқариш, мулоҳаза юритиш каби ақлнинг турли шаклларида фойдаланиш ўсмирларда ақлий фаолият кўникма ва малакаларни ўстиради, натижада жадал ривожланиш палласи амалга ошади.

Юқоридаги вазифаларни бажариш учун аввало ўсмирлар олдида турли объектларни мустақил ҳолда таққослаш, улардаги ўхшаш ва тафовутли жиҳатларни топишни юклаш керак. Бунинг учун уларнинг диққатини қуйидаги саволларга жавоб беришга қаратиш мақсадга мувофиқдир: «Бу ҳолатда қандай умумийлик мавжуд?», «Ушбу нарсалар қайси белги ва жиҳатлари билан бир-биридан фарқланади?» «Мазкур нарсалар ва ҳодисалар ўртасида қандай ўхшашлик белгиси бор?» ва ҳоказолар.

Ботаника дарсларида ўқувчиларга мох (йўсин) билан сув ўтини, замбуруғнинг пояси билан илдизини таққослашни тавсия этиб; поянинг илдиздан, споранинг уруғдан нимаси билан фарқланишини аниқлашни топириш фойдалидир.

Ўсмир ақл-заковатини камол топтириш учун уларга доимо мантиқий тафаккур усуллариини ўргатиб бориш зарур. Бунда мантиқий хатоларни тузатиб боришни асло ёддан чиқармаслик керак. Ўсмирда тўғри мантиқий фикрлашни ривожлантиришда она тили ва адабиёт ўқитувчисининг роли жуда муҳимдир. У ҳамма вақт ўқувчиларга тўғри жумла тузишни, равон мулоҳаза юритишни, фикрлашни, ёзишни ўргатиб боради.

6. Тарбияси қийин ўсмирлар

Ўқитувчилар жамоаси ҳар қанча уринишидан қатъи назар, таълим жараёнида тарбияси қийин ўсмирлар ҳам учраб туради. Ҳозирги даврда бундай ўқувчилар билан яккама-якка ишлаш усули яратилган, феъл-атвордаги нуқсонларнинг хатти-ҳаракати носоғломлигининг олдини олиш ва тузатиш йўллари илмий асосда ишлаб чиқилган. Тадқиқотларнинг кўрсатишича, тарбияси қийин, инжиқ, ҳулқи салбий болаларнинг келиб чиқишининг ижтимоий сабабларидан ташқари, педагогик ва психологик сабаблари ҳам мавжуд. Ўқувчи-

ларда ножўяхатти-ҳаракатлар пайдо бўлишининг сабаблари ва турткилари ҳар хилдир. Қонунни бузиши ёки қондага хилоф иш қилиши даражасига қараб тарбияси қийин ўсмирлар жиноий қонунбузар ва оддий қондабузар (тартиббузар) гуруҳларга ажратилади.

Шахснинг биологик ўсишидаги нуқсонлар, сезги органларининг камчиликлари, ўқишга салбий таъсир этувчи олий нерв фаолияти ва темпераментдаги қусурлар тарбияси қийинларни келтириб чиқаради. Шахснинг психик ўсишидаги камчиликлар, чунончи, ақл-идрокнинг заиф ривожлангани, ироданинг бўшлиғи, ҳиссиётнинг кучсизлиғи, зарур эҳтиёж ва қизиқишларнинг мавжуд эмаслиғи, ўсмирнинг интилиши билан мавжуд имконияти ўртасидаги номутаносиблик ва ҳоказолар хатти-ҳаракатни издан чиқаради. Шахснинг фазилатлари таркиб топишидаги нуқсонлар: ахлоқий ҳисларнинг етишмаслиғи, ўқитувчи, синф жамоаси, оила аъзолари билан нотўғри мулоқот, ишёқмаслик, бўш вақтни тўғри тақсимламаслик ва бошқалар ҳам салбий қилиқларни вужудга келтиради. Шахснинг билим, ўқув фаолиятидаги камчиликлари: ақлий фаолият усулларидан кенг фойдалана билмаслик, энг муҳим билим, кўникма ва малакаларни эгаллашдаги узилишлар; мактаб фаолиятидаги: ўқитишдаги нуқсонлар, тарбиявий чора ва тадбирлардаги хатолар ҳам шулар жумласига киради. Мактабдан ташқари муҳитнинг таъсиридаги нуқсонлар, чунончи, оилада педагогик-психологик билимларнинг етишмаслиғи, оилавий низолар, ажралиш, ота-онанинг ичкиликка ва шахвоний ҳаётга берилиши, балоғатга етмаган тенгқурларининг таъсири, маданий-маърифий ишлаб чиқариш жамоалари ҳамда жамоатчилик қуршовидаги камчиликлар ҳам тарбияси қийин ўсмирлар кўпайишига сабаб бўлади.

Тарбияси қийинларни ўрганишда кинолавҳалар, юридик варақа, ишонтириш, рағбатлантириш, бўйсундириш, қўрқитиш, «сунъий қийин ҳолатни яратиш» сингари усуллардан фойдаланилади. Шулардан айримларининг моҳиятига қисқача тўхталамиз.

Одатда новелла, воқеий, ҳикоя, саргузашт, очерк каби адабий асарлардан фойдаланиш ўсмирлар хатти-ҳаракатининг сабабларини ўрганишда яхши самара беради. Ўқитувчи, синф раҳбари ёки ички ишлар ходимлари томонидан тарбияси қийин ўсмирларга те-

гишли асардан парча ўқиб берилади, сўнг уларда қандай қўзғалиш ёки таъсирланиш пайдо бўлаётганлиги кузатилади. Тажриба қондасига биноан, ўқилган парчада ўсмирларнинг саргузашти, ажойибот ва ғаройиботлар ўз аксини топиши шарт.

Агар усул ўзининг ижобий натижасини кўрсата олмаса, бошқа воситаларни қўллаш мақсадга мувофиқдир. Навбатдаги босқичда улардан ўқилган асар персонажи ёки бош қаҳрамонининг ўрнида бўлганида қандай иш тутиши сўралади. Шу йўл билан ҳар бир ўсмирни қандай ҳодисалар қизиқтириши ва унда қандай салбий хатти-ҳаракат ёки иллат мавжудлиги аниқланади. Ўқитувчи ўқувчилар билан мулоқотда ҳар бир ўсмирдан асариинг бош образи ёки персонажига муносабатини сўраши лозим. Чунки шахсий мулоҳазалар заминидан ўсмирнинг руҳий дунёсидаги турли кечинмалар акс этади. Шу туфайли уларнинг ножўя хатти-ҳаракатлари нималар билан боғлиқ эканлиги ўқитувчига аён бўлади.

Тажриба ўтказишда матни ўқиладиганда психологик паузага, равон оҳангга, ўқиш суръати ва ритмига алоҳида эътибор бериш лозим. Ана шу қондаларга рноя қилинсагина матнинг таъсири ортади, ўсмирдаги муайян кечинмаларнинг ташқи ифодаси тез кўрилади. Ўсмирлар хусусиятига мос матиларни танлаш, уларнинг ҳажмига ва мазмунига эътибор бериш алоҳида аҳамият касб этади. Танланган матилар тарбияси қийин ўсмирларнинг ўзига хос ва ёш хусусиятларига, ички имкониятларига мутлақо мос бўлиши шарт.

Қонунбузарликнинг сабабини аниқлаш усуллари-дан яна бири — сюжетли фотосуратлар ёки расмлар билан тажриба ўтказишдир. Бунинг маъноси ва мақсади ўсмирларнинг салбий хатти-ҳаракатларини келтириб чиқарадиган қандай мотивлар мавжудлигини, шунингдек, улар қайси таъсирларга осонроқ берилишини аниқлашдир.

Тарбияси қийин ўсмирлардаги хусусиятларни ўрганишнинг яна бир йўли алоҳида-алоҳида суҳбат ўтказиш орқали уларнинг руҳий кечинмалари билан танишишдир. Суҳбат кезида яхши ва ёмон ҳўлқ-атвор, хатти-ҳаракатлар юзасидан кенг маълумотлар тўпланади. Мазкур жараёнда амалга ошириладиган ҳар хил хатти-ҳаракатларни баҳолаш, уларни шарҳлаб бериш лозим. Хатти-ҳаракатни баҳолашда ўсмирга қўйил-

ган айб ётан олинади ёки мутлақо у инкор этилади. Бироқ ўтказилган суҳбатлар ўсмирнинг психик дунёсига шундай нозик таъсир қилиши керакки, натижада унда виждон азоби, ўнғайсизлик туйғуси вужудга келсин. Ўсмир шахсиятига тегадиган муомала қилиш ман этилади. Ҳамма вақт суҳбат давомида илиқ психологик иқлим, дўстона муносабат, қулай микромуҳит бўлмоғи шарт. Фақат шундагина мавжуд имкониятлардан унумли ва самарали фойдаланиш мумкин. Ўсмирлар билан суҳбат орқали уларнинг келажак режалари, орзу-умидлари, интилишлари, жисмоний ва ақлий меҳнатга роққлиги аниқланади.

Ўсмирларнинг типологик хусусиятларига биноан бир нечта шартли гуруҳга ажратиш мумкин.

Тарбияси қийин ўсмирларнинг биринчи гуруҳи орсиэлар ёки субутсиэлар дейилади. Улар ўз хатоларини билиб туриб қонун ва қоидаларни бузадилар, номаъқул ишларни қиладилар. Кўпинча улар ўзларининг гуноҳкор эканликларини тан олмайдилар, мактабдаги айрим камчиликларни танқид қиладилар. Лекин ютуқларни эътироф қилишни хоҳламайдилар. Шахсий фикрларини бошқа кишиларга маъқуллашни ва ўз талабларини ўзгалар сўзсиз бажаришини жуда ёқтирадилар. Бундай болалар бетга чопар, ўжар табиатли, раҳм-шафқатсиз, «зўравон» бўладилар. Мустақил фикрга эга бўлмаган тенгдошларини ўз атрофларига тўплайдилар ва биргаликда тартиб бузишга ундайдилар.

Иккинчи гуруҳга мансуб тарбияси қийин ўсмирлар яхши ва ёмонни тушунадилар, бироқ мустақил этиқодга, барқарор юксак ҳис-туйғуга эга эмасликлари сабабли «орқа қаноат»да туриб қоидаани бузадилар. Уларнинг ҳатти-ҳаракатлари тасодифий воқеликка, таъсир кучига ва вазият хусусиятига боғлиқдир. Улар ташвиқотга тез бериладилар, барча нарсаларга ишонадилар, қайси йўлга кириб қолганликларини англаб етадилар, бироқ «компания» фикрига қарши боришга ботина олмай кўнгилсиз ишларга қўл урадилар. Кўпинча тартиббузарлар қилмишларига тазба қилиб, синф жамоаси аъзоларини ишонтирадилар, лекин маълум фурсат ўтгандан сўнг берган ваъдаларини бутунлай унутадилар.

Учинчи гуруҳга мансуб тарбияси қийин ўсмирлар шахсиятпарастлик туфайли қонунбузарлик, тартиб-

бузарлик йўлига кириб қоладилар. Улар шахсий та-
лаблари ва эҳтиёжларини қондириш учун ҳар қандай
ножўя хатти-ҳаракатдан қайтмайдилар, ҳамиша одам-
ларга яхшилик қилишни орзулайдилар, бироқ ўзларни-
нинг шахсий манфаатларини ижтимоий манфаатдан
юқори қўядилар. Ўзларининг хоҳишларини таққилан-
ган усуллар билан амалга оширадилар, сўнг қилмиш-
ларига афсус-надомат чекадилар, руҳан эзиладилар.
Лекин мазкур кечинмаларни тез унутадилар, уларнинг
шахсий эҳтиёжлари ҳар қандай юксак ҳислардан,
хоҳишлардан устун туради. Ахлоққа хилоф хатти-
ҳаракатлар ачиниш ҳисси тарзида намоён бўлади,
холос.

Инжиқ табиатли ўсмирлар тўртинчи гуруҳга ман-
суб бўлиб, улар синф жамоасида ўз ўринларини топа
олмаганидан қайғурадилар. Бундай ўқувчилар гина-
хон, аразчи бўладилар, шунинг учун синф жамоасида
камситилаётгандек кечинмалар билан яшайдилар.
Бундай ҳолатнинг вужудга келишига асосий сабаб
шахсий имкониятлардан кўра интилиш, майл ва обрў
кетидан қувишнинг устунлигидир. Улар жамоа аъзо-
ларининг ҳурматига сазовор бўлишни хоҳлайдилар.
Кўпинча тундлик билан иш тутадилар, бирор нарсага
хайрихоҳликлари яққол кўзга ташланмайди. Тушқун-
лик кайфияти, умидсизлик, ўз имконияти, ақлий қув-
ватига ишончсизлик уларга хос хусусиятлардир. Улар
қонун ва қоидаларни бузишга астойдил ҳаракат қил-
масалар-да, таълим ва тарбия жараёнида қийинчилик
туғдирадилар.

Тарбияси қийин ўсмирларнинг хатти-ҳаракатларини
ижобий йўналишга буриб юбориш учун уларда масъу-
лият, ғурур, жавобгарлик, ишонч каби юксак ҳислар-
ни таркиб топтириш лозим. Бунинг учун уларга ёши,
кучи, қобилияти ва қизиқишларини ҳисобга олиб, топ-
шириқлар бериш айти муддаодир. Уларга кичик жа-
моани, спорт секциясини, тирик бурчакни бошқариш
вазифасини ишониб топшириш натижасида салбий
феъл-атворларини камайтириш мумкин. Уларни ўзлари
қизиққан тўғаракларга жалб қилиш орқали ўқишга
салбий муносабатлари аста-секин йўқотиб борилади.

Тарбияси қийин ўсмир ўқувчиларни қайта тарбия-
лаш учун қуйидагиларга эътибор бериш керак.

Тарбияси қийин ўсмирларни келтириб чиқарувчи
сабаблар мажмуаси.

I. Шахснинг биологик нуқсонлари:

- а) сезги органларининг камчиликлари;
- б) ўқишга салбий таъсир этувчи олий нерв фаолияти ва темперамент хусусиятларининг мавжудлиги;
- в) психопатологик ожизликлар.

II. Шахснинг психик камолотидаги камчиликлар:

- а) ақлнинг бўш ўсганлиги;
- б) ироданинг заифлиги;
- в) шахсда ҳиссиётнинг кам ривожлангани;
- г) зарур эҳтиёж ва билишга қизиқишлар мавжуд эмаслиги;
- д) ўсмирдаги интилиш билан имкониятларнинг номутаносиблиги.

III. Шахснинг тарбиясидаги нуқсонлар:

- а) ахлоқий хислатларида учрайдиган камчиликлар;
- б) ўсмирнинг ўқитувчи, синф жамоаси ва оила аъзолари билан мулоқотидаги заифликлар;
- в) меҳнат тарбиясидаги нуқсонлар;
- г) бўш вақтни тақсимлашдаги хатолар.

IV. Шахснинг билим олиш фаолиятидаги камчиликлари:

- а) билимлар, махсус кўникмалар ва малакаларни эгаллашдаги узилишлар;
- б) таълим жараёнида ақлий меҳнат усуллари ва операцияларининг етишмаслиги.

V. Мактаб таълими ва тарбиясидаги камчиликлар:

- а) таълим жараёнида билимлар ва хатти-ҳаракатларни адолатсиз баҳолаш, дарслик ва ўқув қўлланмаларига нисбатан англашилмовчиликлар, синфда қолдириш ва ҳоказолар;
- б) мактаб тарбиявий ишларидаги камчиликлар (ўқитувчининг ўсмирга хайрихоҳ эмаслиги, ўқувчининг яқкаланиши, ўқитувчилар ва ўқувчилар жамоасидаги нуқсонлар, педагогик қаровсизлик, ўз ўрнини топа олмаслик ва бошқалар).

VI. Мактабдан ташқари муҳитдаги нуқсонлар:

- а) оилада педагогик ва психологик билимларнинг етишмаслиги;
- б) оиланинг бузилиши ва оилавий низолар;
- в) ота-она ёки оила аъзоларининг шахвоний ҳаётга ва ичкиликка берилиши;

г) оила аъзолари ўртасида судланган одамнинг учраши;

д) тенгқурларининг салбий ишларга (ҳақорат қилишга, ичишга, чекишга, қўли эгриликка) ўргатиши ва ҳоказо;

е) маданий-маърифий, ишлаб чиқариш ва жамоатчиликнинг камчиликлари.

ОЛТИНЧИ БОБ

ИЛК ЎСПИРИНЛИК ЁШИНING ПСИХОЛОГИК ХУСУСИЯТЛАРИ

Илк ўспиринлик ёши даврига 15-18 ёшлардаги (IX—XI синф ўқувчилари) кирадилар. Бу даврда ўқувчи жисмонан бақувват, ўқишни тугатгач, мустақил меҳнат қила оладиган, олий мактабда ўзини синаб кўрадиган имкониятга эга бўлади, маънавий жиҳатдан етукликка эришади. Ўспирин 16 ёшида мамлакат фуқароси ва 18 ёшида эса сайлаш ҳамда сайланиш ҳуқуқига эга бўлади. Буларнинг барчаси ўспиринга фуқаро сифатида ижтимоий жиҳатдан вояга етиши, ҳаётда ўз ўрнини топиши, ўз тақдирини ўзи ҳал қилиши ва етук шахс сифатида маънавий ўсиши учун жамики шарт-шароитларни яратади.

Илк ўспириннинг шахси ижтимоий ҳаётда, мактаб жамоасида, тенгқурлари билан муносабатларда эгаллаган мутлақо янгича мавқеи таъсирида, ўқиш ва турмуш шароитидаги ўзгаришлар таъсирида таркиб топа бошлайди.

Мазкур даврнинг яна бир хусусияти — меҳнат билан таълим фаолиятининг бир хил аҳамият касб этишидан иборатдир. Мавжуд шарт-шароитлар таъсири остида ўспириннинг ақлий ва ахлоқий жиҳатдан ўсишида ўзига хос ўзгаришлар, янги хислат ва фазилатлар намоён бўлади. Юқори синф ўқувчилари ижтимоий ҳаётдаги долзарб вазифаларни ҳал қилишда фаол иштирок эта бошлайдилар. Ижтимоий ҳаётда фаол қатнашиш, таълим характерининг ўзгариши йигит ва қизларда илмий дунёқараш, барқарор эътиқоднинг шаклланишига, юксак инсоний ҳис-туйғунинг вужудга келишига, билимни ўзлаштиришга ижодий ёндашиш кучайишига олиб келади.

Ҳаётда ўз ўрнини топишга интилиш касб-ҳунар эгаллаш, ихтисосликни танлаш, истиқбол режасини

тузиш, келажакка жиддий муносабатда бўлишни келтириб чиқаради. Бироқ бу давр куч-ғайрат, шижоат, қаҳрамонлик кўрсатишга уриниш, жамоат, жамият ва табиат ҳодисаларига романтик муносабатда бўлиш билан бошқа ёш даврларидан кескин фарқланади.

Айниқса, турмуш ва ўқиш фаолиятларининг янгича шарт-шароитлари синф жамоасидаги ўзгача вазият, ўспиринларнинг мактабда эгаллаган юқори мавқеи, жамоатчилик ишларида тажриба орттиришлари улар олдига юксак талаб ҳамда масъулиятли вазифалар қўяди. Бу даврда юқори синф ўқувчилари мактаб муҳитида ташкилотчилик, раҳбарлик, тарбиячилик, ташвиқотчилик вазифаларини ўтай бошлайдилар.

Илк ўспириннинг психик ривожланишини ҳаракатга келтирувчи куч жамоат ташкилотлари, мактаб жамоаси, таълим жараёни қўядиган талабалар даражасининг ошиши билан у эришган психик камолот ўртасидаги зиддиятдан иборатдир. Турли қарама-қаршиликлар, зиддиятлар ўспириннинг ахлоқий, ақлий, нафосат жиҳатдан тез ўсиши орқали бартараф қилинади.

1. Илк ўспиринлик ёшида шахснинг камол топиши

Илк ўспиринлик ёшидаги ўзгаришлар мактаб, оила, шахслараро муносабатлардаги мавқеи янада мустаҳкамлашнинг муҳим омили ҳисобланади. Лекин етакчи омил юқори синф ўқувчиси фаолиятининг хусусияти, моҳияти ва мазмунидаги туб бурилишдир.

Ўспиринларда аввало ўзини англашдаги силжиш яққол кўзга ташланади. Бу ҳол шунчаки ўсишни билдирмайди, балки ўз шахсиятининг маънавий-психологик фазилатларини, фаол ижтимоий турмуш тарзининг мақсад ва вазифаларини англашни, оқилona баҳолашни акс эттиради. Ўспиринда ўзининг руҳий дунёсини, шахсий фазилатларини, ақл-заковатини, қобилияти ҳамда имкониятини аниқлашга интилиш кучаяди. Ўз хулқ-атворини жиловлаш, ҳис-туйғулари ҳамда ички кечинмаларини тушуниш иштиёқи вужудга кела бошлайди.

Ўспириндаги ўзини англаш турмуш, ўқиш, меҳнат ва спорт фаолиятлари тақозоси билан намоён бўлади. Мактабдаги одатланилмаган вазиятнинг шахслараро муносабат ва мулоқот кўламининг кенгайиши ўзининг ақлий, ахлоқий, иродавий ҳис-туйғуларининг хусусиятларини оқилona баҳолаш, қўйилаётган талабларга жа-

воб тариқасида ёндашиш ўзини англашни жадаллаштиради,

Катта мактаб ёшидаги ўқувчиларнинг ўзини англашга алоқадор хусусиятлари мавжуд. Улар аввал, ўзларининг кучли ва заиф жиҳатларини, ютуқ ва камчиликларини, муносиб ва номуносиб қилиқларини аниқроқ баҳолаш имкониятига эга бўладилар. Агар ўсмирда атрофдаги кишиларнинг оқилона баҳолашлари орқали аниқ баҳолаш юзага келса, ўспиринда бу ҳолат бошқачароқ тарзда кечади, унда ўз шахсий фазилатини, хулқ-атворини, ақлий ва жисмоний меҳнат фаолиятини таҳлил қилиш, қиёсий баҳолаш майли кучаяди. Ўспирин ўсмирга қараганда ўз маънавияти ва руҳиятининг хусусиятларини тўлароқ тасаввур эта олса ҳам, уларни оқилона баҳолашда камчиликларга йўл қўяди. Натижада у ўз хусусиятларига ортиқча баҳо бериб, манманлик, такаббурлик, кибрланиш иллатига дучор бўлади, синф ва педагоглар жамоаларининг аъзоларига ғайритабиий муносабатда бўла бошлайди. Шунингдек айрим ўспиринлар ўз хатти-ҳаракатлари, ақлий имкониятлари ва қизиқишларига паст баҳо берадилар ва ўзларини камтарона тутишга интиладилар.

Юқори синф ўқувчисининг ўсмирлик ёши давридаги боладан бошқача яна бир хусусияти — мураккаб шахслараро муносабатларда акс этувчи бурч, виждон ҳисси, ўз қадр-қимматини эъозлаш, сезиш ва фаҳмлашга мойилликдир. Масалан, ўспирин йигит ва қиз сезгирлик деганда нозик, нафис ҳолатларнинг фарқига бориш, заруратни тез англаш, холисона ёрдам уюштиришни, шахснинг нафсониятига тегмасдан амалга оширишни тушунади. Ўспирин ўзининг эзгуниятини баҳолашга жамоада ўз ўрнини белгилаш нуқтаи назардан ёндашади, чунончи «Ўзим танлаган мутахассисликка яроқлиманми?» «Жонажон республикамга, ота-онамга муносиб фарзанд бўла оламанми?» «Жамиятнинг тараққиётига ўз улушимни қўша оламанми?» деган саволларга жавоб қидиради,

Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, ўқувчида ўзининг фазилати тўғрисида яққол тасаввур ҳосил қилиш учун ўқитувчи унга жуда усталик, билимдонлик, зийраклик билан ёрдам бериши лозим. У ўзининг дўстона, илиқ муносабати билан синф жамоаси аъзолари эътиборида ишонч, обрў қозониши учун ҳар бир мулоҳазасида педагогик-психологик назокатга риоя қил-

са, йигит ва қизларда ҳам ўз кучига, имкониятига, қобилиятига, фаҳм-фаросатига ишонч ҳиссини пайдо қилади. Уларда устозга чуқур ҳурмат, миннатдорчилик туйғулари уйғонади.

Ўспирин ўқувчида ўзини англаш негизида ўзини ўзи тарбиялаш истаги туғилади ва бу ишнинг воситаларини топиш, уларни кундалик турмушга татбиқ қилиш эҳтиёжи вужудга келади. Лекин ўзларининг ўзини ўзи тарбиялаши психологиясидаги мавжуд нуқсонларга барҳам бериш, ижобий хислатларни шакллантириш билан кифояланиб қолмай, уларни катталарга хос кўп қиррали умумлашган идеалга мос равишда таркиб топтиришига йўналтирилган бўлади.

Ўспиринлик даврида ўқувчилар ўзларида энг қимматли фазилатларни, уқув ва малакаларни онгли, режали, тартибли, изчил ва мунтазам таркиб топтиришга эҳтиёж сезадилар. Маълумки, юқори синф ўқувчилари маънавий-психологик қиёфага эга бўлиш учун оқилона ўлчам, мезон, вазифаларини бажарувчи баркамол, мукамал тимсол, намуна, юксак орзу тасвирини қидирадilar.

Ўспиринларда идеаллар бир неча кўринишда намоён бўлиши ва акс этиши мумкин. Масалан, улар таниқли кишиларнинг қиёфаларн, бадий асар қаҳрамонлари тимсолида ўзларида юксак фазилатларни (сифатларни) гавдалантиришни орзу қиладилар. Бироқ йигитлар билан қизлар ўртасида идеал образини танлашда катта фарқ бўлади. Масалан, қизлар кўпинча меҳнаткаш аёлнинг, жозибали, назокатли, иболи, ифбатли жамоат арбобининг, бадий асар қаҳрамонининг хусусиятлари мужассамланган қиёфаларни идеал даражасига кўтарадилар. Аммо айрим ўқувчилар тарихий шахсларнинг масалан, бақувват йўлтўсар, оқ офицер, қув жосус ва бошқаларнинг салбий сифатларига тақлид қилишга ҳам мойил бўладилар.

Ўспирин ўқувчиларнинг ўзини ўзи тарбиялаши мактабдаги жамоатчилик ташкилотларининг, педагоглар жамоасининг тарбиявий таъсири доирасида амалга ошиши шарт. Зероки, ўзини ўзи такомиллаштириш жамоада муносиб ўрин эгаллаш, ижтимоий бурчни англаш ва фойдали меҳнатга қизиқишга хизмат қилиши керак.

Кузатишлар ва ҳаёт тажрибаларининг кўрсатишича, баъзи ҳолларда ўспиринлар ўзларини қўрқмас, жа-

сур қилиб кўрсатишга, ноўрин хатти-ҳаракатларга мойил бўладилар, қалтис йўллар билан ўз иродаларини тарбиялашга интиладилар, гоҳо ҳаётларини хавф остида қолдиришгача бориб етадилар. Шунинг учун уларга сунъий усуллар ва воситалар ёрдамида қийинчиликларни бартараф қилиш мумкин эмаслигини тушунтириш керак. Шунингдек, уларни оқилона, мақсадга мувофиқ самарали усуллардан фойдаланиш йўллари билан таништириш, ҳақиқий чиниқиш малакалари билан қуроллантириш яхши натижа беради.

Юқори синф ўқувчилари маънавий хислатларга, ахлоқ нормаларининг моҳиятига жиддий муносабатда бўладилар. Улар ахлоқий туркумлар, бирликларнинг мазмунини чуқур англай бошлайдилар, ҳар қайси ахлоқий тушунчанинг нозиклиги ва кўп маънолигини билишга ҳаракат қиладилар. Масалан, бурч, виждон, гурур, қадр-қиммат, фахрланиш, масъулият, ор-номус каби тушунчаларни чуқур таҳлил қила оладилар. Лекин уларнинг ҳаммаларини бу ахлоқий тушунчаларни яхши англайдилар, деб бўлмайди. Шунга кўра тўғри ахлоқий қарашлар, тасаввурлар таркиб топиши учун адолатли турмуш тарзининг ўзи етарли, дейиш мумкин эмас. Ва педагог хотиржамликка йўл қўймаслиги, соғлом муҳит яратиш, барқарор шахсни таркиб топтириш учун доимо изланиши зарур. Шунингдек, мактабда, билим юртида тарбия ишлари изчил олиб борилмаса, йигит ва қизларда чинакам, барқарор эътиқодлар шаклланимайди. Ўспиринларда ахлоқий тушунчаларни оқилона шакллантириш лозим, уларга ножўя хулқ-атвор, чет эл фильмларининг мазмуни маънавиятга ва руҳиятга салбий таъсир этишини тушунтириш зарур. Ижтимоий ҳаётда учрайдиган ярамас юриш-туришларга, иллатларга зарба бериш, уларнинг таъсиридан йигит ва қизларни асраш педагоглар жамоасининг муҳим вазифаси ҳисобланади.

Ўспиринларда балоғатга етиш туйғуси такомиллашиб бориб, ўзининг ўрнини белгилаш ва маънавий дунёсини ифодалаш туйғусига айланади. Бу ҳол унинг ўзини алоҳида шахс эканлигини, ўзига хос хислатини тан олинishiга интилишида акс этади. Бунга эса моддаларга майл қўйиш, мураккаб тасвирий санъатга, мусиқага, касб-ҳунарга, табиатга қизиқишни намоёйиш қилиш яққол далилдир.

Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, ўспирин қизлар

катта ёшдаги кишиларнинг таъсирига осонроқ берилдилар, ўспирин йигитлар эса катталардан кўра тенгдошлари таъсирига кўпроқ бериладилар. Шунинг учун юқори синф ўқувчиси шахсининг таркиб топишига мактаб муҳити хусусан синф жамоаси, расмий ва норасмий тенгқур бошлиқлар кучли таъсир этади. Синф жамоаси умумий мақсадни белгилашга, жамоа аъзолари ўртасида илиқ муносабатлар ўрнатишга, шахсий ва жамоатчилик муносабатлар ривожланишига имкониятлар яратади. Синф ва мактаб жамоалари таъсирида матонатчилик, жасурлик сабр-тоқатчилик, камтарлик, интизомчилик, ҳадоллиқ, ҳамдардлик каби фазилатлар такомиллашади ва худбинлик, лоқайдлик, мунофиқлик, лаганбардорлик, дангасалиқ, қўрқоқлик, ғайрлик сингари иллатларнинг барҳам топиши тезлашади. Жамоа аъзолари ўртасидаги аҳиллик, бирлик, ягона мақсадга интилиш, илиқ психологик иқлим мавжуд салбий хатти-ҳаракатларни йўқотиш учун хизмат қилади.

Юқори синф ўқувчилари шахсининг шаклланиши жараёнида жамоат ташкилотлари алоҳида аҳамият касб этади. Уларнинг юксак талаблар қўйиши натижасида ўспиринларда фаоллик, ташаббускорлик, мустақиллик, қатъиятчилик, масъулиятчилик, танқидийлик сингари фазилатлар барқарорлашади. Мазкур ташкилотлар ўспиринлардаги ғоявий-сиёсий, ватанпарварлик, жамоачилиқ, инсонпарварлик, ўзаро ёрдам, ҳамкорлик туйғуларини мукамал босқичга кўтаради. Ана шуларни кузатиб тадқиқ этган психолог Л. И. Уманский ташкилотчилик қобилияти ўзаро узвий боғлиқ қуйидаги қисмлардан иборатлигини таъкидлайди: 1) ташкилотчилик туйғуси (психологик топқирлик, кашфиётчилик, одоб, назокат, амалий ақл-идроқда ўз ифодасини топади); 2) тенгдошларига эмоционал-иродавий таъсир кўрсатиш имконияти (муаммолар ечимига жалб қилиш, уларнинг куч-ғайратини бириктириш); 3) ташкилотчилик фаълиятига мойиллик (эмоционал ҳис-туйғу, ижобий муносабат, фаоллик кўрсатиш, қатъий қизиқиш ва ҳоказолар) Л. И. Уманскийнинг фикрича, ўспирин намунали ташкилотчи бўлиши учун унда қуйидаги хислатлар бўлиши керак: а) ахлоқий хислатлар—жамоатчилик, самимийлик, ташаббускорлик, фаоллик, меҳнатсеварлик; б) иродавий хислатлар—матонат, қатъият, мустақиллик ташаббускорлик, батартиблик, интизомчилик; в) эмоционал хислатлар—хушчақчақлик, тетик-

лик, ҳазилкашлик ва янгиликни ҳис этиш, ўз кучига ишонч, оптимизм ва бошқалар.

Ўспиринларнинг яна бир муҳим хислати уларда юксак даражадаги дўстлик, ўртоқлик, улфатчилик, муҳаббатнинг вужудга келишидир. Шу ҳис-туйғулар йигит ва қизларнинг маънавияти ва психологиясида қандай тус олишига қараб, тарбиявий чора ва тадбирларни амалга ошириш яхши натижа беради. Синфдаги ҳамкорлик фаолиятида ўзаро ёрдам ҳамжиҳатлилик, интилиш ва манфаатлар бирлигига асосланган ўртоқлик муносабатлари юзага келади. Ўртоқлик муносабатларининг юксак чўққиси дўстлик ҳиссида намоён бўлади. Дўстлик ҳисси ўртоғига меҳрибонликда у билан учрашиш ва суҳбатлашиш, ўз фикр ва ҳиссиётлари билан ўртоқлашишда кўринади. Ҳақиқий дўстлик ҳисси ўзаро талабчанлик билан боғлиқ бўлиб, хатоларни бир-галикда тузатишда ифодасини топади.

Йигит билан қиз ўртасида муҳаббат туйғуси вужудга кела бошлайди. Муҳаббатнинг қувончли лаҳзалари, изтиробли кечинмалари иккала ёшнинг руҳиятини эгаллайди ва тобора чуқурлашиб боради, улар учун дастлабки ҳаёт синови вазифаси бўлади. Мазкур ҳис-туйғу ўспиринларнинг ўзаро яқинлиги, ҳаётга қарашлари, қизиқишлари, дидлари ва эзгу ниятларининг умумийлиги ҳамда бутун умрга аҳиллик, иттифоқлик умидини бағишлаган шодлик билан характерланади.

Ўспирин ўқувчиларда табиат, санъат, адабиёт, маданият, ижтимоий ҳаёт гўзалликларини пайқаш, идрок қилиш, севиш, улардан таъсирланиш, маънавий озуқа олиш хислатлари пайдо бўлади. Уларнинг психологиясида майин садо, ёқимли нидо, қалбни тўлқинлантирувчи мусиқа, нозик ҳис-туйғу эзгулик ҳислари, майларни кучаяди. Айниқса, эстетик ҳислар уларнинг маънавиятидаги қўпол, нохуш, хунук ва ёқимсиз қилиқларнинг йўқолишига ёрдам беради. Лекин бундан ўспиринлар жўшқин, кескин, шавқ завқли дамлардан бутунлай воз кечадилар, деган маъно келиб чиқмайди. Шунга қарамай, ўспирин йигит ва қизлар орасида эстетик туйғуси тўла шаклланмаган, нотўғри тасаввурга эга бўлган шахслар ҳам учрайди. Уларда эстетик ҳис-туйғу ўзига хос қарашлар ва нуқтан назарнинг ўсишида илм-фан ва техниканинг ривожини, тафаккурнинг такомиллашуви, тақлидчанлик муҳим роль ўйнайди. Бунинг учун муайян режа асосида турли музейлар

кўргазма ва концерт залларига, кино, театр, радио ва телестудияга саёҳатлар уюштириш мақсадга мувофиқдир.

Юқори синф ўқувчиларининг ўқув машғулоти ўз хусусияти ва мазмуни билан бошқа ёш давридаги ўқувчиларнинг таълим жараёнидан тубдан фарқ қилади. Ўқув режаси ва дастурининг мураккаблашуви, янги фанлар ва факультатив курсларнинг киритилиши ўзлаштиришни назарий тафаккур ёрдамида амалга оширишни тақозо этади. Ана шу сабабли уларнинг ўқишга муносабати ҳам ўзгаради, уларда фанларга турлича муносабатлар шакллана бошлайди.

Ўспирин ўқувчиларнинг фанларга муносабатлари асосан ҳар қайси фаннинг инсон дунёқарашидаги ролига билиш фаолиятидаги ва ижтимоий аҳамиятига амалий хусусиятига ўзлаштириш имкониятига ва уни ўқитиш методикасига боғлиқ бўлади.

Катта мактаб ёшида билишга қизиқиш амалий хусусият касб эта бошлайди. Масалан, бу қизиқиш ижтимоий-сиёсий масалаларга, техникага, табиатга, осмон жисмларига, жамиятшуносликка, ҳуқуқий муаммоларга, спорт ва ҳоказоларга йўналган бўлади. Юқори синф ўқувчиларининг тўғарақларда фаол қатнашиши қобилият ва ақлий имкониятларига қараб амалга ошади.

Ўспиринларда сезгирлик, кузатувчанлик, такомиллашиб боради, мантикий хотира, эслаб қолишнинг йўл ва воситалари эса таълим жараёнида етакчи роль ўйнай бошлайди. Ўспиринлар топшириқларни бажаришда, уларнинг маъноси ҳамда моҳиятини тўла англаб иш тутадилар, эслаб қолиш, эсда қолиш, эсга тушириш жараёнларнинг самарали усулларида унумли фойдаланадилар. Бу жараёнлар муваффақиятли амалга ошишини таъминловчи диққатнинг сифати ва миқдори ўзгаради. Диққатни кўчириш ва тақсимлаш сезиларли ривожланади, бошқаларнинг нуқтани назарига эътибор бериш, уларнинг нутқини тинглаш, ёзиб олиш, мулоҳаза юритиш маҳорати ошади ва ақлий қобилият такомиллашади.

Ўспиринларнинг тафаккури тобора фаол, мустақил ва ижодий хусусиятларга эга бўлиб боради. Лекин уларнинг фикр юритишида бирмунча объектив ва субъектив камчиликлар учрайди.

2. Илк ўспиринлар ақл-идрокининг хусусиятлари

Ўспирин барча фаолият босқичида мустақил фикр юрита олмаслиги унинг психикасидаги жиддий камчиликдир. Ўспиринларга адабий қаҳрамон қиёфасини ифодалаш, асар моҳияти, мазмуни ва ғояси юзасидан мустақил ҳолда ҳукм ва хулоса чиқариш топширилганда улар, биринчидан, асарни ўқишган, бироқ ҳеч қандай хулоса чиқаришмаган, иккинчидан, мавзуга ижодий ёндашмасдан ўқитувчининг ҳар бир сўзини эсда сақлаб қолиб, ҳеч ўзгаришсиз қайтадан айтиб беришга ҳаракат қилишган, учинчидан, ўзлари мактабдан ва синфдан ташқари фаолиятларида эшитганлари, ўқиганлари билан ўқитувчининг ахбороти, маълумоти хабарни умумлаштириб жавоб беришган, тўртинчидан, ўз фикрларини баён этишга қийналганларида асардан кўчирмалар келтиришган.

Катта мактаб ёшидаги ўқувчиларда назарий тафаккурни шакллантиришда тўғарак ва факультатив машғулотлар муҳим аҳамиятга эга. Шунингдек, ўспирин ўқувчининг мустақил фикрлашини ривожлантиришда, ўқитувчилар, синф раҳбарларининг сиймолари муҳим роль ўйнайди. Ўқитувчилар ўспиринларда ўрганилаётган нарс ва ҳодисаларнинг объективлиги, ҳаққонийлиги, тўғрилигига ишонч ҳосил қилишлари, улардан қаноатлантиришлари ва уларни исботлашга ўргатиб боришлари зарур. Иккинчидан, фан ўқитувчилари уларни нарс ва ҳодисалар тўғрисида оригинал фикр юритишга йўллашлари керак. Учинчидан, ўқувчиларнинг машғулотларда қўлланавериб, маънавий эскирган бир қолипдаги сўзлардан, иборалардан фойдаланишларига йўл қўймасликлари керак. Тўртинчидан, фан ўқитувчилари ўспирин йигит ва қизларга билимларини амалиётга татбиқ қилишни ўргатишлари шарт, бунинг учун уларда амалий малакаларни шакллантиришга ҳаракат қилишлари лозим.

Тафаккур бошқа психик жараёнлардан ажралган ҳолда ривожланиши мутлақо мумкин эмас. Шунинг учун тафаккур ривожланиши билан бирга ўқувчининг нутқ фаолияти ҳам ўсади. Бу эса ўқувчида ўз фикрини тўғри, аниқ ифодалаш малакасини таркиб топтиради, нутқининг тузилишини такомиллаштиради ва луғат бойлигини янада оширади.

Ўспирин адабий асарларни ўқиш ва тушуниш орқали

мустақил фикрлашга, мулоҳаза юритиш ва мунозарага ўргана боради. Унда аста-секин табиат ва жамият ҳақида ўзининг нуқтаи назари, эътиқоди, қараши шаклланади. Маълумки шахснинг ана шу фазилатлари ўсмир фикрлаши, мустақил ўйлаши, тўғри ҳукм ва ҳулоса чиқариши, қатъий қарорга келишининг натижасидир.

Йигит ва қизларнинг адабий асарни баҳолаши, у ҳақда шахсий фикрларини билдириши, муаммоли томонлари юзасидан баҳслашуви ва ҳоказоларда инсоний хислатларнинг муайян даражада иштирок этиши ақл танқидийлигининг айнан ўзгинасидир. Турмушда учрайдиган ноўрин танқидийлик эса ўспириннинг бадий диди ва ҳаётий тажрибаси заифлигидир. Ўқитувчининг айтиши шу пайтдаги асосий вазифаси — ўқувчилар тафаккурдаги танқидийликни ҳаққонийлик даражасига кўтаришдан, уларга воқеликка одилона, оқилона танқидий нуқтаи назардан қарашни ўргатишдан иборатдир.

Катта мактаб ёшидаги ўқувчи ақлининг танқидийлигида оғмачиликка мойиллик кучли бўлади. Оғмачиликнинг энг асосий сабабларидан бири — воқеликнинг моҳиятини илмий жиҳатдан тўғри тушунмаслиқдир. Шунингдек, ўспириннинг «ўз позицияси»да бўш келмаслиги, нарса ва ҳодисаларнинг асл моҳиятини англаб туриб, жўрттага «ўжарлик» қилиши ҳам ана шу оғмачиликнинг бир кўринишидир.

Уларда моддий дунё тўғрисида шахсий фикрлар, мулоҳазалар, илмий дунёқараш таркиб топганидан кейингина тафаккурнинг танқидийлик хусусияти ривожлана бошлайди. Ақлнинг ёки тафаккурнинг танқидийлигини тарбиялашда ўқитувчи ўқувчининг ўзига хос типологик хусусиятига, ақлий камолот даражасига, билимлари савиясига, мулоҳаза доирасининг кенглигига, нутқ қобилиятига, шахсий нуқтаи назарига, ўқишга нисбатан муносабатига, қизиқишининг хусусият ва даражасига, ақлий фаолият операцияларини қанчалик билишига, мавжуд ўқиш кўникмаси ва малакаларига алоҳида эътибор бериши лозим.

Ақл танқидийлигининг ривожланиши юқори синф ўқувчиларини моддий дунёни, атроф муҳитни ўрганишга, ўқув материалларини пухта ўзлаштиришга, таълим жараёнида ташаббускорликка, фаолликка даъват этади ва бундан ташқари, воқеликни исботлаш ва

асослаш кўникмалари таркиб топишига имкон яратади. Ўрганилаётган ҳодиса тўғрисида ҳукм ва хулоса чиқариш тасдиқлаш ёки инкор қилиш қобилиятини ривожлантиради.

Ўспирин тафаккурининг сифатини унинг мазмундорлиги, чуқурлиги, кенглиги, мустақиллиги, самарадорлиги, тезлиги ташкил қилади. Тафаккурнинг мазмундорлиги деганда, ўспирин онгида теварак-атрофдаги воқелик бўйича мулоҳазалар, муҳокамалар ва тушунчалар қанчалик жой олганлиги назарда тутилади. Тафаккурнинг чуқурлиги деганда, моддий дунёдаги нарса ва ҳодисаларнинг асосий қонунлари, хоссалари, сифатлари, ўзаро боғланиши ва муносабатлари ўспириннинг фикрлашида тўлиқ акс этиши тушунилади. Тафаккурнинг кенглиги эса ўзининг мазмундорлиги ва чуқурлиги билан боғлиқ бўлади. Юқори синф ўқувчиси нарса ва ҳодисаларнинг энг муҳим аломат ва хусусиятларини мужассамлантирса, ўтмиш, ҳозирги замон ва келажак ҳақидаги мулоҳазаларини билдира олса, буни кенг тафаккур дейилади. Тафаккурнинг мустақиллиги деганда, ўспирин ташаббускорлик билан ўз олдига янги вазифалар қўя билиши ва уларни ҳеч кимнинг ёрдамисиз оқилона усуллар билан бажара олиши тушунилади. Ақлнинг ташаббускорлиги деганда, ўспириннинг ўз олдига янги гоа, муаммо ва вазифалар қўйишини, уларни амалга оширишда самарадор воситаларни ҳам ўзи топишга интилишини англаймиз. Ақлнинг пишиқлиги вазифаларни бажаришда янги усулларни тез излаб топиш ва қўллай олишда, эскирган воситалардан қутулишда намоён бўлади. Агар ўқувчи муайян вақт ичида маълум соҳа учун қимматли янги фикрларни айтган бўлса, назарий ва амалий вазифаларни ҳал қилишда ёрдам берса, буни самарадор тафаккур дейилади. Тафаккурнинг тезлиги саволга тўлиқ жавоб олинган вақт билан белгиланадн. Ўспирин тафаккурининг тезлиги қатор омилларга: биринчидан, фикрлаш учун зарур материалнинг хотирада мустаҳкам сақланганлигига, уни тез ёдга тушира олишга, муваққат боғланишнинг тезлигига, турли ҳис-туғуларнинг мавжудлигига, ўқувчининг диққати ва қизиқишига; иккинчидан, ўспириннинг билим савиясига, қобилиятига, эгаллаган кўникма ва малакаларга боғлиқдир.

Ўспирин қобилияти, лаёқати ва истеъдоди таълим

жараёнида меҳнат фаолиятида ривожланади. Унинг қанчалик истеъдодли эканини аниқлаш учун зийраклиги, жиддий синовга шайлиги, меҳнатга мойиллиги, интилиш, психик тайёрлиги, мантиқий фикрлашининг тезлиги, изчиллиги, самарадорлигига эътибор бериш керак. Қобилиятнинг ўсиши билимлар, кўникмалар, малакаларнинг сифатига боғлиқ бўлиб, шахснинг камол топиш жараёнига қўшилиб кетади.

Илк ўспиринликда ўтиладиган дарслар, лаборатория ишлари ва амалий машғулотлар, реферат конспект ёзиш каби таълимий фаолият турлари юқори синф ўқувчилари ўзлаштириши зарур материалларни мустақил ҳолда тушунишга олиб келади. Бу ишлар кундан-кунга кўпроқ аҳамият касб этиши натижасида тафаккур тобора фаол, мустақил, ижодий тус олиб боради. Буларнинг барчаси илмий-назарий тафаккурнинг шаклланишига, теварак-атрофдаги воқеликнинг умумий қонуниятларини билиш қобилияти ўсишига, ақлий имкониятлар вужудга келишига, табиат ва жамият ривожланишининг қонуनларини англаб олишга муҳим шарт-шароитлар яратади.

Ўспиринлар бирор ҳодисани асослаган, ишотлаган пайтларида унинг муҳим хусусиятларига, бирламчи жиҳатларига синчковлик билан қарай бошлайдилар. Дарсликлардан ўқиган ва ўқитувчилардан эшитган ахборотлар, хабарлар ва маълумотларга ишониш ва улардан қаноат ҳосил қилиш учун фаол ҳаракат қиладилар, бироқ уларда ўсмирлар сингари обрў кетидан эргашиш жуда кам содир бўлади. Улар ҳар бир дарсда танишилган материалларнинг моҳиятига, инсон учун зарурлигига ишонч ҳосил қилишга тўхтовсиз интиладилар. Баъзан таълим жараёнида ўспирин томонидан бирор нарсага эътироз билдирса ёки шубҳаланса, уни ноҳақ равишда қоралайди. Тафаккурни оқилона йўллар билан ўстириш учун фавқулодда ҳолатларда ўқувчининг мазкур хусусиятини ёмонламай, балки уни рағбатлантириш тўғрироқ бўлади.

Ўспиринлик ёшида юқори синф ўқувчилари ақлий фаолиятнинг омиллари ва усуллари билан етарли даражада қуроолланган бўлдилар.

Шундай қилиб, таълим жараёнида турли фанларни ўқитиш туфайли кенг кўламли билимлар системаси ўзлаштирилиши орқали юқори синф ўқувчиларида тафаккурнинг фаоллиги, мустақиллиги, мазмундорлиги,

маҳсулдорлиги ортади. Уларда диалектик-материалистик рефлексив назарий тафаккур таркиб топади. Шу сабабли воқеликнинг ички боғланишлари, муносабатлари жамият ривожланишининг қонунларини билиш ва англаб олиш кўникмаси юқори поғонага кўтарилади.

Агар ўсмирлар тафаккури яққол-образли тафаккурнинг мавҳум тафаккурга айланиши билан характерланса, катта мактаб ёшидаги ўқувчиларда диалектик-материалистик тафаккур қобиляти ривожлана бошлайди ва бу тафаккур табиат ҳамда жамият ривожланишининг умумий қонунлари билан бевосита боғлиқ бўлади. Мазкур қонунларнинг вужудга келиши, ўзгариб бориши, ўзига хос хусусиятга эга бўлиши, шунингдек, ўзаро узвий боғлиқлигига доир мураккаб билимлар ўспиринларнинг ёш хусусиятига айнан мосдир.

3. Илк ўспирин ва касб танлаш

Эндигина ўсиб келаётган ўспирин ўқувчилар касбга қандай ёндашадилар? Бу муаммо кўпчиликни қизиқтиради. Кузатишлардан ва турмуш тажрибасидан маълумки, одатда илк ўспиринлик ёшидаги ўғил-қизлар ҳаётда мустақил қадам ташлаш тўғрисида аниқ, асосли фикр билдиришга қийналадилар. Шу сабабли касб танлаш даврида оқилона ва тўғри йўл тутишни билмай довдираб қоладилар ёки таваккалга иш кўрадилар. Ўзларнинг имкониятларини ҳисобга олиб ҳаракат қилишга ожиз бўладилар. Натижада нохуш кечинмалар, умидсизликлар, ижтимоий сустлик ҳолатлари вужудга келади. Юқори синф ўқувчиларининг баъзилари касб танлашда яққол кўзга ташланиб турган намуналарга тақлид қиладилар. Бунда ўз атрофларидаги яқин кишиларни назарда тутадилар, уларнинг йўлидан боришни мўлжаллайдилар. Кузатишларимизнинг бирида Ғ. исмли ўспирин (9-синф ўқувчиси) ўз келажаги ҳақида қуйидаги фикрларни билдирди: «Эҳтимол қишлоқ хўжалик техникумига ўқишга кирарман. У менга таниш. Унда акамлар ўқиганлар. Балки колхозда қолиб ишларман. Ўқитувчи бўлиш орзум ҳам бор. Чунки педагогика институтида тоғамлар таълим олмақдалар...» Ўқувчининг бу мулоҳазасини таҳлил қилишнинг ҳожати йўқ, чунки унда бирор мақсадга йўналган ғоя мавжуд эмас.

Ўқувчилар мактабда фанларнинг асосларидан билим оладилар, ҳар қайси ўспирин физика ёки математика билан танишадилар. Бироқ уларнинг ҳаммаси келажакда физик ёки математик касбини эгаллашни хоҳлайвермайди. Мактабда ер курраси ўрганилади, барча планеталарнинг хусусияти билан танишилади, узоқ қитъалар дунё халқлари тарихи ва санъати бўйича билимлар берилади. Аммо барча ўқувчилар сайёҳ бўлишни истамайди. Ҳанасослари ўқувчиларга кенг кўламда маълумот ва ахборотлар беришга мослаштирилган бўлиб, ўспиринлар олинган билимларнинг келажак, шахсий турмуш, билимдон шахс бўлиш учун амалий аҳамиятини англаб олиши керак.

Катта ёшдаги мактаб ўқувчиларида бирор ўқув фанига иштиёқ натижасида уларда ҳар хил касбларга қизиқиш вужудга келади. Танланган касбни ўзлаштириш билан боғлиқ фанга қизиқиш ҳам орттиради. Натижада тўғарак, машғулотларига ва факультатив курсларга кўчиш имконияти вужудга келади. Бундай имкониятдан унумли фойдаланиш мақсадга мувофиқдир.

Юқори синф ўқувчиларини қизиқишлари, майллари, интилишлари, қобилиятлари, истеъдодлари асосида танлаган касбларига тўғри йўналтириш ўспиринлар учун катта ҳаётий масаладир. Касб танлаш жараёнида ўспиринларга ўқитувчилар, ота-оналар, жамоатчилик ўз касбининг усталари, мураббийлар алоҳида эътибор беришлари керак. Кўп ҳолларда ўспиринлар катталарнинг маслаҳат ва тавсияларини ҳисобга олган ҳолда қатъий бир қарорга келишлари мумкин, чунки улар ўз хоҳишларини ҳар томонлама асослаб бера оладилар.

В. А. Крутецкийнинг маълумотларига қараганда, педагогика институти талабаларининг ярми ўқитувчилик касбини ёқтириб ўқишга кирган. Уларнинг қолган қисми эса институтга тасодифан кириб қолган. Бироқ бу олий ўқув юртига ўз хоҳиши билан кирган талабалар орасида ҳам ҳар хил мулоҳазалар мавжуд. Педагог касбини ёқтириб ўқишга кирган талабаларнинг чорак қисми фақат олган билимларини бошқаларга ўргатиш мақсадини билдирган бўлсалар, яна шунча ўспиринлар институтда ўқитилаётган бирор фанни севганлари учун ўқишга кирганини айтган. Талабаларнинг бешдан бир қисми болаларни чин кўнгилдан яхши кўргани учун ўқитувчилик касбини танлаган.

Ўрта мактабни битиргунича ҳамма ўқувчилар касбини қатъий танлайди, дейиш мумкин эмас. Уларнинг аксарияти ўзи келажакда қим бўлишини тасаввур ҳам қила олмайди ва келажак режасини ҳам тузмайди. Илк ўспиринларнинг кўпчилиги ўрта мактабни тугатгандан сўнг, олий ўқув юртида ҳам ўқиш тўғрисида гапирадилар, бу ҳақда орзу қиладилар. Лекин унга кира олмаган, яъни ўзининг асосий мақсадига эриша олмаган ёшлар тушкунликка тушадилар. Бутун орзу-умидларим барбод бўлди, деб ўйлайдилар, баъзилари келгуси йилда ўқишга киришга умид боғлайдилар. Касб-ҳунарга ҳар хил муносабатлар ҳосил бўлишининг асосий сабаби мактабда ўқиш даврида касб танлаш бўйича турли хил ниятлар пайдо бўлишидир.

В. А. Крутецкий ўспиринларда учрайдиган мотивлардан қуйидагиларни алоҳида ифодалайди: а) бирор ўқув фанига қизиқиш; б) ватанга фойда келтириш истаги (ўзига хос психологик хусусият ва қобилиятни ҳисобга олмаган ҳолда); шахсий қобилиятини рўқач қилиш; г) оилавий анъаналарга риоя этиш (ворислик); д) дўстлари ва ўртоқларига эргашиш; е) иш жойи ёки ўқув юртининг уйига яқинлиги; ё) моддий таъминланиш; ж) ўқув юрти кўринишининг чиройлилиги ёки унга жойлашиш осонлиги.

Шунингдек, бошқа турдаги мотивлар, масалан, шахснинг бирор касбга, фанга мойиллиги, мақсади, унга интилиши, касб тўғрисидаги маълумоти, ўзининг сиҳат-саломатлиги, асаб системасининг ва темпераментининг хусусияти ва ҳоказолар ҳам бўлиши мумкин.

Ўспиринларда касблар ҳақида яққол тасаввур бўлмаслиги сабабли, улар кўпроқ хатога йўл қўядилар. Танланган ёки танланиши зарур бўлган касб қандай шахсий фазилатларни талаб қилишини тушуниб етмайдилар. Ўз қобилиятларини оқилона баҳолай олмасликлари туфайли у ёки бу касбни эгаллаш учун қанчалик тез ва аниқ ҳаракат қила олишларини, бу ишга мослаша олишлари мумкинлигини билмайдилар. Бироқ ҳозир мазкур кўнгилсиз ҳолатларнинг олдини олиш ва бартараф этиш имкониятлари мавжуд. Бунинг учун қуйидаги педагогик-психологик омилларга алоҳида эътибор бериш мақсадга мувофиқдир: 1) касбларни ўрганиш усулларини ишлаб чиқиш, уларни таснифлаш ва лўнда қилиб ифодалаш; 2) ўқитувчининг касблар бў-

йинча ташвиқот ишлари олиб бориши, ўқувчиларга касблар юзасидан маслаҳатлар бериши ўспирин ва унинг ота-онаси билан бирга касбга йўналтириш тadbирларини кўриб чиқиши; 3) ўспиринларни касбнинг асосий турлари билан таништириш; 4) меҳнат таълими дарсларида юқори синф ўқувчиларини касбга тайёрлаш ва қизиқиш уйғотиш; 5) психодиагностик ва касб танлаш усулларининг амалиётга татбиқ қилишга мослаштирилган турларни ишлаб чиқиш; 6) жойларда замон талабига мос касб танлаш хоналарини ташкил этиш; 7) касб танлаш тарғиботи юзасидан ўспиринларни оммавий ахборот воситаларига жалб қилиш ва психологик жиҳатдан тайёрлаш.

Тадқиқотчилар ва амалиётчилар томонидан касбга йўналтиришнинг усул ва усулиятлари ишлаб чиқилган. Касбларни хусусиятларига қараб таснифлаш ва уларни маълум тартибга солиб ифодалаб беришга эришилган. Бу борада Е. А. Климовнинг схемаси алоҳида аҳамиятга эга. У қуйидаги касб турларини тавсия қилади:

1. Полизчи, чорвадор, асаларичи, зоотехник, агроном, ўрмончи — бионика мутахассислиги «инсон — табиат».

2. Чилангар, токаръ, монтер, конструктор, радиотехник, муҳандис — техника мутахассислиги «инсон — техника».

3. Официант, сотувчи, ҳамшира, ўқитувчи, тарбиячи, ташкилотчи — социономика мутахассислиги «инсон — инсон».

4. Бўёқчи, нусха кўчирувчи, мусиқачи, бадий бевовчи ёки пардозловчи, бастакор, ёзувчи, рассом — артономика мутахассислиги — «инсон — бадий образ».

Оддийроқ ифодаланса, касбларни табиатга хизмат қилишга, техникага хизмат қилишга, инсонга хизмат қилишга ва бадий образлар устида ишлашга доир касбларга ажратиш мумкин. Лекин мазкур касблар таснифида уларнинг кўпчилиги ифодаланмаган. Ана шу гуруҳларга ўнлаб ёндош касб — ҳунарларни кири-тиш мумкин.

Касб танлашга йўллаш ва касбларни тарғиб қилиш усулларида бири — кўрсатмали воситалар, яъни фотостендлардан, китоблар кўргазмасидан, ёш рассом ва табиатшунослар ижодий фаолиятининг маҳсулидан, наққошлик ва техника тўғараги ишларидан фойдала-

нишдир. Бундан ташқари музейларга экскурсиялар уюштириш орқали ҳам айрим касбларга қизиқиш уйғотиш мумкин.

Юритилган мулоҳазалардан кўриниб турибдики, касб-ҳунар тўғрисида ахборотлар, маслаҳатлар беришнинг ўзи онгли равишда касб танлаш учун етарли эмас. Шунга кўра ўспирин ўқувчиларнинг билиш фаолиятини кучайтириш, уларни мустақил билим олишга ўргатиш уларга ўзларини муайян фаолиятда синаб кўриш имкониятини яратади. Лекин касбга йўналтиришнинг бошқа йўл ва воситаларини ҳам қидириш ва қўллаш керак.

Меҳнат психологиясининг мутахассислари касбга йўналтиришнинг бошқача усулларини: барча фанларни ўқитишнинг политехник жиҳатини чуқурлаштиришни; табиий-математик фанларда атрофдаги ишлаб чиқаришдан объект сифатида фойдаланишни; ижтимоий туркумдаги фанларни ўқитишда ўлкашунослик материалларини қўллаб ўқувчиларнинг касбга қизиқишни ошириш, меҳнатга иштиёқ уйғотишни: дарсларда касблар ҳақида ахборотлар бериб боришни; меҳнат соҳалари билан ўқувчиларнинг мустақил танишиши учун шароит яратишни тавсия этмоқдалар.

Қишлоқ мактабларида касб танлаш бўйича қўшимча имкониятлар ҳам мавжуд. Чунончи ёзда юқори синф ўқувчиларини ишлаб чиқаришга бемалол жалб этиш мумкин. Бунда жисмоний меҳнатга ўспиринларни қизиқтириш, меҳнат нашидасидан баҳраманд этиш, уларда мамнуният ҳиссини таркиб топтириш, уларда режали меҳнат қилиш кўникмасини вужудга келтириш, жавобгарлик ва масъулият ҳиссини таркиб топтириш лозим. Ўспиринларни меҳнатга тайёрланишга рағбатлантиришни малака даражасини бериш билан якунлаш маъқул. Ишлаб чиқариш мавсумида ўқувчилар бригадаларини тузишда уларнинг ёш хусусиятлари, қизиқишлари ва ақлий камолотини ҳисобга олиш зарур. Бригадаларда ишлаш меҳнат ва касбга психологик тайёргарлик босқичи бўлади. Ўқувчилар ўзининг қайси касб-ҳунарга яроқлилиги ёки яроқсизлигини амалий ишларда синаб кўрадилар ва ўзларига ишонч ҳосил қиладилар.

Касб танлашда ўспирин йигит-қизларда қатор мақсадлар вужудга келиши мумкин. Дастлабки мақсад — бош мақсад деб аталади ва у умумхалқ меҳнатига ўз

улушини қўша оламанми, қандай инсон бўлиб етишман, ҳаёт ва фаолият идеалларим нималар бўлиши лозим, деган фикрлардан иборат бўлади. Яқин ва яққол мақсад — дастлабки фаолият соҳаси, мутахассисликни қандай ва қаерда эгаллаш, ўқишни тугатгач, дастлабки меҳнат фаолият қайси лавозимдан бошланиши, меҳнат маҳоратини ошириш истиқболлари ҳақидаги мулоҳазалардан ташкил топади. Психологик нуқтаи назардан мақсадга эришишнинг ташқи ва ички шарт-шароитлари мавжуд. Ташқи шароитларга мақсад йўлидаги ҳар хил қийинчиликлар, қарамақаршиликлар, зиддиятлар мазкур муассаса ёки ташкилотнинг имкониятлари, муайян субъектга — ёш касб эгасига кўрсатиши мумкин бўлган қаршилиги ва ҳоказолар киради. Мақсадга эришишнинг ички шарт-шароитларига шахснинг имкониятлари, сиҳат-саломатлиги, ақлий қобилияти, тиришқоқлиги, иродавий сифатлари (чидамлилиги, сабр-тоқати, танлаган касби бўйича ишлаши учун зарур фазилатлари ва ҳоказолар киради.

Психология фанида мақсадга эришиш фаолиятининг қўшимча, ёрдамчи турлари ҳам амалда учраб туради. Улар асосий мақсад воситалари иш бермай қолганда қўлланади. Ўспиринлар тажрибасида шундай ҳоллар рўй берадики, асосий мақсадни амалга оширишда, енгил қийин тўсиқларга дуч келинади, ана шундагина ёрдамчи воситалардан фойдаланилади. Бундай ҳолатни тасаввур этиш учун ўспиринлар тажрибасидан қуйидаги кўчирмани келтирамиз: «Конкурс бўйича яқин орадаги ҳунар-техника билим юртига кира олмайман, шунинг учун худди шу мутахассислик бўйича бошқа билим юртига кириш учун ҳаракат қиламан...» Касб танловчи ўспириннинг мулоҳазасидан кўриниб турибдики, у бир эмас, балки бир неча қўшимча мақсаддан фойдаланишга интиляпти. Шунга ўхшаш мақсадга эришишнинг қўшимча, ёрдамчи йўл ва воситалари учраши мумкин. Қўйилган мақсадни рўёбга чиқариш учун интилиш касб танлаш жараёнида ўспиринлар шахсиятида журъатлиликни вужудга келтиради. Бу фазилат ўспирин шахсининг ажойиб астуғидир

Юқори синф ўқувчиларининг профессиограмма билан танишишида асосий мақсад қуйидаги таркибий қисмларни, жиҳатларни ўз ичига қамраб олади:

а) асосий меҳнат қуроллари — касб танловчининг

диққати, шижоати, фикр-хаёли—худди шу қуроллари-га қаратилган ва йўналтирилган бўлиши керак; б) асосий меҳнат операциялари: меҳнат қуроли билан қандай фаолиятни амалга ошириш имконияти мавжудлигини аниқлаш ва қайси соҳаларда ишлатиш мумкинлигини билиш; ишлаб чиқариш жараёнидаги операцияларнинг ролини тўғри тасаввур қила олиш; операцияларнинг янги вариантларини қидириб топиш учун ҳаракат қилиш; в) асосий қуроллар ва воситалар; қўл асбобларидан — чилангар хирург, ғижжакчи, камон чалувчи каби касб эгалари фойдаланади; г) меҳнат шароитлари: касб танловчини қуршаган табиий муҳит ва шароитлар, кишилар ва ҳоказолар.

Юқоридаги мулоҳазаларга асосланиб, ўспиринларни ўз қизиқишлари, майл, эҳтиёж, иқтидор, қобилият, кўникма ва малакаларини ҳисобга олган ҳолда касб танлашга йўналтириш жамиятнинг ривожини учун пухта замин ҳозирлайди.

4. Илк ўспиринларнинг турмуш ҳақидаги тасаввурлари

Илк ўспиринлик ёшида инсон учун энг муҳим ҳиссиёт севги вужудга келади. У ўртоқлик, дўстлик туйғулари замирида пайдо бўлади. Севги катта мактаб ёшидаги ўқувчиларнинг ҳиссий дунёсида мутлақо янги ҳолат бўлиб, у ўсмирларнинг шундай ички кечинмаларидан тубдан фарқ қилади. Маълумки, ўсмирларда ҳам меҳр-муҳаббат туйғуси ишқибозлик, кўнгил қўйиш, кўмсаш кўринишларида акс этади. Лекин ўспириннинг севгиси чуқур, кучли, оташин, ҳақиқий бўлади. Мана шу ёшдаги ўғил-қизлар севгиси ўзининг софлиги, беғуборлиги, маъсумлиги, ибоилиги, ширин кечинмаларга бойлиги билан ажралиб туради.

Ўспиринлик даврида вужудга келадиган ҳис-туйғуларни тўғри идора этиш, йигит ва қизларга севги муносабатларининг нақадар нозиклигини, бўлажак оиланинг бахти ҳақидаги тушунчаларни тўғри англатиш яхши натижа беради. Йигит ва қизларнинг маънавий оламида учрайдиган айрим зиддиятларни бартараф этишда, уларни келажакда оиланинг тақдирига юзаки муносабатда бўлмасликка ўргатишда ва оила қуришга тайёрлашда жинсий тарбия муҳим аҳамиятга моликдир.

Эркак ва аёлларнинг тенг ҳуқуқлилиги, бир-бирига

содиқлиги ва ҳоказоларни ёшлар онгига сингдириш зарур. Бунинг учун ўқитувчи ўзбек миллий турмуш тарзидан аниқ мисоллар келтиришни лозим. Чунончи, хотин-қизларга паст назар билан қараш ҳуқуқдаги нотенглик ҳолларини ёшларнинг кўз олдига келтириш, уларни ўзига ўзи ўт қўйган, сирка ичган, ўзини осган аёлларнинг аянчли аҳволдан хабардор қилиш керак.

Ўспирин йигит ва қизлар эркак ва аёлнинг муносабатларини ётиғи билан тушунтириш ота-она, шифокор, синф раҳбари ва ўқитувчиларнинг муҳим вазифаларидир.

Мактабда ўспиринларга ўзларидаги жисмоний, физиологик ва психик ўзгаришлар; йигит ва қизларнинг ўзаро муносабатлари шаклланиши; севги, онлавий турмуш, унинг мақсади ва ижтимоий, гигиеник, масалалари тўғрисида махсус билимлар бериш лозим. Тарбиявий соатлар, шифокор билан суҳбат, оила аъзоларининг маслаҳатлари каби тадбирларга жиддий эътибор бериш керак.

Ота-оналар ва ўқитувчилар ўспирин йигит ва қизларга севгининг икки тури — шахвоний туйғу замирида вужудга келадиган беқарор севги ва чинакам дўстлик, инсоний муносабатлар асосида пайдо бўладиган ҳақиқий севги борлигини тушунтиришлари лозим. Қизларда ҳақиқий севги куртаклари ўғил болаларга нисбатан эрта уйғонади, улар бир умр ўзларига йўлдош ва доимо ғамхўрлик қиладиган кишининг муҳаббатига сазовор бўлишни орзулайдилар. Баъзан қизларда ҳам беқарор ҳислар юзага келиши мумкин.

Ота-онанинг ўзаро яхши муносабати, меҳрибонлиги, ғамхўрлиги оиладаги фарзандларнинг муносабатларини тўғри шакллантиришга ёрдам беради. Она қизида мулойимлик, ширинсуханлик, қизларга хос орият, уятчанлик, ибо, иффат каби фазилатларни тарбиялаш билан бирга, унга уй-рўзгор юмушларини ўргатиш ҳам лозим. Акс ҳолда нималар бўлишини маънавий қашшоқ, енгил-елпи ҳаётга кўникиб, тубанлик ботқоғига ботиб қолган айрим аёлларнинг аянчли қисматидан мисол келтириш орқали тушунтириши зарур.

Ўспиринларни турмуш қуришга тайёрлашда мактаб билан оиланинг ҳамкорлиги муваффақият гарови ҳисобланади. Рўй бериши мумкин бўлган руҳий, жисмоний изтиробларнинг олдини олиш жуда мураккаб иш. Ўқитувчилар жамоасининг ўзи бу ишни бажара олмай-

ди. Шунинг учун уни ота-оналар ва жамоатчиликка таяниб амалга ошириши зарур.

Ўспирин йигит-қизларнинг ҳаётий режалари билан танишишда уларнинг майли, қизиқиши ва нафис туйғуларига, эзгу мақсад сари интилишларига алоҳида аҳамият бериш лозим. Йигит ёки қизнинг руҳияти ва маънавиятига тўғри йўл топиш орқали унинг феъл-атворида ўзгаришлар ҳосил қилиш мумкин.

Оиладаги соғлом муҳит, одамийлик, инсонпарварлик муносабатлари фарзанднинг руҳий дунёсига ижобий таъсир кўрсатади.

Оиладаги тарбиявий ишлар мактабда мустаҳкамланиши ва ривожлантирилиши, ўспиринларни турмуш масаласига илмий нуқтаи назардан қарашга ўргатиш лозим. Йигит ва қиз ўртасидаги муносабатлар анча мураккаб бўлиб, улар аста-секин шаклланади, бу муносабатларнинг ривожланиши кўп жиҳатдан синф раҳбарининг фаолиятига боғлиқдир. У ўз ишини йигит ва қиз ўзаро дўстлик муносабатларини аёло ўқиш, намунали хулқ, жамоат ишларида фаол қатнашиш билан амалга оширадиган йўсинда ташкил этиши керак. Шунингдек мактабда ўспирин болалар қизларга ёрдам берадиган, қизлар эса бу ёрдамни қадрлаб уларга меҳрибонлик туйғусини намоён қиладиган вазиятларни яратиш керак.

Мактабда ўқиш даврида ҳар иккала жинсдаги ўқувчилар ўзаро дўстона муносабатда бўлишлари, бир-бирига ёрдам беришлари, ўзаро ҳурматда бўлишлари шарт. Лекин улар ўртасида муқаддас, ҳеч бузилмайдиган парда, чегара бўлиши маъқул. Йигитнинг бурчи қизни авайлаш, унинг шарм-ҳаёсини паймол қилмаслик, тақдирга юзаки қарамаслик; қиз эса ўз навбатида уятчан, шарм-ҳаёли, андишали, камтар, қизларга хос ғурурли, назокатли бўлишлари даркор. Қизлик ор-номусини паймол қиладиган хатти-ҳаракат ва ҳирсга берилмаслик келажакдаги бахтиёрлик учун зарурлигини ҳар бир қиз билиб қўйгани яхши.

Ўспиринларга оила қуриш ҳақида тушунча беришда бахтли, тинч-тотув яшаш, бир-бирига ишонч, садоқат бўлиши кераклигини уқтириш билан бирга, уларни оилавий турмушда юз бериши мумкин бўлган қийинчиликлардан ҳам огаҳлантириш керак, албатта. Уларга оилада бўлиб турадиган жанжалларда охирини ўйлаб иш тутиш зарурлигини уқтириш лозим,

Никоҳга тайёргарликнинг муҳим жиҳатларидан бири куёв-қайлиқнинг ўзаро қайнота, қайнона, қариндош-уруғлар, хонадоннинг яқин кишилари олдидаги бурчларини англаб олишдир. Мустаҳкам ва барқарор оила қуришнинг асосий шартларидан бири — келиннинг бошқа шароитга кўникиши, бегона турмуш тарзига мослашувидир. Унинг синалмаган оилага, ундаги иқтисодий-молиявий тартибга, нотаниш қадриятларга, анъаналарга, маросимлар, расм-русмларга ўрганиши ҳам осон эмас. Буларнинг ҳаммаси ёш келиннинг жисмоний, ахлоқий, маънавий ва руҳий жиҳатдан тайёргарлигини талаб қилади.

Ўқитувчилар юқори синф ўқувчиларининг ота-оналари билан олиб бориладиган ишларда асосий эътиборни болалар руҳий дунёсининг мураккаб томонларини ёритишга қаратишлари керак. Уларда танқид ва ўзини ўзи танқид, ўзини тутта билиш, ўз хатти-ҳаракатини назорат қилиш ва тўғри баҳолаш, ўзини идора қилиш каби хусусиятларни ривожлантириш зарур.

Тарбиянинг муҳим қуроли нутқ ҳисобланади. Шунинг учун ота-она ўз нутқида ёқимсиз ибораларни ишлатмаслиги, мантиқсиз, ёқимсиз оҳанг билан болаларни ранжитмаслиги, уларда ишонч ҳиссини вужудга келтирмайдиган, носамимий фикрларни айтишдан сақланишлари керак. Ҳаётда мулоимликка, ширинсуханликка, самимийликка, соф виждонли бўлишга нима етсин! Мазах қилиш, баъзан ноўрин ҳазиллашиш орқали ҳам фарзандларнинг мурғак қалбини чўктириш мумкин.

Е Т Т И Н Ч И Б О Б

УСПИРИНЛИК ДАВРИНИНГ ПСИХОЛОГИК ХУСУСИЯТЛАРИ

Ҳозирги энг долзарб муаммолардан бири олий ўқув юртларидаги таълим-тарбия ишлари самарадорлигини кескин оширишдан иборатдир. Чунки республикамизнинг ривожини, равнақини ва истиқболни кўпроқ олий мактаб тайёрлаётган мутахассисларнинг маҳоратига боғлиқдир. Шунинг учун ўқитишнинг янги илғор, фаол усулларини қўллаш, оқилона воситалардан фойдаланиш мақсадга мувофиқдир.

Олий ўқув юртларидаги таълим-тарбия жараёни

рини самарали амалга ошириш учун талабалар билан ўқитувчилар ўртасида узлуксиз таъсир ўтказиш ҳукм суриши лозим.

Ўқитувчи билан талабанинг ҳамкорликдаги фаолияти негизида ўқув-тарбия ишларини тўғри йўлга қўйиш муаммоси ётади. Бу муаммо олий мактаб психологиясида жуда кам тадқиқ қилингани сабабли худди ана шу муаммо юзасидан кенгроқ мулоҳаза юритиш мақсадга мувофиқдир.

1. Талабаларнинг психологик хусусиятлари

Тадқиқотларда талабалар деганда моддий ва маънавий ишлаб чиқаришда ижтимоий ҳаётга ва мутахассисликка оид ролларни муайян қоида ва махсус дастур асосида бажаришга тайёрланаётган ижтимоий гуруҳ тушунилади.

Олий ўқув юртидаги таълимнинг ўзига хос хусусиятлари талабаларнинг бошқа ижтимоий гуруҳлар билар (улар хоҳ расмий, хоҳ норасмий бўлишидан қатъи назар) мулоқотга киришиш учун муҳим имконият яратади. Талабалик даврининг асосий хусусиятларидан бири ижтимоий етукликнинг жадал суръат билан рўёбга чиқишидир. Маълумки, ижтимоий етуклик (камолот) шахсдан зарур ақлий қобилиятни ҳамда ижтимоий турмушда бажариладиган турли ролларни эгаллашга (оила қуришга), фарзандларни тарбиялашга, фойдали меҳнатда қатнашишга (масъул вазифада ишлашга) тайёрланишни талаб қилади. Мазкур жараённинг бош мезонлари ва кўрсаткичлари ўрта маълумотлилик, жамоатчилик топшириғи, меҳнатда фаоллик кўрсатиш, қонунлар олдида жавобгарлик, мутахассис бўлиш имконияти, унга интилиш туйғуси, продавий зўр бериш, ёш оталик ва оналик бурчи, жамоат арбоби вазифасини ўташ, ижтимоий гуруҳга раҳбарлик қилиш, спорт билан шуғулланиш, бўш вақтни ташкил эта олиш, тўгаракда қатнашиш ва ҳоказолардан иборатдир.

Талабалик даври ўспиринликнинг иккинчи босқичидан иборат бўлиб, 17—22 (25) ёшни ўз ичига олади ва ўзининг қатор бетакрор хусусиятлари ва қарама-қаршиликлари билан характерланади. Шу боисдан ўспиринлик даври шахснинг ижтимоий ҳамда касбий маъқенинги англашидан бошланади. Мазкур паллада ўспирин ўзига хос руҳий инқироз ёки тангликни бошидан кечиради, жумладан, катталарнинг ҳар хил кў-

ринишдаги (унга ёқиш ёки ёқмаслигидан қатъи назар) ролларини тез суръатлар билан бажариб қўришга интилади, турмуш тарзининг янги жиҳатларига кўника бошлайди. Катта одамларнинг турмуш тарзига ўтиш жараёни шахснинг камол топиш хусусиятларига боғлиқ ички қарама-қаршиликларни келтириб чиқаради.

Педагогик психология фанидан маълумки, ўрта мактаб ўқувчиларни ҳар (биологик, физиологик, педагогик, психологик) жиҳатдан олий мактаб таълимига тайёрлайди ва уларда умумлаштириш, мавҳумлаштириш, системалаштириш каби қобилиятларда кўринадиган фазилатлар намоён бўлади. Шу билан бирга ўспиринда ақлий, ахлоқий, эстетик ва ғоявий-сиёсий жиҳатдан муайян даражада ўсиш рўй беради. Шунга қарамай, улар олдида олий ўқув юртида мутахассисликни эгаллашга боғлиқ янги вазифалар пайдо бўлади. Ҳозирги фан-техниканинг ривожини бир томондан ахборотларни, маълумотларни кўпайтирса, иккинчи томондан талабаларда мутахассисликка оид билимларга барқарор қизиқишнинг йўқолишига олиб келади, чунки қатъийлик, ижодий изланиш, иродавий зўр бериш ўрнини лоқайдлик, фаолиятсизлик эгаллайди. Бошқача айтганда, улар «тайёр ахборотларнинг қули» га айланадилар. Чунки компьютер, дисплей, ЭХМ, калькуляторлар инсон ақлий меҳнатини енгиллаштиради, уларни ақлий зўр беришдан халос қилади. Ана шулар сабабли олий ўқув юрти таълими олдидаги муҳим вазифа талабаларга дастурдаги билимлар мажмуасини беришдир.

Талабаларга мустақил билим олиш, ўз фаолиятини ўзи ташкил қилиш, ўзини ўзи бошқариш, янги ғояларни ишлаб чиқиш ва ҳоказоларни ўргатишдир. Бу вазифаларни амалга оширишнинг асосий омили — монологик маърузадан диалогик (талаба ва ўқитувчининг мулоқотига асосланган) лекцияга ўтишдир.

Психологлардан Б. Г. Ананьев, Н. В. Кузьмина, Н. Ф. Тализина, В. Я. Ляудис, И. С. Кон, В. Т. Лисовский, А. А. Бодалев, А. В. Петровский, М. Г. Давлетшин, И. И. Ильясов, А. В. Дмитриева, З. Ф. Есарева, А. А. Вербицкий, В. А. Токарева, Э. Ғ. Ғозиев ва бошқаларнинг тадқиқотларига кўра, олий ўқув юртларида таълим олиш талабалар учун жуда оғир кечади, чунки бу даврда шахснинг мураккаб фазилатлари, хислатлари, сифатлари такомиллашиш босқичида бўлади. Мазкур

ёш давридаги ижтимоий-психологик ўсишнинг хусусиятларидан бири ўқиш фаолиятининг онгли мотивлари кучайишидир. Талабаларда ахлоқий жараёнларнинг ўсиши суи амалга ошса-да, лекин хулқнинг энг муҳим сифатлари — мустақиллик, ташаббускорлик, топқирлик, фаросатлилиқ ва ҳоказолар такомиллашиб боради. Шунингдек, уларда ижтимоий ҳолатларга, воқеликка, ахлоқий қондаларга қизиқиш, уларни англашга интилиш тобора кучаяди.

Психологларимизнинг тадқиқотлари шаҳе ҳаёт тажрибасини эгаллашида унда ўзлигини англаш вужудга келишини, жумладан, шахсий ҳаётининг мазмунини англаши, аниқ турмуш режаларини тузиши, келажак ҳаёт йўлини белгилаши ва ҳоказолар амалга ошишини кўрсатади. Талаба аста-секин микроғуруҳнинг нотаниш шароитларига кўникиб боради, ўзининг ҳақ-ҳуқуқлари ва мажбуриятларини била бошлайди, шахслараро муносабатнинг янгича кўринишини ўрнатади, турмушдаги ижтимоий ролларни амалда шахсан синаб кўришга интилади. Улардаги романтик ҳис-туйғулар воқеликка муайян ёндашишга бирмунча ҳалақит беради. Чунки улар турмушдаги ютуқлар ва муваффақиятсизлиқнинг ижтимоий-психологик илдизлари нимадан иборат эканлиги тўғрисида аниқ тасаввурга эга бўлмайдилар.

Ёш физиологияси ва психологияси фанларида тўп-ланган материаллар таҳлилидан кўринадики, талаба 17—19 ёшда ҳам ўз хулқи ва билиш фаолиятини онгли бошқариш имкониятига эга бўлмайди ва шунга кўра хулқ мотивларининг асосланмагани, узоқни кўролмаслик, эҳтиётсизлик каби ҳолатлар рўй беради. В. Т. Листовскийнинг фикрича, 19—20 ёшларда айрим салбий хатти-ҳаракатлар кўзга ташланади. Мазкур ёшда хоҳиш ва интилишнинг ривожланиши ирода ва характердан анча илгарилаб кетади. Бунда одамнинг ҳаётий тажрибаси алоҳида роль ўйнайди, чунки талаба шу тажриба етишмаслиги натижасида назария билан амалнётни, фантазия билан реаллиқни, романтика билан экзотикани, ҳақиқат билан иллюзияни, орзу билан хоҳишни, оптимизм билан қатъийлиқни аралаштириб юборади.

Талабалиқ йилларида ёшларнинг ҳаёти ва фаолиятида ўзини ўзи камолотга етказиш жараёни муҳим роль ўйнайди, лекин ўзини бошқаришнинг таркибий қисмлари (ўзини-ўзи таҳлил қилиш, назорат этиш, баҳолаш, текшириш ва бошқалар) ҳам алоҳида аҳамият

касб этади. Идеал (юксак, барқарор, баркамол) «мен» ни реал (аниқ, воқе) «Мен» билан таққослаш орқали ўзини-ўзи бошқаришнинг таркибий қисмлари амалий ифодага эга бўлади. Талабанинг нуқтаи назарича, идеал «Мен» ҳам муайян мезон асосида етарли даражада текшириб кўрилмаган, шунинг учун улар гоҳо тасодифий, ғайритабiiй ҳис этилиши муқаррар, бинобарин, реал «Мен» ҳам шахснинг ҳақиқий баҳосидан анча йироқдир. Талаба шахсининг такомиллашувида бундай объектив қарама-қаршиликлар ўз шахсиятга нисбатан ички ишончсизликни, ўқишга нисбатан эса салбий муносабатни вужудга келтиради. Жумладан, ўқув йили бошида талабада кўтаринки кайфият, олий ўқув юртига кирганидан завқ-шавқ туйғуси кузатилса, таълимнинг шарт-шароити, мазмуни, моҳияти, кун тартиби, муайян қонун ва қоидалари билан яқиндан танишиш натижасида унинг руҳиятида кескин тушкунлик рўй беради. Юқорида айтилган ички ва ташқи воситалар, омиллар таъсири оқибатида унинг руҳий дунёсида умидсизлик, руҳий парокандалик кайфияти, яъни истиқболга ишончсизлик, иккиланиш, ҳадиксираш каби салбий ҳис-туйғулар намоён бўлади. Бизнингча, олий мактабда тарбия ишларини режалаштиришда, таълим жараёнида талабага ўзига хос муносабатда бўлиш мазкур даврнинг муҳим шартларидан биридир.

Юқорида айтилганлардан қатъи назар, йигит ва қизларни олий ўқув юртига қабул қилиш уларда ўз кучлари, қобилиятлари, ақл-заковатлари, ички имкониятлари ва иродаларига қатъий ишонч туғдиради, ана шу ишонч ўз навбатида тўлақонли ҳаёт ва фаолиятни уюштиришга умид ҳис-туйғусини вужудга келтиради.

Ўспиринликнинг иккинчи даври хулққа, воқеликка баҳо беришда имкониятидан ташқари талаб қўйиш ва қатъиятлилик хусусияти билан фарқланади. Шунинг учун талабалар ҳар доим принципиал бўла олмайдилар. Баъзан қатъиятлилик катталарга салбий муносабатга ҳам айланади. Талабаларнинг ўқитувчи тавсияларини инкор қилиши кўпинча низоларни келтириб чиқаради.

Б. Г. Ананьев раҳбарлигида ўтказилган илмий-тадқиқот ишларидан маълум бўлишича, талабалар камол топишининг жинсий ва нейродинамик хусусиятлари уларнинг ақлий имкониятларини тўла ишга солиш ва сермахсул ўқув фаолиятини ташкил қилиш учун муҳим имконият, шарт-шароит яратади.

Ю. А. Самариннинг таъкидлашича, ёшларнинг камол топишида ҳар хил ижтимоий-психологик хусусият-ли ўзига хос қарама-қаршилиқлар, ички зиддиятлар мавжуд бўлади. Уларнинг моддий жиҳатдан ота-онага, олий ўқув юрти маъмуриятига боғлиқлиги иқтисодий зиддиятни келтириб чиқаради. Бу ҳол талабаларнинг хоҳишлари билан мавжуд имкониятнинг номутоаносиб-лиги туфайли содир бўлади.

Одатда талабалар II ва III курсларда олий ўқув юрти ва мутахассисликни тўғри танлагани ҳақида яна жиддий ўйлайдилар.

Мазкур ёш даврида ўзини бошқаришнинг таркибий қисмлари, ижодий тафаккур, муайян ҳаётий тажриба, ўзлаштирилган билимларни тартибга солиш асосида ҳис-туйғулар, қарашлар, ахлоқий кадрийатлар, ўзлигини англаш ва барқарор эътиқод шаклланади. Талаба ҳукм ва хулоса чиқаргач, ўз хатти-ҳаракатида қатъий туриб уларни ҳимоя қилади, у ҳаётнинг турли соҳалари бўйича ҳар хил даражадаги кўникма ва малакаларга, назарий билимлар, ижтимоий-психологик тушунчаларни амалий фаолиятга татбиқ этиш имкониятига эга бўлади.

Б. Г. Ананьев раҳбарлигидаги тадқиқотчилар жамоасининг фикрича, 18—20 ёш палласида физиологик имкониятлар юксак даражада ривожланади. Организмнинг ташқи таъсирга жавоби, қон босимининг оптимал даражаси ортади, қон kisлород билан тўйинади ва ҳоказо. Инсонда ўқувлиликнинг қулай имконияти вужудга келади. Ўқув инсоннинг ахборотларни қабул қилиш, эслаб қолиш ва хотирада сақлаш қобилиятини билдиради. Кейинчалик инсонда психик функцияларнинг динамикаси, ўқувлилик имкониятлари сира пасаймайди. Одамнинг етуклик даври қуйидаги қонуниятлар билан фарқланади: 1) турли функцияларнинг ривожланиши бир текис ва бир вақтда амалга ошмайди, (бир босқичда хотира, бошқа бир босқичда эса тафаккур); жадал суръат билан ўсади; 2) ёшга қараб турли функциялар ўзаро боғлиқ, мувофиқлашган хусусият касб эта бошлайди; 3) етук инсон ақлининг функционал ўсиш даражаси ёш эволюциясининг ҳар хил босқичида етарли даражада юқори бўлади; 4) мазкур функциялар динамикасида ҳеч қандай кескин пасайиш бўлмайди; 5) етуклик даврида ўқувлилик камаймайди.

2. Талабалар ўқув фаолиятининг хусусиятлари

Талабалар ўқув фаолияти муваффақиятининг муҳим шарти олий ўқув юртидаги таълим жараёнининг ўзига хос хусусиятларини ўрганиш, дискомфорт туйғусини бартараф қилиш, микромуҳитда юз берадиган зиддиятларнинг олдини олишдан иборатдир.

Одатда қуйи курслардаги талабалар ўқув фаолиятини мумкин қадар тўлароқ тасаввур этишга ҳаракат қиладилар, лекин уни бошқариш тўғрисида етарли маълумотга эга бўлмайдилар. Кўпинча улар ўқув фаолиятини бошқариш деганда, ўқув материаллари ўзлаштирилишини режалаштириш, назорат қилиш, баҳолаш кабиларни тушунадилар. Талабалар варақа саволларига берган жавоблардан маълум бўлишича, уларда ўқув фаолияти тизимини тасаввур этишдан ташқари, уни бошқаришнинг айрим имкониятлари юзасидан муайян билимлар ҳам бўлади. Тажрибада иштирок қилган 730 нафар синалувчиларнинг 15 фоизи шахсий фаолиятни бошқариш деганда ўзлаштирилаётган ўқув материалларини кўп марта такрорлаш жараёнини тушунадилар, унинг бош мақсади матннинг моҳиятини аниқ англашдан иборат деб биладилар. Масалан, «Материалларни ўзлаштириш учун уларни ўқийман, такрорлайман, лекин ҳеч қачон уни ўзлаштириш мақсадида оқилона йўл, усул ёки воситаларни қидириб ўтирмайман...» Талабанинг бу мулоҳазаси ана шу тоифадаги барча тенгдошларига ҳам хосдир.

Айрим талабалар ўз жавобларида бирор хусусиятга эга бўлган материалларни ўзлаштиришнинг усулларини ҳам ёзганлар. Қуйи курс жавобларидан бири: «Мен аввал ўқув материални қисмларга ажратаман, сўнг улар ўртасида мантиқий уйғунликни вужудга келтираман, муҳим ва бирламчи аломатларни топишга ҳаракат қиламан. Мазкур материални олдингиси билан солиштираман, ўхшаш ва фарқли жиҳатларини аниқлайман». Худди шунга ўхшаш жавоблар талабаларнинг тўртдан бир қисмидан олинди. Уларнинг 85 фоизи ўқув фаолиятини бошқаришнинг айрим таркибий қисмларини ифодалай олганлар. Аммо кўпчилиги ўқув фаолиятини бошқаришнинг умумлашган усулларини таърифлаш, англаш, фаолиятнинг ҳаракатларини қандай тартибда амалга оширишни тасаввур қилишдан анча йироқдирлар. Шунга қарамай, талабаларда таққослаш, режа тузиш, лекция ва бирламчи манбаларни конс-

пектлаштириш бўйича маълум тушунчалар мавжуд. Бироқ, бу борада ҳам айрим нуқсонлар учраб туради. Чунончи талабалар режалаштириш, конспектлаштириш, таълимий усуллардан фойдаланишга қўйиладиган умумий талабларни аниқ кўрсатишда қийналадилар, муаммо доирасидан четлашадилар ва ҳоказо.

Мана шу қийинчиликларни моҳияти ва шаклига кўра уч гуруҳга ажратиш мумкин:

1. Билишдаги қийинчиликлар: ўрта мактаб ва олий ўқув юртидаги ўқув материалларининг мазмун ва кўлами жиҳатдан кескин фарқланиши; олий ўқув юртида ўқитишнинг турли шакл ва усуллари (лекциялар, семинар машғулоти, коллоквиум, синов, баҳс, амалий машғулот, махсус практикum, махсус семинар, махсус курс ва ҳоказолар) мавжудлиги ўқув матни, лекция ва семинар материалларининг мураккаблиги, муаммолиги, илмийлиги, талабаларда мустақил билим олиш малакалари етишмаслиги; уларнинг мураккаб олий таълимга тўла тайёр эмаслиги.

2. Ижтимоий-психологик қийинчиликлар: атроф-муҳит ва ҳаёт шароитининг ўзгариши; ҳаёт ва фаолиятнинг барча жабҳаларида мустақилликка ўтилиши: иродавий зўр бериш, қобилият, ақлий имкониятлар бўйича қатъиятсизлик: масалан, сессияларда, ўқишдан ҳайдалишдан чўчиш, қўрқиш, хавфсирашнинг пайдо бўлиши.

3. Касбий қийинчиликлар: олий ўқув юрти мутахассислигини танлашдан иккиланиш; олий мактаб шарт-шароитларига мослашиш жараёнини нотўғри тасаввур қилиш; таълим олиш усуллари ва воситаларини кўникма, малака ва одатларини эгаллашда орқада қолиш, турли хусусиятга эга бўлган мутахассислик — ихтисослик амалиётидан унумли фойдалана олмаслик; назарий билимлар билан амалиётнинг ажралиб қолгани; талабаларнинг профессиограммадан хабарсизлиги ёки профессиограмма талабларига жавоб берадиган касбий фазилатларга эга эмаслиги.

Мана шу қийинчиликларнинг барчаси олий мактаб муҳитига мослашиш билан боғлиқдир. Тажрибадан маълумки, олий мактаб муҳитига мослашишда талабаларнинг ўзига хос типологик ва ёш хусусиятлари, ақлий имкониятлари, ақл-заковати, ахлоқий фазилатлари, этник аломатлари маълум даражада роль ўйнайди.

3. Таълимдаги қийинчиликларни бартараф қилиш

Қийинчиликнинг асосий сабаблари талабалар ўқув фаолиятининг тўғри усулларини билмаслиги, ақлий меҳнатда куч ва имкониятларни бир текис тақсимлай олмаслигидан иборат бўлиб, булар ақлий зўриқишнинг негизи ҳисобланади. Талабаларда вужудга келган ақлий зўриқиш тасодифий психологик ҳодиса эмас, унинг замирида шахсий ўқув фаолиятини оқилона бошқариш ўқувининг заифлиги ётади.

Шунга кўра олий ўқув юрти талабалари кўпинча ўқув материалларини ўзлаштиришда бу фаолиятни тасодифий бошқаришга ҳаракат қиладилар. Бунда муайян материаллар мантиқий ҳаракат билан эслаб қолинса, қолганлари мутлақо диққатдан узоқлаштирилади. Натижада улар маърузанинг бир қисмини тинглайдилар, унинг моҳиятини базўр англайдилар, уни конспектлаштиришга улгурмайдилар. Ўқув йили мобайнида ана шу ҳолнинг давом этиши имтиҳон сессияларини талаба учун қаттиқ синовга айлантиради. Шунга кўра олий ўқув юртининг асосий вазифаларидан бири талабани ўқув материалларининг асосий манбалари билан ишлашга ўргатишдан, унинг мустақил билиш фаолиятини ташкил қилишдан, уни ўзини бошқариш усуллари билан таништиришдан иборатдир. Маълумки, олий мактабда мустақиллик ва мустақил ўқув фаолиятини уюштириш талаб қилинади.

Олий маълумот олиш талабанинг мақсадга мувофиқ, мунтазам, режали, изчил ўқув фаолиятини таълимнинг барча босқичларида амалга оширишини тақозо этади.

Олий мактаб психологияси фанида талабаларнинг ўқув фаолияти аудитория ва аудиториядан ташқари қисмларга ажратилади. Шу билан бирга талабалар олдида ўқув фаолиятининг таркибий қисмлари билан боғлиқ муайян қоидаларга риоя қилиб ҳал этиладиган масалалар кўрилади: 1) қандай йўл билан аудиторияда тўғри ўқиш ва ўқитиш мумкин? 2) қай йўсинда аудиториядан ташқари вақтларда мустақил фаолиятнинг умумлашган усулларида фойдаланса бўлади? 3) маърузада талабанинг ақлий фаолияти учун оптимал шарт-шароитлар қандай яратилади?; 4) амалий ва семинар машғулотларига тайёрлик даражасини аниқлаш ва ифодалаш мумкин?; 5) талабанинг имтиҳон ва синовларга тайёргарлик савиясини аниқлаш имконияти борми ва ҳоказо. Мазкур фанда маърузанинг муҳим

бешта тури қонуний равишда тавсифланган. Улар ахборот берувчи, йўналтирувчи, рағбатлантирувчи, методик, ривожлантирувчи ва тарбияловчи маърузалар деб аталади. Ана шу маърузаларнинг сифатини баҳолашда қуйидагилар ҳисобга олинади:

1. Маърузанинг мазмуни (ғоявий-сиёсий йўналиши, илмийлиги, оммабоплиги, назария билан амалиётнинг бирлиги, эмпирик материаллар кўлами, баён қилиш шакли ва бошқалар).

2. Талабани ўйлашга, бош қотиришга етакловчи материалларнинг муаммоли баён қилиниши (унинг даражалари, жабҳалари, жиҳатлари, даврийлиги кабилар).

3. Маърузанинг асослилиги (яққол далиллар билан мустаҳкамланувчи назарий қоидаларнинг ҳаққонийлиги, лўндалиги).

4. Маърузанинг мутахассислар касбий тайёргарлиги даражасига боғлиқлиги (қай даражада, қай шаклда, қай йўсинда).

5. Маърузанинг тизими (режалилиги, тартиблилиги, йиғинчоқлиги, умумлашганлиги).

6. Маъруза ўқиш усули (кўрсатмалилик, жонли нутқ, ҳис-туйғуга бойлиги, материал баёнининг суръати, ўринли тўхталиш, мантиқий урғу).

7. Уқитувчининг талабага муносабати (эътиборлилиги, талабчанлиги, самимийлиги, меҳрибонлиги, одоблилиги).

8. Аудитория билан алоқа қилиш (бевосита, жонли, яккама-якка, гуруҳий, жамоавий, узлуксиз, аҳён-аҳёнда).

9. Талабаларнинг лекциядаги давомати (академик гуруҳнинг тўла қатнашуви, бир оз камчилиги, умуман камчилиги).

10. Маърузани конспектлаштириш (кўпчилик томонидан, ярмиси, айримлари).

11. Лекторлик фаолиятини бошқариш (эркин, ишонч билан, тезисга асосланиб баён қилиш, маъруза конспектидан узоқлашмай баён қилиш).

12. Мақсадга эришиш (ишлаб чиқилган йўллар, синналган воситалар, эгалланган усуллар, шаклий нуқтаназарни баён қилиш, талабанинг мустақил ҳолда ишлаши учун имконият яратиш ва бошқалар).

Маълумки, олий мактабдаги ўқув-тарбия жараёнида маъруза билан семинар машғулотлари боғланиши муҳим аҳамият касб этади. Семинар машғулотлари

асосан талабаларда тафаккурнинг танқидийлиги, маҳсулдорлиги каби ақлнинг зарур таркибий қисмлари шаклланишига қаратилган бўлади. Семинар машғулотларида ўқитувчи ўрганилаётган муаммо юзасидан талабаларнинг билимларини текшириши, уларда тафаккурнинг мустақиллигини, маҳсулдорлиги ва теранлигини ошириши, атроф-муҳитга муносабатни шакллантириши, уларга илмий назариялар, концепциялар бўйича шахсий фикрларини билдиришни ўргатиши керак.

Семинар машғулоти талабанинг ўз ўқув фаолиятини бошқаришида муҳим роль ўйнайди. Масалан, таълимнинг турли шаклларида (мустақил ишлар, тўғарак машғулотлари, илмий-тадқиқот, лекция ва баҳсларда олинган билимлар яққоллашади, тартибга тушади, янада чуқурлашади, мустақил билим олиш малакалари ўсади, ақлий меҳнат усуллари ўзлашади, оғзаки ва ёзма нутқ такомиллашади).

Олий мактабда кўпинча семинар машғулотининг икки туридан фойдаланилади: а) семинар режасига кирган масалалардан ҳар бирини алоҳида кенг муҳокама қилиш; б) ҳар бир талабанинг ўрганилаётган мавзу юзасидан маърузасини тинглаш. Бизнингча, семинарнинг иккинчи тури кенг кўламда ахборотлар алмашиши имкониятига эга. Чунки унда долзарб муаммолар, қонуниятлар, хусусиятлар бўйича мулоҳаза юритилади ва тегишли қарорга келинади.

Тажрибаларда талабаларнинг семинар машғулотидаги фаолияти қуйидаги мезонлар асосида баҳоланди:

1. Семинар машғулотида чиқишнинг муайян мақсадга йўналгани (масаланинг қўйилиши, бўлғуси мутахассисликда назарий билимларни амалий билимларга боғлаш).

2. Талаба маърузасининг режаси: оқилона режалаштириш, масалани бирламчи ва иккиламчи аломатларга ажратиш, библиографияни тўғри тузиш (нодир, янги ва қасбга оид манбалар танлангани).

3. Талабанинг хулқи: ўринли баҳслашуви, тўғри жавоби, материални чуқур таҳлил қилиши, далилни қайта баён этиши, ўз нуқтаи назари мавжудлиги, ихчам ва ёлн да таҳлил; маърузанинг зерикарлилиги, бўшлиги.

4. Ўзаро алоқа: талабанинг курсдошларига танқидий, самимий, эътирозли муносабати; семинар қатнашчилари билан тез мулоқотга киришиш имконияти.

5. Талабанинг машғулоти ишонч билан, мутахассисларча яқунлаши, тенгдошлари билимини бойитиши ёки аксинча; семинарда барча ҳолатлар ва муносабатларни ёзиб бориши, унга ўз қарашларини билдира олиши.

Маъруза ва семинар машғулотлари самарадорлигини ошириш учун қуйидаги психологик ҳолатларга эътибор бериш лозим:

1. Матн ва бирламчи манбалар бўйича муҳим ва номуҳим белги ҳамда аломатларни ажратиш ёки мавжумлаштириш.

2. Ўзлаштирилаётган ўқув материалларини ўз вақтида таҳлил қилиб бориш ва умумлаштириш.

3. Талаба ўқув материаллини идрок қилиши учун ақлий фаолиятининг барча жабҳалари бўйича йўл-йўриқлар бериш.

4. Ўқитувчи нутқидан ҳаёлан илгарилаб кетиб, унинг яқунловчи фикрини олдиндан фаҳмлай билиш ва бошқалар.

Шундай қилиб, маъруза ва семинар машғулотларининг самарадорлигини ошириш билан олий мактабдаги таълим ва тарбия жараёнида камол топтирувчи ҳамда тарбияловчи принципларни амалга ошириш, талабаларга ўзини ўзи босқаришни ўргатиш мумкин.

4. Талаба шахсининг ижтимоий-психологик хусусиятларини текшириш

Ҳозир психологияда талаба шахсини ўрганишнинг қатор усуллари ишлаб чиқилган. Қуйида ана шуларнинг айримларига тўхталамиз.

Психология фанида кенг қўлланадиган усуллардан биттаси қуйидагичадир.

Хурматли талабалар! Сизни илмий тадқиқот фаолиятида эксперт сифатида иштирок этишингизни сўраймиз, бу ишнинг асосий мақсади талабалар шахсининг объектив ижтимоий-психологик хусусиятларини аниқлашдан иборатдир.

1. Бунинг учун талаба шахсининг беш гуруҳдан иборат қуйидаги фазилат, сифат ва хислатларига ўз аҳамияти бўйича тегишли тартиб номерлари қўйишингизни сўраймиз:

Шахсининг ғоявий-сиёсий сифатлари.

Қасбий-ихтисослик фазилатлари.

Ахлокий-этик хислатлари.

Тарбиявий-педагогик сифатлари.

Ташкилий ишчанлик фазилатлари.

2. Ҳар бир гуруҳга (1—3-жадвалларга) киритилган сифатларни муҳим эмас деб ҳисобласангиз, ўчириб ташланг ва ўрнига ёқтирганингизни қўшиб қўйинг.

3. Ҳар бир гуруҳдаги фазилатларни аҳамиятига қараб, беш балли шкала билан баҳоланг:

«5» — талаба шахси учун мутлақо зарур.

«4» — талаба шахсида бўлиши шарт.

«3» — мазкур сифатнинг бўлиши маъқул.

«2» — бу сифат зарур эмас.

«1» — бунга эътибор бермаса ҳам бўлади.

1-жадвал. Шахснинг ғоявий-сиёсий сифатлари

т. №		балл
1.	Принципиаллик	
2.	Сиёсий саводхонлик	
3.	Ғоявий эътиқод	
4.	Жамоат ишларида фаол қатнашиш	
5.	Ўз ижтимоий бурчини англаш	
6.	Тарбия муаммоси муҳимлигини тушуниш	
7.	Ижтимоий-сиёсий фикрлаш кўникмаси	
8.	Ташкилотчилик қобилияти	

2-жадвал. Касбий-иختисослик сифатлари

т/№		балл
1.	Илмий иш билан шуғулланиш	
2.	Касбий етуқлик	
3.	Ўқинишдаги ижодий фаоллик	
4.	Мустақиллик	
5.	Билимдонлик	
6.	Ақлнинг танқидийлиги	
7.	Ахборотларни йиғиш ва таҳлил қилиш	
8.	Ўз фикрини ифода қилиш	
9.	Илмий-тадқиқот ўтказиш кўникмаси	
10.	Сўз-мантиқ луғат бойлиги	

№	Балл
1.	Ўзига талабчанлик
2.	Ўзгаларни ҳурматлаш
3.	Қамтарлик
4.	Ўзига ишонч
5.	Ибодатлик
6.	Ҳалоллик
7.	Адолатпарварлик
8.	Самимийлик
9.	Бегаразлик
10.	Ички маданиятлилик
11.	Ҳамдардлик
12.	Виждонлилик
13.	Жамоатчилик меҳнатини ортиқча баҳоламас- лик
14.	Юмор ҳисси
15.	Дилкашлик
16.	Ўзини камол топтиришга интилиш
17.	Гуманитар билимларга чанқоқлик
18.	Замонавийлик
	Ўзини тутиш
20.	Ўзини назорат қилиш
21.	Ўз манфаатини ҳамма нарсдан юқори қўй- маслик
22.	Ахлоқ қоидаларига риоя қилиш

Навбатдаги методика талабаларнинг ўз мутахассис-
лигига ва қатнашиши мажбурий практикага муносаба-
тини аниқлаш учун хизмат қилади:

Фамилияси, исми, отасининг исми:

Факультети:

Курси:

I. Мазкур мутахассисликни танлашингизга нима сабаб
бўлди? (Тегишли жавобнинг тартиб рақамини айлана
ичига олинг):

1) ҳар қандай фан билан шуғулланиш имконияти:

2) мутахассислик бўйича ўз қобилиятимга ишон-
чим:

3) ўқитувчининг тавсияси:

4) оиламиз анъанаси:

5) ўқитувчи меҳнатининг ижтимоий нуфузи:

6) шу мутахассислик бўйича илмий тадқиқот иш-
лари:

7) шундан бошқа иложим йўқ эди:

8) яна нималар сабаб бўлганини ўзингиз ёзинг.

II. Агар университетга қайтадан кириш мумкин бўлса, Сиз яна шу мутахассисликни танлайсизми?

1. Ҳа. 2. Йўқ. 3. Билмайман.

III. Мутахассислик бўйича факультетдаги умумий тайёргарлик жараёни Сизни қониқтирадими?

1. Ҳа. 2. Йўқ. 3. Билмайман.

IV. Ўқитувчилик касби ва унинг истиқболи Сизга ёқадими?

1. Ҳа. 2. Йўқ. 3. Билмайман.

V. Агар университетга қайтадан ўқишга кириш мумкин бўлса, яна шу факультетни танлайсизми?

1. Ҳа. 2. Йўқ. 3. Билмайман.

VI. Илмий фаолият нимаси билан:

ўзига тортади

1. Фанда ўз фикрингни айтиш имконияти.
2. Ижод қилиш.
3. Диссертация ёклаш имконияти.
4. Моддий таъминланиш.
5. Жамоада меҳнат қилиш имконияти.
6. Ўзини ўзи камол топтириш.
7. Олий ўқув юртида ўқитувчи бўлиб ишлаш истаги.

ўзига тортмайди

1. Фанда бирор нарса яратишнинг қийинлиги.
2. Умумий фаолиятсиз илмий фаолият бўлмаслиги.
3. Диссертация ёклаш зарурлиги.
4. Узоқ муддат моддий таъминланмаслик.
5. Илм билан ўралашиб қолиш.
6. Жамоада меҳнат қилиш зарурлиги.
6. Олий ўқув юртида ишлаш мажбурийлиги.

VII. Сизни педагогик фаолиятнинг нимаси:

ўзига тортади:

1. Педагогик фаолиятнинг ижтимоий нуфузи.
2. Болалар ва ёшлар билан ишлаш.

ўзига тортмайди:

1. Педагогик фаолиятнинг аҳамияти етарлича баҳоланмаслиги.
2. Болалар, ёшлар билан ишлаш зарурлиги.

3. Севимли фан билан шуғулланиш имконияти.
4. Ижод қилиш имконияти.
5. Яхши иш ҳақи.
6. Қисқа иш куни.
7. Ўзини ўзи такомиллаштириш имконияти.
8. Ишнинг ўз қобилиятимга мослиги.
9. Ишнинг характеримга мослиги.
10. Педагогик фаолият яна нимаси билан ўзига тортади?

3. Ёқадиган фан бўйича баркамолликка имкон йўқлиги.
4. Ижодга имкон йўқлиги.
5. Маошнинг ёмонлиги.
6. Иш кунининг узунлиги.
7. Ўзлигини такомиллаштириш имкони йўқлиги.
8. Ишнинг қобилиятимга мос эмаслиги.
9. Ишнинг характеримга мос эмаслиги.
10. Педагогик фаолиятнинг яна нимаси ўзига тортмайди?

VIII. Сиз олдинда турган педагогик практикага қандай муносабатдасиз?

- 1) уни ўртача қизиқиш билан кутаяпман;
- 2) менингча, практика фойдали бўлади;
- 3) мен ундан чўчимайман;
- 4) у мени ўзим ёқтирган фандан чалғитади;
- 5) педагогик практикадан ҳеч қандай натижа кутаётганим йўқ.

IX. Агар дарс бериш зарурати туғилса, Сиз унга тайёرمىсиз?

1. Ҳа. 2. Йўқ. 3. Билмайман.

X. Сиз практикага фан бўйича тайёрман деб ҳисоблайсизми?

- 1) мутахассислик фани бўйича:
1. Ҳа. 2. Йўқ. 3. Билмайман.
- 2) ўқитиш методикаси бўйича-чи?
1. Ҳа. 2. Йўқ. 3. Билмайман.
- 3) психологияга-чи?
1. Ҳа. 2. Йўқ. 3. Билмайман.
- 4) педагогикага-чи?
1. Ҳа. 2. Йўқ. 3. Билмайман.

XI. Мутахассислик фанини ўқитишнинг қандай ижобий ва салбий жиҳатларини биласиз?

Ижобий:

1. Илмийлик, муаммо-лилик, билимнинг чуқурлиги.
2. Ҳозирги замон масалалари билан алоқаси борлиги.
3. Илмий тадқиқот усуллари мавжудлиги.
4. Маърузалар жонли, қизиқарли ўтиши.
5. Таълимда кўрсатмалилик ва техник воситалар қўлланиши.

Салбий:

1. Илмийлик, муаммо-лилик, чуқурлик етишмайди.
2. Ҳозирги замон масалаларига алоқаси йўқлиги.
3. Илмий тадқиқот усуллари йўқлиги.
4. Маърузаларнинг зерикарлиги ва сустлиги.
5. Таълимда кўрсатмалилик ва техник воситалар қўлланмаслиги.

XII. Психология ўқитишнинг қандай ижобий ва салбий жиҳатларини биласиз?

Ижобий:

1. Ахборотларнинг янгилиги.
2. Баён қилишнинг жозибалилиги.
3. Баён қилишнинг ҳиссиётга бойлиги.
4. Ҳозирги замон муаммоларидан фойдаланиш.
5. Таълимда кўрсатмалилик ва техник воситаларни қўллаш.
6. Муаммоли баён қилиш.
7. Масала ечиш тафаккурни ўстириши.

Салбий:

1. Ахборотда янгиликлар камлиги.
2. Баён қилишнинг қовушмаслиги.
3. Баён қилишнинг сустлиги, қуруқлиги.
4. Замонавий билимлар камлиги.
5. Баён қилишда кўрсатмалилик ва техник воситалардан фойдаланмаслик.
6. Юзаки баён қилиш фикрлашга мажбур этмайди.
7. Масала ечилмаса, тафаккур ривожланмайди.

8. Бошқа қандай жиҳатлари борлигини кўрсатинг.

XIII. Педагогика ўқитишнинг қандай ижобий ва салбий жиҳатларини биласиз?

Ижобий:

1. Маърузалардан таълим ва тарбия тўғрисида билим оламан.
2. Худди шу фан қизиқтиради.
3. Маърузалардан бир талай янгиликларни эшитаман.
4. Маъруза жонли, қизиқарли, жўшқин ўқилади.
5. Лекциялар ҳаёт ва турли муаммолар билан боғланади.
6. Семинарлар мени қизиқтиради.
7. Яна нималар дейишингиз мумкин?

Салбий:

1. Маърузалардан ҳеч қандай билим олмайман.
2. Бу фан ҳеч қизиқтирмайди.
3. Унда янгилик кам бўлади.
4. Маъруза қуруқ, бир қолипда ўтказилади.
5. Ҳаёт билан алоқаси жуда кам.
6. Семинар ўтказиш мени қониқтирмайди.
7. Яна нималар дейишингиз мумкин?

XIV. Машғулотдан ташқари вақтларда ижодий фаолиятнинг қайси турлари билан шуғулланасиз?

- 1) мусиқа ансамблида қатнашаман
- 2) театр жамоасида иштирок қиламан
- 3) бадий сўз устаси студиясида шуғулланаман
- 4) рақс тўғарагида
- 5) қўғирчоқ театрида
- 6) талабалар илмий жамиятида
- 7) спорт секциясида
- 8) фаолиятнинг бошқа (қандай) турлари билан шуғулланаман.

XV. Ўқитувчиликда ижодий фаолиятда қатнашишингиз ёрдам берадими?

1. Ҳа. 2. Йўқ. 3. Билмайман.

XVI. Мактабда қандай жамоат ишларини бажаргансиз?

- 1) синф бошлиғи
- 2) таҳрир хайъати аъзоси
- 3) етакчи
- 4) ўзлаштирмайдиган ўқувчиларга ёрдамчи
- 5) спорт секциясининг бошлиғи
- 6) ўқув кенгашининг аъзоси
- 7) яна қандай ишларни бажаргансиз.

XVII. Университетда қандай жамоат ишларини бажараяпсиз?

- 1) ёшлар уюшмаси кенгашининг аъзоси
- 2) талабалар касба уюшмасининг бюроси аъзоси
- 3) гуруҳ бошлиғи
- 4) таҳрир хайъатининг аъзоси
- 5) мактабда етакчилик
- 6) талабалар уюшмасининг аъзоси
- 7) тўғарак қатнашчиси
- 8) жамоатчи тренер
- 9) яна қандай жамоат ишларини бажаришингизни кўшиб қўйинг.

Юқоридаги топшириқни бажаришнинг сифати, маъноси ва тўлиқлигини (экспериментчи) баҳолайди. Барча саволларга тўлиқ, маъноли жавоб берган талабаларга юқори балл берилади.

Психология фанида шахснинг характерини, темпераментини, бошқаларга муносабатини улар билан мулоқот кўламини ва жамоадаги ролини ўргатишнинг кўплаб усуллари мавжуд бўлиб, улар тўғрисида кейинроқ тўла маълумот берамиз. Бизнингча, уларни амалиётга татбиқ қилиш ҳам олий мактабдаги таълим ва тарбияни янада такомиллаштиришга хизмат қилади.

5. Уқитувчи ва талабанинг ҳамкорлиги — таълим самарадорлигининг муҳим омили

Олий мактабда ҳамкорликдаги фаолиятнинг шаклланиши, унинг ижтимоий-психологик жиҳатини ташкил қилиш, ҳар қандай фаолиятни, шу жумладан, ўқув фаолиятини ташкил қилувчи таркибий қисмларни ўрганиш сўнгги ўн йилларда амалга оширила бошланди.

Б. Ф. Ломов фаолиятни таҳлил этишнинг умумий психологияда қабул қилинган схемасини кўриб чиқиб, бу фаолиятни бажарувчи шахснинг бошқа шахслар билан ҳамкорлиги бошқача қурилиши зарурлигини таъкидлаб ўтади. Якка шахс фаолиятининг психологик таҳлили фаолият субъектининг бошқа одамлар билан алоқасини мавҳумлаштиради. Лекин бу мавҳумлаштириш ниҳоятда муҳимлигидан қатъи назар, ўрганилаётган ҳодисаларни бир томонлама ёритиш имконини беради.

Уқитувчи ва ўқувчининг ҳамкорликдаги фаолиятига доир тадқиқотларда, асосий эътибор ўзаро муносабатнинг ривожланишини ўрганишга қаратилган,

ўқитишни гуруҳли ташкил қилиш жараёни баён қилинган.

А. В. Петровский жамоадаги шахслараро муносабатлар фаолиятдан келиб чиқишини ўрганиб, таълим жараёнида ўқитувчининг ўқувчилар билан ҳамкорлигини ташкил қилиш фақат уларнинг мулоқотга эҳтиёжини қондириш воситаси эмас, балки ўқув материални ўзлаштиришнинг ҳам воситаси эканлигини таъкидлаган эди.

Бу муаммога бошқачароқ ёндашган А. А. Бодалев ўқитувчи билан ўқувчининг муносабати уларнинг самарали, ҳамкорлигини вужудга келтириш учун қулайлик яратиши зарур деб ҳисоблайди. Бунинг учун ўқитувчилар ўқувчиларнинг шахс сифатидаги хусусиятларини, мақсад ва эҳтиёжларини ҳисобга олишлари шартдир.

Юқоридаги фикрларга қарамай, ўзлаштиришнинг турли босқичларида ўқитувчи билан ўқувчиларнинг турли ҳамкорлиги қандай уюштирилиши масаласи ҳал бўлган эмас. Бинобарин, ўқитувчида ўқув фаолиятини ҳамкорлик асосида ташкил қилиш кўникмалари йўқлиги қатор муаммолар келтириб чиқармоқда.

Ҳамкорликдаги махсуддор фаолиятни психологик жиҳатдан ўрганишни В. Я. Ляудис бошчилигидаги психологлар гуруҳи амалга оширди. Унинг асосий мақсади янги психик фазилатларнинг шаклланишида ўқитувчи билан талаба ҳамкорлигининг ролини ифодалаш эди. Ушбу назарияга биноан, ўқув фаолиятининг шаклланиши фан асосларини ўзлаштиришнинг негизи эмас, балки шахнинг ижтимоий-маданий қадриятларини эгаллаш жараёнидир. Мазкур назария асосида ўқув вазиятининг талаба шахсининг ривожланишидаги «яқин камолот зонаси»нигина эмас, балки «перцептив ривожланиш зонаси»ни ҳам яратадиган йўсинда, лойиҳалаш мумкин.

В. Я. Ляудис ўқув вазияти таркибидаги 4 та ўзгарувчан ҳолатни кўрсатади: а) ташкилий ўқув жараёнининг мазмуни (унинг хусусияти ўқувчи ўзлаштирадиган фаолият дастурли, эгалланадиган билиш фаолиятининг турлари; б) таълим мазмуни ва ўқув фаолияти усуллари ўзлаштириш: бир босқичдан бошқасига ўтиш тартиби, в) талаба билан ўқитувчининг ўзаро таъсири ва ҳамкорлик системаси; г) таълимдаги ўзгарувчан омилларнинг ўзаро алоқаси тақомиллашув.

Ўзаро ҳамкорликнинг муҳим омили ва талабаларнинг ўзаро муносабати хусусиятини белгиловчи асос ўқитувчи билан талаба ҳамкорлигининг шакллариidir. Ҳамкорликдаги ўқув фаолияти (ўқитувчи ва талаба муносабатларининг ва биргаликдаги хатти-ҳаракатларининг алоҳида туридирки, у ўзлаштириш объектини, билиш фаолиятининг барча қисмларини қайта қуришни таъминлайди.

Ҳамкорликдаги ўқув фаолиятининг мақсади ўзлаштириладиган фаолият ва биргаликдаги ҳаракатлар, муносабат ва мулоқотнинг бошқариш механизмини яратишдир. Ҳамкорликдаги фаолиятнинг маҳсули талабалар мустақил ҳолда илгари сурган янги ғоялар ва ўзлаштирилаётган фаолиятнинг моҳиятига боғлиқ мақсадлар ва шерикликда шахс позициясини бошқариш истакларининг юзага келишидир. Ҳамкорликдаги фаолият усули деганда, ўқитувчи билан талабанинг биргаликдаги хатти-ҳаракатларининг системасини тушуниш керак. Бундай хатти-ҳаракатлар ўқитувчининг талабага кўрсатадиган ёрдамидан бошланади, талабаларнинг фаоллиги аста-секин ўса бориб, бутунлай уларнинг ўзи бошқарадиган амалий ва ақлий ҳаракатига айланади, ўқитувчи билан талаба ўртасидаги муносабат эса шериклик позицияси хусусиятига эга бўлади.

Психология фанида ҳамкорликнинг етти та шакли мавжуд, улар қуйидагилардан иборатдир: 1) фаолиятга кириш, 2) мустақил ҳаракатлар (ўқитувчи билан талаба ҳамкорликда бажарадилар); 3) ўқитувчи ҳаракатни бошлаб беради ва унга талабани жалб этади; 4) тақлид ҳаракатлари (ўқитувчидан ибрат олган талаба ана шу намуна асосида ҳаракат қилади); 5) мадад ҳаракатлари (ўқитувчи талабага оралиқ мақсадни ва унга эришиш усуллариини танлашда ёрдам беради ҳамда охириги натижани назорат қилади); 6) ўзини-ўзи бошқариш ҳаракатлари (ўқитувчи умумий мақсадни кўрсатишда ва охириги натижани баҳолашда иштирок этади); 7) ўзини ўзи қўзғатувчи ҳаракатлар; 8) ўзини уюштирувчи ҳаракатлар.

Ҳамкорликдаги фаолият усуллари биргаликдаги хатти-ҳаракатлар шаклида намоён бўлиб, унга мулоқот давлари сингари мазкур фаолиятнинг оддий бирликлари деб қараш мумкин. Биргаликдаги ҳаракат даври қуйидагича алмашинуви ўз ичига олади: ўқи-

тувчи ҳаракат бошлайди, талаба уни давом эттиради ёки тугаллайди.

Олий мактабларда ҳамкорликдаги фаолиятнинг хусусиятларини ўрганиш ва тажрибаларда синаб кўришнинг асосий мақсади талабаларнинг билимларни ўзлаштиришдаги қийинчиликларининг сабабларини ва манбаларини тадқиқ этиш ҳамда таълим жараёнида ёки ҳамкорликдаги фаолиятда билимларни ўзлаштириш самарадорлигини оширишнинг асосий омилларини аниқлашдан иборатдир.

САККИЗИНЧИ БОБ

ЕТУКЛИК ДАВРИНИНГ ПСИХОЛОГИК ХУСУСИЯТЛАРИ

1. Ёшлик даври ва унинг ўзига хос психологик хусусиятлари

Ёшлик даври 23—28 ёшлардан иборат бўлиб, бу даврнинг ўзига хос хусусиятларидан бири ижтимоий ҳаётнинг барча жабҳаларида камолга эришган шахс сифатида фаол иштирок қилиш ва ишлаб чиқаришда меҳнат фаолиятини амалга оширишдан иборатдир. Ёшларнинг меҳнат фаолияти қуйидаги учта муҳим белгиси билан бошқа ёш даврларидан фарқланади: 1) мутахассисликнинг моҳиятига, ишлаб чиқариш шарт-шароитига ва меҳнат жамоаси аъзоларининг хусусиятига мослашиш (кўниқиш)—меҳнат фаолиятининг дастлабки йиллари (тахминан 1 йилдан 3 йилгача) ёки жамоада ўз ўрнини топиш ва қадр-қимматга эришиш; 2) мутахассис сифатида ўзини такомиллаштириш учун ижодий изланишни амалга ошириш (меҳнат фаолиятининг иккинчи палласи—3 йилдан 8 йилгача—иш стажининг зарда тутилади) ёки касбкорлик, маҳоратини эгаллаш; 3) маҳорат сирларидан фойдаланиш, ташаббус кўрсатиш, ишлаб чиқариш самарадорлигини оширишда ижтимоий етукликни намоён қилиш ёки меҳнат фаолиятидаги барқарор ижод босқичида бир текис 10 йиллаб ишлаб сифатли маҳсулот яратиш намунасини кўрсатиш.

Юқоридагн босқичлар барча касб-кор эгаларига хос бўлса-да, лекин ишлаб чиқаришга эртароқ ва кечроқ кириб келган одамлар ўртасида ёш жиҳатдан тафовут мавжуд бўлади. Масалан, ҳунар-техника билим

юртини тамомлаган йигит-қизлар ўз меҳнат фаолиятини олий маълумотли ёшлардан олдин бошлайдилар, бироқ улар ҳам мазкур босқичларни босиб ўтишлари шарт.

Ҳозирги мутахассисларнинг кўпчилиги ўқув юртидаги назарий билимлар билан амалий кўникмалар ўртасида узилиш мавжудлиги сабабли мустақил фаолиятнинг дастлабки кунларидан бошлаб қатор қийинчиликларга дуч келадилар. Бу қийинчиликлар ўз моҳиятига кўра уч хилдир; улар: а) ижтимоий қийинчиликлар: нотаниш муҳити шарт-шароитлари, шахслараро муносабатлар, меҳнат жамоасининг савияси, ундаги кишиларнинг характер ҳислатлари, ишлаб чиқариш жамоасининг қадриятлари, маънавияти, анъаналари ва ҳоказо; б) билим ва билишга оид қийинчиликлар: махсус ўқув юртида олган билимлардаги узилишлар, савиянинг чекланганлиги, ижодий изланиш фаолиятининг заифлиги, ташаббускорликнинг етишмаслиги ва бошқалар; в) мутахассислик билан боғлиқ ўзига хос қийинчиликлар; ишлаб чиқаришнинг моҳияти, хусусияти, технология, қурилмалар, асбоблар, амалий кўникманинг бўшлиғи ёки улар билан етарли даражада танишмаганлик, касбнинг иқтисодий негизини тўла англаб етмаслик, хавфсизлик техникаси маҳсулот ишлаб чиқаришнинг чизма-ёйилмаси ва график иродасини таққослаш мураккаблиги, муаммолар олдида лол қолиш. Бу қийинчиликларни енгиш даврида инсоннинг руҳий ҳолатлари, жараёнлари ва хусусиятларида миқдор ҳамда сифат ўзгаришлари рўй беради.

Психофизиолог П. П. Лазаревнинг фикрича, эшитиш, кўриш, периферик ва кинестетик сезгирликнинг ўзгариши 20 ёшдан бошланади. Бу маълумотни чет эл психологлари Фульдс, Равен, Пако кабилар янада ривожлантириб ақлий ва мантиқий қобилиятнинг мезони 20 ёш деб ҳисобладилар. Б. Г. Ананьев ўзининг илмий-тадқиқотларида ёшлик даврида йигит ва қизлардаги ўзгаришларни мураккаб шахс жиҳатларидан умумий руҳий ҳолат, вербал ва новербал ақлий (мантиқий ва мнемик функциялар) содда жараёнларгача (организмда иссиқлик пайдо бўлишидан метоболизм — модда алмашинувгача), ҳатто шахснинг хусусиятигача бўлган ҳолатларни ўз ичига қамраб олишини математик усулларга асосланган илмий маълумотлар ва уларнинг чуқур сифат таҳлили орқали кўрсатиб ўтади.

Кўзларнинг фарқлашдаги сезгирлиги инсон ёшига

қараб ўзгаришини тадқиқ қилган С. В. Кравков сезгирликнинг ортиши 25 ёшгача давом этишини, барқарорлашуви эса 25 ёшдан кейин ҳам давом қилишини таъкидлайди. Б. Г. Ананьев лабораториясида олинган натижалар инсон функционал даражасининг ошиши 23—27 ёшдаги йигит ва қизларда 44 фоиз, функционал ҳолатининг барқарорлашуви 19,8 фоиз, функционал даражанинг пасайиши 36,2 фоизга тенгдир. Бу маълумотлар камолот босқичининг турли микродаврларида ўсиш жиҳатларининг ўзаро муносабати ҳар хил кечишини кўрсатиб турибди. Ю. Н. Кулюткин катта кишиларнинг диққат, хотира, тафаккур билиш жараёнларини биргаликда ўрганган. Ю. Н. Кулюткин ўз тадқиқотида 0—130 шкалагача оралиқни текшириб, 22—25 ёшларда диққат ва хотира 100,5 тафаккур 102,5 баллга тенглигини, 26—29 ёшларда эса диққат 102,8, хотира 97,0, тафаккур 95,0 балл эканлигини исботлаб берди. Америкалик олим, В. Шевчук вояга етган одамларда ижодий фаолиятнинг бошланиш нуқтасини тадқиқ қилиб, 11—20 ёшлар оралиғида 12,5 фоиз, 21—30 ёшларда эса 66 фоиз эканини аниқлади. Зиёлиларнинг илмий маҳсули динамикасини ўрганган З. Ф. Есарева унинг бошланиши математикларда 18—23, физикларда 24—27, биологларда 25—31, психологларда 27—30, тарихчиларда 27—32, филологларда 28—33 ёшларни ташкил қилишини кўрсатиб ўтади.

Ёшларнинг ижтимоий ҳаётда қатнашувини ўрганган В. Шевчук ижтимоий фаолиятга киришиш энг юқори чўққиси 25 ёш эканини аниқлаб, бу ҳол одамларнинг 45,4 фоизда бўлишини маълум қилади. Унинг фикрича, қолган ёш даврларида инсоннинг жамоатчилик фаолияти нисбатан жуда кичик бирлиқни ташкил қилади, ҳатто, у 45 ёшда 3 фоизга тенг бўлади.

Кишиларда кўриш майдони чегараси (ндрок) хусусиятини ўрганган Л. Н. Кулешова ва М. Д. Александровалар 18—35 ёшлардаги ҳайдовчиларда унинг уч хил: нормадан ортиқ 11 фоиз, нормада 47 фоиз, қолганларида эталон бўйича нормадан кам бўлишини таъкидлайдилар.

23—28 ёшгача даврда қатор функциялар даражасининг ўзгариши, такомиллашуви: кўриш майдонининг кўлами, кўз билан масофани чамалаш, фазовий тасаввур, билиш даражалари; англаш, диққат ва идрокнинг яхлитлиги ҳамда ўзгармаслигининг ўсиши бошқа фаолият ва кўриш таъсирчанлиги, қисқа муддатли кўриш

хотираси ёки мустаҳкамланиши намоён бўлади: 22—25 ёшларда икки хил омиллар доираси вужудга келади ва улар мнемологик (хотира, тафаккур) ва аттенсионал (диққат хусусияти ва хоссасининг) мажмуасидан иборат бўлади.

Ёшлик даврида йигит-қизлар камолотига учта муҳим психологик механизм, яъни меҳнат жамоаси, оила микромуҳити ва норасмий улфатлар таъсир кўрсатади. Масалан, меҳнат жамоасидаги психологик иқлим, маънавий олами, барқарормаслак, ижтимоий онг, ижтимоий қадриятлар, муайян анъаналар ва одатлар янги аъзонинг характерида ижобий ёки салбий ўзгаришни вужудга келтириши мумкин. Мазкур таъсир натижасида аста-секин умуминсоний фазилатлар таркиб топиши ёки муайян шахсий нуқтаи назар йўқолиши мумкин. Меҳнат жамоасига янги қўшилган аъзо унда ўз ўрни ва қадр-қимматини қарор топтириш учун бир қатор ён беришга, ўз маслагидан сал бўлса-да четлашишга мажбур бўлади. Бу йўл жамоадаги психологик иқлимга мослашиши мақсадида ички руҳий зиддиятларга, мураккаб кечинмаларга, унсиз туғёнга қарши қўйилган қадам ҳисобланади. Шунинг учун якка шахс характерини шакллантирувчи ёки унинг мустаҳкам ички ришталарини емирувчи омил меҳнат жамоасидаги ижтимоий фикрдир. Жамоага бўйсуниб ҳар бир аъзонинг бурчидир.

Айрим ҳолларда кўпчиликнинг тазйиқига учраган шахсда принципалик, адолатлилик сингари ҳислар, шахсий нуқтаи назар бўшашиб қолади, натижада унда иккиланиш туйғуси пайдо бўлади. Ёшлик гаштини сураётган йигит ва қизлар ота-онасига, бува-бувисига, опа-сингилларига, ака-укаларига, турмуш ўртоғига, фарзандларига оқилона муносабатда, оила аъзоларининг ҳар бири билан тўғри мулоқотда бўлиши, муайян қоидага асосланган муомала қилиши шарт. Оиладаги шахслараро муносабатнинг кўлами кенглиги сабабли бир нечта босқичли мулоқотга асосланиш керак. Лекин оила тинчлиги, тотувлиги ва аҳиллигига ҳалал бермаслик ниятида ёш йигит ва қизлар (келинлар) виждон амрига қарши хатти-ҳаракат қилишга ҳам мажбур бўладилар, ўз маслаклари, фикрлари, шахсий қарашларига ҳилоф йўл тутадилар. Дилкашлик учун ҳар бир оила аъзоси билан умумий «тил» топишга интиладилар. Шунга кўра оила муҳити ҳам йигит ва қизларнинг

руҳияти ҳамда маънавиятини ўзгартирадиган омил ва-
зифасини ўтайди.

Инсон учун психологик механизм ролини бажарувчи яна бир омил улфатлар даврасидир. Улфатлар одатда шахсий майли, қизиқиши, интилиши, орзу-истаги, мақсади, қарашлари, ёши ва хулқи бир-бирига мос тенгдошлардан иборатдир. Кўнгилчанлик, дўстлар раъйига қарши бормаслик туфайли ёшлар характерида ўзгаришлар юзага келади. Юсак ҳислар, барқарор эътиқод, илмий дунёқараш, ички кечинмалар, мустақиллик ва ташаббускорлик туйғулари поймол бўлади, яъни «Дўстнинг учун заҳар ют» қабiliда иш тутилади. Натижада масъулиятсизлик, юзакилик, лоқайдлик, иккиюзламачилик, бевафолик сингари иллатлар таркиб топа бошлайди. Шунини алоҳида таъкидлаш керакки, улфатлар даврасида янги фазилатларни ишбилармонликни, амалий кўникмаларни эгаллаш имконияти ҳам бўлади. Шу боисдан улфатчиликка фақат майшат нуқтаи назарида ёндашмай, унинг мазкур имкониятларидан фойдаланишга ҳам ҳаракат қилиш айни муддаодир.

Ёшлик даври инсоннинг куч-қувватга, орзу-ҳавасга, ижодий режаларга, излаш ва изланишларга, ақлий имкониятларга бой давридир. Келажак тақдири, мўл-кўлчилиги, фаровонлиги, қудрати, маданияти — ёшларга боғлиқ, шунинг учун уларнинг истиқбол режалари, яратган лойиҳалари, шаклланаётган маънавий ва руҳий олами ҳеч кимни бефарқ қолдирмаслиги керак.

2. Етуклик даврининг биринчи босқичидаги шахснинг психологик хусусиятлари

Камол топишнинг бу босқичига 28—35 ёшлардаги эркак ва аёллар кирадилар. Етуклик даврида одам ўзининг барча куч-қуввати, қобилияти, ақл-заковати, ички имкониятларини ўз касбига, ижтимоий фаолиятига, жамоат ишларига тўла сафарбар қила олади. Эркак ва аёлларнинг бу даврда меҳнат ва ижтимоий фаолиятда муайян тажрибага эгаллиги уларни истиқбол сари етаклайди. Етук шахснинг бошқаларга муносабати, уларни баҳолаши, динамик стереотипида сезиларли ўзгаришлар бўлади. У энди фақат ўзининг хатти-ҳаракати учун эмас, балки бошқа одамларнинг қилмишлари, учун ҳам жавобгарлигини англай бошлайди, айниқса, ҳаёт тажрибасига эга бўлмаган ёшларнинг ўз фарзанд-

ларининг хулқ-атвори, юриш-туриши учун ҳам куйдиради, уларга имконият борица ёрдам беришга интилади.

Етуклик, катталиқ, донишмандлик, раҳнамолик, ғам-хўрлик, ҳомийлик давридир. Бошқа ёш даврлардаги каби мазкур даврда ҳам муайян даражада инқироз бўлади. Бу даврда инсон қандай ишларни амалга оширишга, қайси имкониятлардан фойдаланмагани, айрим хатолар, тушунмовчиликлар сабабли, кўнгилсизликлар вужудга келганлигини англай бошлайди. Ўзига ўзи ҳисоб бериш шу даврнинг муҳим психологик хусусиятларидан биридир. Организмдаги айрим ўзгаришлар, умрнинг тез ўтиши кишини қаттиқ ташвишга ва изтиробга солади. У бундан кейинги ҳаётнинг ҳар бир дақиқасидан унумли фойдаланишга қарор қилади. Айрим орзу-истакларини амалга ошириш учун жисмоний ва руҳий имкониятлари етишмаслигини англаш унинг психикасида «турғунлик» туйғусини вужудга келтиради. Бунинг асосий сабаби 33—35 ёшларда мнемологик — аттенцион мажмуа тубдан қайта қурилишидир. Яхлит мнемологик марказнинг мнемик (хотира) ва мантиқий (тафаккур) қисмларга ажралиши рўй беради. Аттенционал ҳолатнинг омиллари сақланиб қолади, лекин катта ёшдаги инсон интеллекти таркибида хотира ва тафаккур муҳим ўрин тутати. Бироқ ўзгаришлар унинг руҳий дунёсида, кечинмаларида, ҳис-туйғуларида чуқур из қолдирмайди, етук шахс хотирасида иллюзион хусусиятга эга бўлган тасаввур образлари (ёшлиқ туйғуси, кайфияти, орзуси, хом хаёли) сақланиб қолаверади.

Етуклик босқичида жисмоний ва ақлий имкониятлардан тўлароқ фойдаланиш кўникмаси пайдо бўлади. Бу ҳол бутун куч-қувват, ақлий, зўриқиш, ирода кучи, асаб таранглашуви ҳисобига эмас, балки муайян кўникма, малака ва маҳорат асосида рўй беради.

Етукликнинг турли даврларида камол топиш жабҳаларининг ўзаро муносабатини тадқиқ қилган Б. Г. Ананьев лабораторияси ходимлари 29—32 ёшларда функционал даражанинг ошиши 46,2, барқарорлашуви 15, 8, функционал даражанинг пасайиши 38,0, 33—35 ёшларда 11,2, 33,3 фоиз, 55,5 фоизни ташкил қилишини аниқлашган.

Ю. Н. Кулюткин тадқиқотининг натижасига қараганда, 30—35 ёшларда диққат 102,8, хотира 99,5, тафаккур 102,3 бирликка барабардир. Етуклик даври фаолиятининг маҳсулдорлигини ўрганган Г. Леман унинг

чўққиси кимёгарларда 30 ёш, математикларда 30—34, геологлар ва астрономларда 30—35 ёш эканлигини ва ўртача маҳсулдорлик чўққиси 37 ёшда бўлишини қайд қилган.

Психофизиолог С. В. Кравчков кўзнинг фарқлаш сезгирлиги ёшга қараб ўзгаришини 4 ёшдан 80 ёшгача бўлган одамларда текшириб, сезгирликнинг ортиши 25 ёшгача, сезгирликнинг барқарорлашуви 25—50 ёшгача давом этиши мумкинлигини аниқлаган.

З. Ф. Есарева олий мактаб ўқитувчилари ақлий фаолиятининг маҳсулдорлиги муаммосини тадқиқ қилиб, кандидатлик диссертациясини ёқлашни математиклар—26, психологлар 32, филологлар—34, тарихчилар—31, физиклар—30, биологлар 32 ёшда амалга ошириши мумкинлигини аниқлаган. Қамолотнинг биринчи босқичидаги етук кишиларда ижтимоий фаолиятида қатнашиш истаги 30 ёшда 18,3 фоиз, 35 ёшда 6,2 фоизни ташкил этади. В. Шевчук. Демак, ижтимоий ташкилотлар фаолиятида қатнашиш кўлами торайиб боради.

Бу даврда эркак ва аёлларнинг тафовутлари намоён бўлади: жисмоний, жинсий, руҳий қамолотда аёллар илгарилаб келган бўлсалар, энди эркаклар олдинга ўтиб оладилар ва бу ҳол инсон умрининг охиригача сақланиб қолади.

Етуклик даврида ижодий фаолиятнинг маҳсулдорлигини З. Ф. Есарева қуйидаги мезонлар билан ўлчашни лозим топади: 1) эълон қилинган илмий ишларнинг миқдори; 2) чоп қилинган асарлар ичида ўқув қўлланма, дарслик ва монографияларнинг мавжудлиги; 3) илмий тадқиқотда янги йўналишнинг очилиши; 4) илмий муаммони ҳал қилишда янги усулнинг кашф этилиши; 5) илмий мактабнинг ташкил қилиниши; 6) бошқа муаллифларнинг ишларига мурожаат қилиш ва илова бериш миқдори; 7) ўқитувчининг илмий маълумотларидан талабанинг мустақил ишларида фойдаланиш кўлами; 8) ўқитувчи раҳбарлигидаги диплом ва диссертация ишларининг миқдори ва сифати; 9) ўқитувчининг илмий фаолиятдаги муваффақият мукофот билан тақдирланиши; 10) доцент ва профессор деган илмий педагогик унвонларга сазовор бўлиш кабилар.

Мазкур ёшда шахсий ҳаётдаги ютуқлар, ғалабалар ёки муваффақиятсизликлар кишининг руҳий дунёсига қаттнқ таъсир этади. Натижада унда такаббурлик, мағрурлик ҳислари пайдо бўлади, ўзининг бошқалар-

дан устун қўя бошлайди ёки, аксинча, ҳаёт заҳматлари унинг пессимист, нарса ва ҳодисаларга нисбатан лоқайдлик туйғусини вужудга келтиради. Лекин ҳар иккала кўринишга эга бўлган руҳий ҳолат ҳам оила аъзолари, тенгқурлари, меҳнат жамоаси аъзоларининг таъсири орқали аста-секин муайян йўналишга тушиб қолади.

Умуман, камолот босқичидаги одамлар истиқбол режаси билан яшашга ҳаракат қиладилар, воқеликка, турмуш икир-чикирларига, табиат, жамият, коинот ҳодисаларига бефарқ қарамайдилар, имкони борича хотиржамлик, тотувлик, тинчлик, дўстлик, дунё лаззатларидан оқилона фойдаланиш туйғуси билан яшайдилар.

3. Етуклик даврининг иккинчи босқичидаги шахснинг психологик хусусиятлари

Етуклик даври 36—55 (60) ёшлардаги эркак ва аёлларни ўз ичига олади. Мазкур даврда ижодий фаолиятни қайтадан баҳолашда ўз ифодасини топувчи янги хислат намоён бўлади. Улар шу кунгача меҳнат фаолиятида миқдор кетидан қувиб юрган бўлсалар, энди меҳнат маҳсулининг сифати устида бош қотира бошлайдилар. Оилавий турмушга, ижтимоий ҳаётга, яшашнинг мақсадига, инсон қадр-қимматига, теварак-атрофга, ўзларига ва бошқа одамларга янги мезон билан қарай бошлайдилар. Турмушнинг икир-чикирлари, ижтимоий ҳодисаларга вазмин, сабр-тоқат билан ҳаёт тажрибасига суянган ҳолда муносабатда бўладилар, ҳар бир нарсанинг нозик томони ёки ёмон оқибати ҳақида ўз фикрларини билдирадилар. Ҳаётда қўлдан бой берган имкониятлари, хато ва камчиликлари уларда етти ўлчаб, бир кес қабилида иш тутиш туйғусини вужудга келтиради. Шунинг учун улар умрнинг бирор дақиқаси беҳуда ўтишига ачинадилар, ёшлик йилларида йўқотганларини ақл-заковат, донишмандлик билан тўлдиришга интиладилар.

Етуклик даврининг иккинчи босқичида қарилик аломатлари кўпроқ ўрин эгаллай боради, унинг бошланиш нуқтаси 45—50 ёшлардир. Лекин одамларнинг ўзига хос хусусиятларига кўра бу, чегара турлича, масалан, бу бир кишида 60 ёшда, бошқа бирида эса 70 ёшда бўлиши мумкин. Шу сабабли ёш даврининг чегаралари фақат шартли белгиланади. Бу омил одамлар яшаёт-

ган оила муҳитига, тарихий-ижтимоий шарт-шароитга жўғрофий иқлим ва ҳоказоларга ҳам боғлиқдир. Мазкур ёш даврининг ўзгарувчанлигини инсоннинг биологик, ижтимоий ва тарбиявий омиллари (ирсий аломат, ижтимоий муҳит, узлуксиз тарбиявий таъсир) белгилайди.

Ю. Н. Кулюткин бир хил ёш давридаги одамларда ҳар хил жараёнлар, ҳолатлар, хоссалар, хусусиятларнинг ўсиши, ўзгариши барабар эмас, балки уларнинг бировда олдин хотира, кейин тафаккур, бошқа бировда, аксинча, ривожланишини, бир психик жараённинг заифлашуви, иккинчисини жадал суръат билан ўстиришини уқтиради.

Шахснинг ўз ички имкониятларини рўёбга чиқаришга интилиши фаолиятнинг барча турларида маънавий ва руҳий жиҳатдан ўзини англашини янада такомиллаштиради. Етуклик давридаги эркак ва аёлларнинг ўзлигини англашдаги «Мен» уч хил кўришдан ифодаланади: «Мен» кўпинча «Мен — образ» шаклида ўзи томонидан талқин қилинади. Шахснинг «Мен — образи». 1) ретроспектив «Мен»дан иборат бўлиб, ўтмишдаги ўзлигини акс эттиради; 2) актуал «Мен» сифатида тасаввур этилиб, ўзининг ҳозирги даврини ифодалайди; 3) идеал «Мен» образи эса яқин келажакда ўзининг қандай тасаввур қилиш туйғуси билан боғлиқ ҳолда яратилади. Шунинг учун ўз имкониятларини ҳаётда тўла сафарбар қилиш истаги ижтимоий турмушнинг барча жабҳаларида ўзининг ўтмиш образини ҳозиргиси билан солиштириб, шахсий идеал моделини вужудга келтиради, шахс мазкур моделга асосланиб, турмуш режаларини, хатти-ҳаракат мақсадини, усул ва воситаларини танлай бошлайди. Инсоннинг ўтмишидан ҳозирги кунга, ҳозирги кундан келажакка интилиши ўзини англашнинг бош мезони ҳисобланади. Ўзлигини англашнинг бошқа мезонлари ҳам мавжуд бўлиб, улар ўзини ўзи баҳолаш, назорат қилиш, текшириш, қўлга олиш, ўзига буйруқ бериш кабиларда акс этади. Ўзини англаш кўпинча, ўзига бошқа кишилар: а) ёши улў одамлар; б) тенгдошлари; в) ўзидан кичик одамлар нуқтаи назаридан қарашда кўринади.

Мазкур ёш давридаги одамларнинг кўриш майдонини ўрганган Л. Н. Кулешова ва М. Д. Александровалар 36—50 ёшли эркакларда кўриш чегараси қуйидагича эканини аниқлаганлар: нормадан ортиқ 4 фоиз, нормада 53 фоиз, қолганлари нормадан кам. Ю. Н. Ку-

люткин 36—40 ёшли синалувчиларда диққат, хотира, тафаккурнинг 0—130 гача шкалада 94,8, 93,7; 99,0 бирликларга эга эканлигини исботлаб берди. Б. Г. Ананьев эса мазкур ёшдагиларда шаклни идрок қилишни бинокуляр ва монокуляр йўлларида муайян даражада тафовутлар юзага келишини айтади.

Қатор олимлар (Клапаред, Майлс, Беллис, Филип) мазкур ёшдагиларнинг товуш ва ёруғликдан таъсирланиш вақти ўзгаришини ўрганганлар. Олинган маълумотлар амалий аҳамиятга эга бўлиб, ўз қимматини ҳозиргача сақлаб келмоқда. Фульдс, Равен, Пако каби тадқиқотчилар интеллектнинг мантиқий қобилиятини текширишиб, 30 ёшда 96, 40 ёшда 87, 50 ёшда 80, 60 ёшда эса 75 фоиз бўлишини аниқлаганлар. Уларнинг ижтимоий фаолиятга кириш хусусиятини фаоллик нуқтаи назаридан ўрганган В. Шевчук 35 ёшидаги одамларнинг 6,2 фоизи бу фаолиятда қатнашиш истагини билдирса, 40 ёшда 2,2 фоизи қатнашишни хоҳлайди, 2,8 фоизи эса ундан чиқишга қарор қилади. Аҳвол шундай давом этади.

З. Ф. Есарева олий мактаб ўқитувчиларининг ижодий фаолият хусусиятларини ўрганиб, докторлик ишларини ёқлашни математиклар 33, психологлар 46, филологлар 46, тарихчилар 47, физиклар 37, биологлар 40 ёш амалга оширишини аниқлаган.

Умуман етуклик даврининг иккинчи босқичига мансуб кишилар бир томондан, бутун имкониятини меҳнат ва ижтимоий фаолиятларга бағишлагани билан, иккинчи томондан, ижтимоий фаолликлари сусайиб бориши билан фарқланади. Чунки инсоннинг кексايishi ҳам қувончли, ҳам ўкинчли дамларга, кечинмаларга, ҳистуйғуларга сероблиги билан бошқа ёш даврдаги одамлардан ажралиб туради. Хотиржам дам олиш истаги билан ижтимоий фаолиятдан узоқлашиш туйғуси ўртасида инқироз вужудга келади. Қандай қарорга келиш, яъни меҳнат жамоаси билан алоқани узмаслик ёки мутлақо ижтимоий фаолиятдан четлашиш муайян ҳолатлардаги мотивлар курашига боғлиқдир.

Ҳозирги замон кишиларининг ўртача умр кўриши XX аср бошларидагига нисбатан қарийб бир ярим — икки марта узайганлиги, етуклик давридаги эркак ва аёлларнинг жисмоний бақувватлиги, маънавияти ва руҳияти тетиклиги ижтимоий фаолликни сусайтириш ҳақида сўз бўлиши мумкин эмаслигини кўрсатмоқда. Демак, уларнинг ишчанлиги, ақлий қобилияти, касбий

маҳорати, турмуш тажрибаси, онгининг юксаклиги, маънавиятининг бойлиги, руҳиятининг софлиги янги зафар: меҳнат қувончлари сари дадил қадам ташлашга тўла қафолат беради.

ТУҚҚИЗИНЧИ БОБ

ПСИХОГЕРОНТОЛОГИЯ — КЕКСАЛИК ПСИХОЛОГИЯСИ

1. Психогеронтология ҳақида умумий тушунча

Психогеронтология психология фанининг таркибий қисми эканини илмий жиҳатдан С. Холл асослаган бўлса-да, лекин бу йўналишнинг ўзига хос хусусиятлари тўғрисида Марк Туллий Цицерон («Катта Катон ёки кексайиш ҳақида» асарида), И. И. Мечников («Оптимизм этюдлари» китобида), Урта Осиё алломалари донолик, донишмандлик ҳақидаги дурдоналарида фалсафий фикр ва мулоҳазаларни билдирганлар. Америкалик психолог С. Холл (1846—1924) «Кексайиш» монографиясида амалий ва методологик аҳамиятга молик қатор ғояларни илгари сурган. Уша асар кенг илм аҳли ичига тез ёйилишига қарамай, унинг издошлари бирданига кўпаймади.

Йигирманчи асрнинг 30-йилларидан бошлаб кексалик даврига оид тиббий — биологик тадқиқотларнинг кўпайиши, шунингдек, инсон камолотига шахс сифатида ёндашишнинг пайдо бўлиши психогеронтологиянинг ривожланишига бирмунча таъсир кўрсатди. Ана шу тариқа кексайишга тиббий, ижтимоий жиҳатдан ёндашш билан бир қаторда психологик жабҳаси жиҳатдан ёндашиш ҳам вужудга келди ва психогеронтологиянинг тадқиқот соҳаси кенгайиб борди, шу соҳа бўйича инглиз тилида махсус журналлар чиқа бошлади. Илмий изланишларнинг аксарияти кексайиш давридаги одамлар шахсининг хусусиятлари, диққати, хотираси, тафаккури, ақл-заковатига бағишланган бўлиб, бошқа психик ҳолатлар, жараёнлар жуда кам тадқиқ қилинган. Ҳозир кексайиш психологияси ҳам геронтологияга, ҳам ёш психологияси соҳасига тааллуқли деган икки хил илмий назария мавжуд, ваҳоланки, улар ўзаро боғлиқ бўлиб, бир-бирини доимо илмий ахборот ва маълумотлар билан бойитиб туради.

Психогеронтология фанида геронтология, инволюция, гериатрия, герогиена, гетерохронлик каби илмий ту-

шунчалар мавжуд: Геронтология — грекча сўз бўлиб — кексайишнинг, кексаликнинг келиб чиқиши демакдир. Гериатрия сўзи кексайган инсон шахсини даволашни билдиради. Инволюция тушунчаси эволюциянинг тескарисси бўлиб, ўсишдан орқага қайтишни ифодалайди. Героигиена — кексайган одамнинг саломатлигини сақлаш ва мустаҳкамлаш соҳасидир. Героигиена кекса одамларда асаб, руҳий касалликларнинг олдини олиш учун хизмат қилади. Гетерохронлик — бир хил ёшдаги одамларда руҳий жараёнларнинг турлича (ҳар хил вақт ва муддатда) намоён бўлишидир.

Психогеронтология фанида геронтогенезнинг эволюцион омиллари қаторига И. В. Давидовский наслий, экологик, биологик, ижтимоий аломатларни киритади. Д. Бромлей инсонни қарши цикли учта босқичдан иборат бўлишини таъкидлайди: 1) «ишдан, хизматдан узоқлашиш» (истеъфо)—66—70 ёш; 2) кексалик (70 ва ундан катта ёш), 3) мункиллаган кексалик (ҳаста кексалик ва ўлим)—максимум 110 ёш. Шу билан бирга кексайишнинг қонуниятлари ҳам кашф қилинган, улар қаторига қуйидагиларни киритиш мумкин: 1) гетерохронлик (ҳар хил вақтlilik) қонуни; 2) ўзига хослик қонуни; 3) хилма-хиллик қонуни.

И. В. Давидовский «Кексайиш нима? номли асарида таъкидлаганидек, инсон 50—60 ёшга тўлганда ёки ундан ошган чоғида етукликнинг кечиккан даврига кириб келади. Шу ёшдаги одамларнинг ўлимини XVIII асрдаги тенгдошлари билан таққосланса, уларнинг яшаш ва меҳнат қилиш имконияти 75 ёшгача узайиши мумкин. Чунки ҳозирги кунда нафақани белгилаш ҳақиқий биологик қариш ёшидан 15—20 йил илгарилаб кетган. Бу ҳол ақлий меҳнат билан шугулланган эпёли одамларда яққол кўзга ташланади. И. В. Давидовскийнинг фикрича, узоқ умр кўрувчилар асосан озғин, фаол, ҳаракатчан одамлар бўлиб, ҳаводан эркин нафас олишни жуда ёқтирадилар, организм фаолияти»га дахлдор тинка қуристар касалликлардан ҳоли бўладилар.

Тадқиқотчи П. П. Лазерев 1928 йилда умр ўтиши билан кўрув аппарати марказий этнологиясининг хиралашувини айтган эди. Кейинчалик, 1967 йилда америкалик психолог Грегори бу фикрни тажрибадан ўтказди ва инсон кексайиши билан рецептор апаратининг оптик функцияси заифлашади, кўрув сезгиси ва идрокени хиралаштиради, деди. Кўзнинг рангни сезиши ёш улғайиши билан ўзгариб боради, ҳатто, рангни ажра-

тиш қобилияти сезиларли даражада пасаяди. Шунинчиси алоҳида таъкидлаш керакки, ранг ажратиш, спектр нурларининг ёйилиши Ибн Сино томонидан тушунтириб берилган, фан оламида эса бу кашфиёт Гельмгольцга қиёс берилади. Кўришнинг пасайиши гетерохрон хусусият касб этиб, спектрнинг қисқа ва тўқис қисмида (кўк ва қизил рангда) аниқроқ акс этади.

Психогеронтологик нуқтаи назардан сезиш вақтини тадқиқ қилган Е. Н. Соколов, Е. И. Бойко, А. Р. Лурьялар сезиш вақти ёш даврининг информацион стимул функциясидан бошқа нарса эмас дея хулоса чиқарадилар. Улар сезиш вақтининг эгри чизиқли кўрсаткичларини схема тарзида ишлаб чиқиб, кексалик даврига хос иккита хусусиятни чуқур таҳлил қилдилар. Худди шунга ўхшаш маълумотлар Д. Биррон, Д. Ботвинник тажрибаларида ҳам олинган.

Психогеронтологияда кекса эркак ва аёлларнинг психологик хусусиятларини ўрганишда кўпроқ тест (синов)дан фойдаланилади. Тестлар ўз мақсади, моҳияти ҳамда тизмига биноан бир нечта кўринишга эга: 1) мақсадга йўналтирилган, билим ҳажмини аниқловчи стандарт тестлар — имтиҳон — синов варақаси; 2) инсоннинг ақл-заковатини ўлчашга мослаштирилган ақл тестлари; 3) инсон шахсининг фазилатларини текширишга мўлжалланган тестлар; 4) инсон истеъдоди, иқтидори ҳамда қобилиятининг даражасини аниқлашга қаратилган тестлар.

Кексайиш даврида одамлар психологиясини ўрганиш тестлар ёрдамида амалга оширилиши синалувчиларда иродавий куч-қувват сарфлаш, ақлий зўриқиш, асабий танглик ҳолатларини камайтириш учун хизмат қилади, тажрибада вақтдан тежамли фойдаланиш имкониятини яратади. Шу билан бирга тестлар кишиларда (ранг-баранглиги учун) қизиқиш, табиий майл, шуғулланиш ҳис-туйғусини уйғотади. Тестлар билан ишлашда вақт чекланганлиги сабабли айрим нуқсонларга йўл қўйилади, лекин уларни айнан ўша синалувчиларда муайян вақт ўтгандан кейин такрор ўтказилса, камчиликлар барҳам топиши мумкин. Кексалар психологиясини тадқиқ қилишга оид тажрибаларда психогеронтологиянинг айрим усулларида кенг фойдаланилмоқда.

2. Биологик кексайиш

Нафақа ёшига тўлган кишиларнинг ишни давом эттириш истаги ва улардан фойдаланиш эҳтиёжи тиб-

биёт ва руҳият илми олдида бир қанча талаблар қўяди. Бу талаблар М. Д. Александрова ва унинг шогирдлари таъкидлаганидек, 60 ёшдан ошган одамларнинг соматик сиҳатлилиги уларнинг ишлаб чиқишда қатнашишига қанчалик имкон беришини, инсоннинг руҳий саломатлиги ишлашда қай даражада ёрдамлашувини, соғлом кекса одамнинг психофизиологик функциялари, психик жараёнлари, шахсий хусусиятлари ва касб-корлик учун зарур талабларга мос келиш-келмаслигини аниқлашдан иборатдир. Шуларнинг сўнгги қисмини тадқиқ қилиш бевосита психологларнинг зиммасида бўлиб, ёш улғайиб боришига қараб физиологик функцияларнинг ўзгаришини психометрия маълумотларига таяниб муайян усулда ўрганиши лозим. Бу усулда бир қанча элат, жамоа, ҳудуднинг худди шу ёшдаги аҳолиси билан солиштирилади. Тадқиқотнинг бу усули айрим руҳий жараёнларнинг ёш динамикасини аниқлашга хизмат қилади.

Асаб системасининг қариши. В. Д. Михайлова — Лукашева, М. М. Александровская каби олимларнинг физиологик ва гистологик тадқиқотларида кексаларнинг асаб системаси, бош мия тузилиши ўзгариши ўрганилган бўлиб, бу ҳол макроскопия ва микроскопия маълумотлари асосида ифодаланган.

Макроскопия маълумотларига кўра: а) кексалик даврида миянинг оғирлиги 20—30 фоиз енгиллашади; б) бир даврнинг ўзида мия билан калла суягининг ҳажми ўртасида диспропорция кучаяди; в) кексайиш даврида мия бурмалари камаяди ва ариқчалари кенгайди: кузатилади, булар айниқса мия қобиғининг пешона қисмида яққол кўринади ва етук ёшдаги одамларга қараганда 3—4 та йўл қисқаради; г) миянинг зичлиги ортади.

Микроскопиянинг натижаларига биноан: 1) нерв ҳужайраларининг умумий миқдори камаяди, бу ўзгариш қобиғининг III V зоналарида аниқ билинади; 2) Пуркинёе ҳужайраларининг миқдори кескин камаяди, ҳужайраларнинг йўқолиши етук кишиларга нисбатан 25 фоиз кўп бўлади; 3) нерв ҳужайралари ажинлашади: ядро эса нотўғри кўринишга эга бўла бошлайди; 4) нерв толалари йўғонлашади; 4, 5) хабар олиб боровчи йўлда миелин толаларининг миқдори озаяди.

Сенсор—перцептив функцияларнинг қариши. Кўриш функциясининг ёш даври динамикасига бағишланган қатор тадқиқотлар мавжуд бўлиб, америкалик психо-

лог Крук тадқиқотининг маълумотларига қараганда, агар вақт ҳеч бир чекланмаса, кўрув стимуллари идрок қилиш 20—50 ёшли одамларда бир текис, аниқ ва тўғри амалга ошиши мумкин. Мабодо вақт чекланган бўлса, идрок қилинаётган жисм қисқа вақт намоёниш қилинса, қўзғатувчинининг кучи ўзгариб турса, ёшлар билан катталар ўртасида кескин фарқ вужудга келади. Оддий турмушда бу ҳол жисмларга узоқ муддат термулиш имконияти ва сунъий ёруғликдан фойдаланиш кўрув идроки пасайишининг олдини олади ва муваққат узилишни барҳам топтиради. Л. Е. Биррон ва Л. Ботвинник, қуйидагича хулоса чиқардилар: сенсор информацияни қайта ишлаш ва стимуллари баҳолаш учун кекса кишиларга кўп вақт керак. Кўриш пасайишининг иккита сабаби бўлиб, бир кўз гавҳарининг торайиши, иккинчиси кўз аккомодациясининг ёмонлашувидир.

С. Паконинг фикрича, идрок қилинаётган объект ва унинг стимуллари қанчалик мураккаблашиб борса, тажрибада ёш даврининг фарқлари шунчалик ортиб боради.

Бир гуруҳ психологларнинг уқтиришича, идрок функциясидаги ёш даврига боғлиқ пасайишнинг асосий сабабларидан бири мия пўстининг гностик зонасидаги нейронлар миқдорининг камайишидир. У. Майлс ва А. Уелфорд унинг пасайишини айтганлар.

Эшитиш. Эшитиш қобилиятининг энг юқори даражасини 14—15 ёшларга тўғри келади, ундан кейинги камолот даврларида биров пасайиш юз беради. Кўпгина олимларнинг фикрича, инсон ёшининг улғайиши билан эшитишнинг заифлашуви мўътадил ҳолат ҳисобланиб, организмнинг биологик қариши билан узвий боғлиқ равишда кечади. Ишлаб чиқаришдаги кучли шовқин одамнинг эшитиш қобилиятини ёмонлаштиради. Эшитиш уқувини йўқотиш эркакларда аёлларга қараганда кўп учрайди.

Таъм билиш сезгисида ҳам ёш улғайиши ва кексалик туфайли айрим ўзгаришлар вужудга келади. Масалан нордон, ширн ва аччиқни сезиш 50 ёшгача кескин ўзгармаса-да, лекин ундан кейинги ўсиш даврида маза сўрғичлари миқдорининг камайиши ёвазига сезги чегараларининг кенгайиши содир бўлади.

Ҳид сезгирлигининг ўзгаришига асосий сабаб нерв учлари ва толаларида қарахтлиқнинг бошланишидир. Бундан ташқари, ҳид билиш сезгирлиги камайишининг

сабаблари ҳавонинг ифлосланиши, заҳарли ва қўланса ҳидли моддалар билан нафас олиш, чекиш, озиқ-овқатда А витамини етишмаслигидир.

Кексайганда оғриқ ва тери-туюш сезгирлиги ҳам пасаяди. Тебраниш сезгирлиги ҳам ёш ўтган сари ёмонлашади, орқа миянинг орқа қисмларидаги дегенатив ўзгариш ана шу ҳолатни келтириб чиқаради.

3. Кексайиш давридаги шахс психологияси

Кексайиш даврига 61 (56)—74 ёшли эркак ва аёллар киридилар. Бу даврдаги кишилар хилма-хил хусусиятлари, шахслараро муносабатлари билан бошқа ёш даврлардагилардан ажралиб туради. Мазкур ёшдагиларни шартли равишда иккита катта гуруҳга ажратиш мумкин: а) мутлақо истеъфога чиққан, ижтимоий фаол бўлмаган эркак ва аёллар; б) нафақахўр эркак ва аёллар, лекин ижтимоий ҳаётнинг у ёки бу жабҳаларида фаолият кўрсатаётган кексалик аломатлари босаётган одамлар. Уларнинг ҳис-туйғулари яшаш тарзига мувофиқ намоён бўлади. Уларнинг ҳис-туйғулари вужудга келиши жиҳатдан икки хилдир: 1) барқарор кайфият, хотиржамлик туйғусига эга бўлган, ўз қадр-қимматини сақлаётган, нуфуз талаб эркак ва аёллар; б) кайфияти барқарор, осойишта хулқ-атворли, оила муҳитининг сардорига айланган, табиат ва жамият гўзалликларидан баҳраманд бўлаётган, ижтимоий фаолиятдан қарийб узоқлашган, қарилик гаштини сураётган кишилар. Уларнинг бир гуруҳи моддий бойлик маънавият билан қўшиб олиб боришга интилсалар, бошқалари тўпланган моддий бойлик билан қаноат ҳосил қилувчилар, қолган умрини хотиржам, заҳмат чекмай ўтказишга аҳду паймон қилган эркак ва аёллардан иборатдир. Мазкур ёшда юзага келадиган инқироз ҳам мана шу иккала омилнинг маҳсули ҳисобланади.

Кексайиш даврида биологик органнинг заифлашуви психик жараёнларнинг ҳам ўзгаришига олиб келади. Руҳий кексайиш аломатлари аёлларда эртароқ пайдо бўлади. Эркак ва аёллар ўртасидаги фарқлар борган сари яққол кўзга ташлана бошлайди. Бу фарқлар би-лиш жараёнлари (сезги, идрок, хотира, тафаккур), ахлоққача (фаросатлилиқ, ҳушёрлик, ҳозиржавоблик, топқирлик) ва ақл-заковат (ақл, билим, ижтимоий тажриба, маҳорат, ижодий фаолият, барқарор малака) каби руҳий ҳолатларда ўз аксини топади. Аёлларнинг

заифа деб номланиши ҳам бежиз эмас, чунки жисмоний заифликдан ташқари бошқа руҳий кечинмаларда ҳам беқарорлик сезилиб туради (кўз ёши қувончдан бўлса—ироданинг заифлигини кўрсатади, гам-ғусса, ўқиниш, туғён сабабли бўлса ҳис-туйғуни бошқариш имконияти йўқлигини кўрсатади. Аёлларнинг табиий азобдан (туғиш, бола тарбияси) ташқари хизмат, оила ташвиши, юмуши, меҳр-муҳаббатга оташлиги, нозик қалби ташқи қўзғатувчиларга тез жавоб берувчанлиги жиҳатдан эртароқ қаришга олиб келади (асаб системасининг бузилиши, иродавий зўриқиш, ақлий танглик ҳолатлари).

Психологлар кексайиш давридаги эркак ва аёлларнинг руҳий дунёсини ўрганиш бўйича тадқиқот ишлари олиб борганлар. Америкалик В. Шевчук мазкур ёшдаги одамларнинг ижтимоий фаолиятда қатнашиши хусусиятини текшириб, 65 ёшлиларнинг 24,1 фоизи 70 ёшлиларнинг 17,4 фоизи, 75 ёшларнинг 7,7 фоизи ижтимоий фаолиятдан воз кечганлигини аниқлаган. Олий мактаб муаллимларининг илмий маҳсулдорлиги динамикасини тадқиқ қилган М. Д. Александрова математика, физика, биология, психология ва бошқа соҳаларнинг вакиллари ўртасида кексайишнинг биринчи босқичида (61—66 ёшларда) бир оз фарқ мавжуд бўлса-да, унинг иккинчи босқичида (67—72 ёшларда) ўша тафовут ҳам йўқолиб боришини таъкидлайли. Л. И. Захарова эса кексайиш давридаги эркак ва аёлларнинг олий нерв фаолиятини текшириб, уларда рангларни кўриш майдонининг чегараси учун қуйидагилар муҳим роль ўйнашини уқтиради: 1) кўриш йўллари анализатори чекка қисмларининг ҳолати; 2) марказий нерв системасининг умумий фаоллиги; 3) инсоннинг ёши; 4) кўриш анализаторининг фаолият кўрсатиш шароити; 5) инсоннинг жинси.

Америкалик психолог Д. Векслер кексайишда ақлни ўлчаш учун 1939 йилда махсус тест ишлаб чиққан ва «Қатта кишилар ақлини ўлчаш ва баҳолаш» номли китобида тест ўтказиш усулиятини батафсил баён қилган.

Д. Векслер тавсия қилган формулага биноан ҳар қандай ёшдаги шахснинг ақлий камолот даражасини мазкур ёшга муносиб тарзда ишлаб чиқса бўлади. Бунинг учун муаллиф ақл коэффициенти атамасидан фойдаланади:

$$AK = \frac{AD}{KD} \cdot 100.$$

Д. Векслер шкаласи бўйича АД — ақлий кўрсаткичини, КД (кексайиш даражаси) эса шахснинг календарь ёшини англатиб келади.

«Векслер батареяси» 11 та субтестдан иборат бўлиб, улардан 7 таси вербал (сўзлардан тузилган), 4 таси новербал (аломатлардан иборат)дир. Барча кўрсаткичлар бўйича энг юқори натижага 15—25 ёшлилар, бошқа маълумотларга кўра 26—29 ёшлилар эришади: кейин 40—45 дан аста-секин пасайиш бошланади: 60—65 ёшларда бу кўрсаткич янада қуйига тушади.

Д. Векслер кескин ўзгарувчан ва кам ўзгарувчан ёш даври функцияларига алоҳида эътибор беради. Биринчисига қисқа муддатли хотира, ўхшашлик, символлар, Косс кубчалари: иккинчисига — луғат бойлиги, умумий маълумотлилик, расм тузиш (тартибга келтириш маъносида), тугалланмаган расмларни идрок қилиш киради. Мазкур вариациялардан фойдаланиб, экспериментал психологияга янги кўрсаткич киритишни таклиф қилади, у детериорация коэффиценти деб атайди, (детериорация — ёмонлашув, бузилиш, демакдир):

$$DK = \frac{BK_1}{BK_2} \cdot 100.$$

BK_1 — барқарор кўрсаткич, BK_2 —беқарор кўрсаткични билдиради.

Ёш одамларда мазкур коэффициент 5 фоиздан ошмайди, кексаларда эса 20 фоизга яқинлашади. Кўриниб турибдики, ёш улғайиши билан номутаносиблик даражаси ўсиб боради.

Д. Векслер тести тўғрисида ҳар хил танқидий мулоҳазалар мавжуд бўлса-да, лекин муаллифнинг ёшларга татбиқ қилган тести уларнинг ақлий тайёргарлиги даражасини, ўқишга уқувлилигини билдирса, кексаларда у ҳаётий тажрибаларга асосланган донишмандликни англатади, деган фикр тўғридир.

4. Кексалик давридаги шахснинг психологик хусусиятлари

Кексалик даврига 75—90 ёшдаги эркак ва аёллар (бува ва бувилар) киради ва бундай одамларнинг бош-

қа ёш даврларидаги одамлардан кескин фарқланадиган хусусиятлари яққол кўзга ташланади. Кексаларни жисмоний ва ақлий фаолликка мойил ҳамда пасив турмуш тарзига кўниккан қариялар гуруҳларига ажратиш мумкин. Ижтимоий фаоллик фахриялар жамоасида, касбий жамоалар фаолиятида қатнашишда ўз ифодасини топади.

Кексалик даврида фоний дунёдан умидсизлик туйғуси пайдо бўлади ва бу ҳол фаолликни, истиқбол режаларини тузишга интилишни сусайтиради. Лекин «Ўғлимни уйлантирсам, дунёдан армоним йўқ» қабилдаги мулоҳазалар доимий одатга айланиб қолган. Кексаликнинг иккинчи муҳим хусусияти бетобликда, васият қилиш, қариндош-уруғлардан рози-ризалик тилашишдир. Жисмоний ҳаракат имкониятига эга бўлган қариялар меҳнат қилишга интиладилар, бироқ унинг маҳсулидан кўнгиллари сира тўлмайди. Улар тарихий воқеаларни тирик гувоҳ сифатида батафсил баён қилиб берадилар. Нутқдаги жузъий камчиликларни ҳисобга олмаганда (айрим мантикий боғланишдаги нуқсон, талаффузнинг бузилиши) кенг кўламдаги ахборотларни ўзгаларга узатиш имкониятига эга.

Биологик қариш психик жараёнлар, ҳолатлар, хусусиятлар ва хатти-ҳаракатларда кескин ўзгаришларни вужудга келтиради. Аксарият сезги органлари заифлашади, асаб системаси кучсизланади, маълумотларни қабул қилиш (хотира) ва уларни қайта ишлаш, моҳиятини англаш (тафаккур), у ёки бу ҳолатларга нигоҳини тўплаш ва унда муайян муддат тутиб туриш (диққат) қийинлашади... Ироданинг кучсизланиши оғриқ сезгиларига нисбатан бардошлилик туйғусини емира бошлайди. Натижада ташқи таъсирни қабул қилишда диққатни саралаш хусусияти ўз аҳамиятини йўқотиб бориши сабабли қари одам бола табиат аразчан, кўнгли бўш, ҳиссиётга берилувчан характерли бўлиб қолади. Шунинг учун улар билан мулоқотга киришишда мазкур шахснинг сифатларини ҳисобга олиш мақсадга мувофиқдир. Хотиранинг заифлашуви қарияларда ҳаёлпарастлик иллатини келтириб чиқаради, кўпинча эса олиб қолиш, эса сақлаш ва эсга тушириш ўртасида кўпгина сабабларга кўра номутаносиблик туғилади, натижада унутиш жараёни кучаяди. Диққатни муайян объектга тўплай олмаслик оқибатида бирон фаолият тури устида узоқ машғул бўла олмаслик вужудга келади. Нарса ва жисмларни нотўғри идрок қилиш, яъни

иллюзиялар кўпроқ ўрин эгаллайди. Монокуляр ва бинокуляр кўришда хилма-хиллик юзага келади. Характер ҳислатларида чекиниш, ҳадиксираш, ишончсизлик ҳислари етакчи роль ўйнай бошлайди.

Психологлардан И. Байлаш ва Д. Забеклар кексаларда хотира, идрок, мантиқий тафаккур, эрудиция, нутқ суръати кабиларни тадқиқ қилиб, улар ўртасидаги қорреляцион боғланишни (хотира—0,20, идрок—0,28, мантиқий тафаккур—0,37, эрудиция—0,33, нутқ тезлиги—0,40 лигини) аниқлаганлар. Америкалик психологлар Френд ва Забеклар кексалик даврида тафаккурнинг танқидийлигини ўрганишда дедукция ва силлогизмлардан фойдаланиб, кексаликда тафаккурнинг объекти торайиши ва кескин рад қилиш кучайишини аниқлаганлар. Д. Бромлей қарияларда ижодий тафаккурнинг пасайиши, ўта қийинчилик билан янги шароитга мослашувини ва догматизмга асосланишини топган.

Б. А. Греков сўз ассоциацияси методи асосида кексаларда хотира жараёнининг хусусиятини текширган. Унинг маълумотларини қўйидагича ифодалаш мумкин:

1) 70—80 ёшлардаги кексаликда хотира (айниқса механик ёзда олиб қолиш) заифлашади;

2) 70—89 ёшларда мантиқий-маъноли хотирада миқдорнинг аҳамияти сақланади;

3) образли хотира заифлашади;

4) 70—89 ёшларда хотиранинг барқарорлик негизида маънонинг ички алоқаси ётади;

5) узоқ муддатли хотира кучсизланади;

6) 90 ёшда нутқнинг ички боғланиши бузилади;

7) хотиранинг образли, ҳиссий турлари нутқнинг тузилишига бўйсунмай қолади.

Психологияда қарияларда ақлий фаолликни ўрганишда коррекцион синов ва Крепинин синовидан фойдаланилади. Камолотнинг умумий модели У. Шайенинг уч омилли вариантлари ёрдамида яратилади.

Ҳозирги замон психология фанида кексаликни учта томондан: ёш психологияси, психогеронтология ва тиббий психология йўналишларида ўрганиш зарур маълумотлар тўплаш имкониятини бермоқда.

Соғлом қарияларда донишмандлик умрнинг охирига нафасига қадар сақланиши тажрибаларда қайд қилинди. Психопатологик ҳолатлар барча қариялар учун мажбурий босқич эмаслиги ҳам тасдиқланган.

Кексалик даврида, умуман аёллар билан эркеклар ўртасидаги донишмандликда фарқ мавжуд бўлса ҳам,

лекин қариялар орасидаги донишмандлик, донолик хислатлари ҳам иккала ҳам жинсга хосдир. Шунинг учун иккала жинс ўртасида биологик қаришда тафовут мавжуд бўлса-да, лекин руҳий жиҳатдан заифлашув жараёнида ўзаро яқинлик ҳукм суради.

Психогеронтологияда юксак ижодий фаолиятнинг ўзига хос кўринишларини тадқиқ қилиш рассомлар, ёзувчилар ва бастакорларнинг ижодини, ҳуқуқшуносларнинг қобилияти ва маҳоратни ҳисобчиларнинг касбий малакаларини ўрганиш йўналишларида амалга оширилган.

Г. Леман ўз тадқиқотларида турли соҳалардаги мутахассислар фаолиятини таҳлил қилиб, уларнинг ўзига хос хусусиятларини аниқлашга ифодалаган. Масалан, француз рассоми Клод Моне 50 ёшда 86 ёшигача ижодий қувватини сира бўшаштирмай, сермаҳсул меҳнат қилган. Унинг ижодида ҳеч қандай тушкунлик бўлмаган. Ижодий маҳсулдорлик эволюцияси Тициан, Л. Кронах, О. Тиан, Микельанжелез каби ўнлаб ижодкорларга хосдир.

Г. Леман ўз тадқиқотларида ижодий фаолликнинг ўзига хос кўринишларини ёзувчи мисолида ўрганган. Муаллиф ҳинд ёзувчиси Р. Тагорнинг ижодиётини таҳлил қилиб, унинг ижод чўққиси 69 ёшда бўлганини аниқлаган (ёзувчилар ижодиёт чўққиси 34 ёшда, 43 ёшда ҳам учрайди). Р. Тагорнинг 25 ёшида ёзган «Келин» шеъри билан 78 ёшда ёзган «Сароб» асари ўртасидаги ўхшашлик ва устунлик чуқур ифодаланган.

Г. Леман бастакор И. С. Бах (1685—1750) ижодиётини текшириб, унинг дурдона асарлари кексаликда яратилганини аниқлаган. Г. Леман ўз тажрибаларида ҳуқуқшунослик, ҳисобчилик касбларидаги шахсларни ўрганиб, улар ижодиётини муҳим жиҳатларини очиқ берган.

А. Р. Лурия хотиранинг ўзига хос хусусиятини журналист мисолида ўрганиб, кекса кишилар психикаси бўйича илмий-амалий аҳамиятга эга бўлган маълумотлар тўплаган.

Кексалик ёшидаги чол ва кампирларда ўз шахсиятига янгича муносабатлар пайдо бўлади. Кўпинча улар ўзларини камроқ безовта қилишга, жисмоний куч-қувватни аяшга, эҳтиёткорлик билан ҳаракат қилишга одатланадилар, организмларининг толиқишига йўл қўймайдилар, иложи борида нутқ фаолиятига камроқ мурожаат қиладилар, ортиқча ахборотларни қабул қил-

майдилар. Шунинг учун кексайганда «жон ширин бўлиб қолади».

Кексаликда эр-хотин ўртасидаги муносабат янада мустаҳкамланади, янги шаклда янги сифат касб этади. Мулоқот кезида барча таассуротлар, маълумотлар, кечинмалар, ҳис-туйғулар юзасидан фикр алмашадилар. Бир-бирларини қўмсаш, ҳамдардлик каби юксак туйғулар тотувликни янада мустаҳкамлайди.

Кексалик даврининг яна бир хусусияти бошқа кишиларга, бегоналарга ҳам хайрихоҳлик билдиришдир. Ана шу юксак инсонпарварлик ҳисси туфайли улар ер юзидаги жамики инсон зотида яхшилик тилайдилар. Бу сўнгги юксак туйғу байналмилалчиликнинг табиий кўринишидир. Қариялардаги раҳмдиллик, поклик, орас-талиқ, мулоимлик, самимийлик сингари туйғуларнинг ифодаланиши бошқа ёш давридаги одамлар туйғусига асло ўхшамайди. Шунинг учун «қари билганни — пари билмас», — деган нақл бор.

5. Узоқ умр кўрувчиларнинг психологик хусусиятлари

Ириқ жаҳон психологлари С. Пако, Г. Оффре, Л. Бине, У. Майнот, Э. Медавир, А. Комфорт, И. В. Давидовский, Б. Г. Ананьев, Н. В. Нагорный, Е. Д. Александрова ва бошқалар узоқ умр кўриш сирларини экологик омиллар орқали тушунтиришга ҳаракат қилдилар. Аксарият олимларнинг фикрича, экологик омиллар инсоннинг яшаш шароитига, камол топишига, бевосита ёки билвосита таъсир қиладиган омиллардир. Инсоннинг ижтимоий муҳити шароитлари ичига касб меҳнати, турмуш тарзи, маданияти ва маънавияти кабилар ки-ради.

Жаҳон фани тўплаган маълумотларга кўра очик ҳавода ортиқча зўриқишсиз жисмоний меҳнат билан шуғулланган одамларда ҳаракатнинг тезлиги, қад-қоматнинг тиклиги, маънавий тетиклик, руҳий фаоллик узоқроқ сақланади. Мана шу ҳолат жисмоний тарбия билан доимий шуғулланувчи кишиларда ҳам бўлади.

«Умрни узайтириш муаммолари» номли (1952) китобда доғистонликларда узоқ умр кўришнинг асосий сабаблари қуйидагилар экани таъкидланган: 1) Республиканинг тоғли қисмидаги иқлим шароити ва жуғрофий омиллар; 2) суткасига 3—4 марта истеъмол қилинадиган гўшти, ўсимлик мойли ва сутли озиқ-ов-

қатлар, чекишнинг, ичиш ва ортиқча жинсий алоқанинг тақиқлангани; 3) авлодан-авлодга асрлар давомида ўтиб келаётган маданий анъаналар, ўзига хос турмуш тарзи ва унинг хусусиятлари; 4) гигиенанинг барча қонун ва қоидаларига риоя қилиниши ва бутун умр бўйи жисмоний меҳнат билан шуғулланиши; 5) бир маромда ҳам пассив, ҳам актив ҳордиқ чиқариш; 6) аҳоли турмуш даражасининг моддий-маиший жиҳатдан яқинланиши ва ҳоказолар.

С. Пако ва унинг издошлари таъкидлаганидек, кексайиш жараёнида айрим психофизиологик ва психологик жараёнларнинг барқарорлашуви инсон умрининг узайишига, унда ижодий фаоллик узлуксиз давом этишига ёрдам беради, ақлий меҳнат билан доимо шуғулланувчи кекса одамларда мантикий хотира сақланади. Шу билан бирга иқтидорли ва ақлни пешлаш машқлари билан шуғулланган кишиларда ҳам интеллектнинг юксак даражаси сақланиб, бошқа билиш функцияларининг фаолияти бир текис ҳаракатни вужудга келтиради.

Узоқ умр кўришнинг, умр узайишининг муҳим омилларидан яна биттаси касб-корлик фаолиятига боғлиқ психий ҳолатнинг барқарорлашувидир. Ана шу ҳолатга инсоннинг кўриш идрокида фазони фарқлаш (фазовий тасаввур) қобилияти киради. Француз геронтолог ва офтальмолог Г. Оффре «Геронтология асослари» (1960) китобидан жой олган «Кўзнинг кексаларга хос ўзгариши» асарида илмий-амалий аҳамиятга эга бўлган маълумотлар келтиради. Унинг фикрича, кексаликда пресбиония (грекча, қариликда кўришнинг заифлашуви) ҳодисаси рўй бериб, яқинни кўриш ёмонлашади. Г. Оффренинг фикрича, 10 ёшдан кўриш аккомодациясининг кучи пасайиши, агарда 10 ёшда аккомодация кучи 16 диоптрияга (грекча оптик ўлчов) тенг бўлса, 40—45 ёшда—4, кейинчалик эса 1 бир диоптрияга тушиб кетиши мумкин. 50—60 ёшларда аккомодация ўзининг энг қуйи даражасига тушади, бироқ шундан кейинги ёш давларида барқарорлашиб боради. Жаҳон психологияси фани маълумотларига қараганда аккомодациянинг кучи шунчалик камайиб борадики, яқинни фақат кўзойнак билан кўриладиган бўлади.

Баъзи манбаларда майда нарсалар билан шуғулланмайдиган, кўзи узоқни кўришга ўрганган одамда аккомодация юксак даражада сақланиши, кўз хирала-

шуви жуда секин, гоҳо бутунлай рўй бермаслиги мумкин.

М. Я. Ложечникова ва Л. Н. Кулешованинг аниқлашича, ҳайдовчилар, темирйўлчилар, овчиларнинг кўриш сезгирлиги ёшлигида 1 ёки 1,5 бирликка тенг бўлса, узоқ йиллардан кейин ҳам ўзгармаслиги мумкин.

И. В. Давидовский ва Б. Г. Ананьевлар таъкидлаганидек, қариш ва узоқ умр кўриш ўзига хос хусусиятларга эга. Бинобарин умрни узайтиришнинг жуда кўп омиллари бор. Юқорида узоқ умр кўришнинг экологик омиллари ифодаланди, лекин унинг психологик, ижтимоий психологик омиллари, манбалари ва механизмлари ҳам мавжуддир. Умуман айтганда, инсоннинг умрини узайтириш учун шахслараро яхши муносабат, ширин муомала, самимий мулоқот, оилавий тотувлик, асаб системасини асраш, барқарор ҳис-туйғу, ҳамдардлик, психик фаоллик, иродавий тетиклик бўлиши зарур.

МУНДАРИЖА

<i>Сўз боши</i>	3
Биринчи боб	
Ёш даврлари психологияси фанининг вазифалари ва тадқиқот методлари	5
1. Ёш даврлари психологияси фанининг вазифалари ва аҳамияти	5
2. Ёш даврлари психологияси фанининг принциплари ва тадқиқот методлари	11
Иккинчи боб	
Ёш даврлари психологиясининг ривожланиш босқичлари .	32
1. Жаҳон психологлари асарларида ёш даврлари муаммоси	32
2. Ёш даврларини табақалаш назариялари	37
Учинчи боб	
Мактабгача ёшдаги болалар психологияси	49
1. Чақалоқлик даврининг психологик хусусиятлари .	49
2. Ҳудаклик даврининг психологик хусусиятлари . .	61
3. Ҳудакда мулоқот қўламининг кенгайиши ва нутқнинг вужудга келиши	70
4. Илк болалик давридаги психик ўсиш	76
5. Илк болалик даврида нутқнинг ўсиши. Ақлий ўсиш.	81
6. Мактабгача ёшдаги болалар ўсишининг умумий шарт-шароитлари	85
Тўртинчи боб	
Кичик мактаб ёшидаги ўқувчиларнинг психологик хусусиятлари	109
1. Кичик мактаб ёшидаги ўқувчилар психикаси. . .	109
2. Кичик мактаб ёшидаги ўқувчиларнинг билиш жараёнлари	115
3. Кичик мактаб ёшидаги ўқувчиларда ахлоқий тушунчаларнинг шаклланиши	128
Бешинчи боб	
Ўсмирлар психикаси	133
1. Ўсмирлар туғрисида умумий тушунча	133

2. Ўсмирларнинг биологик ўсиши	137
3. Акселерация назариялари	140
4. Ўсмирлик ёшида шахснинг шаклланиши	144
5. Ўсмирнинг ақлий камолоти	148
6. Тарбияси қийин ўсмирлар	150

О л т и н ч и б о б

Илк ўспиринлик ёшининг психологик хусусиятлари . . .	157
1. Илк ўспиринлар ақл-идрокининг хусусиятлари . . .	164
2. Илк ўспирин ва касб танлаш	168
3. Илк ўспиринларнинг турмуш ҳақидаги тасаввурлари	174

Е т т и н ч и б о б

Ўспиринлик даврининг психологик хусусиятлари	177
1. Талабаларнинг психологик хусусиятлари	178
2. Талабалар ўқув фаолиятининг хусусиятлари	183
3. Таълимдаги қийинчиликларни бартараф қилиш . . .	185
4. Талаба шахсининг ижтимоий-психологик хусусият- ларини текшириш	188
5. Ўқитувчи ва талабанинг ҳамкорлиги — таълим са- марадорлигининг муҳим омили	195

С а к к и з и н ч и б о б

Етуклик даврининг психологик хусусиятлари	198
1. Ёшлик даври ва унинг ўзига хос психологик ху- сусиятлари	198
2. Етуклик даврининг биринчи босқичидаги шахснинг психологик хусусиятлари	202
3. Етуклик даврининг иккинчи босқичидаги шахснинг психологик хусусиятлари	205

Т ў қ қ и з и н ч и б о б

Психогеронтология — кексалик психологияси	208
1. Психогеронтология ҳақида умумий тушунча	208
2. Биологик кексайиш	210
3. Кексайиш давридаги шахс психологияси	213
4. Кексалик давридаги шахснинг психологик хусусият- лари	216
5. Узоқ умр кўрувчиларнинг психологик хусусиятлари.	219

ЭРГАШ ҲОЗИЕВ

ПСИХОЛОГИЯ

(Ёш даврлари психологияси)

Педагогика институтлари ва университетларнинг
талабалари учун ўқув қўлланма

Тошкент «Ўқитувчи» 1994

Таҳририят мудири А. Аҳмедов
Муҳаррир С. Тоҳиров
Техник муҳаррир С. Турсунова
Бадий муҳаррир Э. Нурманов
Мусаҳҳиҳ М. Олимова

ИБ № 6339

Теринига берилди 21.11.93. Босишга рухсат этилди 14.02.94
Формати 60×90/16. Тип. қоғози. Кегли 10 шпонсия. Гарнитура литературская. Юқори босма усулида босилди. Шартли б. л. 14,0. Шартли кр.-отт. 14,25. Нашр л. 12,5. Тиражи 18000. Зак № 1.

«Ўқитувчи» нашриёти. Тошкент, 129. Навоий кўчаси, 30.
Шартнома 12—133—93.

Ўзбекистон Давлат Матбуот қўмитасининг Янгийўл ижара китоб фабрикаси. Янгийўл ш. Самарқанд кўчаси, 44. 1994.